

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ

А.А.ҲАСАНОВ

ИСЛОМ ТАРИХИ

ТОШКЕНТ 2008

86
X 310

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ

А. А. ҲАСАНОВ

ИСЛОМ ТАРИХИ



Тошкент - 2008

Масъул мухаррир:

С.Ағзамходжаев, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

И. Усмонов, тарих фанлари номзоди, доцент

А.Лширов, тарих фанлари доктори, профессор

Ўқув-услубий кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Тошкент Ислом Университети ўқув-услубий кенгаши ва Университет илмий кенгашини мажлисларида мухокама қилинган ва тасдиқланган (№325 февраль 2008 йил)

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича Кўмита томонидан нашрга тавсия этилган (№ 119 март 2008 йил)

Мундарижа

Маъруза 1. Кирин. Ислом тарихи фанининг мазмун-моҳияти.

Маъруза 2. Қадимги Арабистон тарихига онд манба ва адабиётлар.

Маъруза 3. Арабистон тимородидаги қадимги жамиятлар.

Маъруза 4. Жанубий Арабистондан қадими и давлатлар.

Маъруза 5. Қадими Шимолий ва Марказий Арабистон.

Маъруза 6. Қадимги Ҳижоз.

Маъруза 7. Қадимги Арабистон динлари

Маъруза 8. Ислом дини пайдо бўлишининг омиллари.

Маъруза 9. Мухаммад (сав)нинг вахй келгунга қадар Маккадаги хаёти.

Маъруза 10. “Вахй”ходисаси (феномени) ва Пайгамбарнинг Маккадаги тарғиботи.

Маъруза 11. Мусулмонларнинг Маккадан Мадинага хижрати ва унинг аҳамияти.

Маъруза 12. Мадинада “умма”нинг шаклланиши.

Маъруза 13. Макка ва Мадина ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар. “Сариялар” ва Бадр жангига (624 й.).

Маъруза 14. “Ухуд” (625 й.) ва “Хандак” (627 й.) жанглари.

Маъруза 15. “Худайбия” сулҳи (628 й.) ва унинг оқибатлари.

Маъруза 16. Макка фатҳи (630 й.) ва бутнарастликнинг барҳам топиши.

Маъруза 17. “Делегациялар” йили (631 й.) ва бошқа воқеалар.

Маъруза 18. Қуръоннинг “Тавба” сураси ва унинг моҳияти.

Маъруза 19. Мухаммад (сав)нинг видолашув ҳажжи ва вафоти.

Маъруза 20. Ислом таълимоти тизимининг шаклланиши.

Маъруза 1. Кириш. Ислом тарихи фанининг мазмун-моҳияти

Илк ислом тарихи бўйича ушбу маърузалар тўплами “Ислом тарихи” дарслигининг бир қисмини ташкил қилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг янги авюд адабиётларини яратишга оид қарорига мувофик тайёрланди.

“Ислом тарихи” фанининг максади ислом дини пайдо бўлиши, унинг гоявий асослари, тадрижий тараккиёт боскичлари, оламниумул тарихий ахамияти билан боғлик муаммоларни кенг ёритиш ҳамда анъанавий ислом таржалган ўлка сифатида Ўзбекистонининг бу жараёнда тутган ўрини ва ролини кўрсатишидир. Талабаларда ислом дини ҳакида башарият тараккиётининг муайян тарихий боскичида вужудга келган ва хозир ҳам фаолият кўрсатиб келаётган гоявий тизим сифатида илмий тасаввур хосил қилиш, ислом таълимотининг шаклланишини ва моҳияти, унинг Шарқ ҳалқлари ижтимоний, сиёсий, маданий ва шахсий ҳайтидаги роли ҳакида маълумотлар бериш ўкув кўлланиманинг асосий вазифаси деб белгиланган. Шунингдек, у тарихий шахслар, улар билан боғлик воқеалар билан таништириш орқали талабаларда рухий камолотга элтувчи гоявий ахлоқий мавқеларининг шаклланишига хизмат қиласди.

Кўлланима охирги пайтларда амалга оширилган фундаментал тадқиқотларини хисобга олган ҳолда тайёрланди: унда имкон даражасида Ватан ва хорижий тарих фанида эришилган натижалар ўз ифодасини тоғсан.

Ушбу курс туфайли талаба қуйидаги билимларни олади:

- Ислом дини пайдо бўлишининг хусусиятлари ҳакида;
- Ислом тарихи муаммоларини ҳал қилиш ҳакида;
- Ислом тарихининг даврлари ҳакида;
- Ислом ва умумий тарих ҳакида;
- Жаҳон сиёсатида “ислом омили” ҳакида ва ҳоказо.

Кўлланима мазмунин Ўзбекистон миллӣй мустақиллиги гоялари билан хамохангидир. У давлат таълим стандартлари талабларига мувофик тузилди.

Мазкур фанин ўрганини ўқитинининг анъанавий ва илгор услубларини, жумладан, экспрес сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитини, давра сухбатларини ўтказни, кодлоквиумлар, муаммоли ўқитини, техник талабларини кўлди. Боника усулини таъсислаш фойдаланини сўзлари амалга оширилади.

Ислом тарихини бади ҳизнида унин “Жоҳидия” асридан бошлаб то хозирги кунгача тадрижий тараккиёт боскичларини очиб бернига ҳаракат килинди. Кўлёзмани тайёрланада Давлат таълим стандартлари талаблари ва охирги йиллардаги назарий ва усулбий мезонлар инобатга олинди.

«Ислом тарихи» бўйича ханузгача жаҳон фанида ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Унбу дареликни яратишда қиёсий диншунослик пуктани – назаридан ёнданнинг ҳаракат килинди. Қиёсий диншунослик фани иккι йўналини ёки кўринининг эга: Гарб (Овруно) ва Шарқ (араб-мусулмон) қиёсий диншунослиги. Гарб қиёсий диншунослигининг асосий кондасига кўра, динлар, диний тафаккур ижтимоий онглиниг таркибий қисми сифатида эволюцион, яъни тадрижий тараккиётдаир. Шунга мувофик ҳар бир диннинг тарихи бор, уни тарихий-тахлилий усуlda ўрганиш мумкин.

Шарқ қиёсий диншунослигидаги ёндашув бироз бошқача. Конкрет мисол тарикасида Қохира университетининг профессори Мухаммад Халифа Ҳасанининг 2000 йили чоп этилган “Тарих ал-Адъан” (Динлар тарихи) китобига мурожаат қиладиган бўлсак, унда исломгача бўлган барча динларининг тарихи холис, жуда яхши, илмий – таҳлилий услубда берилган. Ҳар бир диннинг таҳлили “Пайдо бўлиши ва ривожланиши” (“нашъат ва татаввур”), деб номланган параграф билан бошланади. Аммо китобнинг охирги, тўртинчи, исломга багишлиланган қисмидаги бундай бўллим йўқ. Исломга нисбатан бундай иборани ишлатиб бўлмайди, деб уқтиради муаллиф. Умуман, у “Ислом тарихи” деган иборага карши. Бундай десак, гўёки VII асрда Пайгамбар Мухаммад (сав) даврида шаклланган Ислом таълимоти бир

нарсаю, хозир XXI аср бошидаги Ислом бошка нарса бўлиб колар эмиш. Аммо, муаллиф ким шундай деётганини кўрсатмайди.

Афусуки, кўпчилик араб – мусулмон диншунос олимлари “найдо бўлиши ва ривожланиши” тамойилига каршидилар. Улар орасида М.А.Дироз, Ахмад Шалабий, Мухаммад Абу Захра, Мустафо Ҳельмий каби йирик олимлар бор. Аслида бундай тенденция XX асрда гарб мустамлакачилик тизимига карши кураш пайтида шаклланганди. Шунинг учун бўлса керак, араб тилида “Тарих ал-ислам” (ислом тарихи) номи билан китоб учратмайсиз. Асосан “ат-Тарих ал-Исломий” (“Исломий тарих”) номи учрайди. Масалан, Махмуд Шокирининг араб тилидаги (турк тилига ҳам тўлиқ таржима килинган) 22 жилдли машҳур “ат-Тарих ал - Исломий” (Исломий тарих), Мухаммад Ҳузарийнинг “Муходарот фи тарих ал-умам ал-исламия” (Исломий умматларининг тарихи бўйича маърӯзалар) китоблари шулар жумласидан. Бу китобларда Ислом тарихи эмас, араб – мусулмон давлатларининг тарихи баён килинган. Кизиги шундаки, кўпчилик араб – мусулмон муаллифлари “киёсий диншунослик” (арабча “мукоронат ал – адйон”)ни исломий илмлардан бири деб эътироф этган холда, ислом “вахий” билан келган нок дин, бошка динларининг “мукалдас” деб аталган китоблари эса “фосик” кўллар томонидан яратилган, шундай экан, Исломни бошка динлар билан қиёслаш мумкин эмас, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, демак, исломдан бошка динларни хоҳлаган тарзда “мукорона” килиш ва уларни факат ислом нуктаи – назаридан ўрганиш мумкин.

Яна шуни таассуф билан таъкидлаш жоизки, кўпчилик мусулмон уламолари, шу жумладан бизнинг юртимизда ҳам, Куръонининг “Инна-д-дина индаллохи ал-Ислам” оятини тўтри талқин килишмайди ва “Аллоҳ наздида дин бу - исломдир” деб тушунишади. Ваҳоланки, парчадаги “Ислом” сўзининг турдош маъноси бор: Аллоҳга-итоат килиш, таваккул килиш, ўзни багишлаш ва ҳ.к. Агар шундай талқин килинса, тушунча кенгаяди, исломдан бошка динлар ҳам борлиги эътироф килинади. Арабча “ғайридин” сўзини ҳам “динсиз” эмас, “бошқа дин” маъносида тушуниш керак. Қолаверса,

Куръонга кўра, Аллоҳ дастлаб одамзодни бир динда, бир миллатда яратган, аммо кейинчалик улар бир-бирлари билан танишиши, мулокотда бўлиши, керак бўлса, хайрли ишларни адо этишида мусобақалашишлари учун турли динда ва миллатда бўлишиларини ирада қилди.

Биз хозир глобалланув жараёнини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бундан кўнглиларни “шарқ” – шарқ”, “шарқ – жануб”, “социалистик – социалистик лагерь” каби тушунчалар ахамиятини йўқотди. Нудо бир бўлини каби одам ҳам бир. Арабнада глобалланув “авлама”, айнан «одам» сузидан олинган. Шундай экан, жуда кўп котиб қолган акидалар, стереотиплардан воз кечинига тўгри келади.

Хўйи, шундай вазиятда биз қандай йўл тутинимиз керак? Аввалин бор, бизнинг юртимиз доимо анъанавий диний багрикенглик ўлкаси бўлиб келган. Минг йилдан ортиқ давр давомиде уламоларимиз ҳам ҳукамоларимиз ҳам изчилилк билан «ахли сунна ва жамоағи» химоя килиб келинган. Бунинг иштикази ўлароқ минтақамизда багрикенг ва маърифий ислом шаклланган. Хозир ҳам шундай. Айнан ну асосда, ўйлаймизки, биз тўгри йўл ташлаш имкониятига эгамиз. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг «Олий ва ўрта маҳсус, хунар – қасб муассасаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўгрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент ислом университети зиммасига бир неча дарсликлар каторида «Ислом тарихи» дарслигини яратиш вазифаси тушди. Дунёвийлик, илмийлик, холислик, диний ва дунёвий талқинларин бир – бирига зид қўймаслик, аксинча, имкон қадар уларнинг уйгунашувига эришиш асосий меъзон ёки тамойиллар сифатида қабул қилинди. Гарб ва шарқ диншуносларининг барча ижобий фикрларидан тўлиқ фойдаланилди. Умуман олганда, Вазирлик Ҳайъатининг янги авлод ўқув адабиётларини яратиш бўйича талабларига тўлиқ риоя қилинди.

Шу ўринда мухим бир назарий масалага ойдинлик киритиш зарур. Ислом динининг ватани Арабистон ярим ороли эканига шубҳа йўқ, албатта. Шунинг учун бўлса керак Арабистон деганда биз беихтиёр ислом дини

билан боғлиқ нарсалар, ёки, аксинча, ислом деганда Арабистон жакида ўйлаймиз. Бунга сабаб - якын пайтларгача Арабистонга оид жамики адабиётда арабларниң тарихи ислом вужудга келген вақтдан бошлинар, ундан олдинги даврга эса иккинчи даражали нарса деб караларди. Совет тарих фанида 70 йилдан ортиқ давр ичидә ислом динининг генезиси (келиб чиқиши) хусусида на методологик ёндашни шуктаи назаридан ва на мавжуд маълумотлардан фойдаланиш услуби жиҳатидан хозирги замон фани талабларига жавоб берадиган ягона, хар томонлама макбул фикрга келинмади. «Айни» 20-30, 50-60 ва ҳатто 80-йилларда юзага келган потўри назарияларга ағдариб кўя қолиш мумкин. Лекин бу камлик қиласди. Асосий «айб» тарихнинг барча босқичлари идеологизация қилинганида эди.

Ислом динининг генезиси хусусида сўз юритини учун олдиндан (априори) ўша давр араб жамиятига муайян формацион «либос» (ибтидой жамоа тузуми, кулдорлик ёки феодализм) кийдириш, сўнг бу жамиятни «расталарга жойлаб» таҳлил қилиш талаб қилинади. Ваҳоланки, Арабистон халқи VII асрда ислом вужудга келмасдан олдин бир неча минг йиллик тарихий йўлини босиб ўтди, ислом шунинг маҳсули эди.

Ишимизга назарий асос қилиб қадимги жамиятларининг типологиясини танладик. Бунинг кискача баёни қўйидагичадир.

Типологик жиҳатдан илк қадимги замон синфи жамиятларининг тараққиёти уч йўл билан кетди.

Биринчи йўл - икки иқтисодий сектор - давлат ва жамоа-хусусий секторларининг бир пайтда мавжуд бўлганилиги, уларниң ўзаро нисбатида биринчисининг (давлат сектори) устунилиги билан характерланди. Бу йўл Фротининг кўйи оқими, яъни Шумер ва Эламда кузатилди.

Иккинчи йўл Мисрда юз берди. Бу ерда жамоа-хусусий сектори батамом давлат сектори томонидан сингдирилди.

Нихоят, буюк дарё водийларини ташкил қиласада, кишлоқ хўжалиги учун қуляй бўлган ерларда нисбатан кечрок учинчи йўл вужудга келди. Дехқончилик билан бир қаторда чорвачилик, боғдорчилик ва кончилик билан

шуғулданинг бундай жамиятларни тез ривожлантириди. Бу ерларда жамоа-хусусий сектори давлат секториниң караганды кўпроқ аҳамият касб қилди. Учинчи йўлдан борган давлатлар жумласига милоддан аввал II минг йилликда бунёдга келган Кичик ва Олд Осиё давлатлари. Этей денизи атрофи ва Ўрта лентизиниң шаркий соҳиҳидаги жамиятлар киради.

Часик Шарқ, яъни ўрта тарзий йўли илк қадимги замонда (милоддан аввал III-II минг йиллар) тоз берган бўлса, бонка жойларда иктиномий тараққиёт худдидини характерга милоддан аввали Г минг йиллик ва милоднинг I минг йиллигида хам эга бўлдини, троник, тогди ва тоголди районларда эса ҳатто милодий II минг йилликнинг иккинчи ярмида хам вужудга келинни ёки қайта тикланни (мас. хозирги Афғонистон) мумкин бўлган.

Сўнги қадимги замон типологик жиҳатдан илк қадимги замондан кескин фарқ қиласди. Бу даврда тараққиёт йўлларининг 4 хили учрайди.

Биринчие на энг яхни ўрганилгани - Ўрта дениз типи. У, умуман олганда, илк қадимги замониниң учинчи йўлидан келиб чиқсан. Бу тип давлат секторининг батамом тутатилини билан характерланади. Рим империяси бу тараққиёт йўлининг энг ёркин мисолидир.

Иккинчиси - Якни Шарқ империялари (Оссурия, Янги Бобил, Ахамонийлар Эрони) ва ғолинистик давлатлар. Бу ерларда, аксинча, давлат секторининг деярли тўла устунилигини кўрамиз. Бизнингча, ўрта аср гарб феодализми ва кейинчалик гарбий Европа капитализмини ташкил қиласада жамиятлар биринчи тиннинг давоми бўлса, ўрта аср Якни ва Ўрта Шарқ империялари ва энг янги даврдаги «социалистик» жамиятлар иккинчи типнинг узвий давомидир.

Ўзига хос учинчи йўл - Хиндистонда ва тўртинчи йўл Узок Шарқда юз берди.

Арабистон ярим ороли қадимий маданият марказлари Миср ва Месопотамиядан сахролар билан ажralиб турган бўлсада, у ерда вужудга келган қадимги жамиятлар батамом янги тараққиёт йўлларини бунёд

қилмадилар. Масалан, жанубий Арабистон қадимги давлатларини Шумер ва Аккодга (илк қадимги замоннинг 1 йўли) шимолий Арабистон қадимги давлатларини эса кичик ва олд Осиёдаги қадимги жамиятларга (илк қадимги замоннинг III йўли) ва ниҳоят, қадимги Макка ва Мадина шаҳар давлатларидағи тузумни антик полис тизимиға (сўнгги қадимги замоннинг 1 йўли) ўхшатиш мумкин.

Тараққиёт йўлларининг хилидан катъи назар қадимги дунё жамиятлари уч босқични ўтадилар.

Биринчи босқич вужудга келган илк давлатлар том маъноси билан давлат эмас, балки тарқоқ, майда давлат бирликларини (масалан, қадимги Миср «шўм»лари) ташкил қилди. Бундай давлат бирликлари юксалиб, уларнинг баъзилари йирик монархияларга айланди.

Иккинчи босқичда бир қанича омиллар, энг аввалио иккисодий омил, тарқоқ давлатларни бирлаштириши такозо келган. Айтайлик, бир ўлқада «А» грух - ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш (қадимда - чорвачилик) маҳсулотлари кўпроқ, бошқа ўлқада эса «Б» грух - истеъмол молларини ишлаб чиқариш (қадимда - дехкончилик) учун кенг имкониятлар мавжуд бўлгач, бундай ўлкалар тинч йўл биланми, урушлар воситасидами, албатта бирлаштирилган. Натижада империялар вужудга келган (Оссурия, Янги Бобил, Ахамонийлар Эрони, Рим империяси ва хоказо).

Айни шу иккинчи босқичда, яъни империялар даврида, антик дунё бирмунча муддат умумжаҳон жараёнидан ажralиб, бу срда ўзига хос антик тараққиёт йўли юз берди. Асосан шаҳар-давлатларидан иборат бўлган бу дунё юонча «полис» системаси деган номни олди. Аммо полис системаси узок яшамади: ўз даврини ўтаб бўлган мустакил полисларнинг келажак тараққиёти хам уларни бирлаштириб, халқаро савдони барқарор қиласиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга кодир харбий кучга эга бўлган империясиз мумкин бўлмай қолди.

Ниҳоят, учинчи босқич империянинг кулаши билан характерланади. Одатда қадимги империялар 100-150 йилдан ортиқ хукм сурмаган (бундан

факат Рим империяси мустасно). Хар сафар империя идорасининг ўта марказлашуви, давлат ҳокимиятини туташибитар шаклга айланни мемлакатнинг келажак тараққиётига тов бўла бошлаган. Бундай шароитдан кутилизнинг бирдан-бир объектив йўли янга тарқалини, нарсаланинг бўлган.

Биз Арабистон ярим оролинин қадимги тарихини комплексе тарзда, яъни узалинча таъминланни дебиб - бибидик. Ган дураски, ярим оролинин турли районларни айтайлик, жануби, шимоли ва саҳровий килеми алоҳидаздоҳилга ўрганилган; кўн холларга хар бир тадқиқотчи ўзи эршиғи нуқасларни нировард қилинада ислом давлатининг асосий омиллари сифатида кўрсаннига уриниган. Шунинг учун ҳам ислом «савдо-капиталистик», «кўчманичи-чорвадорлик» ёки «техкончилик» замонида вужудга келди, деган ўйдан ортиқ фикрлар билдирилган. Бу фикрларнинг биронтаси илмий жамоатчиликни конкірмаянти. Бизнингча, Арабистон ярим оролининг айrim килемлари бир-биридан ижтимоий-иқтисолий тараққиёти жиҳатидан қаничалик фарқ қиласин, VI аср охири - VII аср бошида улар ўртасида социопсихологик умумийлик, мунтараклик ёки унификациялашув жараёни юз бердики, Мухаммад пайгамбар фаолияти туфайли атиги 10 йил ичиди асрлар давоминда тарқоқ бўлиб келган ўлкаларни бирлаштириш мумкин бўлди

Албатта, битта монографияда мавжуд барча хусусий тадқиқотларни конлайдиган илмий масалаларни камраб олиш имкони йўқ. Аммо қай даражада яқунланишидан катъи назар бундай асар, биринчидан, тарихий жараённинг умумий тасаввурини берса, иккинчидан, хусусий изланишиларнинг янада чукурлашувига ўз хиссасини қўшади. Ушбу қўлланмана қадимги Арабистон тарихига оид кўнгина маълумотларга аниқлик киритади ва янги фактлар билан бойитади. Умумий илмий аҳамиятидан ташкири қадимги Арабистон бўйича тадқиқот амалий аҳамиятга ҳам эга: у қадимги араб маданиятининг хусусиятларини англашга ёрдам бериш билан бирга кўнгина ҳозирги замон ижтимоий-сийсий воқеяларининг моҳиятини аниқроқ баҳолашига кўмаклашади.

Ислом динини ўзларига «никоб» килиб олган баъзи халкаро экстремистик ташкилотлар «олтин аср» - илк ислом даври конун-коидаларини жамият ва давлат қурилишининг «идеал намунаси» ёки «назарий асоси» сифатида қабул килиш даъвоси билан жаҳон афкор оммасини чалгитишга уринаётган ҳозирги пайтда «Жохилия» (Қадимги Арабистон) ва умуман ислом тарихини илмий асосда, объектив ўрганини энг долзарб масалалардан бири бўлиб колди.

Совет тарихчилигига ислом дини Макка жамиятида ҳукм сурған кризис натижасида вужудга келган, леб уқтириларди. Китобининг қадимги Макка тарихига оид килемида, аксина, ўша даврда шахар гуллаб-иниаб тургани, шахардаги савдо аристократияси Арабистон ярим ороли бўйлаб ўз гегемонлигини ўрнатганини тасдиқловчи кўплаб далиллар келтирилади.

Китобининг бош килемида Арабистоннинг қадимги тарихига оид келтирилган бой маълумотлар кейинги маърузаларда кўтарилилган ислом динининг пайдо бўлиши омиллари муаммосини янгича ҳал килинига ёрдам беради. Умуман илк ислом тарихига оид бобларининг баёни, ўна давр воқеаларининг таҳлили концептуал новаторлик услубда берилган.

«Ислом тарихи» ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга молик фан: у кўнгина ҳозирги замон ижтимоий – сиёсий воқеликларининг моҳиятини тўғри баҳолашга кўмаклашади.

Маъруза2. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар

а)Эпиграфик ёзувлар (ўйма нақилар)

Қадими Арабистон тарихи ўрта аззатуб адабиётидаги «жохилия» даври номини олди, «Жохилия» сўзи тугавий жиҳадни «жоҳодат», «омиллик», «подошлик» маънодарини анилгасат, тарихий атама сифатида у Арабистон тарихининг исломдан олдинги даврига ишбатан ишлатилади. Қуръонда бу сўз бир неча сурада учрайди. Аммо бу суралариниг бирортаси Макка суралари жумласига мансуб бўлмай, баджи барчаси Мадина сураларидан эканлиги «Жохилия» сўзи 622 йилдан сўнин, яъни мусулмонларининг Маккадан Мадинага хижрасидан сўнг шу санадан олдинги замон учун ишлатила бошлаганига далиллар.

Одатда, у ёки бу қадимги жамиятини ўрганинда аесий маълумотларни кўпроқ археологик қазилмалардан олиниди. Арабистон археологияси бобида илк бор қадамлар кўйилабтган ҳозирги даврда мутахассислар қадимги Арабистон тарихи маибалари ичизи биринчи ўринига эпиграфик ёзувларни кўймоқдалар. Қадимги Арабистон тарихига оид эпиграфик ёзувларни иккни килемга бўлиши мумкин: 1) араблар ҳакида араб тилидан бошка тилларда (масалан, Оссур, Бобил) ёзилган нақшинкор лавҳалар; 2) араб тилининг турли қадимги лажжаларида ёзилган битиклар.

Арабистон ярим оролида тошига ва бронзага ўйилган ёзувларни биринчи бор топган шаҳе - Яманда хар хил дипломатик топширикларни бажарган Россия империясининг амалдори У.Я.Зеетцендер. У 1811 йили бешта ёзувли нақшдан нусха кўчириб олди. Шундан сўнг бундай ёзувларни кидириш ва тўплаш бошланди. Француз кўлёзмалар ва нафис санъат академиясининг аъзоси Ж.Халеви 700 га яқин ёзувдан нусха кўчириди, австриялик шаркшунос Э. Глазер ёса 1882-1894 йиллар мобайнида Жанубий Арабистондан жами

1800 га якии накшдан күчирмалар ва эстампажлар билан қайтди. XX асрнинг 40-йилларигача бундай ишни Г.Фон Виссманн, Г.Рейкманс ва боинкалар давом эттирилар. Ҳозирги пайтда ўлик (жоненз) хисобланадиган қадимги Яман тилининг майн, саба, катабон, ҳадрамавт сингари лаҳжаларида битилган ёзувларни ўрганишида Ф.Хоммелъ, И.Гвиди, Н.Родоканакис, М.Хёфиер, А.Жамм, рус олимларидан Я.Б.Грунтвест, А.Г.Лундин, П.А.Грязневич, М.Б.Пиотровский ва Г.М.Бауэрлар катта хизмат килдилар. Кейинчалик бу ишга яманлик олимлар Аръянний ва А.Шарафутдинлар хам киришдилар. Жумладан, А.Шарафутдин мустакил равинида 225 накшинкор ёзувни топди ва уларни хозиргизамон араб тилига таржима қилиб, шархлар билан нашр этди.

Хозиргача б мингдан ортик Жанубий Арабистон ёзувларидан нусхалар тўпланган, уларнинг аксарияти нашр қилинган ва Австрия пойтантси Венадаги Осиё музейида сакланади. Аммо мутахасисларнинг фикрича, қадимги Арабистон тарихини тиклаш учун бу старли эмас; сифатенз нусха олинганилиги учун уларнинг баззиларидан умуман фойдаланиб бўлмайди.

Жанубий Арабистон накшинкор ёзувларининг аксарияти шахсий мавзудадир. Масалан, уй, ибодатхона ёки девор куриш хақида, касалдан шифо топиш хақида ва ҳоказо. Камдан-кам ёзув қадимги арабларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хаётидан маълумот беради. Энг ачиниарлиси шундаки, камдан-кам ёзувда музайян сана кўрсатилган. Баъзи ёзувларда ёзилган вақти ўзига хос усул билан белгиланган: у ёки бу подио хукмининг бирон йили кўрсатилган ёки бирон подио хукми даврида юз берган воқеа эслатилган. Ҳар холда хеч қандай йил кўрсатилмаган ёзувларга караганда кейингилари фойдаланиш учун кулай. Қадимги араблар күш, ой ва ҳатто юлдуз календарларидан фойдаланганига ишоралар бор, аммо улар цкли (даврияти) аникланган эмас.

Милоддан аввал 115 йили жанубий Арабистонда Ҳимёр давлати тузилигач, унинг подшолари юз берган воқеаларни Ҳимёр йилида белгилай бошлидилар. Масалан, бир ёзувда 385 ҳимёр йили кўрсатилган. Ҳозирги

календарга андарек, бу 270 милодий йилига тўғри келади. Ёзув подио Ёсир Юниумга тегинлинидир. Худин шу подиога тегинли яна бир ёзув 374 ҳимёр (259 милодий) йили билан белгиланган. Подио Шаммар Юрыни 396 ҳимёр (281 милодий) ёзирган накшида унинг узвони «малик Сабо ва зу йилида (281 милодий) ёзирган накшида унинг узвони «малик Сабо ва зу Райдон» деб кўрсатилган. Подио Шурахбил б. Аби Карб Асьад тўғон йуририб, унинг деңгиз кўйидаги магълиб наки ўйдирган («ни 564-565 ҳимёр йилларида бажарилди» битани 449-450 милодий йиллар).

Шурахбилининг номи билан бөллик яна икки ёзув тошилган: бири-582 ҳимёр (467 милодий) йили, иккинчиси-585 ҳимёр (470 милодий) йилида ёзилган. Сумайфа Анива ва унинг авлодлари битан 640 ҳимёрий (525 милодий) йили ёзувда хабарларнинг яманлilar устидаи галабаси абадийлантирилган. Яманнинг хабашли ҳокими Абраҳа буйруги билан Мариб тўғонини таъмир килини пайтида унинг деворига ёзилган накшида 657 ҳимёрий (542 милодий) йил кўрсатилган. Охири ҳимёрий ёзуви 669 (554) йил билан белгиланади. Шундан сўнг «муснал» деб аталмиш ҳимёр ёзуви (хати) умуман йўқ бўлиб кетган.

Шуни айтиши керакки, қадимги Яман тилидаги ёзувлар Арабистон ярим оролининг боинка районларидан ва ҳатто ундан узок бўлган ерлар, жумладан Делос ороли, Миер, Ирокнинг жануби ва Эфлониядан топилган.

Шимолий Арабистон тилларидаги ёзувлар ҳозирча кам микдорда топилди. Бир қабр устидаги ёдгорлик тошида 223-Бусра (Сурія) йили кўрсатилган. Бусра календари унинг Рим томонидан 105 милодий йилда босиб олинганидан бошланганини инобатга олсан, мазкур сана 328 милодий йилга тўғри келади. Ҳавронда топилган юони ва араб тилларидаги ёзувда иккала матнида 463 йил (568 милодий) кўрсатилган. Аммо арабча матнида «463 йил - Ҳайбар воқеасидан бир йил кейин» деб кўшимча қилинган. «Ҳайбар воқеаси» Гассонийлар томонидан Ҳайбар шаҳрининг ишғол қилинганига ишора. Юони матнида йўқ бўлган бу иборанинг кўшилиши Шимолий арабларнинг мустакил календари бўлганидан далолат беради. Қиннасерин ва Фрот дарёси ўртасида Ҳалаб шаҳридан жануби-шарқроқда жойлашган Зайд

шахри харобаларида уч тил - юони, сирёний (оромий) ва араб тилларида битилган ёзув топилган. Унда 823 селевкий (512 милодий) иили кўрсатилган.

Шимолий араблар ўзларининг бир эмас, бир неча ёзувларига эга бўлгандар: лихённий, самудий, сафовий.

Лихённий исми билан маълум бўлган бир неча юз накш топилган. Аммо бу ёзувларининг эгаси ва асосан хозирги ал-Ула (қадимги Дедаңга якин) жойда истикомат килган бу араб аҳолиси хақида маълумотлар жуда оз. Мутахассислар ўртасида лихён ёзувининг пайдо бўлган вақти хусусида яқдиллик йўқ: базилар уни милоддан аввал V аср билан белгиласалар. бошқалар милоддан кейинги вақтин кўрсатадилар. Қандай бўлганди хам лихён ёзувлари исломдан анича оддинги вақтга тегишилидир. Бу ёзувлардан лихёнли бир канча бошликларининг исми ўқилган, лекин бу ерда хам хеч қандай тарихий сана кўреатилмаган. Кўичиликнинг фикрича, лихёнлиларининг тархи мил. 475 йилингача етиб келган. Кўинни қабилаларининг тазикинга барлош бера олмаган лихёнлилар ўзларининг асл ватанларидан жанубга - Макка якинига кўчиб келгандар, зоро ўрта аср манбаларida улар Хузайл қабила туркуми таркибида берилгандар.

Самуд ёзувларида хам муҳим маълумотлар бор. Матијарда кўп учрайдиган Ахмад, Ҳилол, Кааб, Жалол сингари исмларга караганда уларнинг тили - Қуръон тилига якин эканлиги кўринади.

Сафовий ёзувлари француз олими Ж.Халеви уларни топган жой - Сафономи билан аталади. Олимлар ихтиёрида хозир З мингдан зиёл сафовий ёзувлари мавжуд бўлса-да, бу ёзувларининг эгалари хақида деярли хеч нарса маълум эмас.

б) диний китоблар

Диний китоблар, уларни тафсир ва шарҳларида хам қадимги араблар хақида маълумотлар учрайди. Биринчи навбатда бу ерда Таврот, Талмуд ва Қуръон кўзда тутиляпти. Тавротнинг грекча «Та библиа» номи - китоблар демакдир. Бу, асосан, диний мазмундаги китоблар бўлиб, милоддан аввалги XIII асрдан то милоднинг II асригача бунёдга келган. Библия икки катта

киемдан иборат: 1) милодгача қадимги яхудий тилида ёзилган Қадимиј Аҳл (39 китоб) ва 2) илк христиан идеологлари томонидан қадимги юони тилида ёзилган Яиги Аҳл (27 китоб). Библиянинг 70 китобдан иборат, юони тилига таржимаси Сентуагинта деб аталади.

Диний китоблар жумласига яхудийларнинг хуқукий, диний, фалсафий ва ахлок нормаларини ўз ичита олсан, милодавал IV асрдан то милоднинг IV асригача ёзилган кўп жилдли Талмуд хам киради.

Тавротнинг «Борлик» китобида Сом ва унинг авлодлари хақида, шимолий арабларнинг узок аждодлари Иброҳим пайғамбар ва унинг ўғли Исмоил хақида, «Солномалар» китобининг иккичинча Сабо маликаси ва Сулаймон хақида, «Нахмия» китобида эса хар хил араб подшодари ва кабилалари хақида ривоятлар бор.

Милоднинг III-VII асрларида христиан рухонийлари томонидан юони ва сирёний тилларида ёзилган кўплаб китобларида хам қадимги Арабистон тарихига онд маълумотлар учрайди. Бундай китобларнинг қиймати шундаки, уларда Арабистонга христиан динининг кириб келинин билан бөглиқ воқеалар, йирик христиан йиғилишлари (соборлар), урушилар ва бошқа муҳим тарихий ҳодисаларининг аниқ санаен кўреатилган. Кесарияли епископлар Эвсебий (265-340) ва Геласий (320-394) кўп жилдли «Черковлар тарихи»ни ёзганлар. Бейт Аршамили Семион - «Химёр шахидларининг хатлари» китобининг муаллифи - ўз маълумотларини гўё Рим императорининг топшириги билан Хира подноси хузурида бўлгандан тўплаган. VI асрда яшаган Прокопий Византия императори Юстинианинг йирик саркардаларидан бири Велизарийнинг шахсий котиби бўлган ва Юстиниан олиб борган урушилар хақидаги тарих китобида араблар хусусида қисман маълумотлар берган. Арабистонда христиан динининг тутган мавқенга онд материаллар Евагрий Схоласт (вафоти 600 й.) ва Теофилакт Симокатталарининг (вафоти 640 й.) «Черков тарихи» китобларининг аксар қисмини ташкил киласди.

Маиба сифатида ислом диний китоблари, биринчи навбатда. Куръондан фойдаланмок керак. Маълумки. Куръон китобининг жами 114 сурасидан 86 таси Макка суралари хисобланади. Агар биз мусулмон асири билан ундан олдинги давр ўртасидаги чегара сифатида 622 йил. яйни Маккадан Малинага пайгамбар хижраси йилини оладиган бўлсак, бу сураларга, элемак, арабларнинг исломчача давридаги тарзи, одатлари, ташкиллари, алокалари, ўша давр оламидаи ахвол, икки буюк давлат (Византия ва Ором) ракобати, ишоят Курайши қабиласи зодагонларининг исломга карни мавжиди хакидаги маълумотларга эга бўламиз. Шуниси характерлики. Куръон маълумотлари ўрта аср араб тарихчиларининг «Жохилия» даврида тўё араб жамияти ташкил дунёдан батамом ажралиб, яккаланиб қолганларни хакидаги фикрларини рад қиласди.

Умуман олганда, Тавротдаги кўп ривоятлар Куръонда хам зикр килинган. Фарқ шундаки, Куръонда улар ислом талқинида берилган. Масалан. Саба маликаси хакидаги Таврот ва Куръон ривоятларида гап айнан бир хил шахслар хусусида борса-да, мазмунан улар ўртасида катта фарқ бор. Куръонда қадимги Яман тарихида юз берган йирик воқеа - Мариб тўғонининг бузилгани хакида хам ривоят бор. Аммо Мариб тўғони бир неча марта бузилган. Куръонда одатда, биронта тарихий сана кўрсатилмагани боис кайси бирига ишора қилинаётгани аниқ эмас эди. Геологлар радиокарбон усулида олиб борилган тадқиқот орқали бу воқеа милодий 580 йилда содир бўлганини исботлаб бердилар.

Шунингдек, Куръон тафсирлари, хадис китоблари ва уларнинг шарҳларида хам «Жохилия» ва илк ислом тарихига оид нодир маълумотлар мавжуд.

Антиқ авторлар

Антиқ авторларнинг қадимги араблар ҳакида колдирган маълумотлари катта ахамият қасб қиласди. Гап шундаки, улар кўпинча ўзлари хикоя қилаётган воқеаларнинг замондошлари бўлганлар. Бу маълумотларни антиқ авторлар шимолий Арабистонга римлилар ёки юнонлар уюштирган юришлар

катиашчиларидан, Арабистонга савдо ёки саёҳат билан борган шахслардан, Арабистон кирғозларига сувган дентизчилардан олганлар.

Араблар ҳакида биринчи бўлиб маълумот берган юнон авторлари Эсхил (мил.аввали 525-456) ва Геродот дир (мил.аввали 480-425). Геродот Мисрға зиёрат килигач, у ерда тўплланган маълумотларидан фойдаланиб, биринчи бор, чиройли усулбда бобларга бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келиган тарих китобини ёзи. Шу китоби учун Цицерон унга «Тарих отаси» лакабини берган. Теофраст (мил. аввали 371-287) Арабистон ўсимлик дунёсининг, айникса, Жанубий Арабистондаги экспорт қилинадиган нодир ўсимликларининг багафенл байинни колдирган. Буюк сайёҳ ва географ Страбон (мил.аввали 64-мил.19) 17 жиллик «География» китобининг 16 ичи жилдидаги Арабистонга багишланган макеус боб берган. Унда ўша даврдаги араб шахарлари, қабилалари, савдои, ижтимоий, иктисадий муносабатлари тилга олинган. Страбон маълумотларининг энг кимматларин - римлилар Жанубий Арабистонга мил.аввали 24-ичи йили уюштирган Элиос Галюс боинчилигидаги ҳарбий юришининг таевиридир, зоро. Страбон Мисрға ҳоким киличиб тайинланган Элиосининг дўсти бўлган. Страбон экспедиция ҳакидаги хикоясини қўйидаги ибора билан тутатган: «Римлиларнинг Арабистон юртига шу кунларда Элиос Галюс кўмайдонлигига қилган юриши бизни бу ўлка ҳакидаги кўп нарсаларга ўргатди. Плиний (нафоти 79 йил) ўзининг 32 килемдан иборат «Табнат тарихи» китобида Арабистон ҳакидаги ўша даврда тўплаш мумкин бўлган маълумотларни деярли тўлиқ беришга ҳаракат киласди.

II асрда Александрияда яшаган Клавдий Птолемейнинг «География» китоби то ўрта аср охирларигача Европада дарслик сифатида кўлланилган. Бу китобда хам Арабистон шахарлари, қабилалари ва уларнинг ахволи ҳакида маълумотлар бор.

Арабистон ҳакида бироз маълумот берганлар қаторига Флавий Арианни (95-175) хам қўшиш мумкин. Унинг македонияли Искандар юришлари

ҳакидаги катта китобида юони флотининг Нарх бошчилигига Хиндиистондан Форс кўрғазига қайтиши батафсил хикоя килинган.

2) араб тарихий адабиёти

Ислом галабасидан кейинги биринчи-иккинчи асрларда араблар ўзларининг ўтмиштан колган моддий ёдгорликларига эътиборсиз бўлгилар. Енгай караганида «Узабиний ход, ишети» тарихида доимо шундай бўлиб келин. Ижтимоий онганини шаклларидан бирора сифат ўзгаришин юз берган пайдга (бу ўринда динини ўзгариши кўзда тутиляти) шу ўзгаришини олдинги ҳолат инкор килинган. «Ислом илтари бунёд бўлган нарсаларни вайрон кизлажак», - деган хадис бор. Адбатта, Мухаммад найтамбар бу хадисида исломдан олдин Арабистонда кенин тарказланган кўпхудолиликни, бутсанамларга сиёнишини кўзла тутган. Афуски, унинг издошлиари ўтмиштан колган маъданий меросни бутушилай йўқотиб юборишларига оз колди. Аммо вақти келиб, бошка ҳалкларда бўлганини каби арабларда хам ўтмиш тарихларини ўрганиш эктиёжи тутилди. Юноналар, римлилар, яхудийлар, форслар ва бошка қадимги ҳалкларда хам биринчи тарих китоблари афсоналар, ривоятлар ва ҳалқ достонларидан иборат бўлган. Лекин араблар тарих майдонига чиккан пайтларида у ҳалкларда давр талабига жавоб берадиган, ёзма анъанага асосланган тарих китоблари мавжуд эди.

Биринчи араб тарихчилари «ахборийлар» (хабарчилар) деб ном олдилар. Уларнинг қўл остида оғиздан-оғизга ўтиб келган оғзаки анъанадан бошка материал йўқ эди. «Ахборийлар»нинг араб подшолари ҳакида, араблар ва форслар ўртасидаги муносабатлар ҳакида колдирган маълумотларига ишонса бўлади, зеро кўпинча воеалар бевосита шохидлар оғиздан олиниарди.

Энг биринчи ахборийлар жумласига Убайд б. Шаря, Вахб б.Мунаффих, Мухаммад б. ас-Соиб ал-Калбий ва унинг ўғли Хишам б. ас-Соиб ва бошқалар киради.

Убайд б. Шаря (вафоти 686 милодий) асли Сана шаҳридан бўлиб, у «Китоб ал-амсол», «Китоб ал-мулук ва ахбор ал-модийин», «Китоб ат-тижан фи мулук Ҳимёр вал-Яман» китобларининг муаллифи хисобланади. Айника, 20

унинг «Китоб ал-мулук ва ахбор ал-модийин» китоби катта шуҳрат қозониб, ўрта асрларда кўн шуҳаларда кўчирилганди. Убайднинг «ахборлари» турли-туман шеърлар, «иеролиёт» (Таврот ва бошка яхудий диний китобларидан олинган сюжетлар) руҳидаги афсоналар билан тўла бўлган ва оммада кенг кизикини ўйготган.

Айтинширича, Вахб б. Мунаффих (вафоти 728 й.) дастлаб яхудий динида бўлган. Араб адабиётида кенг таржалган «иеролиётлар» шу муаллифдан бошланган, дейиниади. Вахб ахборлари ичидаги қадимги Яман, Нажрон христианлари ва уларнинг Зу Навое томонидан азобланиши ҳакида маълумотлар бор. У христиан руҳонийларининг асарлари, хусусан, Байт Аришамли Семионнинг китобидан фойдаланган кўринади.

Куфалик машҳур уламо Ҳишом б. ас-Соиб ал-Калбийни (вафоти 819 й.) том маънида Жоҳиция даврининг биринчи ҳакикий тарихчиси дейин мумкин. У ўз асарларида биринчи бор манбалардан далил келтирган. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, унинг кўн далиллари потўрги бўлиб чиқди. Шуни айтни жонзки, мазкур муаллифлар тарихий адабиётда «Қаҳтонийлар анъанаси» деб ном олган мажмуани бошлаб берганилар. VIII аср-шимолий ва жанубий арабларнинг вакиллари орасида олий хокимият учун кураннинг кизиган пайти эди ва асосан жанубий арабларга мансуб бўлган Қаҳтоний муаллифлари Яманинг қадимги тарихини бўрттириб кўрсатишга харакат килдилар.

Кейинги асрларда араб тарихий тафаккури ўз тараққиётининг юкори чўккиларига эришиди, кўп жилдлик умумий тарих китоблари ёзишлиди. Бу китобларда воеалар олатда Одам атодан бошланади, то муаллиф яшаган вақтгача етказиларди. Ибн Ҳишом (вафоти 218 х.й.), Ибн Кутайба (вафоти 276 х.й.), ал-Якубий (вафоти 293 х.й.), ат-Табарий (вафоти 310 х.й.), ал-Масъудий (вафоти 346 й), Ёқут (вафоти 626 х.й.), Ибн ал-Асир (вафоти 650 х.й.), Абул-Фидо (вафоти 735 х.й.), Ибн Ҳалдун (вафоти 807 х.й.) ва бошқаларнинг китобларини вараклаган киши ислом тарихига оид маълумотларнинг накадар муфассал ва аниқлигидан ҳайратланса, айни 21

вактда бу китобларда исломгача бўлган давр қанчалик мавхумлигидан ажабланади. Тўгри, бу муаллифларнинг биронтаси қадимги Арабистон тарихи бўйича маҳсус китоб ёзмаган. Қадимги Арабистон, хусусан, қадими Яман бўйича энг кўп маълумот берган ўрга аср араб муаллифлари ичизи иккитаси ажралиб тураги.

Ҳасан б.Лҳам ал-Хамдони (ваф.) 970-71 й. кишии ибни музалиффлардан фарқин ўзарек қадимиги Яман ғилорликларини зиёрат килинган. Уларнинг тарихий-географик баёнини ёзиш, муснад (жанубий араб) ёзувларидан бир қансасини ўқиб, шарҳ қилингага харакат килинган. Ҳозирги замон араб тарихчилариниң (Жавоҳ Али, Аҳмад Шарафиёнин ва хоказо) ёзишича, ал-Хамдони қадимиги яман тилининг граматикасини билмаганинги туфайли ёзувларни тўгри ўқий олмаган ва бунинг натижасида уларни хотүгри шарҳлаган.

Нашван б. Сайд ал-Химёри (вафоти 1177 милодий) ўзининг «Шаме ул-улум ва даво қалом ал-араб мин ал-кулум» (Илмлар күёши ва араб қаломи билан жароҳатлардан даволанини) деган китобида жанубий арабларга хос сўз ва ибораларни тўплаган, қадимиги Яман тарихи ва тили ҳақида маълумотлар берган. Нашван б. Сайдига ал-Хамдонийининг таъсири кучли бўлган, хатто муаллифнинг эътироф қилишича, ал-Хамдонийининг «ал-Иклил» асаридан бутун-бутун бобларни бироз кискартириб кўчирган. Шунинг учун Нашванда хам худди ал-Хамдонийининг ҳатолари қайтарилиши бежиз эмас.

Яна шуни қайд қилиш керакки, ўрга аср араб тарихчилари қадимги Арабистон тарихига онд маълумотларни асосан «Жоҳиля» адабиёти деб ном олган қадимиги араб адабиётидан олганлар. «Жоҳиля» адабиёти оғиздан-оғизга ўтиб келган настрий ҳамда назмий асарлардан иборат бўлиб, тарихан у исломдан олдинги 1,5-2 - асрни ўз ичига олади. Фольклор шаклидаги бу адабиёт VIII-X асрларда араб филологлари томонидан тўпландган «Айём ал-араб» (наср) ва «Муаллақот» (назм) туркум тўпламлари шаклида бизнинг давримизгача етиб келган.

Хуллас, ахборийларнинг ислом арафасида юз берган воқеалар ҳақидаги маълумотларига ишонса бўлади, чунки бу хабарлар бевосита шоҳидлар оғиздан олинган. Аммо улар ёзган узок ўтмини тарихи афсоналардан ва муболагалардан нарига ўтмади.

Жоҳиля шеърияти масаласида эса умуман унинг ҳакқоний ёки ҳакқоний эмаслиги, яъни VIII-IX асрларда Аббосийлар ҳалифалигининг турли шахарларида араб филологлари томонидан тўпландган шеърлар ҳақиқатан V-VI аср шоирларига мансубми ёки усталик билан килинган тўқимами, деган муаммо ётади. XX асрнинг 20-йиллари англиялик шарқшунос С.Маргодиус за миерлик одим Taxa Ҳусайнлар бутун исломодли шеъриятини анча кейинги даврларнинг адабий маҳсули деб хисоблаган бўлсалар, академик И.Ю.Крачковский аксенича уни асл деб билди.

Илмий адабиётининг ҳозирги ҳолатида жоҳиля шеъриятини батамом инкор қилини мақсадга мувофик эмас, албатта. Жоҳиля даври асарлари ҳақиқатан ислом вужудга келингандан олдин муайян шоирлар томонидан ижод килинган ва VIII-X асрларда уларни тўплани ва таҳrir қилини жараёнида араб филологлари томонидан жузъий ўзгартинилар киритилган деб қаралса, улардан манба сифатида бемалол фойдаланиши мумкин бўлади.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб миллий мустакилликка эриниш туфайли араб мамлакатларида маҳалий тарихчи-олимларнинг ўз кўхна тарихларига қизикишлари кучайди. Натижада араб тилида кўплаб тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг ичизи энг кўзга кўрингани - Ж.Алиниң 1951-1959 йилларда нашир қилинган 8 жилдлик «Исломдан олдинги араблар тарихи»дир. Шу нарса диккатга сазоворки, муаллиф нафакат араб тилида, балки юпон, лотин, сирёпий ва ҳозирги замон Farbий Европа тилларида мавжуд барча адабиётдан фойдаланган. Асарнинг хар бир жилдидаги исломдан олдинги араб жамиятининг муайян соҳаси тадқик килинган. Масалан: 2,3, 4 -жиллар - сиёсий тарих, 5 ва 6 -жиллар - қадимиги Арабистон динлари, 7-жилд - қадимиги Арабистон тиллари ва ниҳоят 8-жилд - ижтимоий масалаларга багишланган. 1970-1979 йиллар мазкур китобнинг

тўлдирилган янги нашри Багдод ва Байрутда 10 жилда бироз ўзгаририлган ном билан чоп килинди.

Керакли адабиёт сифатида манбалардан, айниқса, жохилия шеъриятидан кеп фойдаланиб ёзилган Байрут ва Искандария университетларининг профессори Солим ал-Азизининг китобини хам алоҳида эслатиш мумкин. Энг муҳими, муаллиф шарқий Арабистон тарихининг китоби алоҳидан тўғри тушиунади. «Хеч шак-иҳу ҳасиз. - деб ёзида у мұкашимада, - арабтарининг қадимги тарихи умумараб ва, айниқса, ислом динининг вужудга келсин тарихи учун мухим мағазулардан хисобланади, зоро у бу тарихининг асоси, ислом асрининг жуда кўп ижтимойи, иктисадий ва маданий томонларини факат қадимги тарихии ўрганилгандағина тафсир килиш мумкин». Китобда Фессонийлар ва Лахмийлар давлати хамда Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларидаги исломдан олдинги вазият ёркни берилган.

Машхур араб тарихчиси ва ёзувчиси Журжий Зайдон ва мисрлик тарихчи М.М. Ноғайларининг XX аср боши ва ўрталарида қадимги Арабистон тарихи ҳакида ёзган асарлари деярли ярим араб дунёсида севимли китобларидан хисобланаб келди.

Араб тарихчилари Арабистон ярим оролининг айрим кисмларини чукур ўрганиш билан бөглиқ асарлар ҳам ёздилар. Булар жумласига А.Х.Шарафиддин ва М.А.Боғакиҳларининг қадимги Яман тарихи, А.И.Аш-Шарифнинг Макка ва Мадинага багишлиланган китобларини киритиш мумкин.

Бир катор араб тарихчи олимларининг қадимги Арабистон тарихи бўйича чоп қилинган лекциялари киска, илмий аппаратсиз ва асосан ўкув мақсадларига хизмат килсада, манзарани тўлигича тасаввур килишга ёрдам беради.

Бундан ташкири араб мамлактларида узок ўтмишини улуглаш, идеаллаштириш руҳида кўплаб оммабол китоблар ёзилаятики, улар тарихий фактлардан кўра кўпроқ ривоятларга асосланган ва илмий мақсадга хизмат кила олмайди.

о)гарб саиёҳлари ва шарқшунослари

24

Қадимги Арабистон тарихини замонавий усууда ўрганишини гарб шарқшунослари бошлаб бердилар. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларидан Европа музейлари махсус Шарқ экспонатлари билан тўлиб-тоша бошлаган бир пайдада у ерда Арабистон ярим оролидан бирорта экспонат йўқ оди. Ҳали Арабистонни қашф кильмок даркор оди. 1762-1763 йил даниялик саиёҳ К.Нибур европаликлар ичизда биринчи бўлиб Арабистонга сафар килди. У олимлар ёзтиборини муснад ёзувларига каратди. 1810-1811 йилларда Россия империясининг фуқароси У.Зеетцен бир неча бор Яманга сафар килган. Россияда бу сафарлар деярли из колдирмаган бўлса-да, унинг Гарбий Европага юборган кундаликлари асосида тўрт жилди китоб ёзилди. Бемадод айтни мумкини, шундан сўнг Европада Арабистонга қизиқиши кучайиб кетди. Швейцариялик саиёҳ Л.Буркхард мусулемон кийимида Иброҳим б. Абдулло номи билан Ҳижозга борди. Ҳожилар сафида Макка ва Мадинанинни зиёрат килиб, бу ҳақда китоб ёзди. Инглиз офицери Ж.Велестед Жанубий Арабистонга сафар килиб, 640 химёрий (525 милодий) йили ёзилган муснад ёзувдан нусха кўчириди.

Арабистонни қашф кибуцчилар орасида деярли барча қасб эталарини учратини мумкин оди. Француз аптекачини Т.Арио 1843 йили Яманини зиёрат килиб, ўз қасби оркасида кўп қабила шайхлари ва йирик арбоблар билан яки мунисабатда бўлишига эришиди. Бундан фойдаланиб, у Яманнинг ички районлари, жумладан Жауф ва Марнбда анча муддат истиқомат килди. Арио жами 56 ёзувдан нусха кўчириди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Арабистонни ўрганишга бевосита шарқшунос олимлар киришидилар. Кўп ўтмай Жанубий Арабистон ёзувлари бир хил хатда ёзилган бўлса-да, (бу хат арабча муснад номини олгани бир неча бор қайд қилинди) улар майн, саба, қатабон, ҳадрамавт сингари ҳар хил лаҳжаларда эканлиги маълум бўлди.

Асли яхудий, француз кўллэзмалар ва нафис санъат Академиясининг аъзоси Жозеф Халеви ҳакида алоҳида тўхтаб ўтиш керак. У тиланчи-гадой киёфасида Яманга кириб, мамлакатнинг деярли ҳамма ерларини кезди.

25

Ватанига кайтаркан, Халеви ўзи билан 686 нақшинкор ёзувдан нусха олиб кетди. 1872-74 йиллари бу олим «Осиё» журналида сафар хотиралари билан бир каторда мазкур ёзувларнинг таржимаси ва шархларини бир неча туркумда нашр килди. Австриялик олим Э.Глазер Халевидан хам ўтиб кетди. У тўрт марта (1882-84; 1885-86; 1887-88; 1892 йиллар) Яман ва Хадрамавтнинг туғриларига сафағ тадди. Мариб, Сирия, харобалари орасидан юзлаб ёзувларни тоили. Э.Глазер ёзувлардан кўчирмалар олинида хали хеч ким кўлламаган янги усуслар - нурга таъсирчан котоз ва гипе колиниларидан фойдаланди. Махаллий ахолидан бир неча кининга бу усусларни ўргатиб, уларни хизматга ёллади. Бу буюк олим келтирган Арабистон ёзувлари Вена Миллий музейининг маҳсус бўлимида сакланади. Халеви ва Глазер тўплаган ёзувлар тўла нашр килинган. Улар фанда СИИ ва RES шартли белгиларини олди. RES нашри кейин топилган ёзувлар хисобига хозиргача давом этиб келмоқда.

Бир катор европалик шарқшунослар Марказий ва Шимолий Арабистонни зиёрат килганилар. Жумладан, Г.Воллин 1845 йил Наждга килган сафари хақида китоб ёзган, машҳур голландиялик шарқшунос Сиук Хюргронье 1885-86 йиллар Ҳижозда бўлиб, у ердаги хаёт ва ҳаж маросимлари хақида китоблар ёзди. Машҳур Нажд тезчопар отларига ишқивоз бўлган аёл Анна Блант 1897 йили Шимолий Арабистондан то Наджгача кезиб, 1883 йили Лондонда бу сафари хақида 2 жилдли китобини чоп килди. Инглиз сайёхи Ч.Лоти Шимолий Арабистон саҳролари, бадавийларнинг ижтимоий хаёти, одатлари билан қизикди. Унинг инглиз тилида 1888 йили чоп қилинган 2 жилдли китоби бошқа Европа тилларига хам таржима қилинган.

Сайёх ва олимларнинг Арабистонга килган сафарлари шунчаки сайд бўлмагани, кўпинча уларнинг хаётлари кил устида турганини унутмаслик керак. Сэр Ричард Бартон мусулмон кийимида Абдулло исми билан Макка ва Мадинага зиёрат килиб, бу хақда икки жилдли китоб колдириди. Немис сайёхи Х.Фон Малтзен эса Магрибда бирмунча муддат яшаб, махаллий

лахжани ўргангач, магрибий кийимда Маккага йўл олди ва сафар хотираларини китоб килиб ёзди. Асли чехославакиялик сайёх Алойс Мусил Шимолий Арабистон, Ҳижоз ва ўрта Евфратни кезиб, 1926-30 йилларда Нью-Йоркда фактларга бой тарихий очерклардан иборат олтита китоб чиқарди. Арабистон ярим оролига бағишланган кўпилаб китобларнинг муаллифи Б.Томас 1929 йил февралидан тарихда биринчи марта Рубъ ал-Холи саҳросини кесиб ўтди. Инглиз арабшуноси Ж.Филбининг хатарли саргузаштлари буидан колишибади. У ислом динини қабул қилиб, ўзига Ҳож Абдулло Филби деб ном олди. Мамлакатни ўрганиш учун биронта европалик олим Филбидек имкониятга эга бўлмаган. У Саудия Арабистони мамлакатининг кироли Абдул Азизнинг мудозимлари сафидан ўрин олганди. Филбининг ярим зер бурун Арабистон ҳақида ёзган китоблари бугунги кунда хам ахамиятини ўқотгани йўқ.

XX зер ўргаларигача Арабистонга сайёх ва шарқшунослар одатда якка якка келган бўлса, 50-йиллардан кейин бу ерга илмий-тадқикот гурухлари кела бошлади. 1950-52 йиллари қадимги Яман бўйинча йирик мутахассислар В.Филиппе, В.Олбрайт ва бошқалардан иборат гурух «Инсонни ўрганиш Америка муассаси» номи билан Адан ва Шимолий Яманда археологик ишлар олиб борди. 1960 йилдан бошлаб шу групна Оманда археологик қазишлар билан шугулланди. 1962 йили бошқа Америка шарқшунослари гурухи Саудия Арабистонида иш олиб борди. Улар мамлакатининг бир қанча районларини зиёрат қилиб, қадимги сопол идишилардан намуналар, самудий ва наботий ёзувларидан суратлар олдики, уларнинг ичидаги энг кимматлиси Тейма шаҳридан жануброкла Фунайли тогидан топилган ёзувлардир. Бундан ташқари тошга ўйилган араб худоларининг суратлари хам топилди.

Шуни айтиш керакки, тадқикотлар кенгайган сари қадимги Арабистон тарихи ҳақидаги китобларнинг савияси орта борди. Баъзи китоблар ёзилганига бир аср ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ўз кийматини ўқотгани йўқ. Шулар жумласига Кусан де Персевалнинг «Арабларнинг исломга қадар тарихи», Леоне Каэтанининг «Ислом солномалари»

китобидаги қадимги Арабистонга багишланган мұқаддима, Д.О'лерининг «Мұхаммаддан олдинги Арабистон» китобларини киритиш мүмкін. Баъзи шарқшунослар қадимги Арабистоннинг муайян районига багишланган асарлар ёздилар. Бу ўринда Р.Дюссонинг «Исломдан олдинги Шом араблари», Т.Нёлдекенинг «Сосонийлар даврида форслар ва араблар», «Гасоний амирлар». Розентейннинг «Араблар дахмийесінде» деб номланган китобларини өзләтті мүмкін. Иеломга қадар араблардаги диний холатта багишланган тағықотлар хам яратылди. Уларнинг ичидә әзіз мұхими Ю.Вельхаузенинг «Араб күпхудодилининг қолдиклари» китобидир.

Қадимги Арабистон тарихиниң үрганишда қадимги тилларни билгап тишинос олимлар жуда катта хисса қўшилар. Ф.Гоммелъ, Н.Родоканакис, Фон Виссман, К.Бистон, Ж.Рикман, А.Грохман, В.Олбрайт, А.Жамм, М.Хёфнер, Ж.Пиреннилар қадимги мани, саба ва ҳадрамавт тилларida топилған эпиграфик ёзувларнинг аксариятини ўқидилар. Шу туфайли қадимги Яман давлатлари ҳокимларининг исемлари, ҳокимлик қилинган йиллари ҳакида талайгина маълумотлар тўпланди. Ички Арабистонга килинган юришлар, христианлар билан курашилар, Мариб йўғонининг таъмирланиши ҳакидаги муснад ёзувларнинг бошқа манбалар билан киёслаш имконияти пайдо бўлди ва бунинг натижасида жанубий Арабистон ёзувлари аниқ ва ишончли манба эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

e) рус ва совет тарихшунослиги

Рус ва совет тарих фанида асосий эътибор илк ислом ва ўрта аср араб маданияти тарихига берилган ҳолда арабларнинг исломолди давр тарихига иккинчи даражали мавзу деб караб келинди. Шундай бўлсада, асrimиз бошидаёқ машҳур рус арабшунослари томонидан ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлар яратилди. Булар жумласига И.Ю.Крачковскийнинг жохилия шеъриятига багишланган мақолалари, А.Е.Кримскийнинг халифат тарихи курсидаги исломдан олдинги даврга оид кисмларини киритиш мүмкін.

Совет шарқшунослигига ислом ва исломолди тарихининг биринчи жиддий тадқиқотчиси сифатида академик В.В.Бартольдни эътироф этиши мүмкін. 20-йилларда ёзилган мақолаларда ва айниқса «Мусайлима» номли асарида у ислом динини вужудга келин масаласини VI аср охири ва VII аср бошида Арабистонда юзага келган диний-сиёсий харакат билан боялади. Бартольд бу харакатни «кўнхудолилик ва яккахудолилик» ўртасидаги кураш сифатида таърифлаб, у «факат диний гоялар соҳасида эмас, балки кўпроқ ижтимоий муносабатлар доирасида кечганилгани» таъкидлади.

Аммо 1925 йили академик В.В.Бартольд, бизнингча, бир хато фикрини илари сурди. «Ҳамма динлар ичида, - деб ёзган ёди у, - ислом ўз ҳалқининг ўтмини билан әзіз кам боялангандир». Афсуски, бу фикр ҳалигача ўз тарафдорларига ўга. Улар ислом дини асосан ўша вактда Арабистонда тарқалган иудаизм, христианлик, зароастризм, яман монотензм ва турли диний-фалсафий системаларнинг таъсири натижасида вужудга келган деб хисоблаб, унинг генезисини үрганишда Мухаммад пайгамбарнинг ҳаёті ва унга таъсири қилинган мұхитни таҳлил қилиндан нари ўтмадилар. 30, 50-60-йилларда юз берган баҳсларда катнашган кўп совет шарқшунослари хам ислом дини бир неча минг йиллик тарихий жараёнининг ҳосили сифатида VII аср бошида бадавий араблар эмас, балки ярим оролнинг ўтрок ахолиси, әзіз мұхими, пул-товар муносабатлари юксак даражада ривожланган Макка, Мадина каби шаҳарлари ахолиси орасида вужудга келганини кўрсата билмадилар.

Бошқача бўлиши мүмкін хам эмасди, чунки совет тарихчи-арабшуносларидан биронтаси 60-йилларгача қадимги Арабистон тарихи билан маҳсус шугулланмаган. Балки буни манбаларнинг характери билан боялаш мүмкіндир. Бизгача етиб келган ёзувларнинг аксарияти сирёйи (оромий) ёки муснад (жанубий араб) хатида битилган. Қандай бўлганда хам қадимги Арабистон тарихи бўйича биринчи жиддий асар муаллифи - йирик сиролог Н.В.Пигуловскаядир. 1941 йили у сирёйи манбаларига асосланиб, VI аср арабларига багишланган катта мақоласини эълон қилди. Кўп йиллар

давомида юонон, сирёний ва араб манбаларини чукур ўрганиш натижасида Н.В.Пигулевская 1951 йили Византияниң IV-VI асрлардаги ташки савдоси хакида йирик монография нашр килди. унда Жанубий Арабистонга тааллукли махсус боб бор. Шундан сүнг арабларниң Эрон ва Византия билан муносабатлари олимани кизиктирған етакчи масалалардан бири бўлди. 1964 йили унинг бутунларидаги бир канча тадқиқотларни билдирирган яхши асари чиқди. Муаддифининг ўзига көс новаторлиги шундаки, у араб кўчманди кабилаларини ўрганиш билан чегараланиб келмай. Арабистон ярим оролини тўлигича - Ямандан тортиб Суриягача «Якин Шарқстаги учинчи кўч сифатида» тадқиқ килишга харакат килди.

Шуни таъкидлани жонзки. Н.В.Пигулевскаяниң асарлари, шарқ манбаларидан мўл фойдаланганни учун бўлса керак, тарихга «европоцентристик» ишқтаи назар билан карашдан холидир. Н.В.Пигулевскаяниң, А.Г.Лундин, П.А.Грязневич, М.Б.Пицковский, И.Ш.Шифман ва О.Г.Большаков сингари шогирдлари ва ёш ҳамкаслари илмий йўналишларининг шаклланишида хизмати катта бўлди.

Таникли тарихчи-арабшунос олим Е.А.Беляевниң изланишлари асосан илк халифат даври билан чегараланди. Бу мавзудаги унинг қаламига мансуб ёнг машхур монография «V-VI асрларда Арабистон ва араблар» сарлавҳали боб билан бошланган.

60-80-йилларда совет арабшунос олимларидан катта гурухи бир катор араб мамлакатларида илмий сафарларда бўлдилар. Улар ўрта аср араб кўлёзмалари ва уларниң нашрлари билан кенгроқ танишиш, қадимги яман ёзувларидан нусхалар кўчириш, дала кундаклари олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Натижада бизни кизиктираётган мавзуларда талайгина диссертациялар ёқланди ва китоблар нашр қилинди.

А.Г.Лундин асосан жанубий Арабистон ёзувларига асосланиб, ўнлаб катта ва кичик асарлар ёзди. Бемалол айтиш мумкинки, унинг тадқиқотлари совет сабошунослиги фанига асос солди. А.Г.Лундин Г.ва Ж.Рикманслар, В.Каскель, А.Бистон ва А.Жамм сингари кўзга кўринган гарб

сабошунослигининг таржималари ва изохларини ҳаконий равишда тақид килди ва кўп холларда ўз талкинини берди. Аммо ўзининг «Жанубий Арабистон VI асрда» леб номланган дастлабки йирик асарида А.Лундин, бизнингча, като равишда Химёр давлатининг барро бўлини вақтни IV милодий аср охири билан белгилаб, бу фикридан у кейинги асарларида ҳам воз кечмади. Жумладан, 1971 йили чоп қилинган «Сабо мукарриблари давлати» номли фундаментал китобида у Сабо давлати хукмини эр.авв. 115 йилгача эмас, балки то IV милодий асрдага давом эттиради.

А.Г.Лундин илмий анжуманиларда қадимги араб давлатлари ва ислом динининг ижтимоий илдизлари хусусида ҳам чиқишилар килди.

П.А.Грязневич 60-80 - йиллар мобайнида дастлаб одий таржимон, сүнг БМТ стипендиати ва, ишҳоят, етук илмий ходим сифатида Яманга сафарлар килди. Шу асномда у 400 дан ортик ҳали ҳеч ким қашф қилмаган қадимги яман ёзувларини тўплади, жуда кўп археологик ёдгорликларни ўрганди ва катта тарихий-географик дала ишларини олиб бордики, уларниң натижаси бир неча китобларни ташкил килди.

1983 йили Яманниң Ҳадрамавт вилоятида совет-яман комплекс экспедицияси иш бошлаб, унинг аъзолари 5 йил давомида осорий, тарихий, тарихий-жугрофий, этнографик ҳамда тишишнослик ва архитектура соҳаларида чукур тадқиқотлар олиб бордилар. Бу тадбирининг ташаббускорлари ва фаол қадимчиларидан бири П.А.Грязневич эди. Тўплангани маълумотлар пухта ишланиб, тўлиқ эълон қилинганича йўқ. Ҳозирча бу хакда дастлабки илмий ахборотлар қилинди, холос. Яманда араб тилида 2 килемдан иборат «Қадимги ва ҳозирги Ҳадрамавт» номи билан мақолалар тўплами нашр қилинди. Унда П.А.Грязневич масъул мухаррир ва бир неча мақолаларниң муаллифи сифатида қадимашди.

Қадимги Яман тарихини ўрганиш билан бир каторда асосий ихтисослиги арабшунос-тарихчи бўлган П.А.Грязневич ислом динининг генезиси билан боғлиқ мавзуларда катор асарлар ёзди. Бир неча ленинградлик таникли исломшунос олимларниң 1984 йили чоп қилинган

махсус китобидаги жами 25 маколадан 7 таси П.А.Грязневичга тегишилдири. Чамаси 80-йиллар бошида П.А.Грязневич ва СССР ФЛ Шарқшунослик институти Ленинград бўлими кошидаги Якин Шарқ кабинети аъзолари ислом дини генезиси бўйича баҳени янгитдан бошлашни мўлжалладилар. Хусусан, П.А.Грязневич Бартольд давридан бошлаб то 80-йилларгача совет тарихшунослигида бўйича бисбутларни барча фикрларни кескин ташкил киради ва бир ибора билан айтганда «исломнинг вужудга келини ва тарқалиши жамоа-уругчилик тузумини бошидан кечираётган жамият доирасида юз берди», лекан тезисни илгари сурди.

Бу мавзу тадқикотимиз доирасидан ташқарида бўлсада, шунун айтиш жоизки, ленинградлик олимларнинг ислом генезиси масаласини тубдан кайта кўриш ҳакидаги фикрлари хеч қандай ижобий натижага бермади, зеро бу тадқикотчилар ҳали ҳам формацион таълимот қобигига қолаётганлари боис уларнинг никоний хулосалари объектив ва мантиқий бўлиши амри маҳол эди. Бизнингча, Арабистон ярим оролининг Яман, Ҳижоз ва ўтрок ахоли яшаган бошка қадими маданият ўчоклари ҳали старлича ўрганилганни йўқ, талабга жавоб берадиган даражада манбаҳунослик базасига эга эмасмиз. Шундай экан, қадимги Арабистон тарихига оид мавжуд маълумотлар П.А.Грязневичнинг ислом «жамоа-уругчилик тузуми доирасида» вужудга келгани ҳакида қатъий хукм чиқаришига асос бўла олмайди.

60-йилларнинг иккинчи ярмида қадимги Арабистон тарихи тадқикотчилари сафига ёш, забардаст олим, М.Б.Пиотровский қўшилди. У 1965 йилдан 1984 йилгача Миср, Сурья, Иордания, Ирак, Кувайт ва Яманга илмий сафарларда бўлди ва шунингдек, Ҳадрамавтда олиб борилган совет-яман комплекс экспедициясининг ишларида катнашди. Истебдодли арабшунос М.Б.Пиотровский бир неча йил Адандаги ижтимоий фанлар олий мактабида Яман тарихидан лекциялар ўқиди, Сана, Бағдод, Мосул, Басра, Кувайт университетларида айрим чиқишлар қилди, араб тилидаги қўп жилдли «Яман тарихи» китобини тайёрлашда катнашди.

М.Б.Пиотровский қадимги ва илк ўрта аср Яманн бўйича кандидатлик сўнг докторлик диссертацияларини ёқлади, уларнинг мазмуни бир неча макола ва монографияларни ташкил қилди. М.Б.Пиотровский илк ислом тарихи мавзуларидан бир катор маколалар муаллифи ҳамдир. Зикр килинган асерларнинг катта килеми араб тилига таржима килиниб, Аданда босмадан чиқарилган.

Юкорида зелатилган Ҳадрамавт совет-яман комплекс экспедициясида катнашган археолог Х.А.Амирханов Жанубий Арабистоннинг тош аери тарихига багишланган докторлик диссертациясини ёқлади.

О.Г.Болынзаков асоссан ўрга аср Якин Шарқида ижтимоий-иктисодий муносабтларни таъдик килини билан машгул бўлсада, унинг Ҳалифат тарихига багишланган йирик монографиясида I-II боблар бизни қизиктирган даврга тегишилдири.

Қадимги Арабистон тарихини ёритишида иврит, грек, лотин, оромий (сирёний) тилиларидаги манбалардан ёнг кенг фойдаланаётган тадқикотчи И.Ш.Шифмандин. Асли ихтиёси қадимги Юонистон ва Рим тарихи бўлган бу олим исломдан оддинги Шимолий араб давлатларидан наботийлар ва талмур ҳакида монографияларни ёзди. I-III милодий асрлар давридаги Сурья жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тарихига багишланган монографиясида И.Ш.Шифман илгари кўчманичилик тарзида яшаган арабларнинг бу пайтда Дамашк, Пальмира сингари йирик шахарларда муким бўлиб қолганиларни кўреатди. Айниқса китобиниң Пальмирага тегишли кисмлари изланишларимиз йўналиши учун катта аҳамият қасб қилди.

Айни вақтда шунун қайд қилини керакки, И.Ш.Шифман яхудий-исроил ва юонон-рим қадимги адабиётидан олинган наботийлар ва Пальмира тарихига оид бальзи маълумотларни мавжуд араб ёки қадимги Месопотамия ёзувлари билан қиёсламайди. Масалан, яхудий анъанасига кўра Пальмиранинг асосчиси подшо Соломон (мил.авв.Х аср) деб эътироф этган ҳолда бошқа манбага мувофик Тиглатпалассар (мил.авв. XI аср) давридаёқ бу шахар - давлати мавжуд бўлганини эслатмайди.

Вл.В.Полосин иби ал-Калбийга оид 2 макола ва «Китоб ал-Асном»нинг рус тилига таржимасини сўзбоши ва шархлар билан нашр килди.

Москвалик олимлардан бевосита қадимги Арабистон тарихи билан Г.М.Бауэр ва Л.В.Негрялар шугулландилар. Қадимги Яман ёзувлари бўйича бир неча макола эълон килгач, Г.М.Бауэр 1964 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади. Унинг жанубий Арабистон ёзувчарининг тилига багишланган ажойиб монографияси босмадан чиқди. Л.В.Негря ўзининг 1981 йил чоп килинган монографиясини Шимолий ва Марказий Арабистонда кўчманчи чорвадорчилик билан шугулланган араб кабилаларида V-VII асрларда юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилига багишлади.

Хулоса килиб аўтганида рус тилидаги тарихий адабиётда қадимги Арабистон тарихига оид макола ва монографик асарлар асосан 60 - 80 йиллар орасида пайдо бўлди. Аммо шу пайтгача Арабистон ярим оролининг исломдан олдинги даврини тўлигича ёритган бирон асар ёзилгани йўқ.

Мустакиллик йилларигача ўзбек тилидаги тарихий адабиётда қадимги Арабистон тарихи маҳсус тадқиқ килинган эмас. Йирик ўзбек исломшунос олимлари М.Л.Усмонов ва Н.Иброҳимовларнинг Куръони карим билан боғлиқ илмий фаолиятларида мазкур мавзуга билосита тегишли маълумотлар мавжуд. Охирги йилларда ушбу сатрлар муаллифи бевосита мавзу бўйича қатор илмий асарлар эълон килди.

Маъруза 3.Арабистон яриморолидаги энг қадимги жамиятлар.

а) Арабистон тош ва бронза асрида

Хозирги пайтда уёки бу мамлакат ерида энг қадимги инсон жамоалари қачондан бошлаб истикомат килиган деган саволга жавоб бернида радиокорбон (ёки радиоутгерод) усули кўлланилади. Масалан, хозирги Эрон ерида инсон 50 минг йилдан бери янаб келмоқда, деган хуносага келинди. Арабистон ярим оролида бу хусусда илмий ишлар ҳали деярли олиб борилгани йўқ. Шундай бўлсада, тоин асри тарихи кейинги пайтларда бироз ойдинлаша бошлади.

Археолог Х.А.Амирхонов 1983-84 йиллари Ҳадрамавтда 20 дан ортик тош асрига оид ёдгорликларни тонди. Улар орасида кўилаб тош қуроллар мавжудки, энг оддийлари олғувай (1млн. йилдан ортик) ва ашель даврларига (1 млн. йилдан 80 минг йилгача) таалуқли бўлса, маҳсус ов ва меҳнат тош қуроллари юкори нағолитта (35-10 минг йиллар) тегинлидир.

Шундай килиб, археологларнинг Ямандаги изланишлари натижасида Арабистоннинг жанубида инсон тош асрининг барча даврида янаган деган хуносага келинди. Бу канифётлар яна шуни кўреатадики, Арабистон жанубида янаган энг қадимги аҳоли шарқий Африка аҳолиси билан бир хил қуролларни ишлатган. Аммо кейинчалик негадир Ҳадрамавт ўз тарақкиётида орқада колди. Даили сифатида шуни айтиш мумкинки, вулқоний шишадан (обсидиан) тайёрланган ўткир қуроллар Ўрга деңгиз ҳавзаси ва Шарқий Африкада милаввал III минг йилликда кенг тарқалган бир пайтда Ҳадрамавтда улар факат I минг йилликда жорий бўлди.

Тош асрига оид қуроллар ярим оролининг бошқа районларидан ҳам, жумладан Шарқий Арабистондаги Давадми, Катарнинг Увайнат Али ва Даҳхон деган жойларидан топилди. Мутахассисларнинг фикрича, хозирги Баҳрайн ороли ва Шарқий Арабистон соҳили Европада музлик йиллари ҳукм сурган пайтларда (мил.авв. 50 минг йилликлар) табиий шароитига кўра хозирги Юнонистонга ўхшаш бўлган. Ерлари ўрмонлар билан қопланган, аҳолиси асосан овчилик билан шугулланган. Баҳрайндан топилган кўплаб

гранит қуроллар ҳайвонларни овлаш ва, айниқса, балиқларни тилемланида ишлатилғанлиги күрнисіб турибди. Баҳрайндан мил.авв. 12-10 минг йилликтарга тегишли, чорвачилик асрининг охири ва деңгөнчиликка ўтиңда ишлатилған гранит тошдан ясалған наиза учлари ва пичоклар топилди. Бу тош қуроллар шу даражада силикленген ва ўтқирланған әдіки, улардан бемалоя дон ва ўтларни ўриңидә фойдаланған мүмкін әди.

Баҳрайнда ҳозирғы күнде күм тепаликларидан иборат 100 мингта якин қадимги қабрлар бор. Шулардан бириңде иккита бутун инсон скелети топилди. Иккала мурда хам іюзини күнчікар томонға қаратиб, ўнг бикниңига ёткізіб күмілған. Бұндай одат мил. аввали III минг йилликда Месопотамияда хам бор әди4. Қадимги Мисердаги сингары Баҳрайнда хам мурда билан бирға ҳайвонлар, кулол идишилар ва кимматбаҳо нарсалар күмілған. Бу эса қадимғи Баҳрайнлиларда хам нариғи дүнә түшүнчесін бўлғанлиги ва у дүнёда кайта тирилишга ишонғанларидан далолат беради. Топилған буюмлар ичидә тұякуш тұхуми шундай шаклда кесилгандықи, ундан коса ёки пиёла сифатида фойдаланилған күрнисіб турибиди5.

Баҳра йи күм тепаликлари - қабрларнинг сони ниҳоятда күп эканлигини мутахассислар күйидегіча изохладылар. Ахоли асосан Шаркий Арабистонда яшагану, мурдаларни Баҳрайнда дағы қылған. Бу қабрларнинг аксарияти мил.аввали 3000-1500 йилларга тегишилдір. Абу Дабининг Умм ан-Нор деган жойда қазилған қабрлар хам мил.аввали 3000 йилларга таалукқидір.

1958-1963 йиллари даниялық археологлар Кувайтта карашли Файлака оролида қазышлар олиб бордилар. У ерда топилған биноларнинг харобалары ва манзил буюмларнинг қолдиклари хам мил.аввали III минг йиллик билан саналанади. Форс күрфазидаги бу ва бошқа ороллар кемачилар ва савдогарлар учун мұваққат истироҳат жойи хизматини ўтаганлиғи аникландиб.

Арабистоннинг гарбий ва жанубий районларидаги төгларда жуда күп горлар сакланиб қолған. Қадим замонларда ахоли улардан манзил, қабристон,

мукашас жойлар сифатида фойдаланған. Аммо бу горлардаги нарсалар қадим замонларда ек талаптани түфайли бізгача мәддий ёлғорниклар деярли етіб келмаган.

Топи ва бронза аерілан топилған аниәттер кинчалық оз бўлмасин, улар Арабистон ахолиси ўша узок ўтмиңда тапки олам билан, айниқса Месопотамия, Шом, Ўрганған из сохири Африка китъаси ... Хиндистон билан алоказа бўлғандығын кўрсатади. Ҳусусан, ҳозирғи Ирок ва Суря Арабистон ярим оролининг узий давомидир, янын қадимги ахоли учун бу ерларда хеч қандай чегара бўлмаган. Ҳало мутахассислар ҳозирғи Ливан ерларидан ўриашыб колиб, бу ун Ўрга деңиз сохирини ўзлаштирган машхур финикийлар асли Баҳрайнлилардир, леб хисобланмоқдалар.

Ирок ва Шомга якин ерларда яшаган араблар ҳакидаги ёнг қадимғи маълумотлар Шумер, Аққод ва Оссур ёзувларидан учрайди. Аммо бу ёзувларда улар у ерларнинг кўчманчи ахолиси сифатида эслатилған. Ирок ва Шомда вужудига келған ёнг қадимғи давлатларнинг ҳокимлари ўзларнинг жанубий чегараларини хавғеизлиқда сактап учун араб қабилаларнинг бошликлари билан муроса кишинига мажбур бўлғандар. Бу ҳокимлар араб қабилаларига Фрот дарёси ва Шомнинг әкни әкіладылған ерлардан нариға ўтишга имкон бермаганлар.

Арабистон Сино ярим ороли орқали Мисер билан хам туташдир. Антиқ авторлар Геродот ва Плиннийларнинг ёзинища, Синодан шарқда араб қабилалари яшаб келған. Бундан ташқары антиқ авторлар Қизил деңгизни Араб күрфази (Синус-Арабикус) леб атаганлари хам бежиз эмас, кўринади.

Ниҳоят, Месопотамияга жануб томондан туташ бўлған Форс күрфазининг гарбий сохири - Шаркий Арабистонга алоҳида тўхтаб ўтмок керак. Мальумки, қадимғи Месопотамия тарихи Шумер, Аққод ва Оссурия міххат ёзувлари асосида писбатан пухта ўрганилған. Ана шу ёзувларда Дилмун, Маган (Макан) деган жой номлари күп марта учрайди.

б) Дилмун

Даниялик археологлар Баҳрайнда Барбар ибодатхонаси (мил.аввал 3000 йилга таалуккы) ўрганғандаридың сүйінде күдүк мавжуд бўлғанига эътибор бердишлар. Ахоли бу күдүк сүйінде диний маросимлар учун фойдаланган. Худди шу экспедиция Баҳрайнда мил.аввал 2500 йилга тегишли шаҳар колдикларини казини ишларини олиб борди. Шаҳар салқам 5 метр баландлықдаги девор билан ўралган, тоңдан курилган. Шаҳар ичидә алоҳида қалъя ва унинг дарвозаси топилди.

Урук подшоларининг учинчи сұлоласидан бўлған Лутал-Заттеси (мил.аввал 2400-2371 й.) юришилари ҳакида хикоя килювчи бир матида уни Куйи денгиз (Форс кўрфази) ва Юкори денгиз (Ўрта денгиз, бошқа тахминниң кўра Ван кўли) гача ерларни босиб олгани айтилади. Шаррукин, яны Один лақаби билан маълум бўлған Аккод подшоси Сартон (мил.аввал 2371-2316 й.) хам Жанубий ёки Куйи денгиз кирғозини босиб олгани ҳакида ёзув колдирган. Бу маълумотлар Дилмуни ҳакида әкаплиги маълум бўлди.

Ур матиларида айтилишича, у ердан Дилемунга бир неча кемаларда кўплаб моллар олиб борилган ва катта фойда билан кайтилган. Дилемун савдогарлари хам ўз навбатида Ур молларини Ҳиндистон ва Шаркий Африкага, у ердан олинган металл, ёғоч, атир сингари сердаромад молларни Урга элтиб сотганлар. Дилемун савдогарлари Урда ушр (ўндан бир) солик тўлаганлари маълум.

Мил.аввал III-II минг йилларда Дилемун халқаро бозор ва йирик транзит савдо пункті ролини ўйнаганлигига далиллар кўп. Ур шахридаги Нингал ибодатхонасидан 8 лавҳа топилган. Уларниң кўпчилигига ёзилган санаси кўрсатилган: мил.аввал 1907-1871 йиллар ораси. Ана шу лавҳаларда Дилемундан Урга келтириб Нингал ибодатхонасига ҳадя қилинган куйидаги кимматбаҳо молларининг номлари бор: мис, балиқ кўзи (марварид, дур), ок маржон, фил суяги, тошбақа косаси, сурма ва хоказо. Мил.аввал 2027, 2026, 2024 - йилларга тегишли бошқа лавҳаларда Дилемундан келтирилган бир неча партияда, жами деярли 20 тонна вазнли мис кийматига яраша Урдан жун олиб кетилгани қайд қилинган. Лавҳаларда келтирилган исмларга қараганда

Дилмуни савдогарлар Урда узок вакт истиқомат килиб, катта савдо шинларини бажарғандар.

Даниялик археологлар қашф қилиган Баҳрайндағы биргина Барбар ибодатхонасинин майдони буғун Ур шахри майдонининг ярмича келади. Агар Ур шахри Месопотамиянинг ёнг йирик шаҳарларидан бири бўлғани чибантта одинса... Дилемунниң кўлемини тасаввур килини қийин эмас. Албанта, Дилемунниң бойлиги, унинг равиақини кичкинагина орол таъминлай олмаси. Нинчурдан тоңигдан 278 қатордан иборат «Эни ва Нинхурсағ» номини олган поэмада сув худоси Энкининг Дилемунга аталған худоси масалани бирмунча ойдилаштириди:

«...Тукрин мамлакати сенга (яны Дилемунга) олтин келтирсан;

- Медухха мамлакати (Хиндиистонда) сенга сердолик тоши ва кемачилик учун ёғоч келтирсан;

- Мархани мамлакати сенга кимматбаҳо тошлар, билур келтирсан;

- Маган (Ўман) мамлакати сенга кўп мис, днорит ва бошқа тошлар келтирсан;

- Денгиз ортидаги ўлка (шаркий Африка бўлса керак) сенга фил суяги келтирсан;

- Заламгир мамлакати (?) сенга жун келтирсан;

- Элам мамлакати сенга жун ва соликлар келтирсан;

- Муқаддас Ур ... сенга дон, кунжут мойи, мухташам ва нозик матолар келтирсан;

- Денгиз поёнлари сенга фаровонлик келтирсан;

Шаҳар - манзиллари ажойиб!

Дилемун - манзиллари ажойиб!»

Месопотамияда Аккод давлатининг юксалиши ва Ур нуфузининг пасайиши Дилемунга салбий таъсир қилди. Ҳаммурапи (мил.аввал XVIII аср) пайтида умуман Дилемун тилга олинмайди. Оссурия хокимлари Месопотамияни бирлаштиргач, улар яна Форс кўрфазига ўз нигоҳларини қаратдилар. Оссурия подшоси Тукульти-Нинурта (мил.аввал 1224-1208) ўз

давлати таркибига «күнчиқардаги Күйи дөңгизни» кўшганини фахр билан ёзиб қолдирган.

Милаввал VIII-VII асрларда Дилмун яна тикланган, равиак тонган кўринади. Хар калай, Саргонидлар даврига тегинили ёзувларда Дилмун номи кўп марта тилга олинган. Синнахореб тъкидлашича, у Бобилни тобе килгач, Дилмунни кўшиб олишга азм килиб, у ерга ўз элчинини юборган. Орол подиоси Синнахореб хукмронлигини тан олишга рози бўлган ва жузъя юборган. Ашшурбанипал пайтида хам Дилмун унга тобе ерлар жумласига кирган. Шу зайлда Дилмун Ахамонийлар ва Селевкийлар хукми остида хам бўлиб келди. Селевкийлар хукми тугагач, Дилмунида қандайдир фожиа юз берган ва аҳоли уни ташлаб кетган кўринади.

Антик авторларда Дилмун Тилос номи билан берилган. Плиний Тилосни лаъл ўлкаси деб атаган ва уни кирюқдаги машхур Герра шахри каринеидаги орол деб васф килган.

Хозирги пайтда кўпчилик мутахассислар Дилмунни Баҳрайн ороли ва унга якин бўлган Арабистоннинг шаркий соҳиши билан айнан бир деб қарамоқдалар.

Дилмун тарихини батафсил ёритиш учун албатта, маълумотлар етариш эмас. Лекин Шумер, Аккод ва Оссурия манбаларидан шу нарса аниқ кўринниб турибдики, милаввал III минг йилликнда Арабистон ярим оролининг шаркий қисмидаги ўзига хос цивилизация ўчоги вужудга келган. Тузумига кўра, бу жамиятлар шахар-давлатлардан иборат бўлган (қадимги Шумердаги Ур, Ниппур, Урук, Лагаш ва бошка шаҳар-давлатлари сингари). Бу давлатлар ахолисининг асосий машгулоти савдо, кемачилик, балиқчилик, дөнгиз тубидан лаъл қидириш, булок сувларидан фойдаланиб, томорка дехкончилигини олиб бориш бўлган. Бундай идора усули ва ҳаёт тарзини табиатнинг ўзи тақозо килган. Бу ерда деярли ёгингарчилик бўлмайди, бирорта оқар дарё йўқ. Аҳоли, асосан хўжалик юритиш мумкин бўлган баъзи жойлардагина кичик-кичик жамоа бўлиб яшаган. Месопотамия ёки Мисрдаги сингари марказлашган давлат тузиш учун бу ерда имконият йўқ. Ҳоким

одатла кичик бир шахар ёки бир жамоани бошқарган. Шунинг учун хам бу жамиятлар кетма-кет шумерлар, аккодлар ва оссурийларга осонгина «ем» бўлган.

Кўнчилик ёзувларта Дилмун қандайдир мукуддас жой сифатида тасвирланган. Шумер ва Аккод жамиятарида Дилмун ҳакида диний гибеллар кенин тарзинида. Машхур «Энки ва Нинхурса», «Гилгамен» афсоналаридаи вожеда Дилмун билан бўғлиқ. Бир Бобил матнида Пардесу деган жой номи зикр килинган. Иврит (қадимги яхудий) тизида Пардез, арабида Фирдавста тўғри келациган бу жой Дилмунининг бошқача номидир. Шу асосда баъзи олимлар Таврнинг зикр килинган «Жаннат Адан»ни Дилмун билан таккослайдилар. Айниқса шумер эник номлари ва афсоналари Диамунга таъриф беринча ажralиб туради: уларда Дилмун «гуллаб-яшнаган», «ёруг», «худодар учун жаннат», «ҳар қандай қасал ва ҳатто ўлимдан фориг», «мукалтас ўлка» сифатида тасвирланган.

Бу фактии факат Диамуннинг Шумер учун катта иктисадий аҳамиятга эга бўлганинги билан тушунтириши камлик қиласи. Археологлар томонидан тасвирланган Диамун-Шумер иктисадий алоқалари ёзув пайдо бўлган пайт (Жемдет Наэр маданийти), яъни милаввал III минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Юкорида зикр килинган мифологиянинг келиб чиқиши эса ундан анча илгари. Бу чигални очишга Баҳрайн оролининг ўзи қисман кўмаклашиди. Гап шундаки, бутуниги кунда хам бу оролда подир, камдан-кам учрайдиган манзарани кўриниши мумкин: атроф-мухит асосан саҳродан иборат бўлганига қарамай ора-сира чаман боғлар, хурмо дараҳтлари билан тўла ўрмон, жўшкни чучук сувли булоқлар учрайди. Одамлар маҳаллий воҳаларни сугориб турган сув қаердан келаётганини билмасдилар ва, табиийки, худонинг марҳамати, деб тушунардилар.

Баҳрайн воҳаларининг жумбоги якиндагина очилди. Геологлар аниқлашича, ер ости сувларининг сарчашмалари Баҳрайндан 500-700 км гарбда жойлашган экан. Бу - Арабистон ярим оролининг төғли районлари Ҳижоз, Асир, Нажд, Шимолий Яманга тўғри келади. Маълумки, бу районлар

муссон мавсумларида ёмгирга тўяди. У ердан ёмгир сувлари тогжинсларининг киялигига мувофик равишда ерининг нам саклайдиган катламлари узра жануби-шаркий ва шаркий йўналишларда Форс ва Ўмон кўрфазларининг киргокларига караб интилади. Ер ости сувларининг сатхи юкори босимли бўлганилиги учун Кувайт ва Ўмондаги унча чукур бўлмаган кудуклар бу сатхга стиши имкониятини беради. Шунингдек, босим кучлилиги натижасида ер ости сувлари ўз-ўзидан Арабистоннинг шаркий киргокларидан, Баҳрайн ороли киргокларидан ва ҳатто дengиз тубидан булоқ бўлиб чикади. Бундан салкам беш минг йил аввал ёзилган «Гилгамеш хакидаги афсона»да «худолар ёрлакаган Утиашитим» деган кини Гилгаменга «абадийлик», яъни ўлмаслик ато килувчи бир гиё - ўт факт Дилмун деган жойда, дengиз тубида ўсажагини айтганида «жон» бор экан!.

Бу хам ҳали жумбоининг тугал очими эмас, шекилди. Охирги археологик тадқиқотларга караланди миллаввал V минг йилларининг охири - IV минг йилларининг бошида Арабистоннинг шаркий соҳилида (Баҳрайн-Дилмуни ўз ичига олган ходда) ва Месопотамиянинг жанубидаги Убайд маданиятига мансуб илк деҳкончилик билан шугулланган қабилалар янаган. Ҳар қалай, улар фойдаланган кулол идииларининг қолдиқлари айнан бир хил. Археологлар Убайд маданиятини Шумер маданиятидан бевосита олдин ўтган, яъни унинг ўтмишоши деб хисоблайдилар. Агар Убайд маданиятининг асли ватани жануброқда, яъни шаркий Арабистонда эканлиги эътиборга олинса, Шумер мифологиясида Дилмун (Баҳрайн) жаният макон жой сифатида эъзозланганини инсонда илк ватанга писбатан абадий сакланадиган эзгу хиссият деб тушуниш осон бўларди.

в) Макан (Маган)

Қадимги Месопотамия ёзувларида кўпинча Дилмун сўзидан сўнг Макан ёки Magan деган жой номи тилга олинади. Бундай ёзувларнинг энг қадимгиси Аккод подшоси Саргонга (мил.аввал 2371-2316) тегишли. Унда «Аккод юртларига Мелуххадан кемалар, Макандан кемалар, Дилмундан кемалар келади», дейилган. Кейинги Аккод подшоси Маништусу (мил.аввал

2306-2292 йй.) Ӯрон соҳилидан Арабистон соҳилига харбий дengиз экспедициясини юборганини хакида никоя қиласди. Гўё унинг кемалари киртоқка этиб келганди, унга карни 32 шахарнинг подшоси куч тўнгаганини, аммо Аккод уларни сингиб, ўзига бўйсундирганини. Шу туфайли Аккод кумум конларига ога бўлганиши. Қуйи дengизнинг жанубидаги тоглардан одинган тошлар Озил худоси шарафига курилган хайкалларга ишлатилинанини. Агар бу «хабар» рост бўлса, Қуйи дengиз жанубидаги тоглар Умон тогларига тўтири келади, босиб олинган ўлка эса - Ўмондир. Маништусунинг ўғли Нарам-сүн (мил.аввал 2291-2255й.) хайкаллариги ёзувда у Маканини бўйсундиргани, унинг подшоси Маканданин устидан талаба қозониб, уни асир қилгани никоя қилинади. Балки Маништусу томонидан босиб олинган Макан ахолиси кўзголон кўтаргандир. унин ўғли Нарам-сүн эса жазо экспедицияси юборган бўлини мумкин.

Урният III династияси хокимларидан Шулигига (мил.аввал 2095-2048 й.) тегинили матида Макандан кемасозлик хунари мавжуд эканлиги айтилган. Дарҳакикат, бу хунар Арабистоннинг шаркий соҳилида жуда қадимдан маълум бўлган; шунинг учун хам бу ердан чиккан савдо гарлар дengиз орқали Хиндиистондан Месопотамиягача сузуб юрганлар. Шуниси қизикки. Ўмон соҳилида ҳеч қандай даромад келтирмаса-да, хозирги кунда хам елканини кема курни хунари давом этиб келяпти.

Лагаш II династиясининг патесини Гудеа (мил.аввал 2144-) берган хабарда Макандан ҳайкаллар қуриш учун тош келтирилгани айтилган.

Маканининг географик ўрии ҳакида кўплаб тортишувлар юз берди. Охирги пайтда кўпчилик мутахассислар уни ҳозирги Ўмон сultonлиги ва кисман Бирлашган Араб амирликларининг жанубий кисми билан белгиламоқдалар.

Месопотамиядан топилган савдо муомалаларига оид кўплаб ёзувларда каердан қандай мол келганилиги аниқ кўрсатилган. Тошлар рўйхатида «сиорит Макандан», металлар рўйхатида «мис Макандан», ёғочлар рўйхатида хурмо ёғочи «Дилмун, Макан ва Мелуххадан» дейилган.

Маканинг Ўмон эканлигига химиклар кескин далил бердилар. Месопотамияда милаввал III-II минг йилликларда ишлатилиган мис буюмлари химиявий таҳлил килингандга уларнинг таркибидаги 0.2-0.3 фоиз никель борлиги аникланди. Одатда камдан-кам холатларда мис рудасига никель аралашган бўлади. Аммо худди шундай нисбатдаги мис рудаси Ўмон территориясидаги, аникроги хозирги Абу Даби ва Ўмон чегарасидаги Бурайми воҳасидан бошланиб, то Москат киргогидаги Эс-Соҳар портигача чўзилган қадимги мис конларидан топилди.

Нихоят, III минг йилликнинг охирларida Шумер ва Ақкод давлатларидан диорит тошидан кенг фойдаланганини маълум. Месопотамиянинг ўзида бу тош хеч қачон бўлмаган. Уни қаерларланадир узок юртлардан келтиришарди. Эндиги пайтда аник тасдикландиди, диорит ва таркибан унга якни турдаги тошиларнинг жуда катта захиралари Ўмон-Макандаги мавжуд бўлган. Макан-Шумер савдо алоқалари III минг йилликда гуллаб-яшнагани ҳакила маълумотлар кўп. Аммо II минг йилликда Шумер шаҳар давлатлари кулаб. Бобиля давлати барно бўлгач. Макан зътибордан четда колди.

г) Араблар ва Оссурийлар

Арабистон ярим оролининг шимолида Ирок ва Сурия чегараларига якни срларда қадим замонлардан бўён араб қабилалари истикомат килиб келган. Ақкод подшоси Нарам-сусен (мил.аввал 2291-2255й.) Бобилга якни жойда «Арибу» деган аҳоли яшаган срларни босиб олгани ҳакида хабар киласиди¹⁹. Шубҳасиз, бу аҳоли кўчманчилик тарзидаги яшаган ва давлат хокимиятига эга бўлмаган. Тавротнинг «Судъялар» китобидаги айтилишича, мадйанийлар ва бану машриклар истроилликларнинг галла ва чорва молларини тортиб олганлар. Улар кўқисдан хужумлар килганлар, ўзлари билан чодирларини олиб юрганлар; «одамлари ва туялари беадад, чигирткадек ёпирилганлар». Бу ерда зикр килинаётган «мадяннийлар» аслан Ҳижоздан бўлиб, улар Истроилга қўшни Қизил денгиз киргогидаги Мадян деган жойда ўринашиб колгандилар. Тавротнинг юкоридаги ривоятини мутахассислар мил.аввал XI асрнинг биринчи ярмига мансуб, деб

хисоблайдилар. Бану Машрик ҳам шу сингари араб қабилаларидан бўлиши керак.

Шимолий араблар ҳакида Оссурия ёзувларида иисбатан кўп маълумотлар бор. Арабларга онд биринчи ишорани Оссурия подшоси Салманасар III та тегинли ёзувда учратамиз. Бу ёзувда айтилишича, Салманасар (мил.аввал 858-824) ҳукмининг олтиничи йили Ҷамашк подшоси, арамейлар подшоси. Иероил подшоси ва бир араб қабиласининг бошлиги Жандиб иштирокида тузилган иттифок устидан галаба қозонган. Бу матнаги «араб» атамаси ҳам кўчманчи, бадавий маъносига эга. Ган шундаки, милоддан олдинги пайтларда «араб» сўзи фақат кўчманчи ҳаёт тарзидаги яшаган арабларрга иисбатан ишлатилиган. Хозирги замон араб адабий тилида бу маънода «аъробий» сўзи ишлатилади. Ўтрок ҳаёт кечирган араблар эса ё яшаган жойларининг номи билан ёхуд шуҳрат қозонган лақаблари билан аталардилар. Юкоридаги ёзувга қайтсан, унда шундай сўзлар бор: «Куркур - подшолик пойтахти, мен унга зарар етказдим, мен уни вайрон қилдим. мен уни ёкиб ташладим: 1200 арава, 1200 отлик, Араб соҳиби (эгаси) Ҳаддоднинг 20000 аскари Араби Жандибининг 10000 туси ... 12 подшо менга қарши чиқди...». Албатта, ракамларда катта муболага бор. Бундай муболага қилиш ўтмишда ҳаммага расм бўлган.

Салманасар III жанубга килган юриши ҳакида ҳам хабар беради. У халдейлар ўлкасини ишғол килгач, яна жанубга юришда давом этиб, «Аччик» денигизга (Нар Маррату) чикади. у срдаги аҳолини бўйсундиради. Афтидан, бу ерда Форс кўрфази ҳакида гап кетаётган бўлса керак. Салманасар хозирги Кувайт срларигача этиб келганга ўхшайди.

Янги Оссурия давлатининг асосчиси Тиглатпалассар (мил.аввал 745-727) ҳукмининг учинчи йилига тегишли ёзувда унга Арабининг бошлиги Забиби деган аёл жон солиги (жуза) тўлаганлиги хабар қилинади. АҚШ да истикомат килган асли чех олим Мосилнинг фикрича, бу аёл Думат ал-Жандал (Ҳижознинг шимоли) районида кўчманчилик килган Кейдар қабиласининг ҳам кохинаси ҳам бошлиги бўлган. Матнаги Забиби арабча

кенг тарқалған исм Забибага тұғри келади. Худди шу подшо хукмининг 9 йилида бошқа араб қабиласининг бошлиғи Шамси исемли аёлни бўйсундирганини хабар қилади. Матининг мазмунига қараганда Шамси Оссурияга каршилик кўрсатган Дамашк подшосига ёрдам берган. Бу ёзувда ҳам муболагали ракамларни учратамиз: Шамси бу жаңгда гўё 1100 кини, 30 минг түя, 20 минг чорва молидан айрилган. Тиглатпассарнинг шу матинда бундан ташқари унга солик тўлаган бир қанча бошқа қабилалар зикр килинган: Масъя, Тима, Саба, Хаяпа, Батана, Хатти, Идибайл. Мил.аввал 738 йили Тиглатпалассар Фазза шаҳрини ишғол қилгани маълум. Юкорида зикр килинган қабилалар шу районга якин ерларда кўчманчилик қилган араб қабилалари бўлса, эхтимол.

Саргон II (мил. аввал 722-705) ўз хукмининг еттинчи йилида Тамуди, Ибодиди, Марсимани, Хаяпанинг адабини бергани, уларни мағлуб қилигани ва улардан кўлга туғланларини Самарияга кўчирганини хикоя қилади. Бу хабардан сўнг у Ариби маликаси Шамсидан, Масури малики Пиръудан ва Сабаъли Ятаъамардан жузя келганини өслатади²³. Қабилаларнинг номларидан кўриниб турибдики, жаңглар Арабистоннинг шимоли-ғарбидаги юз берган ва Оссурия қўшинилари шимолдан, яъни Фаластиндан бөстириб келган.

Синнахореб (мил.аввал 705-681) ҳам киска муддатга бўлсада шимолий араб қабилаларидан бир нечтасини бўйсундирган кўринади. Геродот уни «араблар ва оссурийлар подшоси» деб бежиз атамаган²⁴. Ассархаддон (мил.аввал 680-669) туздирган матида ўзининг ва отаси Синнахоребининг ишлари ҳакида хикоя килиб, отаси, жумладан «ариби»ларнинг қалъаси «Адоматуға (Думат ал-Жандал) ҳужум қилгани, арабларнинг бутсанамларини кўлга тушириб, ўз пойтахтига юборгани, арабларнинг маликаси Искалатту ва амира Табвани асир қилганини эслатади. Мосилнинг фикрича, Думат ал-Жандал араблари Оссурия ва Бобил урушида Бобил томонида қатнашган ва Бобилни енгач, Синнахореб арабларни таъкиб қилган²⁵. Синнахореб вафотидан сўнг Асархаддон тахтга ўтириди. Ўз хукмининг

бешинчи йилида, яъни (мил.аввал 676 й.) у «Вазу ва Ҳазу» да яшаб турган саккизта араб қабиласига ҳужум қилди. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бу қабилалар Води Сарҳонда истикомат қилган.

Оссурия қанчалик кучли империя бўлмасин, қўшини араб қабилалари унга ииебатан наессив мавкеда турмаганини кўрамиз. Ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланиб, улар Оссурия ерларига ҳужумлар ўюштирганилар. Масалан, Ашишурбанинjal (мил.аввал 669-631) ёзувларидан (мальумки, унинг «кутубхонаси»да 20 мингдан ортиқ михнат ёзувли лавҳалар сакланган) бизга аёники, Бобилда ҳоким бўлиб турган укаси Шамани-шумукни исён кўтаргандага унинг томонида Миср, Сурия, Фаластин, Мидия, Элам ҳокимлари билан бирга араб шайхлари ҳам бўлган. Мил.аввал 652 йили биринчи жаңгдаёт Элам қўшинилари тор-мор кептирилгач, араблардан бошқа бирорта иттифокчи Бобилга ёрдам бермаган. Ашишурбанинjal каттиқўйлик билан ўз ракибларини енгиди. Элам пойтахти Сузини ҳаробага айлантириди. Шундан сўнг у араб қабилаларига қарши 9 марта ҳужум ўюштириди. Араб қабилалари кўккисдан қарши ҳужумга ўтиб қолинишдан кўрқкан Ашишурбанинjal сахро чеккаларидаги горнизовнлар ташкил қилди. Аммо инсоният тарихидаги биринчи «оламшуму» империя - Оссурияning саноқли йиллари қолганди. Милоддан аввал 612 йили Мидия ва Бобилнинг иттифоқчи қўшинилари Ниневияни ишғол қилдилар ва уни абадин ҳаробага айлантиридилар.

д) Арабларнинг Ҳалдейлар (Калдонийлар) ва Форслар билан муносабатлари

Оссурия империяси қулагач, Якин Шарқда салкам икки аср давомида ҳалдейлар (калдонийлар) суоласи ташкил қилган Янги Бобил давлати гегемон бўлиб қолди. Янги Бобил давлатининг асосчиси Набополасар (мил.аввал 626-605) вафот қилгач, тахтга ўтирган унинг ўғли Навуходоносор II (мил.аввал 605-562) биринчи кунданоқ Оссурия подшоларига таклид қилган ҳолда агресив сиёсат олиб борди. У жазо экспедициялари ўюштириб, тобе қилинган ҳалклардан солик ва кўплаб асиirlар олди. Мил.аввал 599 йили Новуходоносор сахро арабларига қарши экспедиция юборганлиги ҳакида

Бобил ёзувларида хабар бор. Бу юришда арабларнинг талайгина мол-мулки, чорваси, санамлари олиб кетилгани, сўнг қайтарилгани айтилган. Аммо бу ёзуда конкрет район ёки хужумга учраган муайян араб кабиласи кўрсатилмаган.

Навуходоносор II таҳтда ўтирган йиллар Янги Бобил давлатининг энг гуллаб-яшинаган пайти бўлди. Аммо шу йиллар кучайиб кетган армия Навуходоносор II вафотидан сўнг сарой тўнтиришлари уюштириди. Амел-Мардук (561-560), Нергаль-шар-уцур (559-556) шу тақлидта таҳтдан ағдарилдилар. Набонид (556-539) подио хокимиятини бироз мустахкамланига эришди.

Набонид подшолиги даврида араблар билан муносабатда антика воқеалар юз берди. 1956 йили Харран шахри харобаларидан топилган Набонид хроникасига кўра, ўз хукмининг учинчи йили у Шимолий Арабистондаги Адуму (яъни думат ал-Жаидал) ва Тейма шахарларига ҳамда уюштириди. Иккала шахар хокимларини катл қилигач, у Теймани ўзига кароргоҳ қилиб ташлади. Бу ерда Набонид ўзи билан армиянинг бир кисмини олиб қолиб, бошқа кисмини ўгли Бел-шар-уцур билан Бобилга жўнатди. Тейма шахри 10 йил мобайнида Янги Бобил подшолигининг пойттахтига айланаб қолди. Набонид Арабистон шахри Теймани ташлаганининг сабаблари кўп эди. Биринчидан, асли Харран шахридан бўлган Набонид узуриатор хисобланар ва Бобил руҳонийлари унга карши кучли оппозицияда эдилар. Иккинчидан, шимол ва шарқдан форсларнинг тазикини борган сари кучайиб бораради. Форсларга карши Бобил ва Шимолий Арабистонда иккى химоя эшелонини ташкил қилиб, Набонид муваффақиятли равишда ўзини мудофаа қилишини мўлжаллаган бўлиши мумкин..

Нихоят, Тейма ўша давр ҳалқаро савдосида муҳим пунктлардан бири хисобланарди. Хуллас, Набониднинг Теймада бўлиши ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуктаи назардан асосли эди.

Набонид хроникасида Шимолий Арабистонга оид анчагина тафсилотлар бор. Унда Набонид ўз аскари билан Теймада ўрнашиб олгач, Дедан, Хайбар,

Ядна, Яериб шахарларига юринилар қилганини айтилган. Сўнг Миср, Мидия ва араблар (мат арабиё) билан сулҳ тузгани ҳикоя қилинади. Тейма шахри таҳминан милоддан аввал 552-551 йилларда эгалланган бўлса, эслатилган шахарларга юринилар албатта шундан кейин қилинган. Мазкур шахарлар Арабистонни жанубдан шимолга, то Ўрта денгиз киргогигача кесиб ўтган шанихур ҳалқаро көрсөн йўлнининг йирик пунктлари хисобланарди. Набонид бу йўл устидан ва айни вактда шу йўлда жойлашган давлат ёки шахарлар устидан хукмронлигини ўрнатишни ўйламадимикин? Агар у Макка ва Яманин олеа, бутун Арабистон унга тобе бўларди. Ҳар қашай, матига кўра бу чора амалга онимади: Набонид аскари етиб борган охири пункт - Яериб шахри бўлди.

Кўриниб турибдики, Шимолий Арабистон ва Ҳижозда милаввал VI асрнинг ўргаларида бир канча шахар-давлатлар ва мустакил араб кабилалари мавжуд бўлган. Набонид томонидан катл қилинган Тейма шахрининг хокими матидга «малику» дейиниши бунга далил бўла олади. Тейма, Дедан, Хайбар каби шахар номлари кўн қадими матиларда, жумладан, Тавротининг қадими кисмларидаги эслатилган. Аммо Яериб (Мадина) биринчи бор Набонид матнида учрайди.

Мутахассислар фикрича, Набонид мазкур шахарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган ва уларни химоя қилиш учун горизонлар ажратган. Кўчирилганлар ичida кўпчиликни яхудлар ташкил қилган. Яхудлар бу районларда илгари ҳам бўлганлар, балки улар Фаластин билан бир пайтда бу ерларда тарқалганлар. Аммо бу шахарларда йирик яхудий колонияларининг пайдо бўлиши Набониднинг фаолияти билан bogлиkdir. Маълумки, ислом вужудга келиши арафасида эслатилган шахарлар аҳолисининг кўпчилигини яхудлар ташкил қилганди.

Набонид Шимолий Арабистонни Янги Бобилнинг таркибий қисмига айлантиришга эриша олмади. Кўп ўтмай Бобилдаги бекарор ахвол ва форс кўшинлари билан бевосита тўқнашиш масаласи уни Бобилга қайтишга мажбур қилди.

Янги Бобил давлатининг тақдири хал бўлганди. Милаввал VI аср ўрталарида Ахамонийлар сулоласининг асосчиси Кай Хусрав-Кир II (милаввал 559-529) Эроннинг катта кисмини бирлантириб, Мидия, Лидия, Армения, Анатолиядаги кичик юони шахарларни тобе килиб. Огей денизига чиккач, Якин Шаркнинг энг кучли ҳокимига айланганди. Бобил ҳукмони доираларидаги келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланган Кир II милаввал 539 иили деярли қаршиликсиз Бобилга «халаскор» сифатида кириб келди. Шундан сўнг Суря, Финикия ва Фаластин Ахамонийлар ҳокимиятини тан олди.

Кай Хусравнинг Бобилга бостириб кирини ҳақидаги хабарда туюнганинг араблар кучли бўлмаган каршилик кўреатгани зикр қилинади. Кай Хусравнинг меросхўри Қамбиз II (милаввал 529-522) Мисрга экспедиция ўютишаркан (милаввал 525) араблардан матад сўради. Улар Қамбизга туюлар, сув ва йўлбошловчилар билан ёрдам бердиларки, Геродотнинг фикрича, бу ёрдамсиз Миср устидан галабани тасаввур қилиш кийин бўларди. Аммо, афсуски, Геродот на Қамбизга ёрдам берган араб кабиласининг жойи ва на қабила бошлигининг исемини бермаган. Бу ё хозирги Иорданиянинг жанубида истиқомат қилиган наботийларнинг подшоси ёхуд Сино ярим оролига якин ерда кўчманчилик қилиб юрган араб кабиласи бўлиши мумкин. Арабларнинг форс кўшинини сув билан таъминлаганини хикоя кила туриб, Геродот Шимолий Арабистонда катта дарё бор эди, дейди. Бу ҳакикатга тўғри келмайди. Аслида бу ерларда ёмғир мавсумида сойлар тўлиб, кисқа муддат дарё каби оқади. Мавсум ўтгач, у сойлар яна куриб колади. Яна Геродотнинг таъкидлашича, Кай Хусрав ва Қамбиз томонидан бўйсундирилган ҳалқлар ичida факат араблар форсларнинг созеренитетини (ҳукмонлигини) тан олмаган, ўзларини уларга иттифоқчи сифатида хис қилганлар.

Шу нарса характерлики, Ахамонийлар даврида кўчманчи араблар шимоли-гарбий йўналишда Иерусалим (Куддус) ва Фазза атрофида, гарбда эса Сино ярим ороли орқали Мисрнинг шаркий қисмларига кўчиб ўрнашиб

колдилар. Ҳозирги найтда хам Шаркий Миср Арабистон саҳроси деб аталини бежиз бўлмаса керак. Мисрга хужум қилган форс кўшини араблардан иборат маҳсус кисмини ўз ичига олганди.

Доро I (милаввал 522-486) даврида хам мунтазам Эрон армияси таркибида араблардан иборат ииёда ва тез чонар туюларга мингани кисмлар бўлган. Ноғио Нигора - Кеерке (милаввал 485-465) араблардан маҳсус камончилар (ёйчилар) кисмини тузганилиги ҳакида хабар бор. Бу араблар Ирокқа якин ўриашиб колгандардан бўлса керак.

Кеерке даврига тегинли бир матида «Арабиё» унинг давлати таркибига кирган сатранчиликлар қаторида зикр қилинган³². Юкоридаги маълумотлардан кўринниб турбидки, оссурийлар, калдонийлар ва форслар ўзларига кўшини шимолий араб қабилалари билан муайян муносабатларда бўлиб келдилар. Кучли давлат бирликларини ташкил қилмаган бўлсаларда, шимолий араб қабилалари акеарият холларда ўз мустакилликларини сақлаб колдилар.

Маъруза4.Жанубий Арабистондаги қадимги давлатлар

Арабистон ярим оролининг жанубий-гарбий кисмидаги мавжуд бўлган қулий иклим ва тупрок шароити бу ерда ишсабатни эрта дехқончилик билан шугулланиш имконини берди. Жанубий Арабистонга оид биринчи ишончли маълумотлар милаввал II минг йилликнинг ўрталарига таалуқидир. Уларга кўра бу пайтда хозирги Яман териториясида ривожланган дехқончилик ва экстенсив чорвачилик мавжуд бўлган. Яманда найдо бўлган илк давлатлар кўп жихатдан Шумер ва Аккоддаги шахар-давлатларга ўхшаб кетарди. Улар одатла дехқончилик кенг азж олган муайян районда бир-икки шахар ва бир неча кинилодан таркиб тонган бўларди. Шундай шахар – давлатларнинг энг қадимгиси – Майнидир.

а) Майн давлати

Майн давлати Яманинг Жоуф деган жойида хозирги Саудадан шарқроқла вужудга келди. Давлатининг биринчи сиёсий маркази – Карнов. кейин Майн шахри бўлган. диний марказ сифатида Ясили шахри хизмат килган. Хозирги Яманинг кўзга кўрининг тарихчиларида А.Х.Шараф ал-Диннинг фикрича, бу давлат милаввал XIY-YIII асрлар хукм сурган.

Милоднинг 1761 йилингача Майн давлатининг тарихи ҳакида бир оғиз сўз айтилмаганди. Шу йили даниялик сайд ёб К.Нибур Яманини зиёрат килди. Бу ва ундан кейинги сафарлар натижасида биринчи бор Майн ёзувлари топилди. Ёзувларнинг тилсими очилгач, майнлилар саболилардан бир қанча аср олдин ўтганликлари ва давлат барпо килганликлари, унинг тахминан қанча хукм сургани ва қачон инкиrozга юз тутгани маълум бўлди.

Майн давлатининг энг йирик шахарлари Қарнов ва Майн. Майн шахри тўғрисида 80 тадан ортиқ майн ёзувларини топишга мусассар бўлган француз олими Ж.Халеви шундай деган: “Бу шахар харобаларининг ўзи узок ўтмишдаги Майн давлати шон-шуҳратининг рамзи бўла олади”. У тепаликда жойлашган, узунлиги 280 м. эни 240 м. атрофлари минорали девор билан

ўралган истеҳкомни ташкил килди. Хозирги Бракин шахри қадимда Ясили номи билан маълум бўлган ва давлатнинг маданий-диний маркази хисобланган. Кимна ва Напик шаҳарлари хозир “Қора харобалар” деб аталади. Бундан ташкари ас-Савдо, ал-Байдо ва Янил деган шаҳарлар бўлган.

Мани подшоҳарининг сони ҳусусида яқинлик йўқ. Баъзилар 26 та подио иемини саз, шаҳарини бошқалар 22 тасини келтиришиади. Профессор Филби ёзувлардан ўқилган бенита сулолага мансуб 22 та мани подшоҳарининг иемларини берган.

Мани шахри харобаларидан тошлилган ёзувларда майнлиларнинг қаерлар, ибодатхоналар ва буғоналар қурилдаги маҳорати ва шу билан боғлиқ сўзлар ва иборалар бор. Ёзувларга кўра. Савдо ва кишилек хўжалик соликлари мавжуд бўлган. Бу соликларнинг бир тури давлатнинг умумий хазинасига, бошка тури ибодатхоналарга, учинчи тури подшоҳининг ҳусусий хазинасига ва яна бир тури шайхлар /оксоқоллар/ ва аъёнларга тўланган. Соликлар шахар деворлари, бошнасалар, бурж-миноралар, кўргонлар, давлат ишшоотларини қуриш ёки таъмирлашга сарфланган. Мани шаҳарлари «масвад» номи билан маълум бўлган кенгашилар томонидан бошқарилган.

Майнлилар Миср ва Юнонистон билан савдо алоқаларида катта шуҳрат козондилар. Улар Шарқ билан Гарб ўртасидаги савдода воситачи ролини ўйнадилар. Жанубда Арабистон денизи, шарқда Форс кўрфази, шимолда Ўрта дениздаги портлар орқали майнлилар қимматбаҳо моллар, жумладан, хушбўй тутаткилар ва зираворларни узок-узок ўлкаларга элтардилар. Бундан ташқари улар Ҳиндистон ва Хитойдан денизлар оша келадиган молларни Миср ва Юнонистонга ўзларига қарашли бўлган куруқликдаги карвои йўли узра олиб борарадилар. Мисрнинг “Гиза” ва “Қаср ан-Набот” деган жойларида топилган ёзувлар у ерда майнлилар уюшмаси мавжуд бўлганлиги ва улар Миср ибодатхоналарини хушбўй тутаткилар билан таъминлаб турганига ишора қиласи. Делос оролида топилган матнлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар Майн-Юнонистон алоқаларига далиллар. Шимолий Арабистоннинг Деъон тепалигидаги ёзувлардан бу ерда майнлилар

яшагани ва бу жой Майн давлатига қандайдир шаклда тобе бўлғанлиги кўриниб туриди.

Фаластиндан Ямангача чўзилган ерларда майн ёзувлари топилган. Шу ерларнинг хаммаси Майн подшолари назорати остида бўлган деб таҳмин килиш мумкин. Милаввал XI аср охирларида Хадрамавт давлати /пойтахти Шабва/ вужудга келгач, иккала давлат ўртасида урушилар юз берди. Милаввал 980 йили Хадрамавт тахтига ўтирган Маади Караб б. Илифаъ вафот қилгач, Майн Хадрамавтни босиб олди ва у уч аср мобайнида Майн таркибида бўлди.

Шу нарса характерлики, асосан денгиз киргоқларини ўзлантирган финикийлардан фарқли ўларок майнлилар куруқлиқдаги савдо йўллари, табиий жихатдан яхши химоя килинган жойларни колонизацияция қилилар. Арабистон ярим оролидаги Дедан, Яериб, Газза ва ярим оролдан ташкарида эса Миср ва Месопотамиядаги майн утошмалари бунга мисоллар. Бундай фаолиятни бошқарини учун Майн давлатида кучли савдо ташкилоти тузилганди. Хатто давлатининг ўзи ана шу савдо ташкилоти таъсири остида бўлғанлиги, эҳтимол. Давлат бошлиги мутлак ҳокимиётга эга эмасди. Унинг ҳокимиёти оқсоколлар кенгани томонидан қаттиқ чекланганди. Оқсоколлар кенгashi ўз навбатида йирик савдо уругларининг вакилларидан ташкил топганди.

Майн ҳокимлари дастлаб “мукарриб”, кейинчалик “малик” /подшо/ деб аталган. Бошқа ҳокимлар сингари Майн мукарриблари ва подшолари хам улуғвор лақаблар, фахрий номларга эга бўлганилар. Мисол учун – “ватор” /буюк/, “байин” /мұмтоз/, “заррих” /аслизот/, “юханъим” /муруватли/, “януф” /олий/ ва ҳоказо. “Ил” факат подшолар исмига кўшиларди.

Милаввал IX аср ўрталарида Майнга кўшни бўлиб, Сабо,, Қатабон ва Авсон давлатлари пайдо бўлди. Улар Майн савдосига тўскинилк кила бошладилар. Охирги майн подшоларидан Ясъ Ил-Рийам ва унинг ўгли Туббуъ Караб исми зикр этилган нақшда давлатининг сиёсий ҳолати ёмонлашгани, майнлилар Сабо худолари ва подшоларини эътироф

килганлари ҳакида ёзилган. Нировард иттиҳада Сабо ва Қатабон ўзаро иттифок тушиб, Майн давлатини қулатди.

б) Сабо давлати

Жанубий Арабистонини қадимги давлатлари орасида ёнг машҳури Сабодир. Шунин چун бўлса керак, қадимги Яман тарихи ва маданиятини ўрганувчи соҳа тарихшуносликда сабенистика номини олди.

Сабо ҳакиқати санаен кўрсанмаган аниқ мавзумотлар Оссоуря подшоларига тегиниди ёзуларда учрайди. Янги Оссоуря империясининг асоечиси Тиглатпаласар (милаввал 745-727) ҳукмининг тўқизинчи йили ҳакида ҳикоя қиливчи ёзувда унга жузя солиги тўлаган бир қанча қабилалар орасида Сабо номи тилга олинган. Қабилалар рўйхатида Сабо шимолий араб қабилалари каторида келётганига караганди бу ерда ган Жанубий Арабистондаги Сабо давлати хусусида эмас, балки бу давлатининг Шимолий Арабистонда мавжуд бўлган колониялари борасида кетаяти, шекилини.

Саргон II (милаввал 722-705) ҳукмининг еттичинчи йилига тегишли ёзувда саболи Ясаъамардан тобелик жузаси келганилиги ҳакида хабар бор. Унда айтилишича, жузя олтин, тог маҳсулотлари, кимматбаҳо тошлилар, фил суюги, ҳар хил уруг ва ўсимликлар, от ва түялардан иборат бўлган. Бу хабар катта аҳамият қасб қиласи. Дарҳакикат, Саргон II билан бир вактда Сабода Ясаъамар Вотар бин Сумхулай Януф (милаввал 720-700) мукарриблик қилиган. Бу пайтда Сабо туллаб-янинаб турганди. Саргонга тобелик ҳакида ган бўлиши мумкин эмас эди. Аммо Арабистон ярим оролининг шимолий ва шимоли-гарбий районлари Оссоуря кўли остига ўтгач, Сабо ҳокими Ямандан Газзагача чўзилган карvon йўлининг маълум қисмida хавфисзликни таъминлаш учун ўз номидан ҳадя юборган бўлиши мумкин. Ёки иккинчи мулоҳаза: саболиларнинг мазкур савдо йўли бўйлаб жойлашган кўплаб колонияларидан бирининг бошлиги Ясаъамар номидан Саргонга жузя тўлаган бўлиши хам мумкин.

Саргоннинг меросхўри Синаххериб /705-681/ колдирган ёзув бу масалага анча аниқлик киритади. Унда айтилишича, Синаххериб янги йил ва бошқа байрам маросимларини ўтказиш учун махсус ибодатхона /Бейт Акиту/ курдираётганды Сабо' "малики" Карибаил бин Ясаъамардан ҳадялар келди. Ҳадялар ичидаги нодир тошилар, энг киммат атиrlар, кумуш, олтин ва бошқа кимматбахо нарсалар бор эди. Бу сафар тобелик жузяси эмас, бир хоким томонидан иккинчи хокимга ҳадя қилинаётгани кўриниб турибди. Факат Карибаил "малик" деб аталган, аслида эса бу пайдада Сабода "мукарриблар" хокимлик килишарди. Оссуриялилар буни аник билмаганилар, албатта.

Яманинг ўзидан тошилган ёзувларга кўра Сабо тарихини иккисига бўлиши мумкин: биринчиси – Сабо хокимлари "мукарриб" лакабига эга бўлган давр / тахминан мил.аввал 950-610 йиллар/, иккинчиси – "малик" /подино/лар даври /мил.аввал 610-115 йиллар/. Мукарриблар давридан хали дунёвий хокимлик функциялари учча ривожланмаган, хокимият асосан диний, теократик характерда бўлган, кўринади. Биринчи даврда давлат нойтахти Сирвоҳ касри /унинг харобалари хозиргача сакланган/, иккинчи даврда эса хозирги Санадан 100 км шарқроқда жойлашган Марис шаҳри бўлган.

Эпиграфик ёзувлардан 14 Сабо' мукарриби ва 26 маликининг исмлари ва тахминан хукм сурган муддатлари аниқланди .

Сабо мукарриблари:

1. Заморъалай 1 /мил.аввал 900-850/
2. Сумхуалай Януф бин Заморъалай /мил.аввал 850-820/
3. Ядаъил Зарих бин Сумхуалай Януф /820-800/
4. Сумхуалай Януф бин Ядаъил Зарих /800-780/
5. Ядаъил Баййин бин Ясаъамар /780/750/
6. Ясаъамар Ватор бин Ядаъил Зарих /750-730/
7. Заморъалай Зарих бин Ядаъил Баййин /730-720/
8. Ясаъамар Ватор бин Сумхуалай Януф /720-710/
9. Карибаил Баййин бин Ясаъамар (710-700)
10. Заморъалай Ватор бин Карибаил Баййин /700-680/
11. Сумхуалай Януф бин Заморъалай Ватор /680-660/
12. Карибаил Ватор бин Заморъалай Ватор /660-620/
13. Ясаъамар Баййин бин Сумхуалай Януф /640-620/

14. Карибаил Ватор – охириги мукарриб /620-610/

Сабо маликлари:

1. Карибаил Ватор /мил.аввал 610-600/
2. Сумхуалай Зарих /600-580/
3. Карибаил Ватор бин Сумхуалай Зарих /580-570/
4. Илшараҳ бин Сумхуалай Зарих /570-560/
5. Ядаъия Баййин бин Карибаил Ватор /560-540/
6. Якруб малик Ватор бин Ядаъия Баййин /540-520/
7. Ясаъамар Баййин бин Якруб Малик Ватор /520-500/
8. Карибаил Ватор бин Ясаъамар Баййин /500-480/
9. Сумхуалай Януф /480-460/
10. Илшараҳ бин Сумхуалай Януф /460-445/
11. Заморъалай Баййин бин Сумхуалай Януф /445-430/
12. Ядаъиял Ватор бин Заморъалай Баййин /430-410/
13. Заморъалай Баййин бин Ядаъиял Ватор /410-390/
14. Карибаил Ватор бин Заморъалай Баййин /390-350/
15. Карис Юханим /350-330/
16. Карибаил Ватор /330-310/
17. Вахаб Ил /310-290/
18. Ил Мар Юханим бин Вахаб Ил /290-270/
19. Заморъалай Зарих бин Ил мар Юханим /290-250/
20. Напиа Карис Юханим бин Заморъалай Зарих /250-200/
21. Ёсир Юханим /200-180/
22. Вахаб Ил Яхуз /180-160/
23. Карибаил Ватор Юханим бин Вахаб Ил Яхуз /160-145/
24. Юрим Айман ва унинг ўғли Алҳон Нахифон /Хамдонийлар сулоласи/ /145-115/ Карабаил Ваторини таҳтдан қулатгандар
25. Фарьям Юниҳиб /130-125/
26. Ил шараҳ Яхудуб бин Фарьям Юниҳиб /125-115/.

Мукаррибларининг фаолиятига оид келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Сабо жамиятида синий табакаланинг аллакачонлар юз берган, сонал пирамиданинг юқорисини руҳонийлар эгаилаган. Шунинг учун ҳам ҳар бир янги мукарриб, албатта, янги ибодатхона куриши ёки эскисини таъмирлашин шарт эди. Тўғри, ёзувларда тўгоилар ва шаҳар қурилиши ҳакида ҳам маълумотлар учрайти, аммо қишлоқ ва шаҳар хўжалигидан тушаётган даромадининг ҳам бир қисми ибодатхоналар фойдасига тушган бўлиши керак.

Карибаил Ватор /мил.аввал 620-610/ "мукарриб" ва /610-600/ "малик" титули билан маълум. Бу ходиса жўнгина юз бермаганинги О.Глазер тонган Сирвоҳ матни – "галаба" номи билан маълум бўлган ёзувдан кўриниб туриди. Ёзув бошида у ўзини "мукарриб Сабо" ўринига "малик Сабо" деб атаб, Сабонинг бои худоси Алмакаҳга уни итифоқчи қабилалар устидан "малик" килганини учун шукр билдиради. Худо Астарға Алмакаҳ авлоҳларини биродар килишда ёрдам бергани учун учта курбонлик килганини айтади ва унга /Астарға/ яна шунинг учун миннатдорчилик билдиради, у экин ерларига барака берди: водийлардан тўлиб оқкан ёнгир сувларини ато қили; ўгоналар қуриб, сувни асрани ва болқарни имконини берди; мавот /бўз/ ерларни тирилтириди; каналлар бунёд қилиб, ишари сув чиқмаган баландликлардаги ерларни сугорни имконини берди: шу зайдада Мъъдаван, Ҳавдаем, Ватар, Вақаҳ сугорни ишоотлари бунёдига келди. Матининг кейинги кишинида подшо ўзи олиб борган урунлари ва галабаларини санаб ўтади, босиб олган шахарлари, неча шахарни ёкиб ташлагани ёки ташлаганини айтади. Саъадам, Нақбатам устидан галаба қозонгани, Матфаранинг ҳамма шаҳарларини ёкиб ташлагани, 3 минг кишини катл қилиб, 8 минг кишини асир олгани, у ерларини жузъясини икки баравар ортирганини эслатади; Заблон ва Шаржабга бостириб киргани, Исмат тоги ва Сайр водийсини эгаллагани, уларни Алмакаҳ ва Сабога вакуф қилиб бергани, пихоят. Авсон давлатини бир қанча жантда сингтани, 16 минг кишини катл қилиб, 40 минг кишини асир олганини зикр қиласди.

Демак, бу ерда Карибаил Ваторнинг "мукарриб" лақабини жўнгина "малик" титулига алмаштиргани эмас, балки Месопотамияда юз бергани каби марказлашган монархия тузилганлиги ҳақида гап кетяпти.

Деярли уч-тўрт аср мобайнода Жанубий Арабистонда ёнма-ён бир нечта майда давлатлар – Майн, Сабо,, Қатабон, Ҳадрамавт, Авсон ҳукм суреб келди. Мазкур давлатларнинг барчасида ишлаб чиқариш кучларининг тараккиёти муайян даврга келиб бирлан-бир йўлни – уларнинг бирортаси устулигига бирлашишни тақозо қиласди. Бу курашда биринчи павбатда

харбий жиҳатдан кучли давлат голиб келарди. Сабо" давлатида кўпроқ диний фаолият билан боғлик бўлган мукаррибининг асосий функцияси харбий кўмандонликдан иборат бўлган "малик"ка айлананини шу жараённинг боини деб қарамок керак. Ҳа, бу курашда Сабо" устун келди. Бунга яна бир сабаб унинг қуляй стратегик ўрни эди. У Майн билан Қатабоннинг ёки умуман қадимги Яманини кок ўртасида жойлашганди. Ҳадрамавт пойтахти Шабвадан бошланиб. Ўрта дентизгача чўзилган машхур ҳалқаро карвои йўлининг катта килеми Сабодан ўтарди. Бу йўлда устуник аллақачон манилилардан сабодиларга ўтган, Сабо пойтахти Мариб бу йўлда энг йирик пунктга айланганди.

Шундай қилиб, милаввал VI асрда Сабо маликлари жанубий Арабистонни бирлаштирган монархия туздилар. Юкоридаги матида Авсон боенб олинганинг кайд қилинганди. Милаввал 590 йили малик Сумхудай Зарих Ҳадрамавти истило қиласди, 540 йили эса Ядаъил Байини Қатабонни забт этди.

Подиолик вужудга келгач, албатта идора усулида ўзгарини юз берди. Сирвоҳ ибодатхонасидаги Ж.Халеви тонган Ядаъил Байин /мил.аввал 560-540/га тегинили ёзувда у олдин отаси Ил Шарах /мил.аввал 570-560/ томонидан Сабо ҳалқига ердан фойдаланиши /давлатга солик тўлаши шарти билан/ ҳукуки берилганини тасдиқлари. Ҳулди шу ёзувда қандайдир икки қабилага харбий хизмат ўтаси эвазига ердан фойдаланиши рухсати берилгани ҳам айтилган. Матининг охирида бир қанча шахсларнинг исми келтирилиб, улар конунинг шохидлари қоказлиги, яъни уни эшитганлари, матькул тонгайлари, тўғрилигига гувоҳлик бера олишлари айтилган.

Яман тарихчиси А.Ҳ.Шараф ад-дин Якрубмалик Ватор бин Ядаъил Байин чиқарган фармойиш матнини ўзининг "Яман тарихи узра" китобида келтиради. Унинг мазмунига кўра, Якрубмалик бу фармойишни Сабо таҳтига отаси Ядаъил Байиндан сўнг ўтириши муносаби билан Сабо ва Юҳаблик ҳалқига мурожаат сифатида чиқарган. Унда солисклар, харбий хизматга оид янги конунлар баён қилинади. Бу матнини охирида ҳам фармойишни

тасдиқлаган гувохларнинг исмлари келтирилган. О.Глазер коллекциясидаги Карибайл ватор бин Ясаъамар Байин /мил.аввал 500-480/та тегинин ёзув бевосита йирик давлат амалдорлари, қабила шайхлари, қабила атъозлари ва Сабога тобе бўлганлардан солик йигини учун масъул бўлган кинжаларга мурожаат киласди.

Юкоридаги икки ёзувни ғилмий атабиётда улар RUS 3951 ва СН 601 белгиларига эга/ батафсил талқик килян рус олими А.Лундин гувохларнинг номларидан хулоса қилиб, Сабо подноси конида мавжуд бўлган “оксоқоллар кенгашин”нинг таркибини беради. Унин фикрича, кенгашни подшонинг ўзи бошқарган. Ундан ташқари кенганига олтида кабиланинг вакиллари кирган: Одил, Халил, Назҳат, Файсан, Арбован ва Ахсаран. Бу кабилалар Сабо давлати тўла хукукли аҳолисинин ҳаммасини ўз ичига олган бўлса керак. Одил, Халил ва Назҳат кабилаларидан кенгашда 2тадан, бошка кабилалардан 1 тадан вакил катнашини мумкин эди. Кенгашда яна бир қандайдир маҳсус вазифага эга бўлган атъоз бор элини, у навбатма-навбат эслатилган 6 кабиланинг биридан ташланарди.

Марказлашган подшоликнинг барпо бўлинни Сабо ишлаб чиқариш кучларининг бирмунча мулдат равнақ топишига сабаб бўлди. Махобатли шахарлар, ибодатхоналар, сугориш иншоотлари /тўғонларнинг ялни сони 100 дан ортик/, тош ва бронзага ўйиб ёзилган ажойиб нақшилар, зодагонларнинг бронзадан ясалган кўплаб хайкаларнинг аксарияти ана шу даврда яратилган. Подшоларнинг қонуичилик фаолияти кучая борди. Аммо “Оксоколлар кенгаши”, “Кабират” сингари подшо ҳокимиятини чегаралаб турган институтлар то Сабо давлати кулаганига қадар давом этиб келди.

Мил.аввал Ш асрдан бошлаб Сабо давлати инқирозга юз тута бошлади. Сабо давлатини ташкил қилян 6 қабиланинг тенг хукуқда бўлмаганини рус олими А.Г.Лундин яхши кўрсатиб берди. Аммо шундан сўнг яна юридик жихатдан тўла хукукли бўлмаган янги қабилалар - Сумъай, Ҳамдон, Сухайм - Сабо таркибиға кирди. улар ҳам ўз ҳолатларидан албатта норози эдилар.

Мил.аввал II асрнинг ўрталарида бу қабилалар марказга қарши қураш бошладилар. Охириг Сабо подшоларидан Карибайл Ватор деярли 30 йил ҳамдонийларнинг бошлиги Ярим Айман ва унинг ўтили Алҳон Наҳафон билан қақиаткич уруши олиб борди. Шундай қислиб, ана шу ички омиллар мил.аввал 115 йили Сабо подшолигининг қулашинга олиб келди.

Ташки омиллар ҳам йўқ эмас эди. Кўпинча юз бергани каби у якколрок кўзга ташланади. Иккала киргоги ҳам кояли тоглардан иборат Қизил дениз узра кемалар катнови кийин бўлгани учун “саҳро кемалари” юравериб, яхши изга тушган йўл афзалрок эди. Бу карвои йўлнинг асосий пунктлари – Шавба /Хадрамавт/, Маріб /Сабо/, Макка, Ясеріб, Петра, Газза узок вақт Сабо савдогарлари назорати остига бўлиб келди. Сабо давлатининг довруги Қизил дениз харакати обёкка турғунга қадар жуда баланд бўлган. Лайн вақтда Сабонинг инқирозини ҳам шу факт билан бօглашади. Бу – Мисерда Итолемейлар хукмронлиги даврида юз берди. Итолемей II /мил.аввал 285-246/ Нил дарёсини Қизил дениз билан бօгловчи канал қазитди.

Манбаларда асли грек бир мисрли савдогар – Гибальсининг исми келтирилган. У биринчи бўлиб Хинд океани ва Қизил денизда муссон шамоллари факат йилининг муайян фаслларида шарқдан-гарбга ва, аксинча, гарбдан-шарққа эсенини аниқлади. Шундан фойдаланиб. У ўз елканли кемасенда Қизил дениз орқали Хиндиистонга боради, мисрлилар анъанавий Арабистон моллари деб билган жуда кўп кимматбаҳо моллар билан қайтади. Гибальдан сўнг бир неча миср савдогари унинг йўлидан юрди. Молларнинг нархи араблар томонидан инхоятда кўтариб юборилганинги ҳаммага аён бўлиб қолди. Шундай қилиб, транзит савдода Сабо монополияси барҳам топди.

Бошка бир воқеа – Маріб тўғонининг /мил. авв. 115й./ бузилиши – Сабо давлатининг ҳалокатидан дарак берди. Сабо подшолари шунчалик заифлашиб қолгандиларки, улар ўзларнинг асосий функцияларидан бири хисобланган тўғонларни тартибда сақлаб туриш вазифасини ҳам адо эта олмай қолгандилар. Маріб тўғони Куръонда ҳам зикр қилинган /Сабосураси, 61

5-17-оятлар/. Мил.аввал 115 йилги түгөн фожиаси кадимги Яман тарихида катта бурилиш ясади. Түгөннинг иккى чеккаси сув босимини ушылаб тура олмади. Кучли оқим водийдаги кишлоқлар ва экинларни яксон килди.

Хуллас. мил. авв. 115 йилги Мариб түгөннинг фалокати Сабо давлатининг қулаганидан дарак берди. Сабо ахолисининг катта килеми Арабистон ярим ординин бошка ерлерига күчіб кетди. Яман қабилалари кейинги тарихий даврда Макка, Ясеріб, Ўман, Суриянинг жануби ва Ирекнинг жануби-гарбидә давлат ёки кабила бирликларини түзинде иштирок этдилар.

в) Химйар мамлакати

Сабо давлати қулагач, мамлакат яна майда бўлакларга нарчаланиб кетди. Ҳар бир қаср ёки шахарда мустакил хоким бўлиб, Уларни Зу (кўпилиги Азво) деб аталарди. Масалан, Зу Райдон, Зу Ноит, Зу Салхин ва ҳоказо. Кучли қаср ҳокими атрофдағи кишлоқларни бирлаштириб, “михфад” тузар ва “кайл” титулини оларди. Бир қанча “михфад” бирлашган холда “михлоф” деб аталиб, унинг ҳокими “малик” титулини олиши мумкин эди.

Сабо ҳаробаларида тез орада янги давлат вужудга келди. Бир неча йиллардан бери Сабо подшоларига қарши исёни кўтариб келган Ҳамдон қабиласининг бошлиғи Алхон Наҳфон мил. аввал 115 йили ўзини “малик Сабо” деб эълон килди. У янги давлат Сабо давлатига меросхўр эканлигини кўрсатиш учун ҳам шундай килгандир. Ҳар калай, Алхон Наҳфон исми зикр қилинган тўртта матида унинг титули айнан шундай берилган. Аммо унинг ўғли Шаъар Автар “Малик Сабо ва Зу Райдон” титули билан аталган. Аслида Райдон қасри Зафор шахрида бўлиб, шаҳар ва унинг атрофида азалдан химйар қабиласи истикомат киларди. Ёзувларга кўра, мил. аввал I асрнинг ўрталаридан бошлаб янги давлат таҳтида химйар қабиласидан чиқсан подшолар ўтирди. Подшолар титули илгаригидек қолган бўлсада. тарихий адабиётда бу янги давлат “Химйар” номини олди.

Одатда Ҳимйар подшолиги тарихини иккى даврга бўладилар: 1)Мил.аввал 115 йилдан милодий 275 йилгача ва 2) милодий 275-525 йиллар. Мамлакатнинг пойтахти дастлаб Райдон (Зафор) сўнг Сана шаҳридаги Гамдон каери бўлган.

Яман тарихчиси А.Х.Шараф ад-дин ўзининг “ал-Яман абр ат-Тарих” китобида биринчи Ҳимйар даврига онд 18 подшонинг ва иккинчи даврга тегинли 14 подшонинг номи, хукм сурган таҳминий йилларини беради.

Биринчи Ҳимйар даври (мил. аввал 115-275 й.)

1. Алхон Наҳфон (мил.аввал 115-80)
2. Шаъар Автар бин Алхон Наҳфон (мил.аввал 80-50)
3. Ярим Айман
4. Фара Юниҳиб (мил.аввал 50-35)
5. Ийл Шарах Яхдуб бин Фара Юниҳиб (мил. аввал 35-15)
6. Ёзида Баййин бин Фара Юниҳиб
7. Наниакарий Юҳаъмин бин Ийл Шарах (мил. аввал 15-5)
8. Ватор Юҳаъмин бин Ийл Шарах (мил.аввал 5-милодий 15)
9. Ёсир Юҳаедик бин Ватор Юҳаъмин
- 10.Заморъалай Юхбир бин Ёсир бин Юҳаедик (милодий 15-35)
- 11.Соран бин Ёсир Юҳаедик
- 12.Карибайл Ватор бин Заморъалай (35-70)
- 13.Ҳалиқъасар бин Карибайл (95-120)
- 14.Заморъалай Зарих бин Карибайл (120-145)
- 15.Ваҳабил Яхуз (245-250)
- 16.Ёсир Юҳаъим
- 17.Ўғли Зароъамар (250-270)
- 18.Ўғли Амдан Юҳакбид

Иккинчи Ҳимйар даври (милодий 275-525)

1. Шамар Юҳаръиши бин Ёсир Юҳаъим (275-300)
2. Зул-Қарнайи туббу ал-Ақраи (300-320)
3. Ўғли Амр (буюк Туббу) (320-330)
4. Балқис ал-Ҳадход қизи (330-345)
5. Укаси ал-Ҳадход (345-374)
6. Маликкарив Юҳаъмин (374-385)
7. Абу Кариб Асьад бин Маликкарив (385-415)
8. Ҳассон бин Абу Кариб (415-425)
9. Шараҳбил Яъфур бин Абу Кариб (425-445)
- 10.Шараҳбил Януф (445-470)
- 11.Маъдикариб Юҳаъим (470-495)

| | |
|---------------------|------------|
| 12.Марсад Олан Януф | (495-515) |
| 13.Зу Навос | (515-524) |
| 14.Зу Язан | (525-533). |

Афсуски, бу рўйхат тўлиқ эмас. Биз А.Х. Шараф ал-Диннинг “Гарих ал-Яман ас-Саккоғий” номли бошқа китобида келтирилган ҳимйар ёзувларидан юкорилгани рўйхатга кирмаган 8 подионинг номини ўқилик:

1. Карибаил Байинн
2. Заморъалай Ватор бин Карибаил Байинн
3. Сумхуалай Зарих бин Заморъалай Ватор
4. Ҳияъсат Ярӯҳ
5. Саъад Шамс Асрать бин Ийл Шарах Яхтуб
6. Марсад Юҳахмид бин Саъад Шамс Асрать
7. Соран Юҳаъминн (Маликкариб Юҳаъминн (374-385)нинг отаси)
8. Ёхик бин Заморъалай Зарих.

Кандай бўлганда ҳам Ҳимйар давлати иисбаган кулай фурсаатла найдо бўлганди. Птолемейлар Мири тушигуликка кетиб. Қизил денгиз кечачилиги тўхтаб колган, яна қурукликлари карвон йўлинини аҳамияти ортганди. Тез орада бу йўлда Ҳимйар савдогарлари устуликка эришдилар ва Мани. Сабо, савдогарларининг довруги уларга ўтди. Аммо олдингидан фарқи равишда энди Ҳимйар савдогарлари Ўрта денгиз сохилига бемалол чиқа олмасдилар. Чунки, Ўрта денгиз бу пайтда Буюк Рим империясининг “ички кўли”га айланган, унинг хавзасидаги хамма ерлар империя таркибига кирганни.

Юлий Цезарининг машхур ибораси “келдим, кўрдим, олдим” принципига амал килиган римликлар ўзлари босиб олиши мумкин бўлмаган ер йўқ деб ўйлардилар. Шунинг учун бўлса керак. Октавиан Август мил. аввали 24-йил Ҳимйар давлатига Рим тарихида “хунук хотира” қолдирган ҳарбий экспедиция жўнатди.

Рим легиони 10 минг кишидан иборат бўлиб, яқинда Мисрга хоким килиб тайинланган Элий Галл унга бош бўлди. Бу экспедицияга Шимолий Арабистондаги Римга вассал Наботийлар давлатининг вазири йўлбошловчилик килиган дейишади. Бир неча ой давомида Қизил денгиз

орқали Ғарбий Арабистонга ўтган рим легионерлари қиргок бўйлаб ҳаракат килиб, Жанубий Арабистоннинг ички районларига кириб бордилар. Биринчи бўлиб Шимолий Ямандаги Нежрон шаҳри эгалланди. Олти кундан сўнг римликлар бир сой бўйида ёмон куролланган ҳимйар отрядини сингдилар. Шундан сўнг улар олдида “Саодатли Арабистон” шаҳарларининг дарвозалари очик ёди. Дарҳакиат хозирги кунда ҳам Нашқ, Ясил, Мариб ҳаробаларида римлиларнинг “изи” сакланиб қолган. Аммо бу экспедиция Август буйргуи билан килинган тантанавор ёзувларга хилоф равиша римликлар учун мунгли тугади. Табиатнинг ўзи ҳимйарларга иттифоқдош бўлди. Сув, озик-овқат танқислиги, ўта намлик ва иссиқликтан ҳеч кандай чора тона олмаган легионерлар жон саклаб қочишига мажбур бўлдилар. 60 кун сарсонликдан сўнг улар Қизил денизга чиқдилар ва у срдан Миср қиргогига ўтдилар. Наботийлар вазирининг ўзига хос “роли” бўлган кўринади. Чунки бу экспедиция хакида ёзган машхур рим географи Страбон ўзининг бутун нафратини ана шу йўлбошловчига карши каратади. Ёзувларга кўра, бу экспедиция Сабо ва Райдон подиоси Ийл Шарах Яхдуб даврига тўгри келади.

Бизга етиб келиган ёзувларга қараганда ҳимйар подшолари кўплаб қаср ва истеҳкомлар қуришган. Бундан мақсад тез-тез юз бериб турадиган бадавий қабилаларининг ўрток аҳоли яшаб турган ерларига ҳужумларини бартараф килиш бўлган. Милодининг 1 асрнда кўплаб ямалилар Ҳабапистонга савдо максалидарида бориб, у срда узок муддат истиқомат қилганликлари, ямалиларининг бир қанча колонияларини ташкил қилганликлари хакида кўп маълумотлар бор.

Эрамизининг II асрнда Ҳимйар подшоларининг нуфузи пасая бошлади. Биринчи навбатда бу савдо йўлидаги пунктларнинг тушкунликка келганлигига ўз ифодасини топди. Афсуски, бу даврга оид Жанубий Арабистон эпиграфик ёзувлари етарли эмас. Аммо қадимги дунё тарихидан яхши маълумки, II аср Рим империясининг “олтин асли” хисобланади. Айни

шу вактда Эронда Парфия давлати инкиrozга юз тутганди. Якин Шарқдаги транзит савдо йўлларида Рим тўла устуликка эришганди.

Кўп ўтмай “олтин аср” Ш аср Рим кризиси билан алмасди. Химйар давлати тарихий жараёнда яна ўз ролини ўйнай бошилади. Химйар давлатига кўшини бадавий ва ўтрок қабилалар қўшилди. Бир ёзувда (Sh 28) Ёсир Юханъим ва унинг ўғли Зароъамар Айман биринчи бор “Малик Сабо ва Зу Райдон ва Ҳадрамавт ва Яманот” (милодий 250-270 йиллар) титули билан келган.

Бошка бир ёзувга (sh 30) алоҳида тўхташ керак. Матн бир араб бадавий қабиласининг бошлиги (қабири) Саад Толиб бин Жадан номидан ёзилган. Унда Ёсир Юханъим ва унинг ўғли Зароъамар бўшқарган давлат узундан-узок “мамлакат Сабо ва Книда ва Мазҳаж ва Ҳарам ва Бахшам ва Зидоя ва Сабонинг хамма бадавийлари (куллу Аъроб Сабо.) ва Химйар ва Ҳадрамавт ва Яманот” шаклида берилган. Шундан сўнг бу иккала маликнинг Ҳадрамавтга килган юришилари ҳакида батафсил ҳикоя килинади. Бу курашда малик Ёсир кўшини билан бирга Сабо ва Книда бадавий араблари (шу жумладан мана шу ёзувнинг муаллифи ҳам), Напиқ ва Нашан шахарларининг саййидлари, Абраи ва Тальвар (қабилалари) бошликлари (зуъамо) қатнашган. Кўшин Даҳор ва Рахитга бостириб кирди ва катта зафар қозонди, асиrlар ва кўплаб түя, сигир, кўй-эчкидан иборат ўлжаларни кўлга туширди. Қайтишда Ҳадрамавтнинг аъёнларидан бўлган Харрос ва унинг ўғли бошлиқ 3500 тую мингдан жангчи ва 500 отлиқдан иборат кўшин билан тўқиашув юз берди. Уларга Рабъат бин Волам, Ҳажом қасрининг зуси, Ҳадрамавтнинг бир қанча қабирлари ва қайллари қўшилдилар. Малик Ёсир уларни енгди. Матн охирида худо Алмақаҳнинг фазилати ва каромати туфайли подшо фақат бир шахс – Асом бин Ҳарлатни йўқотиб, бор кўшини билан қайтгани қайд килинади.

Бу ерда умуман қадимги дунё тарихининг иккинчи босқичи учун қонуният тусига кириб қолган жараён (Оссурия, Янги Бобил, Ахмонийлар Эронидаги каби), яъни майда давлат бирликлари ва қабилаларининг

бирлашиб, империяга айланни холати милодий Ш асрнинг иккинчи ярмида Химйар тарихида ҳам юз бермадимикан? Балки Миср тарихчиси Мухаммад Мабрук Ноғиъ бу воқеаларни изоҳлаб, узининг “Араблар тарихи. Исломдан оддинги аср” китобида “иккинчи Химйар давлати кўпроқ империяга ўхшаб колди” (Инна-д-давлата-л-Химйария ас-сония асбахат ашбах би-л-имбиратўрия) дегани бунга асос бўлар.

А.Х.Шарафиддин китобида келтирилган Sh 31 раками ёзувни бу фикрга кўшимча килиш мумкин. Унда подшо Шамар Юхаръиши ўз юришиларида Форс мамлакатидаги Қатвасаф (?) ва Кавк (?) ҳамда Таниух қабиласининг еригача (ард таниух) етгани, худо Алмақаҳ ёрдами ва каромати туфайли ўжарларни бўйсундиргани ва қайтишида Саъда шахри ва Хавлони ерларидан ўтанилиги айтилган. Афуски, Форс мамлакатидаги мазкур ерларни локализация килиш (жойини аниқлаш) учун бизда кўшимча материал йўқ. Аммо қадимги дунё тарихидан маълумки; “Ш асрнинг 60-йилларига келиб сосонийлар Эронининг чегаралари куйин Месопотамия ва Суриядан то Ҳинд ларёсигача. Катта Кавказдан Арабистон ярим оролидаги Ўмонгача чўзилганди”. Демак, мазкур ерлар Ўмонда бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Таниух ерларига келсақ, бу қабила 1У-У асрда Ирокка якин жойда Ҳира номи билан шимолий араб давлати тузилишида асосий этник элементлардан бирини ташкил килган. Аммо бу ерга улар Баҳрайндан келганилар. Демак, Шамар Юхаръиши ўз юришиларида етган охирги худуд Баҳрайн ва Шаркий Арабистон бўлгани.

Иккинчи Химйар даври подшоларининг рўйхатида Шамар Юхаръишидан сўнг келтирилган Зул-Қарнайи, унинг ўғли Амр, Балкис ва унинг укаси Ҳадҳодлар мифик шахслардир. Аммо айни шу вактда хукм сурган бир неча подшонинг (саналари ва тартиби аниқ бўлмасада) исмлари муснад ёзувларидан ўқилган. Масалац, бевосита Шамар Юхаръишидан кейин Соран Айфаъ, Карибаил Вотар Юханъим, Соран Юркиб ва Соран Юханъимлар подшолик қилгани ҳакида ёзувлар мавжуд. Шубҳасиз, Ҳимйар подшоларининг ичидаги энг машҳури Абу Кариб Асьад (385-415) бўлганки,

Куръонда зикр этилган «туббай» айнан шу подио леб бежиз фараз килинмайди. Умуман химайар ёзувларидан хуоса килиб. Химайар давлати ўз таркибига Яман, Ҳадрамавт, Ўман ва Шаркий Арабистонни олган, деб хисоблаш мумкин. Милодий Ш асрининг охири У асрининг биринчи ярмига тегишили ёзувларла Химайар подшоларининг титули янада узун “Малик Сабо, ва зу Райдон ва Ҳадрамавт ва Яманот ва аъробухум фи Тавуд ва Тихома” деб берилган. Таъуд – Марказий Арабистон, аниргори Наждининг жанубидаги тогли минтака, Тихома эса Яманинг гарби ва жанубидаги киргокбўйи ерлар. Бундан ташқари асли Ямандан чиккан бадавийлар билан боғлик бўлган Марказий Арабистондаги Кинда давлати ҳам дастлабки даврларда Химайар мамлакатига вассал бўлган.

УШ-ІХ асрларда барпо бўлиб, қаҳтонийлар анъанаси деб ном олган араб тилидаги адабиётда иккичи химайар даври (Ш-Ү1 асрлар) “Давлату табобиъа” (Туббайлар давлати) исми билан маълум. Қаҳтонийлар анъанасидан бевосита Жанубий Арабистонининг қадимги тарихи учун жуда кўп фактик материаллар олиш мумкин; улар умуман олганда бизнинг фикримизни, яъни иккичи Химайар давлатининг ҳокимлари уни империяга айлантиришга харакат килганиларини тасдиқлади. Айни вактда шуни қатъий таъкидлаш керакки, туббайларининг Арабистон ярим оролидан ташқарига килган юришлари ҳакида қаҳтоний муаллифларининг берган маълумотлари – тарихий ҳакикатдан батамом йироқ, бирорта тарихий манба билан тасдиқланмаган хурофий ривоятлардир. Шу ривоятларга кўра, биринчи туббай-ал-Хорис ар-Роиш гўё Хитойни тобе килганимиш. Унинг ворислари Абраҳа Зулманор ва Ифрийқиёслар ҳам буюк фотихлар. Шундан сўнг шажара узилиб, ҳокимият малика Балқисга ўтиб колади. Ўрта аср араб муаллифларининг жамоат жам бўлиб уқтиришларича, Таврот ва Куръонда зикр килинган Исроил-Яхудия подшоси Соломон (Сулаймон) билан учрашган “Сабо, маликаси” худди шу Балқис. Яманда ҳокимият дастлаб ўша “учрашув” натижасида дунёга келган Сулаймоннинг ўгли Раҳбаъамга сўнгра яна анъанивий туббайлар сулоласидан Ёсир Юнъим (ёки Юҳанъим)га

кайтибди. У Атлантик океанингача юриш килибди, ўгли Шамар Юръишин Шарқка жўнатибди. Шамар Самарқандни вайрон килиб, уни қайтадан қурдирганинники, шунинг учун шаҳар унинг номини олганмини (Шамаркан). Сўнг у Хиндиистон ва Хитойни босиб олиб, Тибетда яманликларни жойлаштирган эмини. Ривоятларга кўра, туббайларининг энг донишманди ва энг буюги Асъаф ал-Комил Эронни босиб олади, бир ўгли Ҳасанин Хитой, боника ўгли Яфурин Константинополини ишғол килишга юборади.

Бадиий жиҳатдан чиройли услубда ёзилган бу насрий ва назмий асарлардаги биз эслатган ривоятларни ҳалигача кўпчилик араблар чин ҳакикат деб биладилар. Ҳар қандай “лофт”да “жон” бор деб қарайдиган бўлсан, бу фактларни қўйилдигина шарҳлани мумкин. Араблар, дарҳақиқат, юкорида эслатилган ерларининг аксариятини истило қилингандар. Аммо бу воея Яман туббайлари (Ш-Ү1 асрлар) даврида эмас, балки ундан 3-4 аср кейин, асоеан умавийлар ҳалифалиги (661-750) вактида содир бўлган. Ҳудди шу найтда асли Арабистонининг ишимолидан бўлган аднионийлар ва жанубдан чиккан қаҳтонийлар ўргасида ҳалифаликда олий ҳокимиятга эга бўлиш учун курани кучайиб кетганди. Кўпчилиги қаҳтонийлардан бўлган ўрта аср араб муаллифлари сиёсий максадларини кўзда тутиб, ўз кўхна тарихларини бўрттириб кўреатгандар. Таъбир жониз бўлса, VII-VIII аср тарихини III-IV асрга кўчиргандар.

Милоддан аввал X асрдаги Сабо маликаси ва милодий 1У асрдаги Химайар ҳокимасининг номи масаласида араб тарихий адабиётида чалкашлик мавжуд. Шуни бартараф килиш максадида бальзи муаллифлар Сабо маликасини Балқис I, Химайар ҳокимасини эса Балқис бинт Ҳадход исми билан атайдилар. Самарқанд шаҳрига келсан, уни Шамар Юръишдан деярли 600 йил илгари яшаган македонияли Искандар забт килганида шаҳар “Мараканда” ёки ундан ҳам олдин сўғд ёзувларида у «Смараканд» деб аталгани бизга яхши маълум.

Бир қатор омиллар пировард натижада Химайар давлатининг инқирозга юз тутишига олиб келди. Химайар давлатида армия ва марказий бюрократик

аппарат кўшимча маҳсулотни муттасил равишда ўз фойласига қасб килишга ҳаракат килар, мамлакат бўйлаб факат мажбурий айирбонланинг ташкил киларди. Бу эса бора-бора мамлакат ишлаб чиқаришининг тараққиётига тобе, аммо ўзини-ўзи бошқарувчи шаҳарлар ривожлана бошлади. Чунки факат шундай шаҳарлар тақрор ишлаб чиқариши таъминлаши мумкин эди. Улар уйласига Зафор, Замор, Сана ва бошқалар киради. Армия ва марказий ашхартийнинг каршилигига қарамасдан шаҳарларининг иқтисодий ва сиёсий роли орта борди. Ҳамма қадимги империялар учун объектив бўлган бу ички қарама-қаршилик Ҳимйар давлатида айниқса У-Ү1 асрларда якъол кўзига ташланди.

Атрофдаги қишлоқларни кўшиб олган – миҳфаҷларининг бошвиклари – қайлар кўп ҳолларда ўзларини батамом подшодан мустакил сеза бошладилар. У-Ү1 асрларда Яман қайлари жуда катта бойликлар ортирган, хатто ўз ҳарбий қисмларига ҳам эга эдилар. Бир неча ёзувларда подшо кўшини билан у ёки бу қайларниң қўшини ёни-ён юришига катишсанлиги қайд килинган. У1 асрда қайлар мамлакатиниң ҳакимиётига айлануб қолдилар.

Биз юқорида янги пайдо бўлган “малик Сабо ва Зу Райдон ва Ҳадрамавт ва Яманот ва аъробихим фи Таъуд ва Тихома” деган подшоларининг узун титулини келтиргандик. Бадавийларга тегишли “аъробихим фи Таъуд ва Тихома” иборасининг қўшилиши айни вактда Ҳимйар давлатида юз берган мухим социал-этник ўзгариниларни, чунончи ички Арабистондан келган кўчманчи қабилаларининг роли кучайтанилгини ифодаларди. Немис олимаси М. Ҳёфиернинг фикрича, Яман У1 асрда “бадавий маданиятига эга бўлган мамлакатга айлануб қолганди”.

Ниҳоят, иккинчи Ҳимйар давлати Яманга христиан ва яхудий динларининг кириб келиши билан характерланади. Яманга Шомдан у ерда аллақчон тарқалган христиан динининг монофизит мазҳаби кириб кела бошлади. Византия ҳокимлари бу жараённи тезлаштиришга ҳаракат килардилар. Улар шу мақсадда аҳолиси христиан динидан бўлган

Ҳабашистоннинг ҳокимларини Яманга сукилиб киришига ундаладилар. Айни вактда Яманга бошқа монотенстик дин – иудаизм ҳам кириб кела бошлади. Бундай вазиятда Ҳимйар подшодари ўзларининг сиёсий ва иқтисодий динимлари – византиялиларининг дини христианликка қарши яхудий динини кўллаб қувватладилар. Охири Ҳимйар подшоси Зу Навос яхудий динини давлат динига айлантириди, деган гап бор.

Хулоса қиблиб айтганда, мустакил шаҳарлар ҳокимлари – қайларнинг муттасил кучайиб борганилиги, мамлакат аҳолиси инебатида бадавийлик, яъни кўчманчи ҳаёт кечирган қабилалар улушининг ортиб борини ва монотенстик динларининг кириб келишин – буларининг ҳаммаси – Ҳимйар давлати киёфасини секин-аста ўзартириди ва ажнабийлар хуружи натижасида кулянига олиб келди.

Қадимиги дунёнинг икки буюк давлати – Византия ва Эрон ўртасида ислом вужудига келингандан оддин бир неча аср мобайинида давом этган ракобат, мазъумки, мухим жаҳон савдо йўлларида ўз хукмронлигини ўрнатиши макеаддини кўзларди. У1 асрда худди шундай куранг Яман устидан ҳам олиб борилди. Арабистон ярим оролини жанубдан шимолга кесиб ўтган карvon савдо йўли Шарқ билан Гарбин boglab турувчи мухим arterиялардан бири хисобланарди. Бу узок йўлнинг катта қисми Яман ерларидан ўтар, у ерда эса Ҳимйар давлати хукм сурарди. У асрдан бошлаб мазкур карvon йўлидаги йирик шаҳарлар – Макка ва Мадина (Ясириб)нинг вазни орта борди, аммо буюк давлатлар Яман устидан ўз иуғузини ўрнатиши орқали мазкур карvon йўлини тўлиқ назорат остига олини ўзларига мақсад қилгандилар. Византия бу ишига ўзининг вассалин, христиан динининг православ черковига аъзо бўлган Ҳабашистонни ҳам жалб қилди.

Тор Боб ал-Мандиб бўғозининг икки қиргогида жойлашган Яман ва Ҳабашистон муносабатлари ҳар хил босқичларни ўтаган. Юкорида айтилганидек, У асрнинг биринчи ярми – Асьад ал-Комил подшолик қилган давр – Ҳимйарнинг энг гуллаб-яшнаган пайти хисобланади. Лекин бу давр узок давом этмади. У асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Яман ташки сиёсати

пассивлашди. Ҳиймар подшоларидан Маъликариб Яфур батамом христиан савдогарлари таъсири остига тушиб қолғанди.

517 йили Маъликарибин таҳтдан ағдариб, Юсуф Асъар (Зу Навое) зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллади. Сиёсий максауда Зу Навое христиан динига карши иудаизмга ҳомийлик кила бошилди. Ҳудди шу йили Ҳабаш ҳокими Ҳимйарга ўзаскарини юборганда у бир кайча жойда ўзиниб колдан кўринади. Уларга карни Юсуф бир исчада кайдалар мададида юришилар килди. Юсуф Зу Навосининг Зафор. Ҳадрамавт ва Тихомада ўз ҳокимиятнинг тиклагани ҳақида ёзувлар сакланган. Ичкари Арабистонда химйарлар Ӯронга вассал лахмийлар билан курашдилар. Буларнинг ҳаммаси чукурроқ қараганди Византия ва Ӯроннинг Яман учун куранни билан боғликтди.

Илгари айтилганидек. Византия бу курангла ҳабанилардан фойдаланинг харакат килди. Ҳабашларнинг Яманга кучли таъсирини Нажрон шахри мисолида кўриш мумкин. Нажрон – Яманини шимолида жойланган йирик савдо шахри бўлиб, унинг кўнчилик аҳолиси христиан диниди оди. Нажронга ластлаб христиан динининг несториан мазхаби кириб келди. сўнг мунофизитлар устунликка эрнингандилар. Шахар ва унинг атрофида ал-хорис қабиласи яшар, у срда машхур Нажрон катъбаси мавжуд оли. Нажрон араблари Ҳижоздаги бадавий араб қабилалари билан дўстона муносабатда эдилар. Шунинг учун ҳам Нажрон христианларини “жазо”ланига жазм килган Зу Навос дастлаб шахардан шимолроқда жойлашган Кавказ ва ал-Ҳима чашмаларини эгаллади. Нажрон мажзараси (киргини) натижасида шахар Зу Навосга тобе бўлди. Аммо айни вактда бу воеҳа христиан дунёсида катта акс-садога сабаб бўлди.

Ўша даврда Яманда 8 йирик кайл мавжуд бўлиб, уларнинг энг нуфузлиси – Язан уругининг кайли Сумайфа Ашвъа мамлакат жанубида Зу Навосга қарши исён кўтарди. Шимолда эса Давс Зу Саъалабон ҳудди шундай харакат бошлади.

Шундай вазиятда 525 йили Византия императори Юстинианинг кистови билан Ҳабашистон негуси Яманга катта кўшин тортиди. Ҳимйар ва

архаб урутларидан бошқа ҳамма яман уруглари Зу Навосни тарк қилғанлиги туфайли у маглуб бўлди. Айтишларича, у отини деңгизга ҳайдаб ҳалок бўлишидан бошқа чора топа олмаган.

Ёзувларда Сумайфа Ашва охирги Ҳимйар подшоларининг лакаби билан келади. Ҳабашистон негуси эса унинг саййиди (хўжаси) сифатида берилган. Тахминан 534-535 йиллари Сумайфа Ашвани ҳабаш аскарлари ва Яман урутларининг бошликлари таҳтдан тушнирдилар. Таҳтга Абраҳа исемли ҳабаш ўтириди.

Абраҳа ҳам охирги Ҳимйар подшоларининг тўлиқ титулини ўзига олган бўлса-да. Ҳабашистон негусига ишбетан ўзини поинб деб эътироф килди. 541-542 йиллари Яманда ўришниб қолган кинда қабиласининг бошлиги Язид 6.Кабина раҳнатомолигида деярли ҳамма химйар урутлари Абраҳага карни исён кўтардилар. Абраҳа исёни бостиринга эришди. Ҳудди шу пайтда Мариб тўғони бузилиб, уни таъмир кизлингани ҳақида Абраҳа қолдирган ёзув мавжуд.

Абраҳа химйарийлар анъанасини давом эттириб, ички Арабистонга юришилар килди. 547 йили билан сапаланган Абраҳага тегишли ёзувда айтилишича, шу йили у ластлаб киндийларга, сўнг лахмийларга вассал бўлган маъд қабиласи билан уруш килган. Жанг Ямомага кетаверишдаги Хулубан деган жойда юз берди. Маъд тобе қилинди, қабила бошлиги Амр 6.Мунизир Абраҳа билан сулҳ тузди. Айни вақтда Абраҳага тобе бўлган баъзи араб қабилалари Ҳижоз йўлида Турбон кудути районида уруш килдилар. Кинда ва мазхиж қабилаларидан ташкил тонгган аскар Амр 6.Саъасаъа қабиласини тормор келтириди.

Маълумки, Қуръоннинг 105-сурасида ҳабашларининг 570 йилда Маккага қилган юриши ўз аксини топган. Аммо араб адабиётида уқтирилганидек, бу юришни Абраҳа эмас, балки унинг ўғилларидан бири уюштирган бўлиши керак. Бизнинг тахминга кўра Абраҳа милодий 548 йилгача ҳокимлик қилган, сўнг кетма-кет унинг ўғиллари Яксум (548-567) ва Масрук (567-578) Яманга ҳокимлик қилғанлар. Ҳабашлар Византия сиёсатини амалга ошира бориб,

Яманда кўплаб черковлар кургандилар. Шуларнинг ичидаги йириги – Абраха қурдирган Санадаги “Қуллайс” (Колизей) черкови эди. Манбаларда ёзилишича, Абраха Ҳабашистон иегуси ва Византия императорига мактублар йўллаб, арабларнинг юзини Мakkага эмас. Санага каратаман, леб фахрланган. Азалдан диний марказ сифатида машхур бўлган Макка шаҳар давлати VI аср ўрталарида Арабистон ярим оролинини йирик савдо марказига хам айланганди. Исломдан анча илгари пайдо бўлган одат – кўп худоликда бўлган араб қабилаларининг зул-хижжа ойинда Маккадаги мукаддас Къабани зиёрат килишлари – айни вактда тижорат максадига хам хизмат киларди. Демак, ҳабашларнинг Мakkага юриш килишларидан асосий максад унинг халқаро саводдаги ракобатини синдириши эди. Аммо бу уринини бехуда туғади.

Табиийки, Яманда ҳабашларга қарши озодлик харакати вужудга келди. Бунга язан ургининг кайли Маъдикариб ва унинг ўғли Сайф бошчилик килдилар. Шу нарзэ характерлики, улар ҳабашлар Византия ҳомийлигига эканлиги ва шунга мувофиқ фактат Эрондан мадад сўраш мумкинлигини яхши англаган кўринадилар.

Ҳарқалай, Эрон шоҳиншохи 577-578 йилларда Яманга ўз кўшиниларини денгиз орқали юборди. Сайф б. Зу Язан бошлиқ химйар аскарлари форс қўшинларининг мададида ҳабашларни сингдилар. Яманга Сайф б. Зу Язан ҳоким бўлди. У ҳар иили Эронга маълум миқдорда жизя ва хирож юбориб турмоги лозим эди. Яман бевосита Эрон шохи тайинлаган «марзбон» томонидан бошқариладиган бўлди. орслар хукми асосан Сана, Алан каби шаҳарларда мужассамланганди. Улар савдо божларини йигиш, кумуш казиб олишни ташкил қилиш билан машгул бўлдилар. Яманда Форс хукмонлиги ислом вужудга келгунга кадар давом этган бўлсада, мамлакатдаги сиёсий хаёт у билан эмас, балки дастлаб мазхиж, ҳавлон каби Яман қабилаларининг сўнг Амир б. Саъласаъ ва Тамим сингари ички Арабистон қабилаларининг таъсири ортгани билан характерланади. Форс аскарларининг авлодлари Яманда “ал-абно” деган ном олдилар. Шуниси қизиқки, кейинчалик

мусулмон аскари Яманин забт қила бошлаганда биринчи бўлиб исломни қабул киетган тоифа ана шу “ал-абно” бўлди. Араб қабилалари эса бирмунча вакт мусулмон аскарларига карини кураш олиб бордилар.

Хулоса қилиб айтганда, V-VI асрларда Яман Византия ва Эрон манфаатларининг тўқнашган жойларидан бирига айланди. Яманда кетма-кет дастлаб Эфиопия (Византия вассали)нинг сўнг Эроннинг хукмонлиги ўринатилди. Аммо бу хукмонлик бაъзилар уқтирганидек, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлмаси. Бу даврда ташабbus ички Арабистон, аниқроги, Ҳижозга ўтган эди. VI-VII асрларда Ҳижознинг йирик шаҳарлари Макка ва Яеридан юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар Византия ва Эронга карини кучли учинчи разқибонинг пайдо бўлшинига, яъни Арабистон ярим оролида марказлашган давлат Араб халифалигининг тугилишига олиб келди.

Маърузат. Қадимги Шимолий ва Марказий Арабистон

Жанубий Арабистон давлатлари қадимги дунё савдосида кандай роль ўйнаган бўлса, худди шундай вазифани Арабистон ярим оролининг шимолий ва марказий кисмида вужудга келган калин давлатлар хоти тоғни. Бу давлатлар кўирок гарбий Осиё ва Ўрга деңгизининг шаркни соҳилида жойлашган қадимги давлатларга якин турганлиги туфайли улар ондан узвий алоқада бўлган. Сиёсий жиҳатдан улар хеч качон катта гарбий утоималар ташкил килемаган, аммо қадимги дунёнинг икки буюк давлати – Рим (кейинчалик Византия) ва Эроннинг ўртасидаги жойлашганилиги сабабли бу давлатлар объектив равишда региондаги халқаро жараёнлардан хоши бўла олмаган. Тарихан вужудга келини тартибига кўра мазкур давлатлар куйидагилар: 1) Наботийлар давлати; 2) Тадмур давлати; 3) Лахмийлар (Хира) давлати; 4) Фасконийлар давлати; 5) Кинда.

a) Наботийлар давлати

Наботийлар давлати милоддан бир неча аср аввал Арабистон ярим оролининг шимоли-гарбий кисмида, антик авторлар “Арабиа Петрае” (Тошлок Арабистон) деб атаган жойда юзага келган. Бу хақдаги маълумотларимиз асосан, антик авторларнинг китоблари, яхудий автори Иосиф Флавийнинг (мил. 37-100 йиллар) асалари ва, нихоят, шу давлат таркибида кирган ерлардан кейинги пайтларда топилган кўплаб наботий матнларига таянди. Бу матнлар оромий хатида ёзилган. Шунинг учун ҳам бъязи мутахассислар наботийларни араблар эмас, балки оромийлар жумласига киритадилар. Бу фикрга кўшилиб бўлмайди, зеро биринчидан, матнларнинг тили классик араб тилига жула якин. Иккинчидан, то ислом галаба қозонгунга қадар нафакат наботийлар, балки Фрот дарёсидан гарбда

нетикомат килган аксарият халқлар ўша давларда халқаро ёзув хисобланган оромий хатида ёзганилар ва ўз она тилларида сўзлашганлар.

Наботийлар давлати тараккиётининг авжига чиқсан даврида жуда катта территорияни ўз ичига олган: Дамашк, Фаластиининг жануби ва шарки, Хаврон, Эдом, Мадіан, Кизил деңгизнинг шимолий соҳили ва хоти Нил дельтасининг шаркий килемларидан наботий матнларлари топилгани бунга далиллар.

Наботийлар давлатининг пойтахтига айланган Петра шаҳри мил. аввал I минг йилликда Шимолий Арабистоннинг йирик сиёсий ва маданий маркази бўлганилиги кўп манбалардан мълум. Иосиф Флавийнинг таъкидашибича, Петра шаҳрига Жанубий Фаластиин ва Шимолий Арабистонда мил. аввал II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошида яшаган кўчманчи кабила – мадяннийлар бошини Рекейм асос солган. Агар бу хабар тўғри бўлса, наботийлар ё мадяннийларни қувиб чиқарганилар ёки Петрани мадяннийлардан сўнг эгалаб турган эдомлилардан тортиб олганилар. Чунки мил. аввал IX-VIII асрларда Жанубий Фаластиинда эдомлилар хукмроилик килганилари ҳакида аник маълумотлар бор. Бирмунча муддат Эдом ва наботийлар ўзаро штифокда бўлганилиги, эҳтимол, Мил.аввал VII аср бошлиарида наботийлар оссурийлар хукми остига тушиб қолдилар. VII аср ўрталарида Олд Осиёдаги араб қабилалари Оссурия хукмига карши кескин кураш олиб борган пайтда наботийларга Натну подшолик килган. Оссурия подшоси Ашшурбанипал солномаларида араб подшоларидан биринчи бўлиб Натну Оссурияга тобе бўлганилиги зинр килинади. Милоддан аввал VII аср охирларида Оссурия тор-мор келтирилгач, наботийлар Янги Бобил подшолигига тобе, сўнг VI аср охирдан бошлиб, то мил. аввал IV асргача Форс давлати таркибида кирган.

Маълумки, мил.аввал IV асрнинг охирги чорагида македонияли Искандарнинг Миср ва Осиёга юришлари натижасида Форс давлати ҳалокатга учради. Ўз павбатида Искандарнинг кўккисдан юз берган вафоти у тузган империянинг парчаланишига олиб келди. Буюк “тозий”нинг

меросхўрлари – “диодохлар” ўртасида беаёв кураш авж олиб кетган даврда факат Жанубий Фаластигина ўз сиёсий мустакиллигини саклаб қолди. Эллинистик дунёнинг икки йирик давлати Селевкийлар ва Птолемейлар ўртасидаги ракобат объектив равнида наботийлар мустакиллигини мустахкамлашга имкон яратиб берди.

Мил.аввал 312 й. Наботийлар жамияти “бир кўзли” Антигоннинг хужумига учради. Антигон македонияли Искандарнинг ворисларидан бўлиб, Суря ва Месопотамиянинг шимолида ўрнашиб олганди. Антигонга қарши Миср хокими Птолемей, Гречия ва Македония хокими Кассандр. Кичик Осиё хокими Лисимах ва Жанубий Месопотамия хокими – якин келгажакда катта давлат курган – Селевка кураш олиб бордилар. Шундай вазиятда Антигоннинг наботийларга хужуми Якин Шарқда устунилкка эришишда биринчи қадам бўлмоги лозим эди. Бир томондан Птолемейга дўстона муносабатда бўлган, иккинчи томондан, Арабистонни жанубдан шимолига кесиб ўтган буюк савдо йўлиниг шимолий кисмида жойлашган наботийлар давлатини босиб олиш Антигоннинг шуҳратини оширган бўлур эди.

Наботийларнинг кўпчилиги савдо ярмаркасида интирок этиш учун Петрадан ташкарига чикканлигидан фойдаланиб, уч кечайо, уч кундузда 407 км йўл босган Антигон кўшинлари унинг якин дўсти Афиней бошчилигига Петра шаҳрини эгалладилар. Аммо шаҳарни талаган ва бир канча асир олган Афиней наботийларнинг кўккисдан уюштириши мумкин бўлган хужумидан кўриб, шаҳардан 37 км нарида лагерь қурдирди.

Аммо бу чора иш бермади. Наботийлар зудлик билан 8 минг кишилик кўнгилли кўшин тўпладилар ва кутилмаганда хужум килиб. Афиней кўшинларини қиличдан ўтказдилар. Шундан сўнг улар Антигонга арамей тилида норозилик хатини юбордилар. Антигон ўзининг жавоб хатида Афиней ўзбошимчалик билан харакат қилганини таъкидлаб, ўзини оклашга уринади. Айни шу ёзишма пайтида у янги хужум тайёрлай бошлаганди. Бу сафар наботийларга қарши жўнайдиган отряд 4 минг енгил куролланган пиёда аскар ва 4 минг отлиқдан иборат эди. Отрядга Антигоннинг ўғли, илк

эллинистик даврнинг бутоқ саркардаларидан бири, Деметрий Полиоркет кўмонидон килиб тайинланди. Антигон бу сафар мукаррар галабага эришишини мўлжаллаганди. Аммо Деметрий бошлиқ отряд юриши кутилган натижани бермади. Наботийлар Антигон томонидан катта хужум қилинажагини тахмин килгандилар ва ўзига хос тайёргарлик кўргандилар. Улар Петрага учча катта бўлмаган гарнizon көлдириб, асосий кучларни саҳродағи воҳага олиб кетгандилар. Деметрий Петрага кириб келгач, вазияти тушуни ва музокаралардан сўнг ўз отрядини дастлаб Петрадан, кейинчалик бутун мамлакатдан олиб чикиб кетинига мажбур бўлди.

Мил.аввал 301 йили македонияли Искандар меросхўрлари ўргасида узок давот этган курашда Антигон Лисимах ва Селевкадан маглуб бўлди ва жангда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Селевка Суря ва Местопотамияга хоким бўлиб қолди. Аммо Фаластин Миср хокими Птолемей кўли остида эди. Наботия эса ўз мустакиллигини йўқотмаган бўлса да, Миср таъсир доирасига ўтди. Селевкийлар ҳам ўз навбатида наботийларни ўз таъсир доираларига ўтказнишга уриниб келардилар.

Мил.аввал III аср охири ва II аср биринчи чорагидан бошлаб, Якин Шарқда вазият кескин ўзгара бошлади. Магнесияда мил. аввал 190 й. эришилган галабадан сўнг Рим империяси Якин Шарқда энг нуфузли кучга айланганди. Айни вақтда Селевкийлар давлати ички зиддиятлар натижасида заифлашиб борарди.

Шундай вазиятда наботийлар мустакил жамият барпо қилдилар ва мураккаб, аммо озод ташки сиёсат олиб бордилар. Бу даврда улар Жанубий Фаластин, Иордания дарёсининг гарби ва Ҳавронни ўз ичига олган территорияни эгаллаб турардилар. Наботийлар жуда катта бойлик, айниқса катта олтин ва кумуш захирасига эга бўлган ҳалқ хисобланарди. Бунинг сабаби уларнинг ҳалқаро савдода тутган мухим ўринлари билан боғлиқ эди. Жанубий Арабистондан келадиган машҳур карvon йўли Петра шаҳридан сўнг Миср, Суря, Фазза, финикийларнинг Ўрта денгиз соҳилидаги шаҳарлари сингари бир исчада ўналишда давом этарди. Бундан ташкари Петра

Арабистоннинг қок ўртасидан ўтган карvon йўли орқали Форс кўрфази киргогида жойлашган, антик авторлар тараниум килган қадимги дунёнинг энг йирик савдо шахарларидан бири Герра (хозирги Укейр) шаҳри билан боғланганди. Герра орқали Петрага Хиндиюн ва Хитой, Эрон ва Форс кўрфазининг моллари келарди. Наботий хокимлари бу савдо йўлларининг хавфсизлигини саклаш учун харакат килдилар.

Секин-аста наботийларда кучли подио хокимияти вужудга келди.. Мил.аввал III-II асрларга тегишили Ҳаласа деган жойда тошилган наботий ёзувида биринчи бор “Хорис – наботийлар подиоси” дейилган. Бу Хорис I бўлса керак. Ҳаркалай унда хикоя килиниан воқеа, яъни унинг саройинга одий даражадаги яхудий рухонийси Ясоннинг кочиб келганини бошка маибаларга кўра мил.аввал 168 йили юз берган. Тавроуда ташкилланинничча, маккавейларнинг наботийлар подиоси Хорис I – Аргета (мил.аввал 169 й.) билан муносабатлари дўстона тусла бўлган. Мил.аввал 70 йилга тегишили бир ёзувда подио Хориснинг ўғли подио Раббелга хайкал курдирганинига айтилган. Раббелнинг подшоziк килган даври мил.аввал II асрнинг 40-10 йилларига тўтири келади. Бу даврда подио хокимияти меросли бўлганинига кўриниб туриди.Хорис II (мил.аввал 110-96) даврида яхудий подиоҳи Жонатан Маккавей Фаластинда яшаган қандайдир Бану Амр қабиласига қарши курашда наботий подшосидан мадад сўраган. Лекин тез орада наботийлар янгладиларки, агар яхудийлар селевкийларга қарини ўз мустакилларни учун курашда (бу курашда наботийлар уларга ёрдам бериб келардилар) галаба қозонсалар, улар кучли мустакил давлат тузалилар ва Иордания туфайли наботийлар билан ракобатлашадилар. Маккавейлар подиоси Александр Яннай (мил.аввал 103-76) даврида худди шундай бўлди ҳам. Яннай греклар, кичик осиёликлар, моавлилар ва Жульяд деган араб қабиласидан ёлланган қўшинлар билан Иорданияни солик тўлашга мажбур қилганида наботийлар подиоси Убайдад (Ободат) I (мил.аввал 96-87) унга қарши уруш эълон килди. Александр жанг майдонидан кочиб, Куддус (Иерусалим)да паноҳ топди. Александр Яннайга Куддусда ҳам тинчлик

бўлмади. Ҳалқ унинг сиёсатидан иорози, ҳатто селевкийлар хокими Деметрий III ни тан олишига тайёр эди.

Ёзувларга кўра мил.аввал 87-86 йиллар наботийларга Убайдад I ўғли Рабил II подио бўлди. Ундан сўнг Хорис III (мил.аввал 85-60) тахтга ўтирган. У Убайдад I сиёсатини бирмунича муваффакиятли давом эттирган. Хорис III Петрадан Йўлдатга борадиган йўлда Авару шаҳрига асос солди. Шу пайдада Деметрий III иниг уласи Антиох Дионисий Иудеяни кесиб ўтиб, наботийлар билан уруншажаги мавзум бўлиб колди. Селевкийлар Яннай курдирган тўсикларни яксон килиб. Наботияга бостириб кирдилар. Аммо уруни узоқ давом этмади. Антиох Кана қишилоги яқинида юз берган жангда ҳалок бўлди. Бу воқеа вазиятини батамом ўзгартириб юборди. Эди Дамашқка йўл очик эди ва Хорис III уни ва Сурянинг бир килемини ишғол килди. Эди Хорис III иниг ерлари смирилаётган Иудеяни жанубдан ва шарқдан ўраб олганди. Иудеядаги ички низолардан хабардор бўлган Хорис Ш уни босиб олди. Мил. аввал 82 й. Ҳадида деган жойда юз берган тўқнашувда Иудея қўшини тор-мор бўлди ва А.Яннай яна сулҳ сўрашдан бошқа илож топа олмади. Иудея учун оғир шартларда сулҳ тузилигач, Хорис Ш ўз қўшини билан диёрига қайтиб кетди.

Одатда Иудеядан қочган сиёсий арбоблар Наботияда паноҳ топардилар. Александр Яннай вафот қилгач, уларнинг икки ўғли ўртасида кураш бошланди. Иудея ҳар хил сиёсий гурухларга бўлинниб кетди. Уларнинг ичида энг кўзга кўрингани – Гиркан бошлиқ “фарисейлар” ва Аристобул бошлиқ “саддукеилар” эди. Аристобул ёлланган қўшинларга таяниб, акаси Гирканни тахтдан кулатди. Гиркан ёрдам сўраб, дўсти Антипатерни Петрага Хорис Ш кароргохига жўнатди. Ёрдам эвазига Гиркан отаси Александр Яннай босиб олган 12 шаҳарни арабларга қайтиб беришни ваъда килди. Хорис Ш бу шартни кабул килиб, Иудеяга жуда катта қўшин /50 минг/ тортди. Аристобул ўз тарафдорларидан айрилиб, якка қолгач, Қуддусга қочди. Хорис Ш араб-яхудий бирлашган қўшини бошида мил. аввал 65 й. кўкламида Куддусни қамалга олди. Эртами-кечми Куддус таслим бўлиши

мукаррар бўлиб турган бир пайтда воқеалар жараёни яна батамом ўзгариб кетди.

Рим императори Помпей Сурия ва Дамаскни ишғол килиди, унинг кўли остидаги қўмандонлардан бири Скавр эса Фаластинга бостириб кирганди. Римлилар Аристобул томонини олдилар. Ҳорисдан зудлик билан Куддус қамалини кўтариш, бутун қўшини билан дарҳол кетини талаб қилинди. Ҳорис Ш Гиркан билан бирга чекинди. Фурсатдан фойдаиган Аристобул, Скавр қўшиниларининг мададида наботийларни тъкиб килиб, Напирон деган жойда ғалаба қозонди. Шундан сўнг Скавр Дамасикка кайтиб кетди. Мил.аввал 64 й. Сурия Рим империясинин провинцияга айлангач, Наботийлар давлатининг сиёсий ахволи кескин ёмонланди. Заиф қўшинилар даврида наботийлар подиоси Сурия-Фаластин ички ишларига араганини мумкин бўлган вақтлар ўтиб кетди. Энди наботийлар давлатинин тақдирни Рим кўлида эди.

Малику I /мил.аввал 50-30/ даврида зарб килинган танга тошилган. Унинг бир томонида подио сурати, иккичи томонида чаш канотига караб турган бургутининг сурати, атрофига эса лотин ва оромий хатларида ёзув бор. Тангада оромий ёзувининг ишлатилганиги ҳокимнинг суверенитетини тъкидлаши керак эди. Аммо амалда ундан эмасди. Римда гражданлар уруши афжига чиккан вақтида наботийлар нисбатан мустакил бўлдилар, лекин наботийлар подшоси ҳар бир муайян вазиятга караб иш тутишга мажбур бўлди. Мил. аввал 47 йили Юлий Цезарь Миср Искандариясини камал килган пайтда Малику I отлиқ кисм билан унга ёрдам берди.

Иудея Рим таркибига кирган бўлсада, у ердаги ҳар бир партияларининг кураши тўхтамас, мағлуб бўлганлар Петрада паноҳ топардилар. Мил. аввал 40-йилларнинг охирида Парфия қўшинининг Рим қўли остидаги ерларга бостириб кириши Маликуда Рим тъсиридан қутилишга умид тугдирди ва у Рим тарафори бўлган Яхудия арбоби Иродга бошпана беришдан воз кечди. Шундан сўнг Ирод Мисрга, у ердан Римга жўнади. Айни вақтда Малику I кароргоҳида Ироднинг укаси Иосиф 200 одами билан бошпана сўраб

туарди. Ирод Римдан Иudeяга подио унвони билан қайтди. Энди унга асосий вазифа килиб, арабларга /наботийларга/ карши кураш топширилганди. Ирод наботийлар билан биринчи бор Диасполис деган жойда жангта кирди ва ғалаба қозонди, сўнг иккичи бор Суриядаги Кана деган жойда тўкинди.

Парфия қўшинилари Суриядан қувиб чиқилгач, рим саркардаси Вентидий Маликуни парфияларга мадад берганингда айблаб, унга оғир контрибуция солди. Мил. аввал 34 й. Якни Шарқда ҳокимнинг ўз қўлида мужассамлаган Антоний наботийларнинг талайгини ерларини, хусусан Қизил деңгиз киргоқтарини Миср ҳокимаси Клеопатрага топшириди. Малику Клеопатрага йилига 200 талант мисдорида бож тўлайдиган бўлди. Такдир такозоси билан бу соликни Яхудия подиоси Ирод тўплаши керак эди.

Рим империясида узок давом этган граждан урушлари мил. аввал 31 йили Антонийнинг мағлубияти билан тутади. Беноён Рим империясига Юлий Цезарининг асранди ўғли Октавиан Август ягона ҳоким бўлиб қолди. Антоний тарафида бўлган шарқ ҳокимлари иокулаҳ ахволига тушиб қолдилар. Малику I ҳам шулар жумласига киради. У Антонийга ҳал қилувчи жангда иштирок килини учун ёрдамчи кучлар юборганди. Энди эса янги ҳоким Октавианга ёрдам беришга мажбур: наботийлар Сувайш ҳавзасида турган Миср кемаларини ёкиб ташладилар ва шундай килиб Клеопатрани голибдан қочиб қутилиш имкониятидан маҳрум қилдилар. Аммо Антоний ва Клеопатранинг ҳалокати Наботия ахволида ўзгариш ясамади. Рим билан “иттифоқ” йиллик бож-хирож тўлашдан ташқари наботий подшоларини мустакил ташки сиёsat юритишдан маҳрум қилди.

Ироқ тарихчиси Жавод Али ёзишича, Октавиан Август мил. аввал 24 йили Жанубий Арабистонга юборган экспедициясида Ирод тайёрлаган 500 кишидан иборат яхудий отряди ҳам қатнашган. Машҳур географ Страбоннинг уқтиришича, римлиларнинг муваффакиятсизликка учрашида йўлбошовчи Силлай “айбдор”. Гўё у тўғри йўл қолиб, атайнин кийин йўлларни танлаганмиш. Қандай бўлганда ҳам Жанубий Арабистондан бошланиб Петра орқали Ўрта деңгизга келадиган савдо йўли наботийларга

жуда катта наф келтиради. Бу йўл римлилар назорати остига ўтишидан албатта наботийлар манфаатдор эмасдилар.

Мил. аввал 9/8 йилларнинг кинида Убайдада II вафот килди ва Наботияда ички династик кураши кетди. Силтай бу курашида кўзга кўриниарли роль ўйнади. Аммо у бир канча амалдорни, шу жумладан римлиларга хизмат килганинни хам катл килишда айбланиб, император буйрути билан жазога тортилди.

Убайдадаи сўнг наботийлар таҳтига Хорис IV /мил. аввал 8-мил 40/ ўтириди. Ҳозиргача топилган наботий ёзувларнинг аксарияти ана шу подио лаврига тўғри келади. Бу ёзувлар одатда кабр-тош ёзувларидан иборат бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси подио Хорис IV нинг у ёки бу хукм килган йили билан саналанган. Хорис IV даврида наботийлар давлати Иордан дарёси орқасидаги ерлар ҳисобига бироз кенгайди. Милодий 36 йили Иудея подиоси Ирод II Антип билан юз берган жангда Хорис IV катта галаба козонди. Бундан газабга келган Рим императори Тиберий Суриянинг римли хокими Виттелийга Хорис IV ни тириклайни тутиб ёки бошини олиб келишини буюрди. Аммо 37 йили Тиберий тўсатдан вафот киади. Хорис IV эса шу йили қасос сифатида Дамашкин олган, кўриниши. Ҳаркалай, шу йилдан бошлаб 60-йилларгача Дамашқда рим таңгаларини зарб килиш тўхтаб колган. Бундан ташқари авлиё Павелнинг Коринфликларга иккинчи мактубида бу ҳақда аниқ хабар бор.

Хорис IV дан сўнг таҳтга ўтирган Малик II /40-70/ даврида наботийлар Иордан дарёси орқасидаги ерларни йўқотилилар. Аммо Яхудия уруши /66-73/ даврида наботийлар римлиларга ёрдамчи килемлар берганлиги маълум. Малик II дан кейинги наботийлар подиоси Рабил II /70-106 й./ зарб килдирган таңгалар жуда кўп миқдорда бизгача етиб келган. Аммо нисбатан узок давом этган Рабил II хукмдорлик даври амалда Наботия мустакиллигининг тулаши билан якунланди. Ниҳоят, охириги наботий подиоси Малик III даврида Рим императори Траян наботийлар мустакиллигига барҳам берди. Шундан кейин Наботия Римнинг Суриядаги

хокими Кориеллиус Пальма хукми остига топширилиб, “Провинция Арабия” деб атала бошланди.

Наботия ўз мустакиллигини йўқотган бўлсада, унинг шаҳарлари узок вактларгача йирик савдо пунктлари ролини ўйнаб келди. Ҳозиргача сакланган жуда кўн наботия таңгалари Рим ҳукмронлиги даврида ана шу шаҳарларда зарб килинган. Диоклетиан /милодий III аср/ даврида “Провинция Арабия” икки килемга: шимолий-Бусра провинцияси ва жанубий-Петра провинциясига бўлинди. IV асрда, аникроги, милодий 307 йили бу провинциядан Эйлат шаҳри ажратилиб, Фаластинига қўшилди. V-IV асрларда Наботия ерлари янада кискартирилиб, бир неча шаҳарлар учинчи Фаластини провинциясига қўшилди.

Хулоса килиб айтганда, Наботийлар давлати Арабистон ярим оролининг шимолида исломдан бир неча аср олдин ташкил топган энг қадимги ва энг йирик араб давлати эди.

б) Тадмур /Пальмира/ давлати

Наботийлар ва умуман шимолий араблар ҳакидаги ҳикоялар янада бошка бир қадимги араб давлати билан бөлганиб кетади. У хам бўлса Дамашқдан шарқроқда вужудга келган араб манбаларида Тадмур, грек-лотин манбаларида эса “Пальмира”, “Пальмерина” номлари билан машҳур бўлган давлатдир.

XX асрнинг 50-60 йилларида поляк ва француз археологларининг Пальмирада олиб борган ишлари бу шаҳар қулий бир воҳада Эфка булоги атрофида мил. аввал Ш минг йилликнинг охирида пайдо бўлганлигини кўрсатади. Уларнинг фикрича, шаҳарнинг асосчилари аморейлардир. Каппадокия /Кичик Осиё/ лавҳаларидан бирда пальмирали бир шахс зикр қилинишига қараганда мил. аввал П минг йилликнинг бошларида ёк Пальмира Қора денгиз соҳили билан савдо алоқаларига эга бўлган. Эмар /ҳозирги Мескене-Евфратнинг ўрта кисмида жойлашган/ шаҳридан археологик қазишлар пайтида топилган миҳнат ёзувга кўра милоддан аввал П минг йилликнинг ўрталарида Эмар ва Тадмур ўртасида алоқалар мавжуд

бўлган. Милоддан аввал XIV-XII асрларда шимолий Сурия ва Месопотамияга оромий кабилаларининг кўчини юз берди. Улар Пальмирани ўзларига марказ килиб олганлар, кўринади.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Тиглатпаласар I /милоддан аввал 1100 й./га тегишили ёзувда у босиб олган ерлар каторида зикр килинган “Тадмур-амурру” худди шу давлат ҳакидадир. Шундан кейинги деярли 1000 йил давомида шахар номи хеч қандай маинада учрамайди.

Пальмира ҳакидаги биринчи ҳакканий маълумотни антик автор Плиний беради. Унинг ёзишича, ўша замонда Пальмира манхур шахар бўлган. Тадмур тўғрисида асосий маълумотларни, албатта, жуда кўп мисдорда топилган тадмур ёзувлари беради. Бу ёзувлар оромий, юнон, лотин ва яхудий тилларида битилган.

Тадмур милод бошида аник Рим таркибида хисобланган; бунга шахарга мавжуд бўлган Рим гарнизони далил бўла олади. Аммо римларнинг колдирган харбий гарнизон шахар идорасида катта роль ўйнамасди; Тадмурнинг римга тобелиги расмий эди, холос. Хуллас, Тадмурнинг идора усули Рим-эллин тусида бўлсада, аслида ўзига хос шаркий характерда эди.

Милодий 130 йили бу шахарни Рим императори Адриан /117-137/ зиёрат қилди. Унинг шарафига шахар бирмунча муддат адриана Пальмира ёки Адрианопол деб аталди. Бу хақда 137 йили битилган катта ёзувда айтилган. Унда шахар идора усули ҳакида хам кўп маълумотлар берилган. Конун чиқарни хукуки оқсоколлар кенгаши – сенат кўлида бўлган. Сенат раис, котиб ва аъзолардан иборат бўлган. Ижроия хокимият икки “Архонт” ва ўн кишидан иборат девон кўлида эди. Суд ишларини “синдик” номли амалдорлар бажарганлар. Кўриниб турибдики, вазифа номларининг кўпчилиги юнонча. Раис – “просдрос”, котиб – “грамматей”, маҳаллий кенгашлар ўн кишидан ташкил топганлиги учун “декабрёте”, деб аталган. Демак, бу пайтда Тадмурда идора усули грек-эллин типига яқин бўлган.

Аммо II аср охири III аср бошлирида тузум ўзгарди. Тадмур Италия шаҳарлари каби хукукни олди. Шаҳарда «тинчлик»ни саклаш максадида маҳсус полиция магистрати таъсис килинди. Эҳтимол, полис тузумининг иккизози, шаҳарда ижтимоий зиддияларнинг кескинлангани, авторитар тузум ўрнатини тақозо килгандир. Қандай бўлганда хам римлиларнинг “тинчлик” сиёсати Тадмурга кўл келди. У Тадмур савдосини мислесиз даражаста кенгайтиришига, карвоинларнинг сонини ортиришига ва жуда катта бойлик тўпланига имкон берди. Умуман олганда милодий 130-270 йиллар Тадмурнинг энг тулаб-янинаган даври хисобланади.

Милодий 226 йили Эронда Сосонийлар суюласига асос солингланлиги Тадмур учун катта аҳамият қаеб қилди. Биринчи наубатда бу воқеа Эрон-Рим урушиларнинг янгиланшинидан хабар берарди. Бундай вазиятда Римга “садоқат” билдирган тадмурли зодагонлар катта маъмурӣ лавозимларга ёринини мумкин эди. Шундай онлалардан бири Азина хонадони эди. Хайран Рим императори Сентимиј Север /193-211/ даврида Парфия билан урушида катнашгани учун “сентимиј” лакабини олди. Хайраннинг ўғли Азина эса Рим сенатининг аъзоси деган унвонга эга бўлди. Аммо бу унга кам кўриди шекилли, милодий 250 йили у ўзига янада маҳбуб шарқона “малик” титулини олганини кўрамиз. Рим императори бу нимага олиб келишини яхши биларди: кўп ўтмай унинг эмри билан Азина қатл килинди. Азина ўринига киска муддат 251 йилга тегишили ёзувда тилга олинган унинг катта ўғли Хайран, сўнг Хайраннинг ўғли Майсон ёш бўлганлиги сабабли унинг укаси Азина П Тадмур шахар сенатига раис килиб тайинланганлиги бу уругнинг қанчалик катта нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади.

Тадмир тарихининг ёрқин саҳифалари юқорида зикр килинган Азина П номи билан боғлиқдир. 258 йилга тегишили бевосита Азинага бағишланган матнда унинг мансаби император Валерианнинг консуляри деб берилган. 259 йили Валериан Эрон шохи Шопурга уруш килган пайтда қўмондонларидан бири Макриенning хонинлиги туфайли Раха якинида форсларга асир тушиб колди. Бир неча маинада худди шу пайтда Азина П ва Шопур 1 ўртасида

элчилар оркали музокаралар юз берганинга ишора бор. Аммо бу музокаралар форсларининг кескин мавқеи сабабли натижада бермади. Римлилар маглубиятидан сўнг Сурядаги ҳокимлар учун ўзини ўзи химоя килишдан бошқа илож қолмади. Шундай вазиятда Азина II ҳакикий маҳорат кўреатди.

Азина II Тадмур атрофидаги қабилалардан тўпланган кўшинига ўғли Иродни бош килиб тайинлади. Йирик саркараларидан бири Зебда бошчилигига отлик армия, Зибай бошчилигига камончилар отрядини тузди. Валериан армиясининг колдикларини хам тўплаб, ўзи кўмандончиларига Азина барча кучи билан Эрон пойтахти Ктесифонга караб йўл олди. Шопур I шимолда машгул эди. Унинг устига мустакил равинидат ҳаракат кильбётган Рим саркараларидан Калист форсларга кучли зарба берганинги хабари келди. Азина йўналишини ўзгартириб, форс кўшиниларини таъкиб килди. Шопур I бойзикларини, ҳатто ҳарамини тадмурулар кўлинга ташлаб, колганингутган кўшини билан зўр-базўр Евфратдан ўтиб, кутилиб келди. Азина II са Валерианинг ўғли император Галиенга “галаба ранорти” ёзиб юборди. Шундан сўнг Азинага “Римнинг Шарқтаги барча легионлари кўмандони” лақаби берилди. Сурия ва Месопотамияни озод килгач, Азина II Ктесифонга юришга карор килди. 261 йили у бор кучини тўплаб, Ктесифонни камалига олди. Аммо шу маҳал Валерианга хонинлик килган кўмандони Макриен ўзини Кичик Осиё, Миср, Фаластин ва Шомга император деб ўзлони килганинги ҳакида хабар келди. Азина II қамалини кўтариб, Тадмурга кайтди.

Азина II агар Макриен ҳокимиятда ўринашиб колса, Тадмурни босиб олишидан кўркарди. Ташаббусни кўлдан бермаслик учун унинг ўзи хужумга ўтди. У Хомсга караб аскар сурган хам эдикни, Макриен катл килинганини эшитди. Бутун Сурия Азина II ни тан олди. Бу воқеа 262 йил содир бўлганди. Шундан сўнг у яна ал-Жазира /шимолий Месопотамия/га йўл олди. Бир канча марзбон /сатраплар/ни кўлга тушириб, уларни Римга императорга ихлосини изхор қилиш учун жўнатди. Император Галлиен ўз навбатида унга “Император тотиус ориентис” – “Шарқ ерларининг императори” деган титул берди. Бу ерда шуни айтиш керакки, айни вақтда Рим кучли кризисни ўз

бонидан кечираётган, шарқ ерларини бошқарни учун Рим императорининг умуман мажоли келмади. 264 йили Римнинг шарқдаги легионлари кўмандони сифатида Азина II Сурия, Месопотамия ва Кичик Осиёни императорга оппозицияда бўлган барча кучлардан тозалади. Императорлик титули қанчалик юкори бўзмасин Азина II ўзини Эрон ҳокимларига тақлид килиб, “малик ал-мулук” деган шарқий титул билан атади.

Азина II ўзини факат ҳарбий саркарда сифатида эмас, моҳир давлат арбоби сифатида хам кўреатди. У христианларга иисбатан мажусийлар гомонидан адоватни тўхтатиб, мамлакат бўйлаб эътиқод эркинилигини берди: қароқчилар, дайдизларга қарши курашиб, мамлакат йўлларида хавфензликини таъминлади. Шундан сўнг 265 йили Азина II учинчи бор Ктесифонга йўл олди ва яна уни камал килди. Шопур I бу сафар сулҳга тайёр кўрнингандек, бўлди. Аммо Валерианини асирилардан озод қилиш шартини форслар қабул килмадилар.

Азинанинг Ктесифон қамали билан банд эканлигидан фойдаланган готлар Понт /Қора/ деңизини кесиб ўтиб Гераклея портига тушдилар, сўнг Фригия, Галатия ва Каппадокияга ёнирилдилар. Шу зайлда улар бутун Кичик Осиё ва Сурияни боенб олишлари мумкин эди. Азина II Ктесифон қамалини кўтаришга мажбур бўлди. Унинг кўшинилари яқинлашганини эшитган готлар яна Гераклея порти оркали ватанларига қочиб кетдилар.

Азина II тўртинчи бор Ктесифонга отланишга қарор килди. Аммо шу маҳал кутилмаган воқеа юз берди. Гап шундаки, Азина II аскарига Хомс якинида дам берганди. Шу ерда у тутгилган куни муносабати билан катта зиёфат берди. Зиёфатда йирик саркаралар Азинанинг кариндош-уруглари қатишди. Фурсатдан фойдаланиб Майсон ўз вақтида ҳокимият бевосита ворисдан тортиб олинган эди, деган даъво билан ўз амакиси Азина II ва унинг ўғли Иродни катл килди. Аскар бошликлари ҳеч қандай эътироозиз Майсонга қасамёд килдилар. Агар воқеалар тинчгина давом этганда бу ерда шахсий хусумат юз берди деб қўяқолардик. Бир неча кундан сўнг хомслилар Майсоннинг ўзини ўлдирдилар. Бу сафар аскарлар яна ҳеч қандай эътироозиз

Азина П дан сүнг бева бўлиб колган унинг хотини Зебони малика деб тан олдилар.

Милодий 266-267 йиллари содир бўлган бу воқеалар ҳамманинг кўз ўнгида юз берган бўлсаада, ҳалигача жумбокли масала сифатига келади. Бизнингча, бу принципиал масала эмас. Вазият шундай ёдики, Рим кризиси авжига чикаб турган бир пайтда Якни Шарқда империяга охтиёж мавжуд бўлиб, бу империяга ўзининг стратегик ва моддий имкониятларига кўра Тадмур ҳокими бош бўлмоғи лозим ёди. Зебо ўзининг “тарихий миссия”сини яхши англади, искилли, уни аъло даражада бажарди. Даравоқе шу пайтда “империя” тоғаси ижтимоий онга хам сингтанинг далили бор. 271 йили юкорида эслатилган икки йирик саркарда – Зебда ва Зибай – ўз устозлари Азина П шарафига хайкал курдирилар ва унинг пойдеворига “малик ал-мулук ва шаҳар ислохотчиси” деб ёздирилар.

Зебо дастлаб ҳокимиятни кичик ўгли Вахб ал-Лот номидан бошқарди. Шунни айтиши керакки унинг исми аниқ маълум эмас. Араб маибаларида бу исм Зебо. Зайнаб грек-лотин маибаларида эса Зенобияга айланди. Унинг асли миляти тўғрисида хам хар хил фикрлар бор. Баъзилар уни Клеопатра авлюидан дейишса, бошқалар унинг отаси араб, онаси эса римли бўлган деб ҳисоблашади. Италияни тарихчи Требелли Поллионинг унга ўқиган тасанносига қараганда Зебо араб, юнон, лотин ва қўбт /қадимги Миер/ тилларида эркин гаплашган.

Рим императори Галлиен Зебодан кўрккани бежиз эмас ёди. У Шопур I га карши юриш баҳонасида /аслида Зебога карши/ Гераклиен бошлиқ рим отрядини юборди. Бу хабарни эшитган Зебо тайёргарлигини кўриб, ўзи римлиларга пешвоз чиқди. Улар орасида юз берган жангда Зебо галаба козонди. Римлилар Гераклиенинг жасадини жанг майдонида ташлаб қочиб қолдилар. Зебо ўз навбатида форсларга нисбатан эҳтиёт чораларини хам кўрди. У Евфрит дарёси киргогида “Зенобия” номини олган кучли истеҳком курдири. Нихоят у Миерни босиб олиш режасини тузга бошлади.

Айтишларича, уни Клеопатра авлюидан деган гапни ўзи таркатган. Бу бежиз қилинмаган кўриниши.

Милодий 268 йили император Галлиен вафот килиб ўрнига Аврелий Клавдий таҳтга ўтирган пайтда шимолдан Римга герман кабилалари хужум қилдилар. Шимоли-шарқда готтлар Рим давлатининг тинкасиини қутишиб келарди. Зебо билан жангда ҳалок бўлган Гераклиенинг хотираси хам ҳали ўчмаган ёди. Ана шу фуресатдан фойдаланиб. Зебо Миерга 70 минглик кўшин юборди. Бу кўшини 50 минглик Миердаги Рим армияси устидан галаба козонди. Мальумотларга қараганда тадмурлилар 5 минг кишилик гарнизон қолдирив. Тағдургага қайтганларида Рим флоти Александрияга хужум қилган. Шундан сўнг тадмурлилар иккинчи марта Миерни ишғол килингандар. Миернинг якни келажакдаги кейинги тақдирни тўғрисида хеч кандай тарихий маъба йўқ. Чамаси. Зебо Клавдий билан келишган шарғномага кўра у Римнинг Миер устидан сюзеренитетини тан олган, Рим оса Тадмур кўшиниларининг Миерда туришига рози бўлган. Кейинги император Аврелиан ҳукмининг биринчи йилларида хам шундай ҳолат сакланган кўриниши. Чунки 270 ва 271 йиллари Искандарияда зарб қилинган таңгода Аврелиан ва Вахб ал-Лотнинг кўшалоқ сурати тасвиirlанган. Демак, шу пайтда Миер устидан Рим-Тадмур кондоминиуми /кўшма ҳукмронлиги/ ўрнатилган ёди, дейиш мумкин.

Зебо Тадмур шаҳрини мустаҳкамлашга ва уни безанга катта эътибор берди. Ҳозиргача етиб келган Тадмур обидаларининг аксарияти Зебо пайтида курилган. Бу ишлар шунчаки курувчиликка ишқибозлиқдан қилинмаганлиги тез кунларда аён бўлди. Рим билан сарҳисоб ҳали олдинда ёди. Зебонинг буюк галабалари хамма сабаблардан ташқари биринчи навбатда Римнинг готтлар ва германларга қарши қураш билан машгуллиги ва айникса, Рим ички кризиси билан боғлик ёди, албатта. Император Лукий Аврелиан /270-275/ германларининг “адаби”ни бергач, Шарқ билан шугулланишга карор қилди.

Бу гаплардан хабардор бўлган Зебо шиддат билан харакатга тушиди. У Клавдий билан келишилган шартномани бекор килди, зарб килинаётган янги тангаларидан Аврелианинг суратини тушириб, факат ўғли Вакб ал-Лотнинг суратини “император” титули билан колдириди. Четта чикариладиган тангаларда ўзини “Августа”, Тадмур учун чикарилган тангаларда эса “малика” деб ёздириди. Мальумки, “Август” Рим императорининг титули эди. Кўриниб турибдики, низо ошкора тус олди. Рим кўшинилари келишини кутиб турмасдан Зебо ўз кўшиниларини Кичик Осиёга сурди. Улар Халкедон, яъни хозирги Истамбулга яқин бориб колишиди. Айтишларича, Зебо голибона Римга кириб боринин орзу килиб, ўзига мухташам арава ясаттирган. Шу макеадиа Зебо Миердаги гарнизоннинг асосий кисмини чикариб олди. Буидан фойдаланган Аврелиан унча катта бўлмаган отряд юбориб. Миерни кайтариб олишга эриниди. 271 йилнинг 25 августидан бошлаб Александрияда Зебо ва Вахб ал-Лотнинг сурати туширилган тангалар зарб килиш тўхтаганилиги шунида далолат беради.

Халкедон ахли тадмурлиларга қаршилик кўрсатди ва Аврелианга маъдад сўраб мурожаат килди. Тадмур кўшинилари жанубга чекиниб, кулайроқ мавке кидирдилар. Рим кўшинилари эса 271 йил охири – 272 йилнинг бошида Босфордан ўтдилар, сўнг Кичик Осиёнинг Фалатя, Каппадокия, Анқара шаҳарларидан ўтиб, Шомга яқинлашиб кела бошлидилар. Тадмур кўшини Зебо кўмайдонлигига Антиохия ёнида римлиларни кутиб олди. Айтишларича, Зебонинг ўзи отга миниб, олдинги сафларда бўлган. Жанг бошида тадмурлилар римлиларнинг легионларига шиддат билан хужум килиб, уларни ёйиб юборади. Император асосий кўшинига узок масофага тезлик билан чекиниш, тадмурлилар таъкиб килган холда қарши хужумга ўтишни буюрди. Тадмур отлиқ аскарлари оғир қуролланган ва ўз мавқларидан узоқлашганда фаол ҳаракат кила олмас эдилар. Бу тадбир ҳакиқатан иш берди. Пировард натижада Тадмур кўшини жуда катта талафот кўрди. Зебо тезлик билан Антиохияни ташлаб, Хомсга кетишга карор килди.

Чунки Антиохия ахолисининг кўпчилиги греклардан иборат бўлиб, улар тадмурлилардан кўра кўпроқ римлиларга хайрихox эдилар.

Иккинчи жанг Хомс шаҳрининг шимолида юз берди. Аврелиан Антиохиядан Хомсга аҳоли яшайдиган пунктларни деярли қаршиликсиз олиб, Хомсга етганда, 70 минг кишилик армия жангга шай бўлиб турганини кўрди. Бу сафар ҳам дастлаб тадмурлиларнинг кўли баланд келди. Римлилар яна бир бор ҳарбий тадбиркорлик кўрсатдилар. Ган шундаки, тадмур отлиқ кисмлари билан ниёта кисмлари орасинда катта оралик масофа бор эди. Римлилар бор кучларини тадмурлиларнинг ниёда кисмларига ташладилар ва уларни яксон қилдилар. Бу эса умуман жанг натижасига таъсир килди.

Зебонинг Тадмурга чекинишдан бошкага иложи колмади. Ҳали ҳамма имкониятлар йўқотилмаган эди: Эронга мадад сўраб, мурожаат килиш, Тадмур атрофидаги араб кабилаларидан кўшин тўплаш мумкин эди. Лекин буни жуда яхни туттунган Аврелиан Зебога ҳеч қандай фурсат қолдирмади. Зудлик билан, аскарининг холдан тойганига қарамай, ўзи бошлиқ Тадмурга етиб келди ва уни қамалга олди. Қамал бироз чўзилган кўринади. Ҳарқалай, Римда Аврелиан устидан кулиб “хотин кишини синга олмаяпти”, деган гаплар тарқалди. Бунга жавобан Аврелианинг сенатга ёзган хатида “Зенобияни жанг майдонида кўрининг, ҳар қандай эркакни енгиши мумкин”, - деган сўзлар учрайди.

Аммо Тадмурнинг такдири ҳал бўлганди. Римнинг душмани Эрон ёрдамга келолмади. 271 йили Шопур I вафот қилгач, Ҳормузд бир йилгини таҳтда ўтириб, кейин ағдарилган, хуллас. Эрон пойтахти ички кураш билан банд эди. Атрофдаи араб кабилаларининг ҳам ахволи маълум эди. Ҳоким кучли бўлганда улар бўйсунадилар, аммо у ҳокимнинг ахволи танг бўлди дегунча (Зебонинг холати) ёрдамга келмайдилар.

Шундай вазиятда Зебо охирги чорани кўрди. У тунда римлиларга сездирмай шаҳардан чиқиб, Месопотамия йўналишида кочди. Айтишларича, у шахсан ўзи Эрондан ёрдам сўрамокчи бўлган. Аврелиан бу хабарни эшитган заҳоти маҳсус отряд тузиб, унинг кетидан қувдиради ва отряд

Зебони деярли Фрот дарёсига етиб қолған жойида унлайди. Зебо Аврелиан қароргохига олиб келингач, шахар таслим бўлди. 273 йил бошларида Аврелиан шахарни талаб, Зебо ва унинг маслаҳатчиларини банди килиб. Рим томон йўл олди. У Босфордан ўтиб, Фракияга етганда Тадмур ахолиси иёни кўтаргани, у колдирган 600 кинилик гаризон кириб ташлангани ҳакида хабар келди. Айни вактда Мисерда ҳам римлиларга қарши кўзголон кўтарилганди. Бу кўзголонлар зудлик билан бостирилмаса. Рим шаркий вилоятларидан ажralиши турган ган эди. Аврелиан орқага кайтишига мажбур бўлди. Бу сафар Тадмур ер билан яксон килинди ва ахолиси кириб ташланди.

Аврелиан Рим шахрига 274 йили голибона кириб келди. Бу воқеа рим манбаларида батафсил баён қилинган. Таитаналарда 1600 гладиатор, бехисоб куллар қатнашиди. Зебо, унинг ўғил ва қизлари, якин кариндошлари асрлар сифатида учта олтин ва кимматбаҳо тошлилар билан безатилган аравада (бу араваларининг бири Азинаники, иккинчиси Эрон шохи Хормуздининг Аврелианга хадяси, учинчиси Зебонинг шахсий араваси эди) олиб ўтилди. Таитанали юришида хар ердан келтирилган 20 фил, бир канча вахний хайвонлар борарди. Бу юриш шу зайдада Капитолийга, сўнг император саройигача давом этди. Араб манбаларида айтилишинча, гўё Зебони олтин занжирларга бойлаб, пиёда юргизганлари ҳақиқатдан йирокқа ўхшайди. Чунки Рим манбаларига караганда, қолған умрини Зебо Тибурда унинг учун маҳсус курилган вилласида ўтказган, қизларини Рим зодагонларига турмушга берган. Кейинчалик Флоренцияга епнископ бўлган Зенобиусни унинг наслидан дейишади.

Тадмур Рим таркибиға киргач, тадмурлилардан ташкил тонгандан маҳсус камончилар кисмлари Рим легионларида хизмат қилгани ҳакида маълумот бор. Диоклетиан (284-305) даврида Тадмур бироз таъмир қилиниб, Рим чегараларидаги қабилалардан химоя қилиш учун курилган қалъалардан бирига айланди. Милодий 400-йиллар атрофида Тадмур Финикия вилоятига қарашли бир район бўлиб қолди. Бу ерда бадавийлар хужумини қайтариш учун I-Иллирия легиони жойлаштирилди. Юстиниан (527-565) даврида

Тадмурда каттагина таъмир ишлари бажарилди: баъзи қадимги бинолар тикланди, шахар деворлари маҳкамланиб, сув иниоотлари қурилди. Бу ишларининг асарлари ҳозирги кунда ҳам сезилиб туради. 634 йилдан бошлаб Тадмур Араб халифалии таркибиға кирди.

Кизиги шундаки, Зебо билан юз берган воқеа беиз йўқолиб кетмади. у Рим империясининг ҳалажак тақдирига таъсир қилди. Азин-Зебо тузган давлат кейинчалик "деминат" (полис бошқарувининг империя бюрократик аппаратига бўйсингизрилиши) номи билан шаркий Рим империяси, яъни Византияning прообрази вазифасини бажарди.

Тадмур маданияти юнон, суря, эрон ва бошқа элементларни ўз ичига олган ажойиб бир араланимадан иборат эди. Тадмур ахолиси араблашган арамайларини ташкил қилинганига шубҳа йўқ. Бунга зодагонларининг арабча исемлари ва арамей ёзувларидан арабча сўзларининг кўплаб тақрорланиши далил бўла олади. Таимурликлар сўзланишга тил гарбий-арамей шевалари (диалектларига) кирди. Бу тил тадмурлилар ўз талаффузларига мослантириб олган кўплаб грек атамаларини ўз ичига олган. Шунингдек, арамейлантирилган логин сўзлари ҳам учраб турарди. Тадмурликлар фойдаланган ёзув тақомиллаштирилган арамей хати эди. Тадмурлиларнинг ойлари бобиллилар, наботийлар, сурялилар ва яхудийларнидан фарқ кильмасди. Ўз тарихини улар Селевкийлар, яъни эрамиздан аввалги 312 йилларига оқтябрридан бошлашиарди.

Тадмурлилар дини шимолий ва шаркий Суряда яшаган бошқа халқлар динидан деярли фарқ кильмасди. Энг машхур худо – Күёш худоси (Самес ёки Шамеш) эди. Тадмурнинг бутуниги ҳаробалари орасида Күёш худоси ибодатхонасининг қолдиклари ҳам бор. Тадмурлилар ойга ҳам сигинишган. Унинг исми Идже баал деб аталган. Хотин худолар ичиди энг машхури арабларга маълум бўлиш ал-Лот эди. Худолар орасида Баал Шмин (Осмон ҳукмдори) бор эди. Яна бир худонинг исми аниқ арабча маъно англашарди – Шиа кавм. Унга вино ичмайдиган яхшилик худоси, деб таъриф беришарди. Шиа кавм уруг ҳомийси ёки йўлдоши, у карвоинларга ҳомийлик қиласди, деб

ишонардилар. Ёзувларда хаммаси бўлиб Тадмурда ибодат килинган 22 худонинг исми зикр килинган.

Тадмурнинг қулаши яна савдо йўлининг жанубга кўчишига сабаб бўлди. Бусра ва наботийларнинг бошқа шахарлари Тадмурнинг ўринини босиллар.

в) Лахмийлар давлати

Қадим замонлардан бўён вақти-вақти билан бальзи араб кабилалари Арабистон ярим оролининг ичкари районларидан унинг шимоли-шарқий чегараларига кўчиб келар ва Фрот дарёсининг ўнг соҳилица ўрианиб коларди. Месопотамияда хукм сурган давлатлар инкиrozга юз тутган пайтларида буидай кўчишлар интенсивлашарди. Милодий III аср бошларида Парфия давлатининг қулани ва Эронда Сосонийлар сулоласининг хукми ўриатилиши билан деярли бир пайтда Арабистонининг шарқидан Фрот дарёсининг куйи окимиға якни ерларга Таниух кабиласининг кўчини юз берди.

Иби ал-Калбийнинг таъкидланича, бу ерининг туб ахолиси унгача “Ибод” (худонинг бандалари) леб аталарди. Улар христиан динининг несториан мазҳабига мансуб бўлиб, ўқин-ёзишдан хабардор, хунармандчилик ва савдо билан шугуулланганлар. Таниухдан кейин хам бальзи кичик-кичик гурухларининг кўчиб келиши давом этди, шекилли, манбаларда ахлоф (бирлиги “хилф” - иттифоқдош) номини олган ахоли гурухи зикр килинади.

Тез орада жанговарлиги, харбий маҳорати туфайли таниух кабиласи устунликка эришганини кўрамиз. Дастреб улар чодирларда яшаб келдилар. Кейинчалик уларнинг чодирлари ўринатилган манзиллар доимий турар жойларга айланган. Кўпчиликнинг фикрига кўра, Хира шахрининг номи сирёнийча (оромийча) “хирта” – чодир сўзидан олинган. Хира давлати милодий III аср бошларидан то VII аср бошигача хукм сурди. Энг юксалган пайтларида бу давлат чегаралари Фрот дарёсининг ўрта окимидан то Форс кўрфази киргогининг ўрталаригача чўзилганди. Араб ва гарб тарихий адабиётида бу давлат гўё Арабистон қабилаларининг узлуксиз равища Эрон

ерларига хуружларини бартараф қилиш учун Сосоний хокимлари томонидан “тўсик” сифатида барпо килинган, дейилади. III аср охиirlарида Хира таҳтида Лахмийлар сулоласидан подиолар ўтирганини кўрамиз. Араб адабиётида бу сулолага мансуб 20 дан ортиқ вакилининг исмлари учрайди.

Француз археологи Дюссо Ҳамашқдан жануби-гарб, Бусрадан шимоли-гарбда. Немара деган жойда Лахмий подиоларидан бири Имруул-Қайс I (288-328)га тегинили катта базалыт қабр тошини топди. Унда “мамлакат шуҳрат ва кулратда ҳеч качон буғунги даражага етмаган”, дейилган.

Имруул-Қайс даврида Хира давлатининг юксайганини изоҳлаш кийин эмас. Гап шуидаки, икки бутоқ давлат – Рим ва Эрон – ракобатида III асрнинг 60-йилларида Эрон устун келган бўлса, III аср охири IV аср бошида вазият ўзгарди. 282 йили Эрон шохи Баҳром II вафот килгач, Баҳром III атиги 4 ойгина таҳтда ўтириди; умуман Шопур II 309 й. таҳтга ўтиргунига қадар Эронда 6 шоҳанинг ўзгарди. Буидай ҳолат Рим-Эрон ракобатида кучлар инебатини Рим томонга оғдиради. Эрон шохи Нарсе (293-301) Рим билан оғир шартларда сулҳ тузишга мажбур бўлди: Рим Эронга қарашли бир канча ерларни тортиб олди. Ана шуидай вазиятда Хира подшоси Имруул-Қайс I ўзини батамом мустақил хис килгани, ўз ўғилларини ҳам Рим, ҳам Эронга вакил килиб юборгани юкоридаги ёзувда таъкидланган.

Имруул-Қайс I вафотидан сўнг Хира давлатининг шуҳрати пасайди. Ҳатто беш йил мобайнида Хира таҳтида Эрон шохи Шопур II (309-379) томонидан тайинланган Аус бен Куломни кўрамиз. Аммо лахмий зодагонлари уюшиб, уни таҳтдан ағдарилар ва Имруул-Қайс II ни ўтказдилар. Имруул-Қайс II ниңг ўгли Нуъмон I (403-431) даврида яна Хира давлати юксалди. Нуъмон I Ҳаварнак ва Сидир саройларини қурдирганилиги билан тарихда ном қолдирган. Ҳаварнак саройи билан боғлиқ бир ривоят бор. Эрон шохи Яздижерт I (399-420) фарзандлари нобуд бўлавергач, ҳавоси ҳар кандай бало-қазодан тоза жойни суриштирганда унга Хира еридаги бир төғ ён бағрини айтишибди. Шунда у энди тугилган ўгли Баҳром Гурни Нуъмонга бериб, унга бир маскан қуриб, араб бадавийлари орасида ўстиришни сўрабди.

Фирдавсийнинг “Шохнома”сида айтилишича. Нуъмон I Баҳромнинг тарбияси учун 4 та жисми соглом, насаби тоза, зехни ўткир, одоби покиза аёлни ташлабди, уларнинг иккиси араб зодагон оиласидан ва иккиси ёрон бадавлат оилаларидан экан. Шундай килиб, Баҳром араб одатида тарбияланган эканки, Язджард I вафотидан сўнг тахтга ўтирган Баҳром Гурга (420-438) эрон зодагонлари ва руҳонийларининг адовати шу сабабли бўлса, эҳтимол.

Нуъмон I фаол ташки сиёсат олиб боргани хакида маълумотлар бор. У бир неча бор Сурия ерларига бостириб кирган. Нуъмон I Армиясида ташух қабиласидан тузилган иккى килем (давсар) ва форслардан ёлланган бир килем (шахбо) бўлган. Баъзи араб тарихчилари Нуъмон I христиан динига кирган биринчи Ҳира подшоси деб хисоблайдилар ва хатто 410 йили Ҳирага мансус усукуф (епископ) тайинланган.

Нуъмон I ининг ўғли ал-Мунзир I (418-462) Баҳром Гурга Эрон таҳтига ўтиришида ва Эрон зодагонлари хамда руҳонийларига карши курашида ёрдам бергани билан маълум. Бундан ташкари у Эрон-Рим урушиларида Эрон томонида катнашган. 421 йили Арадабури бошлиқ рим кўшинилари эрон аскарларини маглуб килган пайтда Мунзир I бошлиқ араб кўшинин жангга кириб, у ҳам енгилди, аммо римлилар бундан фойдаланимадилар. Ал-Мунзирдан сўнг ҳокимлик килган унинг ўғиллари ал-Асвал (473-493), ал-Мунзир II (493-500) ва ал-Асвадининг ўғли Нуъмон II (500-503)лар чамаси, мустакил сиёсат олиб бора олмаганлар. Лахмийлар сулоласидан бўлган бевосита меросхўр Имруул-Қайс III бу пайтда Баҳрайн ва Наждда Низор гурухидан бўлган Рабиа қабиласи билан курашди ва улардан “Мо ус-само” (арабча “Осмон суви” дегани) лақабли гўзал қизни олиб қочиб, унга уйланди. Моус-самонинг асли исми Мория ёки Мовия бўлиб, ундан тугилган ал-Мунзир III ибн Моус-само лақаби билан маълум ва у Ҳиранинг энг донгдор ҳокимларидан ҳисобланади.

Ал-Мунзир III (505-554) Эрон шаханшоҳлари Ковад I (488-531) ва Хусрав I Ануширвон (531-579), Византия императори Юстиниан (527-565),

Ғассонийлар подшоси ал-Хорис бин Жабала (529-569)лар билан замондош бўлган. Ярим аср давом этган унинг ҳукми Ҳира давлатининг бир неча бор юксалиши ва тушкунлиги билан характерланади. Аксарият ҳолларда бунга сабаб Ҳира атрофида вужудга келган ташки муҳит бўлди. Дастреб Мунзирнинг Маздак таълимотига муносабати Ҳира давлати учун қимматга тушиди. Маълумки, маздакийлар харакатининг Эронда кенг ёйиниши ва унинг ютуқлари шаҳанинг Ковад I ининг бу харакатга муносабати туфайли юз берганди. Ковад маздакийлардан Эрон зодагонларига қарши курашида фойдаланишига қарор килганди. Шаҳанинг Мунзирни ҳам Маздак таълимотини қабул килингига даъват килди, аммо Мунзир бунга кўнимади. Айни вақтда Марказий Арабистонда вужудга келган Кинда давлатининг ҳокими ал-Хорис б. Амр бу даъватни қабул килди. Ковад I кўшинин тортиб келинишдан кўрккаи Мунзир III пойтахти Ҳиранни ташлаб бирмунча муддат Либорда яшади. Худди шу пайтда Ковадининг мададига таянган ал-Хорис б. Амр Ҳира ерларига бостириб кириб, унинг катта килемини эгаллади. Аммо бундай ҳолат кўнга чўзилмади. Эронда Ковад ўз максадига эринигач, яъни зодагонларининг иктисадий ва сиёсий қудратига маздакийлар ёрламида зарба бергач, маздакийларининг ўзини кон қақнатди. Бундай сиёсат Кинда ҳокими ал-Хорис б. Амрининг мавқеини сусайтирди ва тез орада Мунзир III Ҳирадан кинидийларни кувиб чиқаришга эришиди. Мунзир III Эрон-Византия урушиларида Эрон томонида бир неча жангларда катнашди. Византия саркардаси Велизарийнинг шимолда – Арманистанда харакат килаётганидан фойдаланиб, Мунзир Византияга карашли Сурия ерларига бостириб кириди, 529 йили у Антиохиягача бўлган ерларни талади. Византия императори Юстиниан ўз вассали – Ғассонийлар подшоси Ал-Хорис б. Жабала га мурожаат килди. Ғассонийлар ва лахмийлар кўшини ўртасида бир неча тўқнашувлар юз берди. Бу жанглар асосан Дамашқ ва Тадмурни боғлаб турган “Страта” деб аталмиш ҳарбий йўл атрофида олиб борилди. Аксарият ҳолларда Мунзирнинг кўли баланд келарди. Жангларининг бирида Мунзир Ш ал-Хориснинг ўғлини асир олиб, шу захотиёқ уни ал-Узза аёл худосига

курбонлик килди. Бошка жангда у 400 рохибани /монах аёллар/ худди шу худо шарафига курсонлик кылгани хакида маълумот бор. Ниҳоят, ана шу урушларнинг охирида /554й./ Қиннаерин якинида юз берган жангда гассонийлар подшоси ҳийла ишилатиб тўя галаба қозонди ва Мунзирин икки ўгли билан бирга катл килди. Бу жанг араб тарихий адабиётида “Ҳалима куни” номини олган. /Бу ҳакеда батафсилрок “Гассонийлар давлати” киемидан ҳикоя килинади/.

Ал-Мунзир III ишинг ўгли Амр III /554-568/ кўпроқ онасига ишебат килинган ҳолда иби Ҳинд исми билан маълум. Ҳинд Кинда подшоенинг кизи, Жохилия даврининг энг машхур шоири Имруул-Кайсининг аммаси бўлган. Амр Ш пайтида Ҳира араб адаб ва шоирларининг мухим марказига айланди. Унинг саройини Тарафа, Амр б. Қулсум, ал-Хорис б.Хилза каби машхур шоирлар зиёрат килганилар ва ўз шеърларида тараниум килганилар.

Амр Ш ниҳоятда золим бўлганлиги ва кўп араб қабилаларини асоратда саклаганлигига ишоралар бор. Деярли ҳамма ўрта аср араб манбалари яқдиллик билан Амрининг ўлимига сабаб бўлган воқеани келтирадилар. Бир куни у катта зиёфат куриб, унда машхур шоир Амр б. Қулсумининг онасига ўзининг онаси Ҳиндга хизмат килишни буюрибди. Буни ўзига ҳакорат деб билган эркесвар шоир деворда осиглик килични олиб, подшохнинг бошига туширибди.

Амрдан сўнг Ҳира хокимияти яна заифлашди. Қисқа муддат лахмийлардан бўлмаган Сухроб исмли подшо Ҳира тахтида ўтириди. Сўнг ал-Мунзир IV тимсолида лахмийлар сулоласининг тикланганини кўрамиз. Унинг ўгли Нуғмон III /580-602/ бу сулоланинг охирги вакилидир. Нуғмон христиан оиласида тарбия кўрган бўлиб, унинг тарбиячиси машхур араб шоири Ади б. Зиёднинг отаси Зайд б. Ҳамод эди.

Нуғмон Ш хокимияти қанчалик заифлашган бўлмасин, кўшни, бирбири билан адоватда бўлган араб қабилалари олдида унинг иуфузи баланд эди. Эрон шохи Ҳусрав П эса Византия билан уруш бошлишдан олдин лахмийлар сулоласига барҳам беришни истарди. Ҳусрав Нуғмоннинг

синглисинга уйланини баҳонаси билан уни Ктесифонга таклиф килди. Нуғмон эса эҳтиёткорлик юзасидан бор бойлигини Бакр қабиласи бошлигига омонатга кўйиб, Эрон пойтахтига йўл олди. Кутисганидек, Ҳусрав Нуғмонни зинданга ташлатди ва у ўна ерда 602 йили вафот килди. Ҳира тахтига Ҳусрав Тайй қабиласидан Ийёс б. Қабиса /602-611/ни ўтказди ва айни вактда унинг ёнига форслардан Нахверган исмли вакил тайинлади.

Мусулмон адабиётида катта ўрин олган Зу Қор жангига ана шу даврда юз берди. Айтишларича, Ҳусрав Ийёсадан Нуғмон Бакр қабиласида колдирган омонатни жўнатинин талаб килган. Аммо Бакр қабиласининг бошлигига Ҳони б. Масъуд бу талабни рад килган. Шундан сўнг Ҳусрав жазирама иссик найтларида бакр қабиласининг Зу Қор булокларига /Куфа якинида/ келишини кутиб, уларга ё Нуғмон омонатини берини, ёхуд жангга шайланишларини шарт килиб кўйди. Бакрлар жанг килишини афзал кўрдилар. Бу қабила кўп сонли бўлиб, Марказий Арабистондаги Ямома районидан то Форс кўрғазининг шимоли-гарбий киргогигача кўчиб юарди. 610 йили юз берган бу жангда Ийёс б. Қабиса 2000 кинишик форе ва 5000 кинишик Ҳира арабларидан тузилиган кўшинига бошчилик килди. Бакрлар камчилик бўйсаларда сабот билан курашиб, тўла галаба қозондилар. Араб адабиётида Зу Қор жангига хафдан ташқари юкори баҳо берилади. Айтишларича, бу хабар шу заҳотиёқ бутун Арабистон ярим оролига тарқалиб кетган. Агар рост бўлса, Маккада энди наигамбарлик фаолиятини бошилаган Мухаммад (сав) бу хабардан тоят хурсанд бўлиб, шундай деган экан: “Бу – араблар ажамлардан /форслардан/ ярим ҳақларини олган биринчи кундир” /Ҳаза аввал йўм интасафа ал-Араб мин ал-Ажам/.

Ийёс б. Қабисидан сўнг форслар томонидан Ҳира тахтига ўтказилган икки хокимнинг охиргиси ал-Мунзир V бўлди. 633 йили Ҳира ерлари Холид б. Волид томонидан фатҳ қилиниб, Араб халифалиги таркибиға кирди.

Шундай килиб, биз аксарият ҳолларда Ҳира мустакил ҳукм сурганини кўрдик. Давлат бошида подшо турган, унинг қошида вазир бўлиб, манбаларда у “радиғ” деб аталган. Айни вактда подшо мунтазам ва

күнгилли қисмлардан иборат армияга бош күмөндөн хисобланған. Мунтазам қисм факт араблардан иборат “давсар” ва форслардан түзилған “шаҳбо” бўлимларидан ташкил топганди. Кўнгилли қисмлар эса тобе араб кабилалари вакилларидан тузилған бўлиб, ўз навбатида “рахони”, “санойи” ва “радойи” бўлимларидан иборат эди.

Хирилилар кундалик ҳаётда шимолий араб тилидан, ёзувда эса сурёнийдан фойдаланаардилар. Бу давлатининг араб тили тараққиётида хизмати катта, араб тилида мавжуд бўлмаган кўп форс түшунчалари ана шу давлат орқали ўзлаштирилган.

Юкорида кўрганимиздек, дастлабки Хира подиодари буниараст бўлишган, аммо кейинчалик улар христиан динининг несториан мазхабини қабул килдилар. Биринчидан, бу мазхаб Византияниң Сурия вилоятида кувгида эди ва, иккинчидан, Эрон ҳокимларининг бу мазхабга ўтирози камрок эди. Христиан дини Хирада ижобий роль ўйнади: шу дин туфайли хирилилар ўқиши-ғинни ўргандилар ва ўз навбатида Арабистон оролидаги бошқа арабларни ёзувга ва маърифатга ўргатдилар.

г) Гассонийлар давлати

Гассонийлар давлати ўзининг вужудга келган вакти ва ўйнаган роли жиҳатидан Хира давлатига ўхшаб кетади. Римлилар Тадмур давлатининг мустакиллигига барҳам берганларидан сўнг /милодий 274 й./ унинг чегараларига якин районларда истикомат килган араб кабилалари билан хисоблашишга тўтири келди, чунки улар вакти-вакти билан Сурия срларига кўкисдан бостириб кириб, маълум ўлжага эга бўлгач, зудлик билан ўзларининг сахро “кемаларида” қум уммонларига қочиб кетардилар. Уларни “жазолашнинг” деярли иложи йўқ эди. Шундай вазиятларда римлилар бирон-бир араб қабиласини ўзига “шерик” килиб, уни бошқаларга қарши “тўсик” килиб қўйишга қарор килдилар. Айни вактда Сурияниң жануби-Ҳаврон ва ал-Балқона /хозирги Жабал Друз/ асли Арабистоннинг жанубидан чиққан Азд қабила туркумидан бир қавм кўчиб келиб, Гассон суви чикадиган жойда ўрнашиб колди. Ана шу қавм кейинчалик гассонийлар номини олган.

Пировард натижада гассонийлар голиб чиқдилар ва Сурия араблари орасида устулика эринидилар.

Ал-Исафаоний гассоний подиодарининг сонини 32 та, Иби Кутайба – 11, ал-Масъудий – 10 та деб беради. Гассонийлар тарихини чукур ўрганган гарб тарихчиларидан проф. Нёлдеке гассоний подиодарининг сони 10дан ортмаган ва улар жами бир асрдан ортиқроқ ҳукм сурғанилар деб хисоблайди.

Қандай бўлгандга хам шу нареа аникки, гассонийлар Сурия данитида янаган боника араб кабилалари каби оромийлардилар, яни оромий ёзувини ва тилини ўзлаштиридилар. Айни вактда улар оғзаки путькда ўз араб тилларини йўқотмадилар. Лахмийлар синтари гассонийларда хам дастлабки даврларда муқим пойтаҳт бўлмаган. Улар хар хил жойларда ҷодирлардан лагерь, куриб янаганлар, кейинчалик, Жўлон теналикларини ўзларига доимий қароргоҳ килиб ташланганлар хамда Жиллик деган шаҳарга асое согланилар.

У асрда гассонийлар Византия таъсир доирасига тушдилар ва ўна пайтларда Сурияда кенг кулоч ёзғаи христиан дининингmonoфизик мазхабини қабул килдилар. Византия ва гассонийлар ўртасида қандайдир шартинома имзоланганлигига ишора бор, унга кўра Византия керак бўлгандга гассонийларга 40 минг аскар билан ёрдам беради. Гассонийлар эса Эрон Византияга карши урушиган пайтларда Византияга 20 минг кишилик аскар етказиб берадиган бўлган.

Гассонийлар давлати VI асрда ўз тараққиётининг авжига чиқди. Бу даврда доиг таратган гассонийлар ҳокими Ал-Хорис II б. Жабала /529-569/ бўлди. Ал-Аъраж /чўлок/ лакабини олган бу подио Византия императори Юстиниан, Эрон шахиншохи Ҳусрав I Ануширвон ва Хира подиои ал-Мунзир Ш ларга замондоши эди. Юстиниан ал-Хорисни “патриций” ва “филарх” лавозимларига кўтарди. Бу лавозимлар Византияда императордан сўнг иккичи мартаба хисобланарди. Византия унвонлари қанчалик улуғвор бўлмасин араблар учун ал-Хорис П “малик” эди. Император Юстинианнинг ал-Хорисга нисбатан “саҳийлиги” бежиз эмас эди. Гап шундаки, 532 йили Византия ва Эрон ўртасида “азалий тинчлик” сулхи имзоланган ва Юстиниан

ўзининг асосий эътиборини собик Рим империясини тиклашга каратган эди. Машхур саркарда Велизарий олиб борган оғир урушлардан сўнг Византия кўниини ва флоти Италия, Ўрта дениз гарбидаги ороллар, Нирений ярим ороли ва Шимолий Африканинг бир килемини готтлар ва вандаллардан тортиб олишга муваффак бўлди. Шундай вазиятда ал-Хорис II Византиянинг шарқий чегараларига килеман бўлсада "посбон" бўлмоги ло им эди.

Хусрав I бир катор ички ислоҳотлар ўтказиб. Эронда шаханинг хокимиятини мустаҳкамлашга эришиди. Оиди у "тичник сулх" билан боғланишни истамасди. Шундай бўлса да, у бевосита Византияга қарни уруши ёлан килишга жуरъат килемай, ўзига вассал бўлган Хира подшосини гассонийлар подшосига қарни "тиж-тижлай" бошлиди. Шундан сўнг Хира подшоси ал-Мунзир Дамашқ-Тадмур харбий йўли /Страт/ атрофида истикомат қилаётган араб қабилалари устидан гегемонликни даъво килиб чиқди. Ал-Хорис II бу даъвони рад килди. Бунинг натижасида икки вассал ўртасида уруш бошланиб кетди. Ўз навбатида икки буюк давлат ўртасидаги сулх бузилди ва урушига айланиб кетди. Хусрав I Суря ва Кичик Осиёга бостириб кирди. У ҳатто Константинополини олиб қўйиншига оз колганди. Юстиниан мохир саркарда Велизарийни Шимолий Африкадан чакириб олди ва гассонийлар подшосидан мадад сўради. 541 йили Велизарий бошлиқ Византия қўшинлари ва Хорис II бошлиқ гассонийлар аскари қарши хужумга ўтиб, Жазирага /Шимолий Месопотамия/ бостириб кирдилар. Аммо Велизарий галаба нашидасини бир ўзи сурмокчи бўлди, шекилли, Хорисни оркада қолдириб, ўзи олдинга интилганди, омад унга ёр бўлмади. Шундан сўнг яна Византия ва Эрон ўртасида сулх ўрнатилди.

Гассонийлар ва лахмийлар ўртасидаги кураш эса давом этаверди. 544 йили ал-Хориснинг ўғилларидан бири ал-Мунзир Ш кўлига асир тушиб қолди ва, олдин айтилганидек, ал-Узза аёл худосига курбонлик қилинди. Умуман олганда, икки араб подшосининг рақобатида кўпинча ал-Мунзирнинг кўли баланд келарди. Аммо 554 йили араб алабиётидаги "Халима куни" деб ном олган жангда ал-Хорис II ажойиб галабани кўлга киритди. Бу

сафар ҳам одатдагидек Хира подшоси ал-Мунзир Ш Сурияга бостириб кириш учун тайёргарлик кўраётган эди. Араб маълумотларига кўра, ал-Хорис хийла ишлатинига қарор қилибди. Аскаридан 100 нафар чандаст йигитларни ташлаб, уларни "қочоклар" сифатида ал-Мунзир қароргохига ўтишига тайёрлади. Уларнинг сафарга кетишидан олдин подшо ўзининг гўзал қизи Ҳалимага ҳар бир азаматнинг бошига арабларнинг севимли атири "ҳалук"дан сепинини буорибди. Шу аснода йигитлардан бири ўзини тута олмай, Ҳалиманинг пенонасидан бир бўса олибди. Магрур киз тарсаки билан жавоб бериди. Аммо подшо бу ишга ўта бепарволик билан қараб, қизини ховуридан түнирибди. Юзта азамат эса вазифасини адо этгани душман қароргохига йўл олибди. Доимо эҳтиёткор бўлган ал-Мунзир Ш бу сафар, негадир, гафзатда колиб, "қочоклар"ни яхши қабул қилибди. Биринчи қулагай фурсат келинни билан "қочоклар" бошлиги ал-Мунзирга ҳамла қилибди ва иничок уриб, уни ўздирибди. Вужудга келган саросима вактида ал-Хорис II қўниин билан хужумга ўтиб, тўла галаба козонибди.

Лайтингларича, бу воқеядан сўнг ал-Хорис II византиялилар кўз ўигида катта эътибор козонган экан. 563 йили у Константинополини зиёрат қилиган. Ҳалиқ оммаси олдинда унинг бадавий кийимида кўриниши шаҳарда катта шовшувга сабаб бўлган. Ал-Хорис шу зиёрат пайтида ўз обрўсидан фойдаланиб, Сурия монофизитлари устидан усукуф /епископ/ қилиб, ўзининг яқин кишиси Яъқуб ал-Бароданинг тайинланишига эришган, дейиншади. Шунинг учун Сурия монофизитларини яъқубийлар /яковитлар/ деб ҳам аташади.

Ал-Хорис II вафотидан сўнг гассонийлар таҳтига ал-Мунзир б. Ал-Хорис ўтириди. Ал-Мунзир хукмнининг дастлабки уч йилида Византия ва гассонийлар давлати муносабатида совуқчилик юз берди, византиялилар мадад юбормай қўйдилар. Бундан фойдаланиб, Хира подшоси Сурияга янги хужумлар уюштира бошлиди. Византия яна гассонийлар билан муносабатни яхшилашга мажбур бўлди. Аммо 581 йили император Тиверийда подшога нисбатан шубҳа пайдо бўлиб, дастлаб у Константинополга чақирилди, сўнг Сицилияга сургуни қилинди. Бунга жавобан ал-Мунзирнинг 4 ўғли исён

күтәрдилар. Улар ичидә каттаси Нұмон бошчилігіда гассонийлар саҳрода кетиб, у ердан империя ерларига хужумлар үюнштирилдилар. Аммо 583 йили византийлар Нұмонни ушлаб олдилар ва асир килемді Константинополға олиб кетдилар. Шундан сүнг гассонийлар хокимияти майдада амирликтерге парчаланиб кетди. 613-614 йиллари форслар томондан Дамашқ өзінде Иерусалимнинг ингол килиниши гассонийлар учун оғир зарба бўлди. Аммо 629 йили Византия императори Ираклий Сурянии кайтариб олган пайтада гассонийлар таҳтига охирги подшо Жабала б. Айхам ўтири. Кейинроқ айни шу подшо даврида бутун Суря билан бирга гассонийларининг ерлари ҳам Араб халифалиги таркибиға кирди.

Гассонийлар маңданияти араб, сурений ва юони элементларидан ташкил топган. Бу ҳол айнике гассонийлар құрган қалъа ва қасрларда ўз ифодасини топган. Ҳаврон атрофида колдиклари хозиргача сақланған бундай қалъалардан Оқ сарой, Зангори қалъа, Қишиқи саройларни күрсатып мүмкін. Бундан ташқари улар жуда күп зафар арклари /дарвозалари/, оммавий ҳаммомлар, каналлар, театр ва черковлар қурғанлар.

Гассоний подшоларининг саройларида күплаб күшнекчилар, машшоқлар ва шоирлар тұрлап иштеган. Машхур жохилия шоири ан-Нобига аз-Зибений лахмийлардан норозилик іюзасидан лахмий пойтахтидан кетганида гассонийлар саройда паноҳ топган. Худди шундай “Халима жангы” пайтида машхур муаллақотларининг сохибларидан бири Лабид гассонийлар томонига ўтиб кетган. Мухаммад пайгамбарининг шоирига айланмасдан олдин Ҳассон б. Собит гассоний подшоларини мадх қылған.

Гассонийлар Византия таъсир доирасида бўлғанларини туғайли христиан динида эдилар. Аммо марказий православ черковидан фарқли равишда улар монофизит мазхабида эдилар.

Гассонийлар тили шак-шубҳасиз арабча бўлған, аммо ёзувода улар оромий хатидан фойдаланғандар. Гассонийларининг доимий пойтахти бўлмаган. Адабиётда баъзи вақтлар Дамашқ, Тадмур, Жобия. Сиффин каби шаҳарлар пойтахт ролини ўйнаганлиги күрсатилади. Аммо шу нараса аниқки,

Дамашқдан жануби-гарброкда Ёрмук дарёсидан шимолроқда гассонийлар Жиллик деган шаҳарга асес согланлар. Шу шаҳар уларга кўп мудлат пойтахт бўлған.

Ислом арафаси ва илк ислом даврида гассонийларининг энг тавжум шаҳари Бусро эди. Мухаммад пайгамбар 12 ёшлигіда амакиси Абу Толиб уни карвон билан худди шу шаҳардаги бозорга олиб келгани, бу ерда бир руҳоний шаҳс билан сұхбатлашгани ва у қурайшийлар орасида бўлгуси пайгамбар мавжудлиги хакида башпорат қылғани ҳакида ривоят бор.

д) Кинда

Кинда лахмийлар ва гассонийлар сингари баркарор подшо хокимиятига эга өмасди. Давлатдан кўра кўпроқ уни қабилалар иттифоқи ёки конфедерацияси деб атани тўғрирок бўлар эди. Кинда таҳминан У асрнинг ўргаларида пайдо бўлиб, бир ярим асрча ҳукм сурди.

Киндийларининг бошлiği Ҳужр б. биринчи навбатда иккى араб қабиласининг /Кинда ва Бакр/ иттифоқига эришиди. Бу воқеа таҳминан милодий 480 йили юз берди. Бундан бироз олдин лахмийлар давлати юксайған, Бакр қабиласига қарашпи кўпгина яйловларни босиб олган эди. Ҳужр бу ерларни лахмийлардан кайтариб олишга муваффак бўлди ва Марказий Арабистонда жуда катта эътибор қозонди. 473 йили Ҳужрнинг саркардарларидан бири Йотабу ороли /хозирги Ақаба кўрғазиг/ кираверишдаги Тиран ороли/ни босиб олди ва 5 йил муддатга Византияниң бу ўлқадаги савдо монополиясига барҳам берди.

Ҳужр вафотидан сүнг унинг ўрнини ўғли Амр, кейин эса ал-Хорис эталлади. У Әрон шаҳан-шохи Ковад 1 /488-531/ билан замондош бўлиб, Киндияниң энг донгдор хокими хисобланади. Дастреб ал-Хорис Бакр ва Тағлиб орасида бошланған низони бостириб, Марказий Арабистон қабилалари иттифоқига Тағлиб қабиласини кўшди. 496 йилга келиб, унинг кудрати шунчалик ортдики, унинг кўшинлари лахмийлар ва гассонийлар ерларига хужумлар қила бошлади. 500-йиллар атрофида унинг иккى ўғли бошчилигидаги кўшинлар Суря ерларida кўп вайронгарчилик келтирди.

Византиялилар ал-Хорис билан музокара олиб боришига мажбур бўлдилар. 502 й. кузидаги эришилган шартномага кўриш, Византия императори Анастасий Сурия чегараларининг дахлесизлиги эвазига ал-Хорисга катта ўлони тўлашга мажбур бўлди. Айни вактда ал-Хорис ўз куролини Эроннин вассали бўлмиш Хира подшолигига карши қаратмоғи лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Эрон ва Хира ўртасидаги муносабатларининг кескинланиганидан фойдаланиб, ал-Хорис 503-506 йиллари Хиранинг химоясиз чегараларига ёриб кирди, унинг талайгини ерларини кўшиб олди. Шундан сўнг Ҳамза Исфаҳоний уқтиришича, Нажддаги Асьад, Гатафон, Маъдат сингари кўплаб қабилаларининг Кинда иттифоқига жангиз тобе бўлганини кўрамиз.

Ал-Хориснинг фаол сиёсати натижасида Марказий Арабистонда илгари мисли кўрилмаган подир бир ҳолат юзага келди. У Арабистон тарихидаги биринчи бор бир қанча кўчманинг қабилаларни бирлаштириб, уларни бошқаралиган усткурма яратганди. Ким билсени, балки у Арабистон шаҳарларини ҳам /Кинда давлатида биронта шаҳар йўқ эди/ забт қилиб, империя яратишни орзу килгандир. Аммо бу орзу ушалишини амри-маҳол эди.

Бунга бенхтиёр субъектив сабаб – ал-Хориснинг ўзи бўлди. У қабилалар ҳукмини ўғиллари ўрталарида бўлиб берди: Ҳужрга – Асьад ва Гатафон, Шураҳбилга – Бакр қабиласи, Маъадякрубга - Қайс Айлон қабиласи ва ниҳоят Салмага – Таглиб ва Нимр қабилалари тегди.

Кўп ўтмай ал-Хориснинг муваффакиятларига имкон яратиб берган ташки мухит ўзгарди. 531 йили Эрон шаҳаншохи Ковад I вафот қилгач, Ҳусрав Ануширвон маздакийларга киргин келтирди. Эрон ва Хира ўртасидаги муносабатлар тикланди ва Хира подшоси ал-Мунзир III ал-Хорисга карши ҳужумга ўтиш имкониятига эга бўлди. Ал-Хорис бойлиги ва авлодларини ташлаб, мамлакат ичкарисига қочди. Ал-Мунзир Ш қўлига катта бойликдан ташқари Окил Ал-Муррор сулоласи вакилларидан 44 киши – шу жумладан, ал-Хориснинг икки ўғли – асирга тушди. Уларнинг ҳаммаси бану Марин қабиласининг ерида катл қилинди. Бу киндийлар учун оғир

зарба эди. Ал-Хориснинг ўзи бану Калб қабиласи ерларига қочиб, ўша ерда вафот қилди.

Ҳужр б. ал-Хорисдан кўп ўғиллар колганди. Уларнинг қабилалар бирлигини тикланига қилган уринишлари бехуда бўлди. Ҳужрининг ўғилларидан бири – “шоир ва кирол” Имру ул-Қайс /унинг шеърларини немис тилига таржима қилган Рюккерт уни шундай атаган/ ҳаёти ва фаолияти бу жиҳатдан характерлайдир. Кўпроқ шеърнят ва ишқий саргузаштлар билан банд бўлган Имруул-Қайс отасининг эътиборидан узокроқда ўстган бўлсада, айнан у кейинчалик Кинда давлатини тиклаш учун кўп ҳаракат қилди. У қабиладан бу қабилага ўтиб, уларни бирлашнишга даъват қилди. Такдир уни кўп марта кийни ва хатарян холларга солди. Аммо ундан илҳом ва ҳаётий куч ёнг кийни пайтларда ҳам “йўл ёқасидаги кутимаганда учраган гулга бир зум мафтун бўлмок, бальзида эса ҳатто ундан бир онли лаззат олмок имкониятини берарди”.

Имруул-Қайс яхудий шоири Самуил ва гассонийлар подшоси ал-Хорис II оркали Византия императори Юостиниан билан алоқа баглади. Императорининг элчилари бир неча бор “филарх Қайзос” билан музокара қилимок учун уни истаб келдилар. Аммо “бадавий кирол” режалари бехуда эканлиги равшан бўлгач, бошпана берини ва кейинчалик бирор эътиборли мансаб ато қилиш учун Юостиниан уни Константинополга таклиф қилди. Анича вакт Константинополда яшаган Имруул-Қайс Фаластинга “филарх” қилиб тайинланди ҳам. Аммо “яиги иш” жойига кетаётib, у Анқара яқинидаги тўсятдан вафот қилди. Ахборийларниг айтишича, Имруул-Қайс Юостиниан амри билан ўлдирилган. Гўё қизларидан бирини йўлдан озиришга улгурганидан ранжиган император Имруул-Қайсга сафар олдидан заҳар сингдирилган либос кийдирганниш.

Ислом ғалабаси арафасида марказий Арабистон қандайдир ички бошқарув тизимиға эга бўлган тўртта маъмурий бўлакларга бўлинганди. Булар – Думат ал-Жандал, ал-Бахрайн /хозирги Бахрайн ороли эмас, балки

Арабистон ярим оролининг шаркий сохили, яъни ал-Ахсо/. Нажрон ва Гамр зу Кинда.

УII асрнинг 20-30-йиллари Нажддаги кабилаларнинг аксарияти Мухаммал пайгамбарни тан олди ва кейинрок уларини барчаси Араб халифалиги таркибига кирди.

Шундай килиб, Кинда давлатининг умри киска бўлди. Аммо Кинданинг ўзига хос моҳияти шундаки, бу – биринчи бор Марказий Арабистондаги кўчманчи кабилаларнинг бир нечасини якка хоким қўл остида бирлаштириш учун уринини бўлди. Объектив нуқтани назардан бундай уринини барбод бўлиши мукаррар эди. Ўнг асосий сабаб: марказлашган давлат факат йирик шахар ёки бир неча шахарлар атрофида вужудга келиши мумкин. Марказий Арабистонда эса, олдин эслатилганидек, у пайтда бирорта шахар йўқ эди.

Ташки омил ҳам ўз ролини ўйнади. Матъумки, Кинданинг киска муддатга юксалишида унинг Ҳиммар, Ҳира ва Гассонийлар давлатлари билан муайян муносабатлари аҳамият касб килярди. Византия ва Ӯроннинг аралашуви билан бу тўрттала давлат ҳам деярли бир пайтда барбод бўлди.

Шундай вазиятда Арабистон ярим оролини бирлаштириш сиёсатини муввафакиятли амалга ошириш ташабbusи Ҳижоз минтақасида ўсиб-улгайиб келаётган Макка ва Мадина шахар-давлатларига ўtdi.

Маърузаб. Қадимги Ҳижоз

а) Макка шаҳар-давлати

Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тонф. Хайбар сингари бир канча ёнг мухим шаҳарларини ўз ичига олган киесмини қадимдан Ҳижоз деб атаниган. Ҳижоз, асосан тоғли ўлка бўлсада, ундан қадимги дунёда машҳур бўлган ҳалқаро савдо йўли ўтганди. Деярли 2 минг км масофани ўз ичига олган карвон йўлида, табиийки, дам олиш, сув ва озиқ-овқат гамлаш учун муайян карвонсаройлар мавжуд оли. Улар қулай шароитдан ташқарни карвонларнинг хавфензилигини таъминлаш имконини берадиган истехком бўлмоги лозим оли. Вакт ўтинин билан бундай карвонсаройлар шахарларга айланди. Милодининг VI асрига келиб Арабистон ярим оролининг жануби ва шимолида хукм сурнг келган давлатлар қулагач, мазкур карвон йўлиниг қоқ ўргасида жойланган Макка шахри Арабистон шахарлари ичida ёнг йириги ва ахамиятлиси бўлиб қолди.

Маккадаги Замзам кудути қадим замонлардан бери атрофиндаги кўчманчи қабилалар ва ўткинчи савдогарлар эътиборини қозонган. Нихоят, ривоятларга кўра, Маккада курилган биринчи бино – Каъба бора-бора барча арабларнинг мұқаддас жойига айланганини хисобга олсак, Макканинг шуҳрат қозонини учун омиллар старли бўлганини кўрамиз.

Юнон муаллифи Птолемейнинг “География”сида бу шаҳарнинг исми “Макораба” деб берилган. Албатта, шахар эрамизнинг II-асрида яшаган мазкур географдан анча қадимийдир. Антик авторлар Арабистоннинг гарбида араблар учун зиёратгоҳ бўлган бир канча шаҳарлар мавжуд бўлганилигини, улардан сицилияни Диодор эса номини кўрсатмаган ҳолда (албатта Маккага ишора эканлиги аниқ) барча араблар учун мұқаддас шаҳар борлигини эслатганлар.

Араб наасабчилари шимолий арабларнинг шажарасини келтирад эканлар, унинг чўққисига Иброҳим (Тавротда Авраам)нинг ўгли Исмоилни қўядилар. Ўрта аср араб адабиётида, қолаверса, ҳозирги замон араб тарихчиларининг

асарларида жуда кенг ўрин берилганини инобатга олиб, Иброхим ва Исмоил киссасининг кискача мазмунига тўхтаб ўтамиз. Аввало шуни айтиши керакки, Куръонда зикр қилинган бошка шахслар сингари Иброхим ва Исмоиллар найғамбар (наби) деб ёътироф қилинганлар. Айтишларича, Иброхим Месопотамиянинг Ур шахрида дурадгор оиласида туғилади. Унинг отаси ёғочдан санамлар (худоларнинг тимсоли) ясаб тиричилик қилинган. Иброхимнинг кавму-карилошлиари, демак, бутинаст бўлганилар. Иброхим улгайгач, унда бутинастликка шубха туғилди. Бут-санамларнинг хеч қандай фойдаси йўқлигига ишонч хосил қилган Иброхим кавмини бу йўлни тарк килиб, якка-ю ягона худога сингинишига даъват қиласи (тавхид гояси). Ўриак сифатида у отаси ясаган энг катта санамни синдирилди. Бундан газабланган кавм уни оловга ташлайди, аммо ягона худонинг шарофати билан у омон колади. Шундан сўнг у хотини Сора, жияни Лўт ва бир неча кариндошлиари билан Фаластинга йўл олади. Аммо у ердаги бутинастлар ҳам уларни адоват билан карши оладилар. Шунинг учун (бошка тахминига кўра, Фаластинда каттиқ қаҳатчилик хукм сургани учун) улар Миерга кетадилар. Ўна найт Миер фиръавишлирида машъум бир одат бор экан: улар четдан келган тоифалардан чиройли аёлларни ўз харамларига оларканлар. Иби ал-Асирининг уқтиришича, Сора чиройли аёл бўлган экан. Соранинг хабарини эшитган фирмъави уни саройга келтиришни буюрибди. Сорани ясантириб, саройга келтирганларида у фирмъавига ёкиб колибди. Аммо фирмъави Сорага қўлини чўзган экан, уни каттиқ титроқ босибди. Бундай холат уч маротаба такрорлангандан сўнг фирмъави ходимини чакирибди, “Сен гайритабий одамии келтирибсан”, деб Соранинг жавобини берибди. Унга Ҳожар исмли бир чўрини ҳам ҳамроҳ қилиб жўнатибди.

Иброхимнинг олдига келгач, улар ҳаммаси Миердан кетишга қарор килишибди. Шу пайтгача Сора фарзанд кўрмаган экан, Иброхим фарзандлик бўлсин учун Сора чўриси Ҳожарни унга жорияликка берибди. Вакт ўтиши билан Ҳожардан Исмоил туғилибди. Шундан сўнг Сора ҳам бўйида бўлиб, Исҳок (Исаак) туғилибди. Иброхим ўз оиласи билан Фаластиннинг жанубида

истикомат килаётган экан. Кунлардан бир куни Исмоил ва Исҳок ўртасида низо чикибди. Сора Исмоил ва Ҳожарининг кетиниларини талаб қилибди. Шунда Ҳудо Иброхимга ударни Маккага элтиб кўйини амр қилибди. У найтларда Макка биронта зоғ йўқ, тақир ер экан. Иброхим Ҳожар ва Исмоилни шу ерга элтиб, ўзи Фаластинга кайтиб кетибди. Исмоил таниаликка чидай олмай, ер депенинг йиглайвергач, Ҳожар сув қидириб, бир Сафо тогига, бир Марва водийсига етти марта чикиб тушибди. Ноилож Исмоилнинг олдига кайтиб келса, мўъжиза юз берибди. Исмоил ер тенган жойдан сув чикибди. Ҳожар йўқ бўлиб кетмасин, леб кумни кўллари билан “Зам-Зам” (арабча замзама феъли бир нареа деб тўлдирамоқ маъносини англатади), лея кавлай бошлабди. Ана шу ерда Замзам қудуги вужудга келган экан. Шу якин атрофия журхум номли жанубий Арабистондан кўчиб келган араб қабиласи бор экан. Исмоил шу кабиладан бир кизга уйланибди ва 12 та фарзанд кўрибди. Шимолий араб қабилалари Исмоилнинг фарзандларидан таркалган экан.

Баъзи шарқшунонг тадқикотчилар бу киссанинг ҳакконийлигини инкор киладилар. Масалан, инглиз тарихчиси У. Мьюир бу киссани “яхудийлар ва араблар тарихий тасдирининг мунтараклигига инора қилини, агар Исҳок яхудийларнинг бобокалони бўлса, унинг акаси Исмоил – арабларини эканлигини эслатини учун ислом арафасида яхудийлар ўйлаб тоғланлар”, - дейди. Шу билан араблар кўпилаб кўчиб келган яхудий тоифаларига биродарларча муносабатда бўлмоглари лозим эди.

Бошка манихур инглиз шарқшуноси Филби, аксинча, Иброхим ҳакидаги киссанинг ҳакконийлигини исботламоқчи бўлади. 1947 йили чоп қилинган “Арабларнинг исломгача тарихи” китобида у “Бобил ёзувларидан бирида Бобилдан жануброқда юз йилдан ортиқроқ муддат хукм сурган бир суоланинг уч вакили ҳакида гап боради”, - дейди. Гўё улар асли сомий, якка худога сингинган кавм бўлган. Аммо уларни шумер-бутинастлар қувиб юборганлар. Бу ёзувларнинг мазмунини Таврот ривоятлари билан киёслаб, Филби, мазкур уч вакилининг охиргиси Иброхим бўлган, деган хulosага

келади. Ёзувдаги “Демука элиш” сўзини Филби араб тарихчилигида Иброхимга берилган лакаб “Халил Оллох” – Оллохнинг (якин) дўсти билан киёслайди. Филбининг уқтиришича, сулоланинг кулани Иброхимиning Фаластинга кўчишига сабаб бўлган.

Филбининг тахминини хам хозирча исботланган, деб бўлмайди. Гап шундаки, қадимги Бобил давридаги бадиий ижодиётда ҳудолар одамлар орасида ифодалангандар. Масалан, “Дунёнинг яратилишини ҳакидаги номада (Энума элиш) улар ўзларини одамлар сингари тутганлар. Демак, амалда ҳар қандай адабий қаҳрамони “худонинг дўсти” бўлиши мумкин ёди.

Яхудий ва христиан илохиёт мутахассислари Иброхим ва Исмоил билан боғлик воқеаларининг аниқ саналарини кўрсатинига ҳаракат килмоқдалар. Уларниң фикрича: 1) Иброхимиning Ур шаҳридан кетган йили – милоддан аввал 1921; 2) Исмоил туғилган йили – 1910 йил; 3) Ҳожар ва Исмоилиниң кувилиши – 1871 йил; 4) Иброхимиning вафоти – 1820 йил; 5) Исмоилиниң вафоти – 1773 йил. Шундай килиб, шимолий араб қабилаларининг пайдо бўлиши милоддан аввал XIX-XVIII асрларга тўгри келаянти. Аммо қадимги Бобил ва Миер манбалари бу ҳақда тўла сукут саклайдилар.

Ўрта аср араб адабиётида Маккадаги Каъба ибодатхонасининг қурилиши ҳакида хам кисса мавжуд. Айтишларича, Иброхим Маккага икки ёки уч марта келиб кетган. Шулардан бирида ягона худонинг ами билан у ва ўғли Исмоил иккиси Каъбани кургандар. Каъбанинг ёнида “маком Иброхим” (Иброхим турган жой) бор. Даилил сифатида шуни эслатишади. Каъба ўз тарихи давомида сел ва ёнгин натижасида бир неча бор бузилган. Ҳар сафар уни кайта тиклагандар. Охирги марта бундай воқеа 1630 йили юз берди. Ҳозирги кунда Каъба баландлиги – 15 метр, томонлари – 9,92 метр, 10,25 метр, 11, 88 метр, 12,25 метр бўлган тўртбурчак бинодан иборат. Жануби-шарқий бурчагида – ердан 1,5 метр баландликда токча қилиниб, у ерга Қора тош қўйилган.

Макканинг энг қадимги аҳолиси жанубдан кўчиб келган араб қабиласи бўлганилиги ҳакидаги ахборийларининг хабари рост бўлса, шаҳар исмининг

этимологиясини Жанубий Арабистон тилидан кидирмок керак. Мальумки, Сабо ҳокимлари дастлаб “мукарриб” леб аталганлар; бу сўз “мукалдас” маъносини англатган. Боника тахминга кўра “Макка рабб” биримаси “Раббим уйи” ёки “Худо уйи” демакдир. Немис олими К.Брокельманнинг фикрича, жанубий араблар тилида “мукарраб” сўзи ибодатхонани ёки аникрони қурбонлик қилинадиган жойни англатган; оромий тилига бу сўз “макораба” бўлиб ўтган ва Птолемей шаҳар номини шундан олган бўлса, эҳтимол.

Араб наасабчиларининг уқтиришича, Маккада журхум қабиласи тахминан 1000 йил истикомат қилган, сўнг унинг ўринин 4-5 аср муддат жанубдан келган боника араб қабиласи – Ҳузоа ғаллаган. Макка тарихининг озми-кўми равонрок баёни V асрнинг ўрталаридан бошланади. Барча ўрта аср араб манбаларида қўйидаги шажара келтирилади:

ҚУСАЙ (400 й.)

Абд ад-Дор Абд Маноф (430)

Абд ал-Узза

I I

Асад

Абд Шамс Новфал Ҳошим (464) Ал-Мутталиб

I I

Хувайлид

Умайя Абд ал-Муталлиб (497)

I

Хадиҷа

Харб Ал-Хорис Абутолиб Абу Лаҳаб Абдулло (545) Аббос

I I I Абу
Суфён Ҳамза Аз-Зубейр

Жаъфар Али Уқайл Мухаммад (570)

Муавия

Ривоят килинишича. Маккада Курайин қабиласи ҳукмронликка эринимасдан олдин у ерда Ҳузоа қабиласи яшаркан. Қабиланинг бошлиғи Ҳулайл деган кини экан. Унинг ўғли йўқ экан. Шунинг учун умранинг охирида Каъба қалитини у кизи Ҳубайяга колдирадиган бўлибди. Каъба эшитини очиб-чишида Ҳубайяга ёрдам берини учун уруғдан Абу-Губишон деган кишини ажратишшибди. Макка атрофида яниб турған Курайин қабиласидан Килоб б. Мурра деган кишининг Зухра ва Зейд деган икки ўғли бор экан. Килоб вафот килганида Зейд кичик гўдак экан. Зейдининг онаси Фотима Шом чегараларида яшовчи Узра қабиласидан бир кинига турмушига чикиб. Зейдин ўзи билан у ерга олиб кетибди. Ўз лиёридан узокда тарбиялангани учун Зейдга Кусай (“Косий” – узок сўзидан кичрайтиш шакли) деган лакаб берилган экан. Улгайгач, Кусай Маккага қайтиб келибди. У шахарда ҳокимият Ҳузоа қабиласи кўлида эканини кўриб, уни Курайш қабиласига ўтказиш талбирини кўра бошлибди. Бунинг учун у ҳатто Ҳулайнинг кизи Ҳубайяга уйланишга эришибди. Аммо Ҳулайл вафоти олидан Каъба қалитини Абу Губишонга топшириб, Кусайнинг умидини пучга чикарибди. Шунда бир куни Кусай Абу Губишонни Тониф шахрида ичириб, маст килибди-ла, бир киши гувохлигига бир меш набиз (вино)га Каъба қалитини алишиб олибди. Бу келишув араб тилида афоризмга айланиб колган. Ҳозирги кунда хам гап арzon-гаров савдо тўғрисида борса, араблар: “Абу Губишоннинг савдосидан хам арzon бўлиб кетди-ку! (Ахсар мин сафкат Аби Губишон) дейишади.

Ҳулайл хаёт пайтида Каъба қалитини күёви Кусайга васият килган, деган фараз хам бор. Лекин қайси ривоят тўғри бўлмасин, Ҳузоа қабиласининг аъзолари ўз имтиёзларини осонликча Курайшга бериб кўйишларини тасаввур килиш қийин. Табиийки, улар орасида уруш чиқсан. Ат-Табарийнинг ёзишича, бу уруш Ҳузоа қабиласи учун киронли бўлган.

Уларнинг кўпчилиги Маккани ташлаб кетнига мажбур бўлганилар. Кусай тадбиркорлик килиб, инимолий араб қабиласи – ўтай ота урун Бану Узра ва Макка атрофида истикомат килинган Бану Кенона қабилалари билан иттифок тузган кўринали. Ҳузоа хам ўз навбатида Бакр қабиласи билан иттифокда бўлган. Аммо бу иттифок фаол натижа бермаган.

Бу ишларни азалига оширини учун Кусай биринчи навбатда Курайин қабиласинин ўзини бир жойга тўйланинг керак оди. Ўрта аср араб уламолари бу қабила таркибига кирган 25 урут (бати)ни санаб ўтадилар. Аммо Кусай Маккага келгандан улардан факат 16 таси мавжуд эди. *6 урут Кусай билан* бирга Макка водийсига кўчиб ўти (‘Курайин ал-Битах’ – води курайинлар), колгандар Макка ташкарисида колдилар (‘Курайин аз-Завохир’ – чеккаларни курайинлар). Баъзи урутлар кейинчалик умуми башка районларга кўчиб кетдилар ва Макка ҳаётидаги иштирок килмадилар, айрим урутлар киенан Маккада жойланидилар. Курайин қабиласини жамоат-жам қилганилиги учун Кусай “мужамми” (тўпловчи) лакабини олди.

Қабила бошлини сифатида Кусай ўз қабиладониларига Каъба атрофидаги ерларни бўлиб берди. Унинг ўзи уруги билан Каъбадан шимолроқда жойланади; башу ади ва маҳзумлар – шаркроқдаги, тайм, жумах, саҳм ва зухра – жануб ва жануби-тарброкдаги ерларга ўришадилар. Каъбадан 100 метрча гарбда Кусай учун маҳеус курилган уй қабила оқсоқоллари (ал-мало) тўйланадиган жойга айланди ва Дор ан-Надва (Мажлислар уйи) номини олди. Кусай вафотидан анча кейин хам бу бино “мажлислар уйи” вазифасини адо этиб турган. Каъбадан шаркроқдаги сой бўйлаб кетган йўл шаҳарининг бош кўчасига айланаб колди. Бу йўл устида бозор пайдо бўлиб, бора-бора у шаҳарининг иккинчи муҳим маркази ролини ўтай бошлади. Дастлаб Маккада бор-йўги 2-3 кудук бўлиб, борган сари зиёратчиларнинг сони ортиб боравергач, уларни сув билан таъминлаш қийнлаша борди. Шаҳарда янги-янги кудуклар қазишга тўғри келди. 530-540 йиллари Кусайнинг эвараси Абд ал-Мутталиб қадимдан мукаддас хисобланган Зам-Зам қудугини ўз хисобидан тозалаттириди.

Туб ахоли ва зиёратчиларниң хавфсизлигини таъминловчи алоҳида географик ўрин, ҳаж ойларида кўплаб ҳар хил қабиста вакилларининг оқиб келиши Макканинг йирик савдо марказига айланшини осонлаштириди, албатта. Лекин V-VI асрларда қандайнир мухим ички ва ташки омиллар пайдо бўлди, азалдан диний марказ сифатида маълум бўлган Макка Арабистонда энг йирик савдо ва сиёсий марказга ҳам айланди.

V-VI асрларда Арабистон ярим оролидаги тузумларининг барчаси (Гассонийлар, Лахмийлар, Кинда ва Ҳимийар давлатлари) ишкоризга юз тутганилиги, сўнг умуман уларининг тарих саҳифасидан йўқолиб кетганилиги, албатта, Макка учун кўл келди. Арабистонга кўшини буюк давлатлар – Византия ва Эроннинг ярим орол жануби ва шимолида ўз ҳукмими ўрнатгани ҳам Макка фойдасига хизмат қилди. Аммо бу ташки омилларининг аҳамияти канчалик катта бўлмасин, асосий ролни ички омил – Макка шаҳрида юз берган ижтимоий-иктисодий жараён ўйнади. деб ўйлаймиз. Малъумки, кўичилик совет тадқиқотчилари Яманинг Эрон томонидан боиб олиниши Маккада ижтимоий-иктисодий кризисни вужудига келтирди, деган фикрин илгари сурғандилар. Бизнингча, айнан унинг акси бўлди: Яман истило этилганидан сўнг Макканинг Арабистон савдосидаги мавкеи янада ортди. Бу масалани янада аниқлаштириш учун Макканинг V-VI асрлардаги ижтимоий-иктисодий ахволига имкони борича батафсилроқ тўхташ зарур.

Куръонда Макка зодагонлари бойликка ҳирс кўйганикларинга ишоралар кўп. Афтидан, қурайшийлар роҳат-фарогатта осонгина эришмадилар. Маккалилар хотирасида узоқ вақт сақланган бир одат - тирикчилик қилингга хеч нарсаси колмаган киши сахрога кетиб, ташхоликда ўлиб кетиши – бунга далил бўла олади.

Макканинг кескин ривожланишига Қусай ва унинг авлодлари амалга оширган ислохотлар катта хисса қўши. Шаҳар идорасининг маркази Дор ан-Надвада мужассамланганди. Дор ан-Надва биринчи павбатда Қурайш кабиласи оқсоқолларининг (Мало) маслаҳат кенгаси ролини ўйнади. Қусай уругидан бўлган ҳар қандай ёшдаги киши бошқа уруглардан эса факат ёши

40 дан ошган киши уига кириши мумкин эди. Уруш эълон килинганда Дор ан-Надва устига Қурайш кабиласининг байроби тикиларди. Шунингдек, мавсумий карvonлар Дор ан-Надвадан йўлга тушар, қайтилганда келтирилган моллар унинг ҳовлисига кўйиларди. Ўтил болалар балогатга етгач, шу ерда ҳатна қилинар, қизлар улгайгандা эса шу ерда маҳсус вакил унинг кўйлагини йиртиб, уйнга қайтарар ва шундан сўнг убегона кўздан асранимоги лозим эди. Кейинги икки ишдан мақсад – Қурайш қабиласи аъзоларидан балогатга етган йигит ва қизларни хисобга олиш бўлса керак.

Дор ан-Надвадан сўнг Қусай Каъба ва унинг назорати билан боғлик хизматин энг мухим вазифалардан бирига айлантириди (Содин ал-Каъба ёки Садона); Каъбага ҳаж қизувчиларни сув билан таъминлаш вазифаси “ас-Сикоя” деган номни олди. Ҳожиларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида Макка аҳолисига солиқ жорий қилиниб, уни амалга ошириш вазифаси “ар-Рифода” деб аталди. Бунга аввалдан мавжуд бўлган “риёса”, “киёда” ва “ал-ливо” мансабларини қўшимоқ керак. Шундай қилиб, Қусай бир вақтининг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни тўплади, дейиш мумкин. Аммо бу мутлақ ҳокимият эмас эди.

Тахминан 480 йили Қусай вафот қиласигач, шаҳар идораси билан боғлик олти лавозим унинг икки ўгли Абд ад-Дор ва Абд Манофларга ўтди. Аммо шаҳардаги бошқа уругларининг ҳам иуфузи ортиб борарди. Қабила бирлигини саклаш, уруглар ўргасида хусумат чиқишининг олдини олиш мақсадида “Мало” яна ўита янги лавозимларни жорий қилди. Булар кўйидагилар: 1) “имора” – Каъбада одоб сакланишини назорат қилиш; 2) “хижоба” – Каъба дарвозасини зиёратчилар учун очиб-ёпиш; 3) “машвара” – маслаҳат суди; 4) “ашноқ” – хунга тўлаидиган молни тўплаш; 5) “кубба” – қабила қуроласлаҳаси турадиган чодир; 6) “аинна” – отлик қисм; 7) “сифора” – бошқа қабилалар билан музокарапар олиб бориш; 8) “айсор” – камон ўки билан Каъбадаги санамларини энг улугвори Ҳубал олдида фол очиш; 9) “хукума” – қабила аъзолари ўртасидаги тортишуввлар ва низолар бўйича ҳукм чиқариш; 10) “ал-амвол ал-мухажжара” – худоларга аталган муқаддас моллар.

Мазкур лавозимлар мұайян уругларга бириктирилған, уруглар эса үз навбатида бу лавозимлар учун номздоларни тавсия кылардилар. Ислом вужудға келиши арағасыда шаҳар идораси құйнады 10 та урут вакиилари үртасыда таксимланғанды:

1. Ал-Аббос, Ҳошим уругидан, Мухаммад пайгамбарнинг амакиси – сикоя;
2. Абу Сүфён, Умайя уругидан – киёда;
3. Ал-Хорис, Новфал уругидан – рифода;
4. Үсмон, Абд ад-Дор уругидан – ал-ливо, сидона, хижоба;
5. Язид, Асад уругидан – машвара;
6. Абу Бакр, Тайм уругидан – ашиок;
7. Холид б. Валид, Махзум уругидан – кубба, аинна;
8. Умар б. Ал-Хаттаб, Оди уругидан – сифора;
9. Сафрон б. Умайя, Жұмах уругидан – айсор;
10. Ал-Хорис б. Қайс, Сахм уругидан – ҳукума, ал-амвол ал-мұхжара.

Типологияк жиҳатдан Макка идора усулини қадимги Афинадаги республика түзүмі билан киёслаш мүмкін. Қадимги Афинада ҳам дастлаб асосий ролни бир қапча эътиборлы уруглар (фил ва фратриялар) бошликларидан ташкил топған аристократия ўйнағы. Аммо судхўрларнинг құдратига бархам берилгач, етакчилик халқ мажлиси (екклесия) қўлиға ўтды. Барча амалдорлар, ҳатто уларнинг энг йириклари – архонтлар ва стратеглар ҳам экклесия томонидан тайинланар ва унинг олдида хисобот берардилар. Маккада ҳам V-VI асрларда етакчилик оқсоқоллар кенгани – Дор ан-Надвага ўтды. Аммо фарқ шундаки, Афина халқ мажлисіда овоз берішінде бутун демос, яғни барча әркін ахоли қатнашған бўлса, Макка Дор ан-Надвасыда факат “Мало” – зодагонлар, қабила ва урут бошликлари қатнашдилар. Афинада ҳам, Маккада ҳам жамият баъзи вактларда у ёки бу урут бошлигига якка, чегараланмаган ҳокимият тақдим килганини кўрамиз (Афинада – Солон, Клисфен, Маккада – Қусай, Ҳошим ва ҳоказо). Албатта, Макка шаҳар-давлатининг идораси низоларсиз, сип-силлиқ кечгани йўқ. Қусай вафотидан сўнг Макка уруглари икки лагерга бўлинди: Абд Маноф ва Абд ад-Дор тарафдорлари. Абд Маноф ва унинг авлодларини Асад, Зухра, Тайм, ал-Хорис уруглари куллаб-қувватлаган бўлса, Абд ад-Дор

уругига Махзум, Сахм, Жұмах. Оди уруглари қўшилди. Ҳар иккала томон алоҳида иттифок – Абд Маноф тарафдорлари “Хилф ал-Мутаййибин”, Абд ад-Дор эса “ал-Ахлоф”ни туздилар. Айтнишларича, “ал-Мутаййабун” (мұаттар иелдер дегани) бир идинидаги хушбўй моддатага кўлни ботириб, сўнг Каъба деворига сурғандар: “ал-Ахлоф” (қасам ичганлар дегани) эса, кўлларини қурбонликка сўйилсан молининг конига ботириб, сўнг Каъба деворига сурғандар. Улар орасыда чиккан низо урунга айланиши мумкин бўлган кескин вазиятда “Мало”нинг қарори билан икки лавозим Абд Маноф авлодларига, тўрт лавозим Абд ад-Дор авлодларига бириктирилиб, бошқа уругларга юкорида зикр қилинган 10 та қўнимчага лавозим жорий килинди. Кейинчалик Макка шаҳрида ички савдони ривожлантириш, бу ерга үз моли билан келган савдоғарларнинг хавфсизлигини таъминлаш максадида яна бир иттифок – “Хилф ал-Фудул” (миннатдорлик ёки бурчдорлик иттифоки) тузилди. Макка шаҳар-давлатининг бошқаруви масаласига қайтадиган бўлсақ, у олдин айтишганидек, низоларсиз кечгани йўқ. Аммо VI асрда Макка Арабистонининг диний ва савдо маркази сифатида эътироф қилинган экан, шаҳар ҳукмрони донраларининг /мало/ фаол сиёсати, қолаверса, алоҳида маҳорати ҳакида сўз юритиш керак бўлади.

Кусайдан сўнг ҳамма қурайш уругларининг ҳурмат-эътиборини козонган шаҳс – Ҳошим бўлди. Бу мартабага у биринчи навбатда қадимги Юнонистондаги сингари полис фуқаролари фойдасига эҳсонлар қилиш /литургия/ туфайли өриниди. Маълумки, Юнонистон полисларида литургия бой кишиларнинг бурчи хисобланарди. Маккада бу нарса бойлар томонидан вакти-вакти билан қурбонликка мол сўйилиб, йўқсилларни боқишда үз ифодасини топди. Халқ кўзига кўрсатиб катта харажат қилиш, даромад олишдан афзал хисобланарди. Аммо бундай харажатлар бекорга қилинмасди. Масалан, Маккага зиёрат қилган ҳар қабила вакилларини “бокиши” эвазига бу қабила ерларидан ўтадиган Макка карvonларининг хавфсизлиги таъминланарди. Ҳошим даврида Сурия, Месопотамия, Яман ва

Ҳабашистонга савдо қарвоилари уюштирилди. Айтишларича, Ҳошим айни савдо ишлари билан борган пайтда Газода оламдан ўтган.

Ҳошимдан сўнг ҳар бир уруғла унга ўхнаган иуфузли шахслар пайдо бўлди. Уларнинг ичиди Ҳошимнинг ўғли Абд ал-Мутталиб ҳам бор эди. Бўлажак пайгамбарнинг бобоси Абд ал-Мутталиб анча вақтдан бери яроксиз холга келиб колган Замзам кудугинитаъмирлаб, кайта тиклади. Бу пайтда Макка аристократияси савдо ўйларидағи бадавий қабилалар билан янгича муносабат ўрнатдилар; илгари қабила бошликларига қарвоининг хавфсизлиги учун ҳак (жуъл) тўланган бўлса, эди улар билан саводдан олинидиган фойдага шериклик ҳакида битимларга /илоғ/ келишилди. Бу эса бадавийларин оддий кўрикчишлардан шерикларга /компаньонларга/ айлантириди.

Савдо Макка фаровонлигининг ошишига катта туртки бўлди. У-ҮІ асрларда урушларнинг тўхтагани, иисбатан тўқчиликка өришилганни Макка ахолиси сонининг кескин ўсишига имкон берди. Албатта, бу ўсиши ҳам бир текис бўлмади. 100 йил ичиди, яни 3-4 авлод давомида Қусай авлоидари билан боғлик 7та мустакил урут пайдо бўлган бўлса, бошка уругларда табиий ўсиши сезилар-сезилмас бўлди.

Макканинг тинч-осойишта ҳётида бир воқеа юз бердики, у ахолининг хотирасида ўчмас из колдириди. У ҳам бўлса Жанубий Арабистонни эгаллаб турган ҳабашларнинг Маккага қарши юришидир. Бу юришининг сабаблари ҳакида адабиётда асосан 3 хил фикр бор: 1/ Санада ҳабашлар курган чёрковни араблар “ифлослаганлиги” учун жазо максадида; 2/ Кайбани вайрон килиб, арабларнинг ингохини жанубга, Санада курилган христиан чёрковигв қаратиш максадида ва ниҳоят; 3/ савдо ракобати туфайли. Юриш қайси иили содир бўлгани ҳакида ҳам тортишувлар бор: базилар Яманнинг ҳабашли хокими Абрахага тегишли жанубий араб ёзувига /Rу 506/ таяниб 547 йилни кўрсатишади. Дарҳақиқат, Абраха шу иили дастлаб киндийларга сўнг лахмийларга вассал бўлган маъад қабиласи билан уруш қилган. Жанг Ямомага кетаверишдаги Хулубан деган жойда юз берди. Маъад тобе

килинди, қабила бошлиги Амр б. Мунзир Абраха билан сулҳ тузди. Айни вақтда Абрахага тобе бўялган кинда ва мазхиж қабилалари Турбон қудуги якинида /Яманнинг шимолий чегараси/ Амр б. Саъсаъ қабиласини тор-мор келтирди. Юкорида ўсалатилган юриш эса, бизнингча, Абраха эмас, балки унинг ўғилларидан бири томонидан уюштирилган ва 570 йили юз берган бўлини керак. Бизнинг маълумотларга кўра Абраха милодий 548 йилгача, сўнг кетма-кет унинг икки ўғли Яксум (548-567) ва Масрук (567-578) Яманга ҳокимлик килингандар. Бу ҳакста Қуръонда зикр килинган, воқеа содир бўялган йил эса араб адабиётида “ом ал-菲尔”, яни фил йили деган номин олди. Ҳабап аскарида филлардан фойдаланилган маккалиларга каттик таъсир килиган кўришади. Шахар ахолисининг аксарияти шаҳарни ташлаб, атрофдаги тозларга кочиб кетди. Абд ал-Мутталиб ва бошка бир қанча иуфузли маккалилар ҳабашлар билан музокара олиб борнига ҳаракат килилар. Аммо бир қанча сабаблар, жумлалан, ҳабашлар ёллаган бадавий арабларнинг муқаддас хисобланган Макка ҳудудига қурол билан киришдан бош тортгани, сўнг ҳабан отрядида чечак касаллиги тарқалгани Маккани омон саклаб қолди. Қуръонда бу воқеа куйидаги сўзлар билан берилган: “А лам тара кайфа фаъала раббука би асҳоби-л-фил, а лам яжъал кайдахум фи тадлил; ва арсала алайхим тайран абобийл, тармиҳим би хижоратин мин сижжийл, фа жаъалаҳум қаъасфин ма’кул 1/ Парвардигоринг фил эгаларига қандай муомала килганини кўрмадинми? 2 /Уларнинг макру-хийласини бекор килиб, панд бермадими? 3/ Улар устига кушлар галасини юбориб, 4/ сопол тошларини ташлатмадими? 5/ натижада уларни пайхон қилинган ўтлок килиб ташламадими?”.

Қандай бўлганда ҳам ўз химояси учун битта ҳам камон ўқи отмаган Макка ахолисининг обрўси бу воқеадан сўнг янада ортиб кетди, қурайш қабиласи шарафли “ал-илоҳи” – худо ёрлақаган қабила номини олди. Макка зодагонлари ичиди Абд ал-Мутталиб ҳабаш лашкарбошиси билан учрашганлиги туфайли энг катта обрў қозонди. Унинг устига Абд ал-Мутталиб ҳабашлардан қолган ўлжанинг талайгинасига эга бўлди. Бу эса

йўксил қабиладошларга катта зиёфатлар уюнтириш имкониятини берди. Абд ал-Мутталиб обрўсининг ортганига яна бир дазил – Ямандан хабашларининг кувилиши ва Сайф б. Зу Язанинг таҳтага ўтириши муносабати билан Маккадан Яманга келган Абд Шаме уруғининг бошлини Умайя ва Тайм уругининг бошлиги Абдулла таркибидаги делегацияга раҳбар бўлганидир. Бу воқеа таҳминан 576-577 йиллари юз берган. Шундан бир йил ўтар-ўтмас, бўлгуси пайғамбар 8 ёшига тўлганида Абд ал-Мутталиб таҳминан 80 ёнларда вафот қилди.

Абд ал-Мутталибдан сўнг унинг ўғиллари ал-Хорис, Абу Тодиб, Абд ал-Узза, Аббос, Ҳамзалар иегадир оталарининг нуғузига эга бўлмадилар. Макка зодагонлари ичизда етакчилик ролини VII аср бошлирида умавийлар ургидан Абу Суфён ўйнаганини кўрамиз. Абу Суфён йирик савдогар эди. У жануб, шарқ ва шимолга уюнтириладиган карбонларда фаол кагианиб, катта бойлик орттириди. Умуман олганда, VII асрнинг бошлиригача Макка зодагонлари ўз фаолиятларини асосан шаҳардаги уругларининг бирлигини саклани, қўшини бадавий қабилалар билан дўстона муносабатда бўлни ва инҳоят, Византия ва Эрон можаросида бетарафлик мавқеини ғалллаган холда Макка шаҳри ва унинг савдоси хавфсизлигини таъминлашга каратдилар.

Албатта, Макка шаҳри VI асрда ўзи эриншган мавқега муайян ҳарбий кучга эга бўлгандагина етишиши мумкин эди. Алмо Маккада мунтазам армия йўқ бўлиб, унинг ҳарбий кучини қурайиш қабиласидаги барча эрқаклар ва бошқа иттифоқдош қабилалардан келувчи кўмакчи кучлар ташкил киларди. Қурайиш қабиласи мустакил равишда 1,5 мингдан ортиқ жангчи тўплай олмасди. Макка-Мадина урушлари даврида маккалилар 10 минг кишилик отряд билан Мадинага яқинлашгани маълум. Хўш, бунга қандай эришилди? Бу ўринда “аҳобийш” тушунчасига тўхтаб ўтиш керак бўлади. Италияли тадқиқотчи А.Ламменс: “аҳобийш” Макка зодагонларига тегишли асли ҳабашистонли куллар, улардан карбонларни қўриклишда ва Макка шаҳрида полиция кучлари сифатида фойдаланилган”, - деган фикри

билдиради. Бу фикрга ўз вактида рус-совет исломшуноси Е.А.Беляев ҳам тўлик кўшиялганди.

Тўғри, Макка зодагонлари куллардан ҳарбий максадларда фойдаланганлар. Алмо кўнчилик мутахассислар хото равишида “аҳобийш” сўзини “ҳабаши” (ҳабаш, ҳабашистонли) сўзининг кўплик шакли деб тушунишади. Аслида ундаи эмас. “Ҳабаши”нинг кўплиги “аҳбош” бўлади. “Аҳобийш” эса Маккадан жануби-шарқроқдаги жой номи “Аҳбош” билан boglik бўлиб, Макка атрофида истиқомат килиб турган Кенана. Ҳузайма ва Ҳузоза қабилаларининг баъзи уругларидан ташкил тонган иттифоқdir. VI аср бошлирида қурайшларининг ўша вактдаги энг нуғузли арбоби Абд Маноғ ўша “Аҳбош” деган жойда ўз қабиласининг мазкур иттифоқка қўшилишига эриншган. Ўз навбатида “аҳобийш” қурайшийларининг мавқенини кучайтириди ва VII аср ўрталаридан бошқаб савдонинг фаоллашнишига имкон яратиб берди. Қурайиш қабиласи савдо йўлида истиқомат килувчи жухайна, музайна, гатафон, ашжа, судайм, саад, асад қабилалар билан ҳам яхши дўстона алоқада эди ва бу қабилаларининг Маккада ўзига хос ваколатхоналари мавжуд эди. Маккага энг якин шаҳар – Тоиф – деярли йўлдош шаҳарга айланниб қолган, бу икки шаҳар араб алабиётидаги “Маккатори”, яъни икки Макка деган номни олганди. Табиий шаронти мўътадил бўлгани учун маккали бойлар Тоифдан ёзлик истироҳат манзили сифатида фойдаланишарди. Тоифда яшаган сакиф қабиласи қурайшининг энг ишончли иттифоқчиларидан эди.

Шунингдек, қурайшийлар Ясирибаги икки араб қабиласи – Авс ва Ҳазраж билан ҳам мустаҳкам муносабатда эдилар: куда-андачилик йўли билан кўп маккалик зодагонлар Ясераб зодагонлари билан қариндош эдилар.

Шу нарса характерлики, Макканинг Ҳижоз шаҳарлари – Ясириб, Хайбар, Тейма ва Води ал-Курадаги яхудий жамоалари билан алоқалари ҳам адоватли эмасди. Маккаликлар яхудийларни “китоб аҳли” бўлганликлари учун хурмат килсалар, яхудийлар ўз навбатида маккаликларининг Арабистондаги алоҳида тутган ўринларини эътироф килардилар. Буларнинг ҳаммаси Макка зодагонларига Арабистоннинг бошқа марказлари билан

ракобат килишга, VI асрда Яман. Хира ва гассонийлар давлатларининг мустакиллиги йўколгач. Арабистон бўйлаб етакчиликка орнишининг имкон берди.

Афтидан, Арабистонда етакчилик Макка зодагонлари кўлига ўтганлиги ўзаро низода бўлган иккى буюк давлат – Византия ва Эрон хокимларига хам мақбул бўлган, кўринади. Ҳатто Византия императори христиан динини кабул килган, Асал уругидан бўлган киши Усмон б. Ҳувайрисен Маккага хоким қилиб тайинлаш ҳакида гувоҳнома берганлиги мальум. Аммо Византия-Эрон низосидан хабардор бўлган Макка зодагонлари Византияга моил бўлишини истамадилар. Аксинча, улар бу низода Эроннинг кўли баланд келишинига умид килардилар.

Макка бойлгининг асосини савдо ташкил киларди. Макка атрофидаги бозорлар қачон пайдо бўлганлигини аниқ айтиш кийин. Аммо, Указ, Мажания ва Зу Мажоз сингари йирик бозорлар V аср охири VI аср бошида кўп тилга олинга бошлади.

V аср охирларида Макка савдогарлари ташкил савдо алоқаларини хам фаоллаштирилар. Араб адабиётида Ҳошим Сурияда эркин савдо килиш ҳакида Византия хокимларидан хужжат олганлиги айтилади. VI асрда Макка Куръонда зикр килинган шимол ва жануб савдосида етакчиликка эришиди. Макка карvonлари қанчалик катта бўлганини қўйидаги ракамлар кўрсатиб турибди: бир карвон 2,5 минг мол ортилган туюдан иборат бўлган; 1,5 минг туюга ортилган бошқа карвон молининг умумий киймати 50 минг Византия динорини ташкил килган. Макка савдогарлари Арабистон жанубига Ҳиндистондан келтирилган олтин, қалай, қимматбаҳо тошлар, фил суюги, сандал ёғочи, зираворлар, ипак, бўз, пурпур матолар, жез, мис, кумуш идишларни, Шаркий Африкандан келтирилган хушбўй ва муаттар буюмлар, туюқуш пати, қора дараҳт ёғочи (абиус), тери ва қулларни, Яман молларидан фимиам, ладан, атир, қимматбаҳо тошлар, Сокотра оролидан аloe ва шакарқамиш, Баҳрайндан латъл сингари молларни бошқа жойларга элтардилар. Шимолдан улар бутдой, ун, ёғ, вино ва Финикия

хунармандларининг маҳсулотларини келтирадилар. Нихоят Арабистоннинг ўзидан ёғ, хурмо, жун, момик, тери каби маҳсулотлар билан савдо килинади. Макка ана шу молларининг ҳаммасини тушириш ва бошқа ёкларга юбориласиган пунктига айланганди. Маккада Шом (Сурия), Византия ва Эрон савдогарлари узоқ муддат истикомат қиласар ва Макка зодагонлари билан якни муносабатда бўлардилар. “Сира” китобларида асли шомли бўлиб, Маккада колиб кетган ва кейинчалик исломни қабул килган шахсларининг иемлари кўплаб келтирилади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Макка ҳатто ўзига хос банк марказига айланиб, савдогарлар узоқларга юборилган моллариниг ҳакини шу ернинг ўзида олишлари мумкин бўлган. Шунингдек, юк тушириш ва ортиш ишлари, мол-мулкин сугурта килиш ишлари хам яхши йўлга кўйилганди.

Шуни айтиш керакки, Макка карвонылари муайян шахсларнинг иштироки билан чегаралашмаган, балки унда Қурайш кабиласининг барча ёркагу-аёл аъзоси қатнашини мумкин бўлган. Кимdir унга ўз моли билан қатнашар, кимdir молини бошқа бир вакил билан жўнатарди. Макка карвонылари умумжамоа иши ҳисоблансада, амалда уларни энг йирик савдогарлар бошқарардилар. 624 йили Бадр жаигига сабаб бўлган карвонда маккалик Абу Уҳайҳа б. Саиднинг бир ўзига тегишли 30 минг динорли моли бўлган. Тайм уругидан Абдулла б. Жудъон ва Махзум уругидан ал-Валид б. ал-Мугира Макканинг энг бой кишиларидан ҳисобланган. Умуман маҳзум уруги бошқа уруглардан кўра бойрок бўлган кўринади, ҳатто шу уругдан Абдулла б. Абу Рабиа деган киши “Илл Қурайш” (Қурайш хуржинининг бир томони) лақабига эга бўлган.

Савдо билан бир қаторда Маккада судхўрлик (ар-Рибо) авж олиб кетди. Катта даромад келтирувчи мавсумий Макка карвонларида қатнашиш истаги аҳолининг ўртахол ва бечораҳол табакаларини судхўрларга мурожаат килишга мажбур қиласарди. Бой савдогарлар савдо билан бир вактда судхўрлик хам қиласардилар. Ат-Табари таъкидлашича, Мухаммаднинг амакиси Аббос ўз қариндошларига қарзга берган кўп пули бор эди.

Хижранинг ўнинчи йили – видолашув хажи пайтида Мухаммад пайгамбар Аббос карзларининг барчасини бекор килди. Одатла судхўрлар 1 динордан 1 динор, яъни юз фойз фойда олганлар, аммо, Қуръониниг рибога оид оятларига караганда бу фойда 200 ва хатто 400 фойзгача чикиб кетганди.

Қадимги Афинадаги сингари Маккада ҳам “пул ва судхўрлик” Макка жамиятида сифат ўзгаришига олиб келиши мумкин эди. Чунки патриархал уклад билан ривожланган шул-товар муносабатлари бир-бирига мос келмасди. Афинада эклессиянинг карори билан судхўрликка барҳам берилиб, нисбатан ижтимоий барқарорликка ёринилган бўлса. Маккада ҳам шу нарсага эҳтиёж тутулди. Бақара сурасининг 278-279 оятлари аниқ-равишан шунга ишора киляпти: “Эй мўминлар. Аллоҳдан кўркнииз ва агар чиндан мўмин бўлсангиз, рибонинг колган кисмидан (яъни карзиниг узилмаган кисмидан) воз кечингиз. Энди агар бу ишин килмасангиз. Аллоҳ ва унинг расули томонидан уруш (харб) бўлинини билиб қўйинг. Агар тавба килсангиз, мол-мулкингиз ўзингизда колади – мазлум ҳам, золим ҳам бўлмайсиз”. Демак, Макка жамиятида ислом арафасида судхўрлик шунчалик илдиз отиб кетган ва бу ҳол оғир ижтимоий оқибатга олиб келиши мумкин эдики, унга карши Аллоҳ ва унинг расули томонидан уруш ёълон қилиш ҳакида огохлантириш зарур бўлди.

Рибо билан бир каторда чайковчилик (ихтикор) хали Маккага етиб келмаган моллар билан улгуржи савдо қилиш, йигилмаган ҳосилини таг-томири билан сотиб олиш ҳоллари кўпайиб кетди. Қуръонда уларининг аник микдори кўрсатилмаган ҳолда тўгри ўлчов ва вази бирликларидан фойдаланиш кераклиги, нотўгриларидан фойдаланиш – гуноҳ ёканлиги айтилган. Бундай огохлантиришга асос бўлган, албатта. Маккалик савдогарлар бадавийлардан молларини тўлиқ вазида ёки тўгри ўлчовда олиб, уларга эса молларни нотўгри ўлчовларда берардилар. Бу ҳол бадавийларда шахарлиларга нисбатан адованти кучайтиарди.

Арабистон ярим оролининг бошқа ерлари каби Макка ахолисининг ижтимоий таркиби ҳам ургут-қабилачиликка асосланганди. Эрамизнинг V

аеридан бошлаб бу ерда яшаган асосий қабила-курайш қабиласи эди. Макка ахолиси учта катта ижтимоий тоифага бўлинарди: 1) асл қурайшийлар (суроҳо). 2) бошқа ёқдан келганлар (мавали) ва 3) куллар (абид).

Асл қурайшийлар ўз навбатида икки қисмга ажралилар: Каъба атрофида яшайдиган урутлар (курайш ал-битах) ва шахар атрофида яшайдиган урутлар (курайш аз-завохир).

Ҳар йили ҳаж маҳалида кўплаб бошқа қабила аъзолари Маккада қолиб кетар, улар қурайш қабиласининг у ёки бу уруги химоясига ўтардилар. Бундай кишилар мавла (кўплиги мавали) деб аталардилар. Мавалининг макоми хилф (иттифоқ) ёки живор (кўшичилик) асосида хужжатланарди. Мавали ҳам Макканинг эркин кишилари ҳисобланиб, улар савдо ёки бошқа хоҳлаган машгулот билан банд бўлинин мумкин эди. Бальзи мавали катта бойлик ва ёътибор қоюнганиклари мальум. Макка-Мадина уруслари (622-630) пайтида ўлган ва ярадор бўлганларнинг рўйхатига караганда шахар ахолисининг нисбатида мавали деярли асл қурайшилар сони билан баравар бўлган. Макка ахолисининг таҳминан 4/5 қисми асл қурайшилар ва мавалидан иборат бўлса, колган 1/5 қисмини куллар ташкил қиласди. Маккада икки тоифалаги кулларни – Африқадан келган кора таилиларни ҳамда Шом ва Месопотамияда қул бозорларидан сотиб олинган оқ-сарик таилиларни учратиш мумкин эди. Макка зодагонлари куллар меҳнатидан хўжаликнинг деярли ҳамма соҳаси –савдо, дехкончилик, хунармандчилик ва уй-рўзгор ишларида фойдаланганлар. Ибн Ҳишом уқтиришича, хатто Каъбани таъмир қилишда бир византиялик кул – месъмор ишлаган. Бундан ташкири Макка ахолиси орасида унча кўп бўлмаган микдорда носора (христиан) ва яхудий динларида бўлган ажнабий эркин кишилар ҳам бор эди. Аммо улар хеч кандай уюшмани ташкил қилмаган ва Макка сиёсий ҳаётида уларнинг деярли роли йўқ эди.

Хулоса қилиб айтганда, бир неча асрлик тарихни ўтаган Макка шахри ислом вужудга келиш арафасида ўзига хос идора услугига эга бўлган давлат бирлигини ташкил қиласди. Асрлар давомида диний ва савдо маркази

сифатида маълум бўлган Макка VI аср охири ва VII аср бошида Жанубий ва Шимолий Арабистондаги қадимги давлатлар (Химйар, Хира ва Гассон) кулагач. Арабистон ярим оролининг сиёсий марказига, Макка зодагонлари эса Арабистон бўйлаб стакчи кучга айлангандилар. Шу нарса характерлики, Арабистон ўша давр буюк давлатлари хисобланган Византия ва Эрон билан майдони жихатидан ҳам деярли тенг келарди (салкам 3 млн.кв.км.).

Шундай вазиятда араб якка худолиги – ислом динининг тарзиботи айни Маккада бошланганилиги табиий ҳол эди.

б) Ясириб (Мадина) – шаҳар-давлати

Қадимда Ясириб номи билан маълум бўлган бу шаҳар машхур савдо йўлида жойлашганилиги, табиатан ҳосилдор воҳадан иборатлиги унни узок ўтмишдаёқ охил (яъни ахоли яшайдиган) жойга айлантириши турган ган оди. Манин ёзувларида Ясириб номининг келтирилини бунга далил бўла олади. Ясириб кетма-кет манин, саба ва химйар савдо гарларининг мустаҳмаси (колонияси) бўлган.

Птолемей ўзининг “Географияси”да бу шаҳарни “Йатринна”, византияли Стефан эса “Йатринна полис” деб берган. Ясириб номи билан бу шаҳар Куръонда ҳам зикр килинади. (Ахзоб сураси, 13 оят). Ҳозирги Мадина шаҳрининг шимоли-гарбида яхудийлар бу срларга кўчиб келмасдан олдин Ясириб номи билан аталган бир кишлок бўлган. Кейинчалик катталашиб кетган шаҳарининг номи ҳам шу кишлок номидан олинган бўлни мумкин. Куръонда учрайдиган шаҳарининг янги “ал-Мадина” номи хижратдан сўнг пайдо бўлди (ал-Мунофиқун, 8).

Ясириб тарихи ҳам шу хижралан тахминан бир аср олдин, яъни VI аср бошларида ишончли тус олди, дейиш мумкин. Бу пайтда Ясириб бир неча кишлокларга бўлинганилиги ҳакида маълумотлар бор. Ҳар бир кишлок ўз нарабатида яна икки кисмга бўлиниб, биринчиси – у ёки бу уругга қарашли ерлар ва уйларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси – утм (кўплиги отом) деб аталган, девор ва дарвозалари бор кўргондан иборат эди. Катта уруглар бир

нече утмiga эга бўлишилари мумкин эди. Ташки ҳужум ҳавфи тугилганда ёки урут эркаклари урунга кетгандаридан аёллар, ёш болалар ва қариялар утмга беркинадилар. Бундан ташкари урутнинг галласи, курол-ярог ва қимматбаҳо буюмлари ҳам утмларда сакланарди. Ўз утмiga эга бўлмаган, очик маҳаллада яшайдиган майда уруглар ҳам йўқ эмасди. Аммо бундай уруглар албатта бошика йирик урутнинг ҳомийлигига бўлмоги зарур эди.

Ясириб ахолиси асосан яхудийлар ва араблардан иборат эди. Яхудийлар катта-катта гурух бўлиб яшадилар. Ҳар бирни икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган учта яхудий қабиласи маълум: қайнуқъо, надийр, қурайза. Араб адабиётида бундан ташкари 20 дан ортиқ майда ва инсбатан йирик яхудий уругларининг номи келтирилди. Ясириб яхудийлари одатда очик жойда эмас, балки мустаҳкам утмларда яшаганлар. Ле-Самхудийнинг таъкидлашича, яхудийларга тегинчи утмларнинг умумий сони – 59 та бўлган. Яхудий қабилалари Ясирибининг ҳосилдор, обод килемларини эгаллагандилар. Бану Надийр қабиласи Ясирибининг жануби-шаркий килемидаги Води Музайнаб, Бану Қурайза – улардан шимолроқлаги Води Махзур, Бану Қайнуқъо эса мазкур иккала қабиладан шимоли-гарброкда, шаҳар марказига якин жойда истиқомат киларди. Шунингдек, боинка кўп яхудий уруглари ҳам кулагерларда йигињок бўлиб яшадилар.

Ясириб яхудийларининг этник жихатдан қайси гурухга мансублиги масаласида яқдил фикр йўқ: баъзилар уларни яхудлашган (яъни яхудий динини қабул қилган) араблар дейинса, бошқалар Исройл (Фаластин)дан кўчиб келиб, шу срда ўрнашинб қолган ахоли деб ҳисоблайдилар. Тўғри, исломдан олдин яхудий динига кирган баъзи араблар бўлган, аммо Ҳижозда бутун бир араб қабиласи яхудий динини қабул қилгани ҳакида бирорта маълумот йўқ. Куръонда Ясириб яхудийларига “бану Исройл” деб мурожаат қилинганилиги иккинчи фикр тарафдорлари учун ҳакли равища энг кучли далил бўлиб хизмат қилади. Шу нарса аниқки, Ясириб яхудийлари ўзига хос талаффуз билан араб тилида сўзлашгандар. Тоат-ибодат ишларини эса ўз она тиллари – ивритда олиб борганлар. Уларнинг ибодатхоналари, диний

мактаблари ва рухонийлари мавжуд эди: уларнинг билимдонлари Қуръонда ал-Ахбор, ар-Раббонийун деб аталган. Тарихий манбаларга кўра эрамизининг биринчи ва иккичи асрларида Ҳижозга кўплаб яхудийлар кўчиди кела бошиладилар. Биринчи навбатда бу Рим империясининг Ўрга дентиз соҳилини истило қилганлиги, айникса Яхудия урушин /70 й./ деб ном олган Фаластин яхудларининг Римга карши кўзголони какташкич равишда бостирилганлиги туфайли бўлди. Яхудлар рим легионерларининг таъкибидан кочиб Ҳижознинг бир канча шахарларида, жумладан Яерибда нарох тондилар. Албатта, яхудий иммиграцияси бир дафъада ёки киска муддат ичидаги юз берган деб бўлмайди. Бу узок давом этган жараён бўлиши керак.

Яерибининг исломдан олдинги араб ахолисига келсак, улар асосан 2 та кабилани ташкил қиласидилар: бану Аус ва бану Ҳазраж. Аус ва Ҳазраж кабилалари ўз навбатида 5 тадан йирик ва бир канча майда урутларга бўлиниб, уларнинг умумий сони 40 тадан ортиб кетганди. Бундан ташкари Яериб атрофларида Аус ва Ҳазраж билан ҳомийлик асосида боғлик бўлган бир канча майда араб урутлари яшаган. Аус кабиласи Яерибининг шаркий ва жанубий кисмини, Ҳазраж эса шахарнинг ўрта ва шимолий кисмини эгаллаганди. Аус ерлари унумли, дехкончилик учун кулай бўлиб, асосий яхуд районларига туташ эди. Ҳазраж ерлари эса, аксинча кам ҳосилли бўлиб, факат Қайнуқъор ларига яқин эди. Бу холат иккала араб қабиласи ўртасидаги ва Яерибининг араб ва яхуд ахолиси ўртасидаги муносабатларга таъсир қилмай колмади.

Кўп сабабларга кўра ва уларнинг ичидаги энг муҳими - ахолиси яккаюягона этник унсурдан таркиб топганни туфайли Макканинг идораси исломдан олдинги 2-аср давомида барқарор шаклда бўлган бўлса, Яерибда, аксинча, бундай барқарорлик амри-маҳол нарса эди. Бир қабила қўлида ҳосилдор ерларнинг тўпланиб қолиши, қолаверса, этник-диник қарама-қаршиликлар доимо низо чиқишини такозо қиласиди.

Модомики, Яерибда яхудий ва араб қабилалари тарихан олдинма-кейин пайдо бўлган экан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ҳар хил босқичларни

ўтади. Булар, биринчидан, яхудларнинг ўзаро муносабатлари, иккинчидан, яхудлар ва араблар муносабати ва, ниҳоят, учинчидан, иккни араб қабиласи – Аус ва Ҳазраж ўртасидаги муносабатлар.

Ҳазраж қабиласининг баъзи урутлари Шомга кўчиди кетган ва Гассонийлар ерида яшардилар. У аср охирларида ана шу урутларнинг мадади билан Аус ва Ҳазраж қабилалари Яерибда устуникика эринидилар. Яериб араблари ва яхудлари ўртасидаги низога диний тус бериш ёки уни ҳалкаро миқёсдаги воесалар /Яманинг ҳабашлар томонидан босиб олинниши ёки уларнинг Маккага юриши/ билан боғланига уринини тўғри эмас. Бу кураш маҳаллий характерда бўлиб, асосан, ер ва сувга эга бўлни учун олиб борилганди. Бу нарса тез орада янада очик тус олди. Гап шундаки, VI аср бошлирида Яериб араблари ҳам ўзаро келинолмай қолдилар. Деярли 120 йил давом этган бу низодга баъзи яхудий қабилалари Аус тарафида турган бўлсалар, бошқалари Ҳазраж тарафини оғизилар. “Лайём ал-араб” туркумига кирган бир канча “куилар” ана шу воесалар билан боғлиқсиз. Бу ерда ҳам асосий сабаб ермулк масаласига бориб тақалади: инебатан заниф Аус қабиласи ҳосилдор ерларга эга бўлиб олганди. Аксарият тўқиашувларда Ҳазраж қабиласи ютуқка эринидарди. Воесалар шу зайлда кетса, тировард итижада Ҳазраж шахарда устуникини кўлга киритиши мумкин эди. Аус икки қўшини яхуд қабиласи Қурайза ва Надир билан иттифок тузишга уриниб кўрди. Аммо Ҳазраж старли даражада кучли экан, шекилли, уруш билан таҳдид қилиб, Қурайза қабиласидан 40 нафар ўспиринни бандиликка олди ва уларнинг бетарафлигига эриниди. Шундан сўнг Аус бошликлари ҳар йили Маккага уюштириладиган ҳаж маросимидан фойдаланиб, Қурайш қабиласи билан Ҳазражга қарши иттифок тузишга уринади. Асосан савдода ҳукмронликни бермаслик учун курашиб келган Макка зодаганилари бундай иттифокни рад килдилар. Такдирга тан беришдан бошқа илож қолмагач, Аус бўйсенинг мажбур бўлди, Ауснинг тобеликка рози бўлмаган баъзи уруглари бошқа ерларга кўчиди кетдилар.

Шундай вазиятда, назаримизда Хазраж қабиласининг бошликлари кўпол хатога йўл кўйдилар: улар Ясирида тўла ҳукмронликка эришиш мақсадида икки яхуд қабиласи – Надир ва Қурайзага уруни билан таҳлид килиб, ўз ерларини бўшатилиларини таълаб килилар. Бироз вакт ўтгач, Баёда ургининг бошлиғи бандиликдаги яхудий болаларини катл килингта буюрди. Бунга жавобан Аус қабиласи иккала яхудий қабиласи билан иттифок тузди. Хазраж ҳам бадавий араблар орасида иттифокчилар килининг мажбур бўлди. Шундай килиб, бир-бирига зид икки кучли коалиция /уюшма, иттифок/ вужудга келди. Томонлар бир ярим ой мобайнида ҳал килювчи жангга тайёргарлик кўрдилар. Шу вакт ичиле ҳар иккала томоннинг тарафлорлари бирмунча ортди. Никоят, Қурайзага карашли Буос деган жойда тўқиашув юз берди. Дастреб Аус тарафлорлари одатдагидек сенгила бошлидилар. Аммо Хазраж кучларини бошкарган Амр б. Ас-Сувейманинг кутилмаганда ҳалок бўзини жана жараёнини ўзгартириб юборди. Хазраж ва унинг иттифокчилари жанг майдонидан кочиб, утмларга беркина бошлидилар. Аусийлар уларни бироз таъкиб килган бўлсаларга, утмларни қамал килмадилар. Унинг устига Аус кўшинини бошкарган ал-Худайр б. Симак ҳам бир неча кундан кейин жангда олган жароҳатидан ҳалок бўлди. Шундай килиб, Аус хижратдан беш йил мукаддам юз берган “Буос” кунида ўз галабасини охиригача етказмади. Улар буни истамадилар ҳам, шекилли, зеро Хазраж батамом маглуб килинган ҳолда шаҳарда яна яхудий қабилалари устунликка эришишлари мумкин эди. Ясири араблари яхудиларга нисбатан “тулки” лақабини ишлатордилар. Аус қабиласининг бошликлари “тулкилар” билан кўшничилик килишдан кўра заифланган Хазражни афзал кўрдилар.

Бир қабиланинг икки уруги, ҳатто бир урутининг икки бўгини /ашира/ ўртасида ҳам баъзан қон-кариндошлидан кўра иктисадий манфаат устунилик килини ва улар ер-сув талашиб ўзаро кирпичок бўлиши мумкин эди. Шундай ходиса Аус қабиласининг Наби уругидан бўлган икки хонадан – бану Хориса ва бану Абд ал-Анкашдан ўз еридан кувиб чиқарди. Бироз вакт ўтгандан сўнг бану Абд ал-Анкаш бану Сулайм билан иттифокда бану Хорисани сенди ва уни Хайбарга кўчиб кетининг мажбур килди. Орадан бир йил ўтгач, улар сулҳга келиндишлар. Худди шундай воея Хазраж қабиласининг икки уруги – бану Баёда ва бану Зурайк ўртасида юз берниб, бирничиси иккичинин ўз ерларидан кўчиб кетининг мажбур килган. Кўриниб турибдики, Ясири шахри зиддиятлар ва ифтилофлар билан тўла эди. “Буос” куни ҳар иккала томон жуда катта зарап кўрди: ахолининг юкори табакаларидан кўплаб кини катл бўлди; ёнгли ва талон-тарож натижасида уйлар ва хусусий мулклар вайрон бўлди. Бундай вазиятдан чиқни учун чора изламоқ даркор эди, Айниқса, бетараф мавкеда бўлган кичик уруғлар низолардан манфаатдор эмасди. Умуман, “Буос” кунидан сўнг кўичилик яерибликлар тинчликка, иттифокка майл билдира бошлидилар. Айтниларича, Хазраж қабиласидан бир нуфузли кишини шаҳарининг умумий ҳокими сифатида тан олиш масаласида ҳамма қабила ва уруг вакиллари орасида музокара ҳам кетарди. Шундай вазиятда Ясирига Мухаммад пайгамбар бошлилигига мусулмонларнинг ҳижраси /622 йил/ юз берди.

Бемалол айтниш мумкини, ҳунармандчилик жихатидан Ясири Маккадан устун эди. Агар шаҳардаги ички аҳвол барқароррок бўлганида Ясири умуман Ҳижзода ҳукмронликка эришиши мумкин эди. Шаҳар аҳли буни тушуниб етган, кўринади. Ички низоларни бартараф килишга қодир шахс, яъни “ҳакам” Ясири аҳолиси ичидан чиқмагач, улар ташкаридан бундай шахснинг келишига ва шаҳар-давлат тақдирини ўз кўлига олишига рози бўлдилар.

Маъруза 7. Қадимги Арабистон динлари

Кўп худолилик /ал-васания/

Арабистон ярим оролининг катта киемидан ислом вужудига келгунга қадар кўп худолилик ҳукм сурарди. Арабларнинг энг қадимги динлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм ва ўтмини аждодларга /салаларга/ сигиниши киртиш мумкин. Тотемизмининг якъол далили сифатида кўп араб қабилаларининг номини келтириш қифоя: асад /арслон/, қалб /ит/, бакр /бўталок/, саълаб /тулки/, зиб /бўри/ ва хоказо. Фетишизм қадимги арабларга асосан метеорит ва вулканий тошларни мукалласланитириш, уларга сигинишида ўз ифодасини топди. Матъумки, анимизм табиатдаги жамики мавжудотларни “рухлантиради”, яъни уларда “рух” ёки “жон” бор деб ҳисоблайди. “Жохилия” адабиётида мархумларнинг “жони” ёки “арвохи” /рухнинг кўплиги/ ҳакида кўплаб ривоятлар бор. Баззи бадавий қабилалар қадимги мисрлилар сингари инсон вафотидан сўнг унинг “жони” яшанида давом этишига ишонганилар. Мархумнинг гўрига түяни сўйиб кўмини холлари бунга мисол бўла олади. Анимизмининг бир тури сифатида “жин”, “ажина” тушучаси ҳам қадимги арабларда кенг тарқалганди. Арабистонда ҳар хил ҳудоларнинг тимсоли – санамларга сигиниши қачон пайдо бўлганини ҳакида муайян тарихий маълумотлар йўқ. Ҳаркалай, бут-санамларга сигиниши – диннинг янги босқичи бўлди. Оссурийлар шимолий араб /“Ариби”/ қабилаларига хужум қилганларида уларнинг санамларини ҳам асирга туширганлари ҳакидаги маълумотта қараганда милоддан аввалги III асрда ёк ҳар бир араб қабиласининг ўз санами бўлган. Бадавий араб қабилалари санамларини жойлаштириш учун махсус ибодатхоналар қурганлар. Икки қабила урушидан сўнг одатда маглуб қабила ғолиб қабила санамига сигина бошларди. Баззида ғолиб қабила маглуб қабиланинг санамини ҳам ўз санами ёки санамлари сафига қабул қилиши мумкин эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Макка Арабистоннинг диний марказига айлангач, у

ердаги Каъба санамлариниг пантеонига /тўпланган жойига/ айланаб қолди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжиди эдики, ҳатто ҳар хонадоннинг ўз санами бор эди, дейиш мумкин. Сафарга отланган киши бундай санамни кўзи билан сийналаб, сўнг йўлига тушарди, сафардан қайтгач эса, биринчи нафбатда у яна санамини силаб-сийпарди. Иби ал-Асирининг уқтиришича, 630 й. Мухаммад (сав) Маккани фатҳ этганида Каъба ичидаги 360 та санамни кўрган ва уларни синдириб ташлашни буюрган.

Иби ал-Калбийнинг араб кўп худолилигига багишлиланган “Китоб ал-Асном” деган махсус китоби биз таҳлил қилаётган мавзу учун энг мухим манбалардан ҳисобланади. Шу китобда тилига олинган дастлабки 5 та санамининг номи /Вадд, Сувъ, Ёъук, Наср/ Куръонда ҳам зикр килинган. /Нўх сураси, 22-23-оятлар/. Уларнинг таевирин кўпчиликка маълум эди: Вадд – эркак киши, Сувъ – аёл киши, Ёъус – шер, Ёъук – от ва Наср – бургут қиёфасида ифодаланарди. Куръонда зикр килинган энг қадимги санамлар жумласига Манот. Лот ва Узза ҳам киради / Нажм сураси, 19/. Жохилия арабларнинг тасаввуринда бу уччала санам ҳам аёл ҳудолар бўлган. Иби ал-Калбийнинг айтнишича, Манот ҳамма араблар учун мухтарам ҳисобланган. “Ҳамма араблар” деб Иби ал-Калбий Ҳижоз арабларини кўзда тутаётган бўлса керак. Геродотнинг кафолат бернишича, Лот шимолий арабларнинг бош ҳудоларидан бирин бўлган. Тадмур маликаси Зебонинг ўғли Ваҳб ал-Лот (Лот инъоми) деб аталгани шунга ишора. Наботийлар Лотин ўзларнинг пойтахти Петранинг “Она худоси” сифатида билганлар. Мусулмонлар Тоиф шаҳрини забт қилганларида Мухаммаднинг амири билан Лот ибодатгоҳини бузинб ташлаганлари - бу худога Ҳижозда ҳам эътиқод килинганинг ёркин далилидир. Уззани Иби ал-Калбий энг кейин пайдо бўлган аёл худо деб беради. Агар Манотни Ясирибдаги икки араб қабиласи - Авс ва Хазраж, Лотни эса Тоифдаги сакиф қабиласи ўзларнинг хусусий ҳудолари деб билган бўлсалар, Маккада қурайш қабиласи Уззани шундай ўринда кўрарди ва унга курбонликлар келтиради. Фатафон қабиласи Бусс деган жойда Узза шарафига ибодатгоҳ қурганди. Ибодатгоҳ саҳнидаги уч

хурмо дарахти ҳам мұқаддас хисобланған, назр-ниёзин шу дарахтлар остига күйилған. Хижраниң 8-йили Мұхаммаднинг амри билан бу ибодатгох ва дарахтлар ясөн килинған. Ҳирада ҳам Уззага ибодат килинғанынды мәлүм. Улар тонг юлдүзі (Зухра)ны шу ном билан атағандар. Ҳира тарихидан ал-Мунизир III (505-554) асирға түшінген гассонийлар подиосининиң ўғлы ва бир кеңең рохидан Узза шарафига курбон күлгани күп мәнбаларда қайд килинған.

Қурайштарининг Қальба ичкарисига ва атрофига күйилған санамлари орасыда әндеги буюғи ва машхури Ҳубал әди. У сердорлик (кызыл ярим қымматбақо тош)дан үндеги күлесиз инсон шаклида ясалған бўлиб, қурайштар унга олтин кўл улагандилар. Бу санам олдида 7 камон ўки туар, оламлар турли муаммо бўйича шу ўкларда фол очардилар. Ҷемак, Ҳубалга хизмат күлгани кохин шахсий масалаларда фатво берини ҳукукига эга бўлған. Ухуд жангиги пайтида (625 й.) маккалиларининг раҳномаси Абу Суфён: "Ҳубалин юкори кўтаринглар", - деб хитоб күлгани бошка санамлар ичида Ҳубалининг мартабаси баланд бўлғанини кўрсатиб турибди.

Асоф ва Ноила санамлари ҳакида бир қеңең ривоятлар борки, уларниң умумий мазмунига кўра, гўё аслида эркагу-аёл бўлған бу иккى инсон Каъбадек мұқаддас жойда хунук иш килиб кўйғанлари учун тошга айлантирилғандилар. Каъбадаги "Реда" ёки "Ридо" ислом арафасида Тамим ва Тайи қабилаларининг санами сифатида маълум әди. Аммо бу исем самуд, тадмур, оромий ва сафавий ёзувларида учрашига караганда, у умуман шимолий арабларининг қадимий санамларидан бўлиб чиқади. Кўпгина санамларининг асосий қароргохи у ёки бу қабила истиқомат күлгани жойда бўлиб, Каъбада факат унинг нусхаси ўрнатилған кўринади. Булар жумласига "Маноф", "зу-л-Халса" ва "зу Широ"лар киради. Ҳаврон шаҳридан (Сурия) топилған катта тошда Маноф санамининг суврати эркак кишининг киёфасида тошни кесиб ясалған, суврат ёнида барака ва саодат тилаб ёзилған матн бор. Зул-Халса эса Ҳасъам, Ҳожила, Ҳоҳила, Давс, Азд ас-сирот ва Ҳавозин қабилаларига тегишли санам бўлған. Маккадан Яманга боришда Табола

деган жойда хатто бу санам шарафига ибодатгох (бейт) курилған, унга байзилар хаж килингандар. Мұхаммаднинг буйруги билан бу ибодатгохни бузгани мусулмон лашқари келганды Ҳасъам ва Ҳоҳила қабилалари катник қарнизилик кўрсатғандар: химоячинлардан юз киши ўлдирилиб, сўнг ибодатгохга ўт кўйиб юборилған. Наботийлар пойтахти Петрадан топилған ёзувларда зу Широ худосинин номи бор. У баландлиги 122 см, эни 61 см, силинклинимаган қора тошдан иборат бўлиб, олтин қопланған асосга кўйилғанди. Одамлар узок-узокдан у ерга зиёрат килар, қурбониклар килардилар. Енифаний уқтиринича, зу Широ (Дусарис) байрами кунини 25 декабрда наботийлар Петра ва унинг яқинидаги Алуса деган жойда тантаналар билан ўтказардилар.

Ибн ал-Калбий Қудоъа, Лахм, Жузом, Гатафон қабилаларига тегишли Үкайсер санами, Анизага тегинли - Сульайр, Тайи қабиласининг Филс деган санамлариниң ҳам тилига олган. Тайнинг Яъбуб ва Божар сингари бошқа санамлари ҳам бўлған.

Ибн ал-Калбийнинг "Китоб ал-Асном"ига кирмаган санамлар ҳам бор. Уларниң жумласи 40 тадан ортиқдир. Масалан, Қинда ва Ҳадрамавтда маълум бўлған Жалсақ санами, Бакр қабиласига тегишли Мұхарриқ санами, Тамим қабиласининг Тайм санами ва хоказо.

Қадимги Яман санамлари Ибн ал-Калбий эътиборидан батамом четда қолған. Ҳайрятки, уларниң номлари муснад - жанубий Арабистон ёзувларида қайд килинған. Яман санамларининг ҳам адади кўп - юздан ортиқдир; аммо синчилкаб қаралғанда ёзувларда кўпинча худоларнинг атоқли отлари эмас, балки сифатлари (такводорлик юзасидан худоларнинг отидан кўра сифатлари билан аташ - сомий ҳалқарининг қадимий одатидир) зикр килинған кўринади. Қадимги Яман ахолисининг диний тушунчаси шимолий ва марказий Арабистон ахолисиникига нисбатан эртароқ ривожланған бўлиши керак, чунки милоддан олдинроқ Яман кўп худолиги асосан уч самовий жисм - Ой, Тонг юлдүзі (Зухара) ва Қуёшга сигиниша ўз ифодасини топғанди. Мутахасисслиларнинг фикрича, қадимги яманликлар

бу уч самовий жисмни Ота. Ўғил ва Она сифатида тасаввур килганилар. Гап шундаки, хамма қадимги яман лаҳжаларида Ой - музаккар ием (Мани ва Авсонда - Вадд, Сабода - Алмақах, Қатабонда -амм, янын амаки, Ҳадрамавтда - Син), Зухара юлдузи хам музаккар (Астар). Қүёш сез - муанинас ием (Манида - "Накрах", Сабода - "Зот Ҳамим", Қатабонда - "Зот Сахр") хисобланган.

Бошка худоларга иисбатан ота, амаки, мўйсафид хисобланган Ой, албатта, шу макомга муносиб сифатларга эга бўлмоғи лозим эди. Ёзувларда унга тегинили "садик", "ҳаким" (донишманд), "алим" (билиғон), мухаррам (муқаддас) каби сўзлар учрайди. Бир матида Ой "Ота ўз азиз фарзандларини севгани каби мўминларни севгувчидир" дейилган. Буларнинг хаммаси жанубий арабларда худолар тушунчаси руҳий-ахлоқий даражага кўтарилигини кўрсатади.

Шуни кайд қилини керакки. Мани давлати қудагач (милоддан аввал VI аср боши), у ерда Ой худосини англатган "Вадд" хам йўқ бўлди. "Вадд" санами Мани савдоғарлари орқали Арабистоннинг кўни жойида маълум бўлиб, то исломгача унга ибодат қилинган бўлсада, жанубий Арабистонда саболилар устуниликка эришгач, Ой худоси ал-Мақаҳ ва Ҳавбас номларини олди. Сабо мукарриблари ва маликлари Алмақах шарафига ибодатгоҳлар курдилар. Уларнинг энг йириклари Сирвоҳ (Сабо мукаррибларининг пойтахти) ва Мариб (Сабо маликларининг пойтахти) шаҳарларида жойлашганди.

Кўёш худоси жанубий Арабистонда барака ва мўл хосил келтирувчи "Астарнинг онаси" (Умм Астар) сифатида маълум эди. Сирвоҳ шаҳридан топилган сабо ёзувда айтилишича, Умм Астар ибодатгоҳига бир йўла тўрт фарзанд кўрган бир аёл тўртта олтиндан ясалган тимсол (хайкалча) инъом килган. Манилиларда Накрах ва саболиларда "Зот Ҳамим" деб аталган Кўёш худоси "нафррат" ва "уруш" мақсадларига хам хизмат килган. Оссурия, Бобил, Ханаан (Фаластин), Тадмур ва Ҳабашистонда маълум бўлган "Астар" худосига жанубий араблар хам ибодат килганилар. Милоддан аввал I асрда

Жанубий Арабистонда Ҳамдан қайлларининг нуфузи кучайиб, улар ўз худолари "Толиб Риёмин" бошка худолардан устун қўя бошладилар. Деярли уч аср ёзувларда зикр қилинмай кўйилган "Алмақах" фақат IV асрда келиб, яна пайдо бўлди. Аммо бу сафар унинг "умри" киска бўлди: У аср ўрталаридан бошлиб Яман ёзувларида "Зу Само", янын "Осмон эгаси" ва "Рахмон" номли худолар пайдо бўлди. Шуни айтиш керакки, бу иккала хил тоининида хам якка худолик (тавхид) гояси бор. "Зу Само" ва "Рахмон" иемлари 10дан ортиқ яман ёзувларида зикр қилинган бўлсада, улар билан боғлиқ ибодат ва маросимлар ҳакида ҳеч қандай маълумот берилмайди. На бу икки худо шарафига қурилган ибодатгоҳлар ҳакида хабар бор. Лекин шу нарса аёники, Алмақах. Толиб Риём ва боинкалар кабила худолари сифатида маълум бўлса, Зу Само муайян кабила ёки жамоа худоси эмас, балки Яманда қандайдир танҳо худога тоининига давват қилувчи ақида сифатида дунёга келди. Аммо янги ётиқодстагилар ўз ёзувларида олдинги худоларининг иемини хам зикр қилинида давом этганилар.

Шу даврга тегинили сатрлари кисман ўчиб кетган, аммо мазмуни тушунарли бир ёзувда айтилишича, бир гурух "шияти бузуклар" "Зу Само" санами турган мұқалдае жойга бостириб кирганилар, санамни ўғирлаб, у ердаги бор нарсаларни талон-тарож килганилар ҳамда унга васият қилинган вакф срларини эгаллаб олганлар. Аммо бу худонинг обидлари (яни унга ибодат қилувчилар) келиб, ўғирланган нарсаларни қайтариб олдилар, зарар стган жойларни тузатдилар ва "Зу Само" худосидан тавба ва кечирим сўраб, курбонликлар килдилар. Матининг охири "Зу Само" ўз шабби (яни халқи)нинг "узок килсни" деган ибора билан тугаган. "Шабъ" сўзи бу ерда шу худо тарафдорлари ва унга ибодат қилувчиларни англатаяпти.

Рахмон зикр қилинган ёзувлардан англанишича, доимо унинг қудрати ва қувватидан мадад сўралган. Масалан, бир мақбара атрофиға тош девор курилиши муносабати билан қурувчилар "би хейли Раҳмон", янын "Раҳмон қудрати билан" деган ёзув қолдирганилар. Бошка бир ёзувда "Раҳмон - Само эгаси" дейилган. Бу осмон худоси демакдир. Бошқачасига айтганда "Раҳмон"

"Зу Само" ўрнини олган бўлади. Кейинрок Раҳмон "Осмон ва Ер эгаси (Зу Само ва Ард) деган иомни олди. Бу ақидага ёзтиқод қисувчиларнинг тушунчасида Раҳмон - бутуни борликни бошқарувчи ягона худо эди.

Шундай килиб, ислом вужудга келинни арафасида жанубий Арабистон ахолисининг ёзтиқодида катта ўзгаришилар юз бердики, мусиал ёзувларидан бехабар бўлғаниликлари учун Иби ал-Калбий ва бошка араб ахборийлари бу масалага ётибор бермаганлар.

Умуман олганида, Арабистон ярим оролинини жанубида ҳам, шимолида ҳам аксарият ахоли ҳар хил бут-санамларга синниарди, яъни кўп ҳудоликда эди. Аммо арабларнинг бутинастлигини факат тотемизм, фетишизм сингари ибтидоий, илк дин шакллари сифатида ёмас, балки узок йўлни босиб ўтган, иисбатан юкори даражада турган кўп ҳудозилик сифатида кабул килемок керак.

2. Арабистон ярим оролида яхудийлик, христианилик, зардуштийлик динларининг тарқалишни

a) Яхудийлик

Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яхуд жамоалари мавжуд бўлгани ҳакида маълумотлар кўп. Яхудийлар билан бирга Арабистонга яхудий дини ҳам кириб келди.

Албатта, географик жиҳатдан Фаластиин билан узвий boglik boulgani учун милоддан аввал П минг йилликнинг ўрталаридаёк, яъни Фаластиинга кириб келиш билан бир пайтда шимолий Арабистонда ҳам баъзи яхудий жамоалари пайдо бўлғанилиги табиий хол. Аммо бу фикрин тасдиқловчи хеч қандай тарихий хужжат йўқ. Ҳозирга кадар топилган энг қадими хужжат - Янги Бобил подшоси Набонидга (милоддан аввал 555-539) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, милоддан аввал 552-542 йиллар шимолий Арабистондаги Тайма шахрини ўзига вактинча пойтахт килиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш максадида Бобилдан талайгина ахолини кўчирган; улар орасида кўпчиликни яхудлар ташкил килган. Маълумки, бундан олдинроқ (милоддан аввалги 586 й.) Навуходоносор II Иерусалимни

забт килганида салкам 30 минг яхудийни асири килиб, Бобилга келтиранди ва "Бобил асирияги" 50 йил давом этганди. Шундан сўнг ҳам баъзи яхудлар Фаластиинга кайтмай, Бобилда колиб кетгандилар.

Мутахассисларнинг яқдиз фикрича, Арабистонга яхудий иммиграциясининг энг авж олган пайти - эрамизнинг 1-П асрлари бўлиб, бу биринчи нафшатда Фаластииннинг Рим империяси таркибига киритилгани билан boglik эди. Ислом вужудга келган пайтда шимолий Арабистондаги кўзга кўриниган савдо шаҳарлари - Яериб, Хайбар, Дедан, Тайма, Фадак, Лумат ал-Жандал, Табук, Эйлат. Води ал-қура ахолисининг катта қисмни яхудий жамоалари ташкил киларди. Савдо ишлари билан яхудлар Арабистоннинг бошка қисмлари - шарқий ва жанубий томонларига ҳам бориб, ўришиниб колгандилар. Ислом галаба килиган пайтда шарқий Арабистондаги яхудий жамоалари жизя (жони солиги) тўлаш эвазинга ўз динларига колганиликлари маълум.

Қадимда жанубий Арабистон ҳам яхудий дини кенг тарқалган жойлардан хисобланарди. Маълумки, машхур карвои йўли орқали Майн ва Сабо савдогарлари Газо шаҳригача борардилар. Иеронил - Яхудия подшоси Сулаймон (милоддан аввалги X аср) ва Сабо маликаси ҳакидаги Таврот ва Куръонда зикр килинган кисса яхудлар ва яманлилар ўртасида жуда қадим замонлардан бери алоқалар мавжуд бўлганига ишорадир. Милоддан авв. 24-йили римлиларнинг жанубий Арабистонга уюштирган ҳарбий ҳамласида Яхудия подшоси Иродиннинг шахсий гвардиясидан 500 киши қатнашгани ҳам маълум. Аммо ҳамла муваффакиятсизликка учрагач, яхудлар ватанига қайтдиларми ёки Яманда колиб кетдиларми. маълум ёмас. Қандай бўлганда ҳам бу факт яна бир нарсадан далолат бераяти: яхудларнинг Арабистонга кириб келиши факат римлиларнинг таъкиби туфайли бўлмай, баъзида яхудларнинг ўз ихтиёри билан ҳам юз берганга ўхшайди.

Йирик яхудий рухонийси Раббай Ақиба эрамизнинг 130 илии Куш мамлакатига зиёрат килгани, унинг подшоси ва малика билан сухбат килгани ҳакида ёзади. Одатда Куш деганда Ҳабашистон кўзда тутилади;

аммо бাঢилар бу ном билан жанубий Арабистоннинг тарбий киргогини хам атайдилар.

Жанубий Арабистонда ҳукм сурган Ҳимйар давлатида (милоддан авв 115 - мил. 525) яхуд жамоалари мавжуд бўлганинига иноралар кўп. Византия императори Константин (340-361) томонидан христиан динини ҳимйарлар орасида тарқатиш учун юборилган рухоний Теофилийнинг фаолиятига ана шу яхудий жамоалари карши чикканлар. 425 йили Яманга зиёрат килган христиан тарихчиси Филосторий Сабо ахли шараба кунлари Иброҳим суннатига амал килиш билан бирга Ой. Қўёни ва бошқа самовий жисмларга хам ибодат килганлар, дейди.

Тарихий адабиётда хабашлар босиб олмасдан олтин (525 й.) Яман яхудий дини ҳукмрон бўлган мамлакат, деган фикрлар бор. Бу ўринда ахборийларининг туббу Асьад Абу Кариб гўё Эронда уруши килиб қайтаётганида Яериб (Мадина) шахрида тўхтагану, у ерда икки яхудий рухонийсининг таъсирида яхудий динига киргани ва шундан сўнг у Ҳимйар давлатининг расмий динига айлантирилгани ҳакидаги маълумоти энг асосий маиба сифатида ишлатилади. Аммо бу факт на жанубий араб тилидаги ва на қадимги яхуд тилидаги биронта ёзув билан тасдиқланмагач, ахборийларга ишониб бўлмайди.

Баъзилар Мариб тўғони деворига Шураҳбил Яфур б. Абу Кариб Асьад ёзdirган матидаги "Баъал Саман ва Ардан", яъни Осмон ва Ер эгаси" сўzlари якка худоликка даҳлдор ва мазкур подшо эса яхудий динида бўлган деб хам таъкидлайдилар. Тўгри, «баъал» сўзи илк яхудий динида (мил.авв. XII-VI асрлар) мавжуд эди, аммо милодий IV-V асрларда яхудий динидаги шахс уни ишлатиши мумкин эмас эди: чунки у васанийлик (кўп худолилик)ка хос мусталаҳ (термин). Нихоят, гўё яхудий динида бўлган охирги Ҳимйар подшоси Зу Навоснинг (517-525) кўпчилик ахолиси христиан динида бўлган Нажрон шахрига қиргингарот келтиргани ҳакидаги маълумот хам мавжуд. Шуни айтиш керакки, Нажрон воқеаси содир бўлиши учун Зу Навос яхудий динида бўлиши шарт эмас эди. Тарихий адабиётда кўпинча бу

воқеага яхудий-христиан низоси сифатида диний тус берилсада, аслида бу сиёсий ахамиятта молик, яъни Византия ва христиан Ҳабашистоннинг Яманга кун сайнин кучайиб бораётган тазикинга қарши кўрилган чора эди. Ҳимйар подшоси ида яшаб турган яхудий савдоғарлари Зу Навосни бу ишга унаган бўлиши мумкин. Бейт Аршамли Семионнинг Ҳалаб ҳакинидаги Жобула черкови бошлангига 524 йил 20 январда ёзган хатида Табария (Фаластиин) яхудлари Ҳимйар давлатига христианлар орасида бузгуичилик килини учун вакти-вакти билан кохинилар юбораётгани аниқ айтилган. Семион шу хатида йирик христиан рухонийларини, жумладан Искандария (Миср) архиепископини Ҳимйар подшоси ва аъёнларига мурожаат килиб, Табария ва Фаластииннинг бошқа шаҳарларидан келган яхудий рухонийларини зинидонга ташлатинига давлат килади. "Ҳимйар шаҳидлари ҳакидаги хабарлар" китобида хам Табариядан келган яхудий арбоблар Яман яхудларнинида янагани қайд килинган.

Яман хабашлар томонидан босиб олинганидан кейин хам у ерда яхудий дини сакланиб колди. Хатто ислом галабасидан сўнг шимолий Арабистондаги яхудлар қувгин остига олинган бир пайтда жанубий Арабистонда яхудлар даҳленз бўлдилар.

б) Христиан дини

Яхудий дини каби христиан дини хам Арабистонга ташқаридан кириб келди. Яхудийлар ўзларини "худо ёрлақаган ҳалқ" деб хисоблаб, кўпроқ маҳаллий аҳолидан холи янаган бўлсалар, христианлар, аксинча, бошка ерлардаги синигари қадимги Арабистонда хам кенг мубаширилик (миссионерлик) ишларини олиб бордилар.

Куръон ва ислом арафасидаги жоҳилия шеъриятида христианлар "носоро" (насронийлар) деб аталган. Бу сўз "назарет" номидан олинган бўлиб, Исо Масихнинг келиб чиқсан жойига ишора килади. Одатда, мубаширилар тибб ва мантиқ илмидан хабардор, кишилар қалбига кўл солишга уста бўлганлиги учун кўпгина қабила бошликларига таъсир килганлар, уларнинг христиан динини қабул қилишига ёки бу ишда

уларнинг мададига эришганлар. Черков тарихларида мубашширларнинг мўжизакор ишлари хакида ривоятлар кўн. Улар табиат кийинчиликларига карамай, бадавийлар билан бирга яниб, бирга кўчиб юраверардилар. Бундайларни "чодирроҳиблари" дейишган.

Баъзи роҳиблар у ёки бу воҳала хонакоҳлар (монастир) куриб, ўзига хос манзилгоҳлар ташкил қилинлар. Бундай манзилгоҳлар араб савдогарлари ва бадавийлари учун очик эди. Улар бемаъюл узок саҳро йўлларидан сўнг салкни гулзор чамандадам олинилари, ҳар хил эрмак ўйинлари билан ва ҳатто вино ичини билан димогларини чот қилинлари мумкин эди. Айни вактда "мехмонлар" роҳиблардан христиан дини таълимотларини ўрганарадилар. Коронгу тунлари хонакоҳ дарвозаси олдида чирок ушлаб, карвон йўлини ёритиб турған монах образи жоҳиля шеъриятидан кенг ўрин олган.

Кичик Осиё. Шом ва ҳатто Ироқда монастирларнинг кўн бўлганлиги табиий ҳол: бу ўқаларга Рим империясининг таъсири кучли эди. Аммо исломдан олдин Арабистоннинг деярли хамма қисмларида, колаверса, одам қадами етиши маҳол бўлган жойларда христиан роҳибларининг ўринашиб колиши таажӯублидир.

Кул савдоси туфайли ҳам Арабистонга четдан христиан дини кириб келарди. Византия вилоятлари ва Ўрта дениз оролларида келтириладиган оқ танли эркагу-аёл қуллар одатда манзил ишларида ва хунармандчиликда машгул эдилар. Шахар бойлари чиройли христиан кизларини ўзларига жорияликка олар, она бўлганларини озодликка чикарадилар. Масалан, Маккадаги бану Махзум уругининг бойларида Юноностонли жориялар кўп бўлган. Пайғамбарнинг амакиси Аббоснинг ҳам бир неча юони ва форс жориялари бўлган.

Хижоз шаҳарларига христианлар асосан Византияниң вилоятларига айланаб қолган Фаластин ва Шомдан кўчиб келганлар. Ислом вужудга келиш арафасида Думат ал-Жандал, Эйлат, Тайма шаҳарлари ва ҳатто Ясириб, Макка ва Тоифда ҳам талайгина фаластинли ва сурияли христианлар бор эди.

Шуниси характерлики, Думат ал-Жандал, Эйлат шаҳарларининг жанубида яхудлар йигиён (компакт) ҳолда утмларда яшаган бўлсалар, христианлар кўп худоликдаги араб аҳоли билан арадаш яшадилар. Ал-Балазури ва ат-Табарийларининг таъкидлашича, мазкур икки шаҳарнинг хокимлари христианлардан бўлган. Маккада бир канча христианлар мубашширлик ва табиблик билан шутууланганилиги маълум. Улар араб тилини билмас, билганилари ҳам кучли акцент билан сўзлашардилар.

Маълумки, бутинараст қурайшлар Мухаммад пайғамбарга бир христиан ўргатиб келади, деб давло қилингани. Шунга жавобан Куръондаги кўйндаги сўзлар келтирилади: "Биламиз, айтадиларки, унга (яъни Мухаммадга) гўё бир кини ўргатармини. (аммо) улар айтатётган кинининг тили (араб тили эмас) атжамийдир, бу эса (яъни Куръон тили) - соғ араб тилидир (Наҳл сураси, 105-оят).

"Сира" китобларида дастлаб христиан динида, сўнг исломни қабул қилиган қулларининг исемлари учрайди. Масалан: Сафрон б. Умайянинг қули Наастас (Лиаастас), Сухайбининг қули Юҳания ва бошқалар. Айтишларича, Сухайбининг ўзи ҳам асли византиялик бўлган. У Маккада бойиб кетган, исломни биринчилар каторида қабул қилинди. Сухайб Маккани тарқ этиб, Мадинага, мусулмонлар билан бирга хижрат қилишга азму-қарор қилганида, Макка мушриклари: "Бу ерга хеч вакоси йўқ бир девона тарзида келгандинг. Энди орттирган молу-дунёнингни олиб кетяпсан", - деб таъна қилган эканлар. Шунда Сухайб бор бойлигини ташлаб, Мадинага, пайғамбар кошига "куп-куруқ" кетган экан.

Макка ва Тоиф шаҳарларига христиан дини Лахмийлар подшолигининг пойтахти Ҳира орқали ҳам келган. Макка савдогарлари у ерга Хитой, Хиндистон ва Эрон молларини истаб борарадилар. Ҳира маҳаллий аҳолисининг кўпчилиги У-У1 асрларда христиан динида эди.

Шуни айтиш керакки, Маккадан то Яманнинг шимолидаги Нажрон шаҳригача чўзилган масофада аксарият аҳоли "васанияда", яъни кўп худоликда эди. Айни вактда Нажрон ва Яманнинг бошқа ерларида христиан

дини шундай тез таркалдики, бунинг натижасида Ҳимйар подполигида икки монотеистик дин ўзаро ракобат кила бошлади. Бу ишда Рим (Византия) ва унинг вассали Ҳабашистоннинг роли катта бўлди. Британия музейида сакланётган ҳабани ёзувларида айтилинича, Яманга христиан динини ҳабашистонли миссионер Азкир олиб келган. Рим императори Константин I (337-361) Яманга юборган миссионер Теофилий туббатини розилиги билан Зафор ва Адана черков курилишига эришган. Айтилинича, 325 й. Никеяда чакирилган христианларнинг соборида Ямандан усқуф (епископ) катнашган. Аввал айтилганидек, Ямандаги яхудий-христиан ракобати заминидан икки буюк давлат - Византия ва Эроннинг халкаро савдо йўлларидан ўз шуғузини ўринатиш учун олиб борган кураши ётади.

Яманин ҳабашилар босиб олгунига катар христианларнинг ёнг гавжум жойи Нажрон шахри эди. У ердаги черковни хотто "Нажрон каббаси" деб хам аташарди. Махаллий арабларга у "Нажрон биъаси" номи билан маълум эди. Ҳабаш истиносидан сўнг Ямандаги черковлар сони кўпайиб кетди. Уларнинг ичидаги ҳашаматлиси Санадаги "Қуллайс" (юнонча "Колизей" сўзидан) номи билан машхур черков эди. Бу черков бузиб ташланган Ал-Макаҳ ибодатхонаси ўрнига курилганди. Зафор шахрини христиан черковининг курилишини Ҳабашистон негуси маҳсус юборган миссионер Гиргенсийнинг фаолияти билан боялашади. 543 йили Мариб тўғонининг таъмир қилиниши муносабати билан тузилган Абраха ёзувида айтилинича, ишлар битгандан сўнг, шу ердаги черковда катта ташана билан ибодат уюштирилган.

Мазкур ёзув (СИН541) мазмунан диний бўлмасада, биз кўраётган мавзу учун аҳамияти катта. Матн бошида: "Рахмон қурдати, мадади ва раҳмати, унинг масихи (яъни Исо Масих кўзда тутилаяпти; Масих сўзининг чўкинган маъноси бор, шундан "масихий" - христиан, чўкинган) ҳамда муқаддас рух номи билан" ибораси бор. Эътибор беринг: бу ибора ортодоксал христиан динига хос бўлган учлик "Ота" ўрнида Раҳмон, ўғил ўрнида эса, "Масих" ишлатилган. Шу матининг 93-қаторида Мариб тўғонини ислоҳ килишга

Нажоши (Ҳабашистон подшоси), Рум императори (Византия), Форс шохи, Мунизир (Хира подшоси), ал-Хорис б. Жабала (Гассон подшоси) вакиллар юборгани ва уларнинг ҳаммаси унинг (яъни Абраханинг) розилиги ва Раҳмонга шукр ила" келгани айтилган. Баъзи шарқшунослар охирги иборани далил килиб, Яман якка худолиги ҳабашилар олиб келган христиан динининг таъсирида вужудга келди, деган фикрини илгари сурадилар. Бизнингча, бундай фикрларни тўғри эмас: якка худоликининг тимсоли сифатида Раҳмон яманинларга ҳабашилар келмасдан олдин маълум эди. Чамаси, маҳаллий ахолини кондириш учун Абраҳа ортодоксал христиан динидан чекиниши лозим топди. Демак, ҳабашилар қандай бўлмасни Яманда христиан динининг ҳукмронлигига эриниши ва араб кўп худолиги ва якка худолигига барҳам беринига уриндилар.

Арабистон ярим оротининг боинка ўлкаларига келсан, черков тарихларидаги уқтирилинича, шаркий Арабистонда 224 милодий йилинёк усқуфлар бўлган. IV аср охирларига тегиншли манбада христиан монастирнинг курган Аbd Ясув деган усқуфининг номи зикр қилинган. Шаркий Арабистон усқуфиясига каранили ерлар жумласинда Бет Катрайа (хозирги Катар), "Дорайн" (Торут ороси). Самоҳаж (Мухаррик ороли), Хатта (Бахрайн каршисидаги киргок), Ҳажар, Маъзун (хозирги Оман) эслатилган.

Биринчи навбатда Византия ва Эрон империялари чегараларига якин ерларда истикомат қилиган араб қабилаларига христиан динининг таъсири кучли бўлди. Ахборийлар бундай қабилаларни "ал-араб ал-мутанассара" (христианларнинг араблар) деб атаганлар; гассон, лахм. таглиб, аййод, таниух, бакр, тайй, тамим шулар жумласидандир. Аммо худди шу қабилалар ўзларининг муайян санамларига эга бўлганини юкорида кўрдик. Демак, мазкур қабилалар аъзоларининг ҳаммаси эмас, бир қисми христиан динини қабул килган ёки христиан бўлиш билан бир қаторда ўз санамларига сигинишида давом этгандар. Араблар христиан динида вужудга келган кўплаб мазҳаблардан бехабар эдилар ва қасрда қайсипси тарғиб қилинса, шуни қабул килаверганлар.

Масалан, Хирага несториан мазхаби кириб келди. Нестор (в. 450 й.) Мартьашлик (Антиохия) патриарх бўлиб, у Исо Масих хакида маколалар ёзган. Унинг фикрича, Исо – иисон, чунки биби Марям иисон бўлган ва Исо ундан бунёдга келган, аммо Исонинг отаси – худо. Исонинг иисоний ва илохий хислатлари иисбий биринчидан оғози мутлак биринчидан оғози бўлмайди. Несториин тавлимоти Сосонийлар Эронига тобе бўлган срларда таркалди. Рахо /Одесса/ ва Нисибин шаҳарлари несториан мазхабининг марказлари сифатида катта шуҳрат козонди. Христиан динининг несториан мазхаби кейинчалик Марказий Осиё ва Узок Шарқкача таркалди. Хирадан несториан мазхаби Яманга хам етиб борган. Айниқса, Яман форслар кўлига ўтлач, у ерда несториан мазхабининг мавкеи кучайди.

Христиан динининг Яъкубия /яковитлар/ мазхаби Шом ва инимолий Арабистон бадавий араблари орасида кенг таркалди. Яъкубийлар марказий ортодоксал черков уюштирган Халкедон соборининг карорларига карши чикдилар; айни вақтда улар несториан мазхабини хам инкор килдилар. Яъкубийлар Исо Масих якка-ю, ягона табиатга, у хам бўлса иисоний табиатга эга бўлган, деб тарғиб килдилар. Тарихий адабиётда бу мазхаб “монофизит” /“моно”, “физиа”/ яъни ягона табиат/ номи билан мальум. Гасонийлар давлатининг аксарият ахолиси “Яъкубия” мазхабига кирган. Уларнинг подшоларидан Хорис б. Жабала ва Мунизир б. Хорислар яъкубийларга карши адноватни тўхтатиш талаби билан Византия императорига мурожаат килганлар.

Арабистоннинг баъзи жойларида биби Марямни илохийлаштириш, унинг шарафига патир-юн ёпиш билан боялик эътиқод /“фатоирия”/ ва аксинча, Марямнинг бокирияларини рад этувчи /антидикомариан/ эътиқодлар хам мавжуд эди.

Яриморолга бундан ташкари христиан ва яхудий динлари аралашиб кетган бир қанча секталар – гурухлар /“носирия”, “эбиёния”, “кесания”/ хам кириб келдики, буларнинг ҳаммасини Епифаний еретик /хартукий/, яъни асосий диндан узоклашиб кетган оқимлар жумласига киритади.

Арабистон христианларининг бир неча диний байрамлари бўлган. Ёум са’онийн /ёки ша’онийн/ фиҳсадан /пасха/ бир ҳафта олдин нишонланган. Са’онийдан 3 кун кейин – Хамис ал-ғисҳ, пасханинг эртаси куни эса – Боус, дейилган. Пасха насронийларининг энг катта диний байрами хисобланаб, у тантаналар билан, машъалалар ёкиб ўтказилган. Қизиги шундаки, араб христианлари жамоат бўлиб ўтказиладиган тантаналарини форсчадан сирёний тилига ўтган “аижуман” сўзи билан атагаилар. Байрам кунлари улар черковларга ва мозорларга зиёрат килгандар. “Байрам” маъносида Арабистон христианлари асли оромийча “ийл” сўзини /ўзбекчадаги ҳайит сўзи ҳам шундан/ ишлатгандар. Бонка христианлар сингари Арабистон насронийлари хам болаларини черковда чўқинтиргандар. Бу маросим “Инжил” ўқилиб, болани мукаддаслаштирилган сувга солиши билан ўтказилган. “Тамис” ёки “Тасбиг” деб атагандай бундай маросимдан сўнг /ислем динида хатна килини сингари/ боланинг кўли “тозалангандар”, “халолланган” хисобланарди.

в) мажусийлик дини

Арабистонга кириб келган “ташки” динлардан яна бири – мажусийликдир. Ўзбек тилида мажусийлик 2 хил: 1/ зардуштийлик /зороастризм/ ва 2/ умуман бутнарастлик матьноларида ишлатилади. Зардуштийлик кохинлари муг дейилган, буни юнонлар ва руслар маг – маги, араблар эса мажус шаклида кабул килганлар.

Алмажус сўзи Куръонда мустақил дин сифатида зикр килинишига караганда /Хаж сураси, 17-оят/ жоҳилия арабларида бу ҳақда аниқ тушунча бўлган. Ҳира ва у орқали Эронга савдо ишларни билан борган араб савдогарлари албатта, “мажусийлар” билан мулоқотда бўлардилар. Арабистон мажусийлари асосан бу ерга кўчиб келиб, ўрнашиб колган форслардан бўлган.

Баъзи даврларда Сосонийлар империяси таркибига кирганлиги ва Эронга географик жиҳатдан яқин бўлганлиги туфайли Баҳрайнда /Шарқий Арабистон/ мажусийлар иисбатан кўп бўлган. Археологлар уларга тегишли қабрларни топганлар. Мусулмон аскари Баҳрайнга келганда Сибхат Марзбон

деган киши бошлиқ мажусийларнинг бир кисми исломга кирган, бонқалари эса жизъя тўлаш өвазига ўз эътиқодида копланлар. Ўмонда хам қадим замонлардан форс жамоалари яшаб келарти. Бу ерга ислом кириб келиши ва кейинчалик шайхликлар вужудга келининг карамасдан, балзи мажусийлар жизъя тўлаб, ўз эътиқодларини йўқотмалилар.

Маълумки, Ҳира подшолиги балзи вактларда Орондга вассал бўлган. Аммо унинг туб ахолиси кисман христиан диннига киргани холда мажусийликийни қабул килиган биронта подибо ёки фукаро ҳакита хабар йўқ. Айни вактда тамим қабиласига манеуб балзи шахсларнинг мажусий динида бўлгани хабар килинади. Худди шу майбала қурайшийлар орасида “ёргичик ва коронгуликка эътиқод қилювчиликлар эслатилиб, улар “занодика” /бирлиги зиндик/ тоифасига киритилган. Булар асли маккалилар эмас. Орондан ёки юкорида эслатилган тамим қабиласидан келиган савдогарлар бўлшини мумкин.

Ямандаги мажусийларга келсак, улар асосан ҳабарларни хайдашда қатиашган форс аскарлари ва уларнинг авлоидларидан иборат бўлган. Бу тоифа араблар орасида “ал-абно” номи билан маълум оди. Ислом галабасидан сўнг улар ихтиёран бу динни қабул килдилар ва ҳатто Асваф ал-Ансий “рилда” пайтида пайгамбарликни даъво килганида “ал-абно” утига карши курашдилар.

Арабларга мажусий руҳонийлари “мўбаз”, уларнинг бошлиги “мўбазон мўбаз” сифатида маълум бўлган. Мўбазлар араблар орасида табиир /динини таркатиш/ ишларини олиб бормадилар, аксинча, ўз жамоалари билан араблардан бўлак яшанига ҳаракат килдилар. Бу жамоалар балзи одатлари билан атрофдаги араблардан кескин фарқ килардилар. Лисон ал-араб комусида “замзама” деган сўзга “шивирламоқ” маъноси берилиб, у мажусийларнинг овқат таюовул қилиш олдидан муайян диний ибораларни шивирлаб ўқимоги сифатида изохланган. Ҳалифа Умар /634-644/ бу одат исломга хилоф бўлгани учун уни манъ килган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунда хам араб мамлакатларида овқатдан олдин ва ундан кейин юзга фотиха тортилмайди.

г) “Ташқи” динларнинг араб жамиятига таъсири

Асрлар давомидан токомиллания борини натижасида мураккаб идеологик системага айланган яхудийлик, христианлик ва зардуштийлик динларининг ўёки бу даражада Арабистонда тарказлини, албаттa, маҳаллий ахолига таъсири кўрсатмай колмаги. Шунингдек, бу таъсири бир хил бўлмагани хам табиий бир хол. Масалан, ислом галабасидан кейин ҳам арабларда отанинастлик билан боялиқ балзи одатларнинг сакланиб колганини хисобга олмаганды мажусийларнинг арабларга таъсири унча катта бўлмади. Аммо яхудий ва христиан динлари хусусида бундай деб бўлмайди.

Шунин алоҳидан таъкидлани керакки, исломшуносликка онд адабиётининг аксариятида яхудий ва христиан динларнинг ислом арафасидаги араб жамиятига таъсири масаласида бир ёқалмалик, колаверса, гаразгўйлик бор. Бундай асарларнинг муаллифлари очикдан-очик ёки хуфёна ислом дини ана шу икки диннинг биридан /ёки иккаласидан/ келиб чиқкан, ундан тушунчалар асосан Таврот ва Инжилдан олинган деган фикрни илгари сурадилар. Қайси динга кўирок мойнилий билдирилганига қараб, бу муаллифларнинг ўзлари қайси диннатда эканликларини билса бўлади. Маълум тарихий вазиятларда ижтимоий оғигнинг ифодаси сифатида вужудга келган уччала монотенистик дин ҳам мустакил. Уларнинг хеч қайсиси химояга муҳтож эмас. Факат шу нарсани қайд килмоқ зарурки, бу масалада чукур илмий фикр билдириши учун старли асос йўқ.

Ган шундаки, бизгача қадимги Арабистон яхудларининг ўёки христианларининг ўз эътиқодлари ҳақида, тоат-ибодатлари ҳақида, атрофларидаги асосан кўп худоликда бўлган араблар билан муносабатлари ҳақида ёзган бирорта асарлари етиб келмаган. Ҳозирча факат Арабистон христианлари ва яхудийлари ишлатган ва арабларга тушунарли бўлган истилоҳ ва атамалар хусусида сўз юритиш мумкин, холос.

Масалан, ҳозирги замон араб тилида черковларда ибодат вактини билдирадиган жом-қўнгирок /русча – колокол/ маъносида жоҳилия христианларидан қолган “нокус” сўзи ишлатилади. “Нокус” узун тахтадан

иборат бўлиб, унга бошқа кичикрок “вабил” деб аталган ёгоч билан уриларди. Христиандарнинг ибодат жойларини ифодалаш учун асли сирёний “биъа” ва хабаш тилидан олинган “савмаъа” сўзлари ишилатилган. Христиан роҳиблари яшайдиган мансизларни сирёний тилидан олинган сўз билан “куллоя” /русча – келья шундан/ деб аталган. Черков маъносидаги жоҳиляя араблари кўпроҳ “лейр” /кўилиги адира/ сўзини ишилатилар; лейр ас-сиба, лейр ал-Ханзала, лейр ал-Луж ва хоказо. “Мехроб” сўзи черковининг ўрта килемини англатган. Черковлардаги ибодат маросими асли оромийча “салот” /хозирги араб тилида бу сўз “намоз” маъносини беради/ сўзи билан ифодалангандай. Эрталабки ва кечки ибодатлардан сўнг роҳиблар “таебих” ўтириш, яъни худонинг номини зикр килини ва улугланни олат килгандар. Диний қўшикларни овоз чикармасдан, наст ва юкори овоз билан куйлаш “замзама”, “хайнама” ва “шамъала” деб аталган. Умуман олганда Арабистон яхудийлари ва христиандарни ишилатган диний терминлар этиологик жиҳатдан оромий, юони, лотин, хабаш ва араб тилларидан олинган.

Жоҳиляя араблари Таврот ва Инжил персонажларидан исмлар сифатида фойдалангандар. Асли тавротий исмларидан энг кенг тарқалгани Одам, Иброҳим, Исҳок, Исмоил, Айюб, Довуд ва Сулаймон эди. Шунингдек, Исо, Абд ал-Масих, Гиргас, Роман, Семъон /Шамъун/, Наастас, Юханна сингари соғ христиан исмларини хам араблар орасида учратиш мумкин эди. Аёллар христиан исмларидан Мария, Маръям ва Ҳанинни кўпроқ ёқтирадилар. Мухаммад пайгамбар никохидаги бўлган аёллардан бирининг исми – Мария, ундан туғилган, аммо гўдаклигига нобуд бўлган ўғил – Иброҳим исмли эди. Мазкур исмларнинг баъзиларидан янги арабча шакллар хам пайдо бўлди: Довул-Дуод; Сулаймон-Салмон, Саллом, Сулайм; Исо-Ясу, Яшу ва хоказо. Шу нарса характерлики, ҳозирги замон араб тилида “христиан” маъносини англатадиган “масихий” сўзи исломдан олдинги арабларга умуман маълум эмасди. Айни вақтда хар хил мартабадаги христиан руҳонийларини англатувчи чет тиллардан кирган “Батрик” /патриарх/, “Матрон” /митрополит/, “ускуф” /епископ/ каби сўзлар кўпчилик

учун тушунарли эди. Куръондаги “ахл ал-инжил” ибораси /Монда сураси 47/ христиандарни кўзда тутган, албатта, чунки яхудлар Инжилини танимсанлар.

Маълумки, дейлри минг йил давомида оромий /сирёний/ тили Якин Шарқда халқаро тил вазифасини бажарган. Бу ерга савдо ишлари билан келиб турган араб савдогарларида хам бу тилини ўрганингга эҳтиёж туғилган. Камдан-кам араб христиандарни Таврот ва Инжилини асл тиллари – иврит ва юони тилларини билгандар. Шарқ христиандарни тоат-ибодат ишларидан, асосан, оромий тилидан фойдалангандарини хисобга олсан, бунга ортиқча эҳтиёж бўлмагандиги хам тушунарли бўлади. Арабистонда фаолият олиб борган аксарият христиан руҳонийлари оромийлардан бўлган. Христиан динини араб қабилалари орасида тарқатиш учун улар диний ғадабиётининг хаммасини бўлмасалта, баъзи килемларини исломдан анча олдин арабчага таржима килган бўлинилари керак. Бу эса ўз навбатида нафакат диний, балки юони ва сурён фалсафий фикрларини хам Арабистонга кириб келишига шароит яратган. Христиан дини, шубҳасиз, жоҳиляя арабларининг санъатига хам таъсир килди. Христиан дини билан бирга Арабистонга черковлар, меҳроблар, мазбахлар /куроилик килинадиган жой – алтарь/ курини санъати, ўзига хос нақшинкорлик ва тасвирий санъат намуналари кириб келди.

Кўриниб туриблики, яхудий ва христиан динларининг жоҳиляя арабларига таъсир масаласида тутал фикр айтишига хали эрта. Аммо айни вақтда бир нарсада иккала моногенетик диннинг Арабистон исломолди жамиятига таъсир килганини инкор килиб бўлмайди. У хамбўлса жоҳиляя арабларининг орасида мавжуд бўлган якка худолик /тавҳид/ гоясининг янада кенг тарқалишида ўз аксии топди. Яманда Раҳмонга ибодат қилишга асосланган ўзига хос яман монотеизми ёки унинг бошқа бир кўриниши – “Зу Само”, яъни “Осмон эгаси”га сингиниши, бу ерга христиан дини келмасдан олдин мавжуд эди. Ҳижозда хам ота-боболарининг бут-санамларга сингинишидан норози кишилар кўп эди. Бир қанча катта шаҳарларда, айниқса,

Маккада янги эътиқод тарафдорлари изтиробда бўлган калбларга таскин берувчи, бутун борликни яратган – холик, танҳо худони кидирардилар. Умайя б. Абу Салт сингари шоирлар христианилар билан якин алоқада бўлдилар, уларнинг китобларидан ҳакикат килирдилар. Бальжар ишаб яхудий ёки христиан динига кирдилар хам. Шундай вазиятда кўп худолиликни кескин коралаб, айни вактда яхудий динидан хам, христиан динидан хам кўнли тўлмаган, боши берк кўчадан чикишининг соғ араб йўлини кидирган киниларнинг бир исча тоифалари пайдо бўлди.

Маъруза 8.Ислом дини пайдо бўлишининг омиллари

Хар қандай динни иккى хил ўрганиш мумкин: диндор кини томонидан ўзи учун ва мутахассис тарафидан илмий-назарий мақсадда. Табиийки, улар бир-биридан фарқ килади. Исломнинг келиб чиқиши хусусида мусулмон манбаларига асосланган ашъанада у илоҳий ходиса, инсонларни тўғри йўлга солини учун юборилган охириги таълимот деб талқин этилади. Қуръонда исломнинг илдизларига аниқ ишора бор: «Айтинг: Аллоҳга, бисзга нозил қилинган нареага, Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқуб ва авлодларга нозил қилинган нарасаларга ҳамда Мусо, Исо ва барча пайгамбарларга Парвардигори томонидан ато этилган нарасаларга имон келтирдик. Улардан бироргасини ажратиб қўймаймиз ва биз Унга бўйиненчувчилармиз» (Оли Имрон, 84). Пировардида Аллоҳ расул (элчи) этиб Мухаммад (сав) ни ташлади ва ўзининг каломи – Қуръонни унга нозил килди. Пайгамбар дастлаб ўз ҳаминахарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабила худоларига сингинишдан воз кечини ва ягона худо - Аллоҳга эътиқод килини, солих ҳаёт кечирини, у дунёда жаинатга тушиб учун бу дунёда эзгу ишлар қилингига чакирди. Қуръонга кўра араблар ва яхудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Одам Атодан бошлиланган Аллоҳга эътиқодни тиклаган зотдир. Айни вактда Ислом ҳам батамом янги таълимот эмас, балки, Иброҳимнинг қайта тикланган дини (миллат Иброҳим ханиф) бўлиб чиқади. Шундай килиб, диний талқинда ислом тарихи бу – пайгамбарлар тарихидир.

Ислом динининг пайдо бўлиши тарихи (генезиси)ни илмий-назарий мақсадда дининуослик фани нуткан – назаридан ўрганишда бу жараёнга таъсир қилиши мумкин бўлган барча ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий омилларни хисобга олишга, солдароқ қилиб айтганда, қачон, қаерда ва қандай деган саволларга жавоб беришга тўғри келади. Қачон, қаерда қабилидаги саволларга аниқ ва деярли барча учун мақбул жавоб мавжуд:

ислом таълимоти YI аср охири - YII аср бошида Арабистон ярим оролида, аниқроги, унинг гарбий киесмистаги Ҳижоз ўлкасида пайдо (зухур) бўлди. Аммо учинчи савол бўйича мутахассислар ҳалигача яқдил фикрга келганлари йўқ. Илмий адабиётда охирги пайтлар ача бу мисалдан асосан икки йўналиш намоён бўлиб келди.

Биринчиси - Мұхаммад пайғамбарнинг таржимаси ҳолини баён этиш ва унга яхудий ва христиан динлариниң бевосита таъсирини кўреатишдан нарига ўтмаслик билан характерланади. XIX асрда гарб шарқинуносиги бошлаб берган, «европоцентризм» каби гараздига максадига хизмат қилиган бу йўналиш кейинчалик Россияяга ўтди ва шўро даврида ҳам тарафдорларга эга бўлиб келди. Хусусан, Марказий Осиё тарихи бўйича ҳалигача аҳамиятини йўқотмаган асарлар ёзиб қолдирган азат В.В.Бартольд 1925 йили бир хото фикрини олгари сурганди: «Барча динлар ичиди, - деб ёзганди у, - ислом ўз ҳалқининг ўтмиши билан ёнг кам боғлангандир». Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ислом арабларининг ўтмиши билан кам боғланган экан, демак, бошқа, ташки таъсир билан кўпроқ боғланган бўлади.

Иккинчи йўналиш ижтимоний - иқтисодий тузумлар (формациялар) ҳакидаги таълимотга асосланган бўлиб, гўё ислом вужудга келган пайдада араб жамияти уч формациядан бири-патриархал, кулдорлик ёхуд феодализм муносабатларини бошидан кечираётган бўлган ва ислом муайян ҳукмрон ижтимоний кучларининг идеологияси сифатида таркиб тонган. Аммо айнан қайси тузум ҳукм сургани ҳакидаги баҳс 70 йил давом этди ва ҳеч қандай самара бермади.

Юкорида зикр этилган иккала йўналиш ҳам бугунги кун фани талабларига жавоб бера олмайди. В.В.Бартольд фикрига қарши ўлароқ ислом араб ҳалқининг ўтмиши билан чамбарчас боғлик, ҳечкандай шак-шубҳасиз арабий илдизларга эга, қолаверса, қадимги Арабистон тарихига бевосита якун ясаган ҳодисадир. Демак, аввало исломдан олдинги Арабистоннинг икки-уч минг йиллик тарихини пухта ўрганмоқ даркор. Қизиги шундаки, Арабистон ва умуман қадимги дунёда юз берган жараёнлар формацион

таълимот тарафдорлари уқтириб келгандек эмас, балки батамом бошкacha кечди, дейинига асослар бор. Энг муҳими, бир формациядан иккинчи формацияга ўтишининг соционихнологик механизмини ҳеч бир киши аник очиб берган эмас.

Аслида, барча қадимги дунё жамиятлари, солда килиб айтганда, уч боскичини босиб ўтди. Биринчи боскичда майда, тарқоқ давлатлар вужудга келиб, уларнинг бальзилари кейинчалик нисбатан йириклишди, монархиялар (Миср фиръавиилиги каби) вужудга келди. Иккинчи боскичда иқтисодий омил уларни бирлаштиришини такозо этди: улар тинч йўл (халқаро савдо йўли) биланми, урунлар воситасидами, албатта, бирлаштирилган. Натижада, Оссеурия, Яиги Бобил, Ахмонийлар Эрони, Рим каби империялар вужудга келган. Ниҳоят, учинчи боскичда ўз даврини ўтаб бўлган империялар биринкетин кулаган. Юкорида зикр этилган қадимги дунё жамиятларининг иккинчи тараққиёт боскичи, яъни империялар даврида, антик дунё умумжакои жараёнидан бир мунча ажralиб, бу ерда ўзига хос антик тараққиёт йўли юз берганди. Асосан шаҳар - давлатлардан таркиб топган бу дунё юнонча «полис» деган номни олди. Аммо антик полис тизими ҳам узок яшамади: ўз даврини ўтаб бўлган мустақил полисларнинг келажак тараққиёти уларни бирлаштириб, халқаро савдони баркарор қиласидиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган империясиз мумкин бўлмай қолди.

Қадимги Ҳижоз шаҳарларидағи тузумни айнан антик полис тизимига қиёс килиш мумкин. Византиялик Стефан қадимги Мадинани «Йатриппа полис» деб бежиз атамаган кўриниади. Қандай бўлганда ҳам YI аср охири-YII аср бошида Макка ва Ясериб (Мадина) каби шаҳар-давлатлар Арабистонда устунликка эришдилар. Дарвоке, формацион таълимот тарафдорлари уқтириб келганларидек, Маккада ўша пайтда иқтисодий кризис авж олган эмас, балки, аксинча, халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бири бўлгани учун у ерда иқтисодий ҳаёт жўш уриб турганди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тизими торлик қила бошлаган, юкорида

тъкидланганидек, ўз вазифасини ўтаб бўлган. Хижоз (Макка, Ясириб, Хайбар, Тайма, Думат ал-Жандал, Фадак ва х.) ва умуман Арабистонни бирлаштириб, ягона империяга айлантириш давр таъби бўлиб қолганди. Азалдан диний марказ сифатида мавзум бўлган Макка шахри VI асрдан бошлиб Арабистоннинг энг йирик сиёсий ва савдо марказига ҳам айлангач, империяни тузиш билан мувозий(паралель) равиниде юз берган арабларнинг диний тафаккуридаги буюк ўзгарни биринчи навбатда Маккага бошлангани табиий ҳолдир. Айни вақтда Арабистоннинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий онг үсусурларининг (элементларининг) ўлка бўйлаб ёйинини жараённи кечарди. Бундай ҳаракатларни бошқарган кинжалар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган тақдирдагина муваффакиятта ёриниларни мумкин эди. Демак, Мухаммад аттиҳиссаломинин диний ва сиёсий фаолияти умумий жараёнларининг хусусий ва қонуний кўрининши эди. Шунин алоҳида тъкидлаш жоизки, Мухаммад пайгамбар бу ҳаракатда ёлиз эмасди.

Бемалол айтиш мумкинки. Арабистонда VI аср охири-VII аср бошида ўзига хос уйгонини даври бошланди. Бу нарса гасонийларнинг Рим тутёнига қарши бош кўтариши, ямаликларнинг ҳабанилар ҳукмидан ҳалос бўлишин ва, нихоят, Зу Кор (610) жангига биринчи бор араб бадавийлари Эрон муңтазам армияси устидан эришган галабада намоён бўлди. Арабларнинг чет эл таъсирига қарши курашида қандайдир таянч, ҳеч качон ажнабийлар ҳукми остида бўлмаган минтака етакчилик килиши мумкин эди. Бу талабга мазкур вазиятда Хижоз шахлари, янада аниқроги, факат Макка ва Ясириб жавоб берга олар эди. Аммо айни вақтда ислом арафасидаги Макка жоҳилия маданияти билан боғлиқ қадриятларни ифодаларди, холос. Замон, араб уйгониши энди бу қадриятлар билан кифоялана олмас, янги гояларга кучли эҳтиёж тугилганди. Ҳуллас, араблар ислоҳотлар ва ислоҳотчилар зарурлигини хис килардилар; мухит бундай ислоҳотни қабул этишга тайёр эди. Эски қадриятлардан воз кечиб, янги қадриятларга ўтишга бўлган иштиёқ сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний соҳаларда баробар намоён бўлди. Бу

соҳаларда кечган жараёнларин бемалол ислом дини пайдо бўлишининг омиллари сифатида келтириш мумкин.

Сиёсат соҳасида юз берган жараёнлар одатдагидек ташки ва ички кўрининида бўлди. Таники сиёсатда арабларга доимо ўша даврнинг иккى буюк империяси – Византия ва Эрон таҳдид солиб келарди. Арабистоннинг жануби, шарки ва ишимоли уларнинг таъсири остига ўтиб бўлганди. 570 или бундан аввалроқ Яманини босиб олган Византиянинг вассали - ҳабашларнинг Маккага уюштирган юришилари ҳам шу сиёсатнинг давоми эди. Аввал ёслатилганидек, Макка бу пайтда Арабистоннинг бош шахрига айланган, унинг олиниши бутун яриморознинг тобз бўлишини англашарди. Ҳабашлар йўл – йўлакай бир қанча араб қабилаларнинг қаршилигини енгилар, улардан ўзларига аскарлар ёллаб олдилар. Айнан ана шу ёлланган аскарларнинг араблар учун азалдан мукаддас хисобланган Маккага хужум қилинішдан бош тортини юришининг муваффакиятсиз тугашига мухим сабаблардан бири бўлди. Қуръоннинг “Фир” сурасида бу воеа-истиорий (аллегорик) тарзда, Макка мушриклари учун ибрат сифатида ўз ифодасини тонган. Бу ўз навбатида Макканинг обрўсини янада ортириди. Хижоз араблари ташки душманга қарши уюшин, бирлашиш зарурлигини хис кила бошладилар. Натижада қабилалар ўртасидаги ички низоларга барҳам берилди. Қабилаларнинг турли иттифоклари тузилди. Йилнинг тўрт ойи (зул – қаъда, зул – хижжа, мұхаррам ва ражаб) урушлар манъ қилинган (харом) ойлар деб эълон қилинди. Эътиборли жойи шундаки, дастлабки уч ой арабларнинг ҳар йили Маккага муңтазам уюштириладиган зиёратлари (ҳаж) билан боғлиқ эди.

Бесвосита Ислом арафасида Макка шаҳар-давлатининг идора усули ўзига хос тарзда эди. Шаҳарнинг мутлақ ҳокими йўқ, у қурайш қабиласининг Маслаҳат кенгashi-Дар ан-Надва (Мажлислар уйи)да йигилиб турладиган Мало томонидан бошқариларди. Кенгашда қабул қилинган ҳар қандай қарорнинг ижроси барча учун мажбурий эди. “Мало”нинг асосий мақсади – қабила бирлигини саклаш, уруглар ўртасида хусумат чиқишининг олдини

олиш эди. Бу максадда шахар-давлатнинг бошкаруви 10 та ургт вакиллари ўртасида тақсимланганди. Объектив равиниде Макка-шахар давлатининг ички сиёсий баркарорлиги, Курайни қабиласи зодагонларининг омилкорлиги якин келажакда полис тизимидан империя тизимида ўтишига мустахкам замин вазифасини ўташи керак эди.

Иқтисодий омилга келсак, VI аср охири - VII аср бошнинг халқаро савдода қадим замонлардан бери етакчи бўлиб келган Яман ўринини Ҳижоз эгаллади. Кусай ислоҳотларидан сўнг ўтган дегарди 1.5 аср давомида халқаро савдо туфайли қўшини мамлакатлар билан яхни алокалар ўринатган Макка на Византия, Эрон, Ҳабанистон каби йирик давлатлар ва на Химяр, лахмийлар ва гасонийлар сингари кардош сулолаларининг таъсирига тушмаган эди. Макканинг бошқа ўлкалардан фарқли имтиёзи - унинг Арабистон учун умумий диний марказ бўлгани, у ерда Каъба каби муқаллаас иборатхонанинг мавжудлиги, арабларнинг анъанавий уига зиёрати, шу билан боғлик маросимлар, бундан келиб тушадиган фойдалалар ва хоказодларининг барчаси ички савдода Макканинг туб ахолиси – курайни қабиласини бошка қабилалар орасида энг нуфузли макомга кўтарган бўлса, узок давом этган Византия – Эрон низоси Маккага ташки савдода ҳам юкори мартабага эришини имкониятини берди.

Матъумки, бўлгувси пайгамбарнинг бобоси Абл ал – Мутталиб анча вактдан бери яроқсиз холга келиб қолган Замзам қудугини ўз хисобидан кайта тиклади. Айни шу пайтда Макка аристократияси савдо йўлларидағи бадавий қабилалар билан янгича муносабат ўриатди: илгари қабила бошликларига карвонга хужум килмаслик эвазига товои (жуъл) тўланган бўлса, энди улар билан савдодан олинадиган фойдага шериклик ҳакида битим (илоф)га келишилди. Бу эса бадавийларни оддий қўрикчилардан шериклар (компаньонлар)га айлантириди. Қуръоннинг Курайш сурасида “илоф” сўзи икки марта келади: Ли илаафи Курайш * Илаафихим риҳлаташ шита’ вас сайд * фалияъбуду Рабба ҳазал Байт * Аллази атьамахум мин жуъив ва аманаҳум мин хавф. (Курайш (ахолиси)га қулаги қилиб қўйгани

учун, * яни уларга қишида (Яманга) ва ёзда (Шомга) сафар қилишни кулаги қилиб қўйгани учун * мана шу Уй (Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилинилар! * Зоро. (У) уларни очликдан (кутқариб) таомлантириди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам килди). Аз – Замахшарий ўзининг “Кашшоғ”ида бу ўринда шундай ёзди: “Курайшининг йилда икки сафари бўларди: қишида Яманга ва ёзда Шом (Сурия)га. Бонкаларга иибатан доимо ғазот ва талон – тарожлар уюштирилган холда улар (курайшийлар) Аллоҳ ҳарамининг ахли ва уйининг валийси бўлгани боне ҳеч тўқсаниликка учрамасдилар. Сафарлари ва савдолари бехатар кечарди”. Оддий ўқувчига янада тушунарли бўлсин учун ҳамда ушбу мавзуга аҳамиятини хисобга олиб, суро маъносини куйидаги шаклда берсак бўлади, деб ўйлаймиз:

“Курайш эга бўлган келишув учун,
Қиники-ёзги сафар келишуви-чун,
Оч- нахорда таъомлантирган.
Хавф-хатардан омон қолдирган,
Ушбу уй Раббига ибодат қилсун!
(таржима бизники-А.Х.)

Бу- Курайшга қаратилган Аллоҳнинг қаломни.Дарҳакиқат, бадавийлар учун карвонларга хужум қилиш оддий ҳаёт тарзига айланиб қолган бир пайтда ислом арафасида Курайш карвонларига бирон марта тажовуз қилингани ҳакида маълумот учрамайди. Демак, чиндан ҳам “илоф” Курайшга берилган ўзига хос Аллоҳнинг марҳамати, деса бўлади. Араб тили лугатларида “илоф” сўзининг ўзаги билан боғлик масдар (харакат номи) “улфат” (яни ўзбекчадаги улфатчилик қилиш) деб берилгани хисобга олинса, ҳакиқатан ҳам Қуръоннинг бу сурасида қандайдир битим, келишув, қолаверса, “улфатчилик” ҳакида гап кетяпти. Бу фикрни тасдиқлайдиган Қуръони каримнинг ал – Қасас сураси 57 оятида ҳам шундай фикр бор: Авалам нумаккин лаҳум ҳараман аминан йужба илайхи самаротукулли шай’ин ризкан мин ладунна ва лакинна аксарахум ла йаъламун (Ахир, Биз уларга осойишта Ҳарамни мақом қилиб бермадикми?! Барча

нарсанинг хосиллари Бизнинг даргохимиздан ризқ бўлган холда ўша жойга йигилади – ку! Лекин, уларнинг аксарияти (буни) билмаслар).

Макка карвоилари Византияга каранили Ўйлат, Газо ва Бусро шахарларига борардилар из Византия хукуматига бож тўлардилар. Мухаммад пайгамбар икки марта (12 ва 24 ёшиларидан), биринчи бор амакилари Абу Толиб билан, иккинчисида эса – Хадича онанини вакили сифатида Шом сафарида катнашганилари мълум. Хуллас, мълумотлар шунни иеботлайдики, Макка зодагонлари уззукун халкаро савдони ривожлантириши ҳакида қайгуардилар. Айнан шу гуллаб – яшиаб турган халкаро савдони янада ривожлантириши учун хам Макка шахар давлатининг имкониятлари чекланган эди. Бошқачасига айтганда, иктисолий жиҳатдан хам полис тизими торлик килиб қолганди.

Ижтимоий омилига келсак, ислом арафасида Маккадаги вазият жуда кескин эди. Макка савдо карвоиларини ёнг йирик савдогарлар боинкардилар. Масалан, 50 минг динор кийматга оға бўлган бир карвоинда маккалик Абу Ухайха бин Саиднинг ўзига тегинли 30 минг динорли моли бўлган. Маккада ўша пайтда савдо билан бир каторда судхўрлик (рибо) авж олганди. Ат-Табарий таъкидлашича, Мухаммад пайгамбарнинг амакиси Аббос йирик судхўр бўлган. Куръон оятларига қараганда “рибо”дан олинидиган фойда (процент) 200 ва ҳатто 400 фоизгача чиқиб кетганди. Қадимги Афинада судхўрларининг монополиясига барҳам берилгач, қайситир мъинона ижтимоий адолат ўрнатилгани тарихдан мълум. Айнан шундай зарурат Маккада хам вужудга келганди, зеро ривожланган пул-товар муносабатлари билан боялиқ патриархал уклад бир-бирига мос келмасди. Бакара сурасининг 278-279 оятлари аниқ-равшан шунга ишора қиляпти. Демак, жоҳиля даврида судхўрлик шунчалик чукур илдиз отиб кетган ва бу хол оғир ижтимоий оқибатга олиб келиши мумкин эди, унга қарши Аллоҳ ва Унинг расули томонидан уруш эълон қилиниши ҳакида огохлантиришга эҳтиёж туғилди.

Халкаро савдодан монополия туфайли кимдир асосиз бойлик ортириар, кимдир, аксинча, йўқсиллар сафига ўтиб коларди, яъни табақалашини янада кучаяради. Макка ахолиси учта асосий ижтимоий тоифага бўлинарди: асл қурайшийлар (суроҳо), қурайшийларга кўшничилик (жор) асосида кўшилганлар (мавали) ва қуллар (абид). Урут-қабилачиликка асосланган ижтимоий таркиб ёнди ижтимоий барқарорликни таъминлашга ожизлик киля бошлаган эди.

Аввал таъкидланганидек, хеч шак-шубҳасиз, ислом арафасида Арабистонда вужудга келган диний ҳолат бир неча аср давом этган жараёнининг натижасидир. Эътиқод жиҳатдан жоҳиля араблари асосан “васания”да, яъни кўп худоликда бўлганлар. Тараккий этган динлар (зардуштийлик, яхудийлик, христианлик) билан танишгач, бут - санамлар уларни қониктирумай қолгани анис. Масалан, христианлик ва яхудийлик Арабистонининг деярли барча киёмида тарқалган бўлиб, иккала дин ўртасида хукмронлик учун кучли кураш кетарди. Агар, фароз қиласи, якин келажакда ислом дини галаба қозонмаганда мазкур икки диндан бири, аниқроги, христианлик, (зеро яхудийлар миссионерлик билан шугулланмаганлар) Арабистонда хукмронликка эришишин мукаррар эди. Узокка бормайлик: Миср ва Суря каби йирик ўлкалар ўша пайтда тўлигича христианликда эди. Қадимги дунё халқларининг ўз эътиқодлари билан фахрланиши жуда кучли бўлганини хисобга олсан, араблар яхудий ва насроний динларидан юкорироқ савиядаги динга интилганларини тушуниш мумкин. Халқнинг илгор вакиллари ўзларининг бобокалонлари - Иброҳим алайхиссалом динини ахтардилар. Атроф динлардаги ихтилофлардан яхши хабардор бўлган араблар ўзларига пайгамбар келишини кутардилар ва бу воқеа содир бўлган тақдирда миллатлар ичра энг тўғри йўлда юргувчи халқ сифатида (қизиги шундаки, айни вақтда яхудийлар Мashiах-илохий халоскор, христианлар эса Иисус Христос-инсон сифатидаги халоскорнинг қайтиб келишини кутардилар) тан олинишини истардилар.

Яна бир мулоҳаза. Қадимги жанубий ва шимолий араб ёзувларида “рахмон”, “рахим”, “самит”, “халим” каби сўзлар худоларнинг исми тарзида берилган. Аслида бу сўзлар худоларнинг сифатларини англатган бўлса керак, чунки улар семантик жиҳатдан кўпинча моддий эмас, балки маънавий тушучаларни беради. Ислом бу атамаларни “тал-асмо ал-хусна” /чиройли исмлар/ номи билан Аллоҳга сифат килиб олди. Демак, араб исламизмидан /кўп худолигида/ худоларнинг сони биз ўйлагандек жуда кўн /300 дан ортик/ эмас, аксинча, ислом арафасида уларнинг сафи шунчалик сийраклашган эдик, араблар якка худолик (Тавхид гояси)ни кабул килишга яқинлашиб қолган эдилар. Маълумки, қадимги дунёнинг муайян тарихий даврида мавжуд тузум ва гоявий мухитга карни тарғибот билан майдонга чиқкан шахслар ўзларини пайгамбар деб эълон қилганилар. VI аср охири ва VII аср бошларидаи Арабистон гоявий мухити ҳам пайгамбарлик харакатини вужудга келтириди. Куръонда Ҳуд, Солих, Шұъбайб синиари Тавротда зикр килинмаган, кавмлари томонидан хакоратланганираб пайгамбарларнинг исми келтирилган. Агар бу исмлар жоҳилия арабларига таниш бўлмаганида уларни эслатишдан фойда йўқ эди.

Яна шуни унумаслик керакки, исломдан олдин ҳар бир араб қабиласи ўзининг бир ёки бир неча қохинига, яни диний арбобига эга бўлган. Қохин эркак киши бўлиши шарт эмас, аёл-қохиналар ҳам бор эди. Масалан, Қурайш қабиласида Савдо бинт Зухра исмли қохина ҳаммага маълум эди. Бемалол айтиш мумкинки, объектив равишда баъзи қохинлар ўз қабиладошларини исломга тайёрлашда мухим роль ўйнадилар. Улар қабиладошлари орасида яхудий динидаги кичик пайгамбарлар мақомига эга эдилар. Қабила аъзолари диний ва дунёвий масалаларда қохинлар билан маслаҳатлашардилар. Қохинларнинг фол очища ва одамлар билан гаплашишда ўзига хос тиллари, услублари бор эди. Жанр жиҳатидан қофияли насрга тўгри келадиган бу услуб “сажъ” деб аталарди. Бир неча аср давомида такомиллашиб келган бу нутқ санъати кейинчалик ўрта асрларда ҳам ривожланди. Қолаверса, Макка мушрикларининг Мухаммад (с.а.в)га кўйган айблари (таъналари)дан бири

унинг қохин эканлиги, унинг сўзлари қохинларнинг сўзларига ўхшашлиги эди. Бунга жавобан Куръоннинг кўйидаги оятлари тушган деб хисобланади: “у (яни Куръон) олийхиммат расул тили билан айтилган. Сизларнинг камдан-камингиз ишонадиган шонир тили билан эмас, сизларнинг камдан-камингиз эслаб қоладиган қохин тили билан эмас, у оламларнинг парвардигоридан тушган ваҳидур”(Ал – Ҳоққа, 40-43). Бонка бир оятининг мазмуни ҳам шунга якин: “(Э, Мухаммад) тарғибот қил, сен парвардигоринг иеъмати туфайли қохин ҳам эмассан, мажнун ҳам” (Ит – Тур, 29; таржима бизники – А.Х.).

Худди шу даврда араб ҳалкининг асрлар узра ҳукмрон бўлиб келган тътиқодидан воз кечиб, мукаммал фалсафий динига стишиш учун шитилишининг рамзи сифатида ҳанифчилик (таҳаниф) харакати юзага келди. Ҳанифлар очиқдан-очиқ санамларни масхара қилар, жамиятда кенг тарқалган ичкилиқбозлик, кимор ўйинлари, зино ва бошқа зарарли иллатларга карши курашга чакирадилар. Юкорида айтилганидек, Куръоннинг тўққизта сурасида ҳанифлар зикр килинган. Бу сураларнинг мазмунига кўра ҳанифлар «яхудий ҳам, христиан ҳам, мушрик ҳам эмас, балки Иброҳимни ўзларига ўрнак килиб олган кишилардир». Ибн Ҳишом ўзининг “Сира”сида ҳанифлардан Зайд бин Амр, Варақа бин Навфал, Убайдуллоҳ бин Жаҳш, Усмон бин Ҳувайрисларнинг кисқача таржима ҳолларини келтириб, улар кичик бир гурӯҳ (усба) ташкил қилганлари, қурайшларнинг тоат-ибодатлари ва маросимларини инкор қилганларини қайд килади.

Зайд б. Амр қурайш қабиласининг Ади ургидан, замонасанининг саводхон кишиларидан хисобланган. У узоқ мурдат Шомда яшаб сўнг Маккага қайтиб келган ва, айтишларича, Мухаммадга ваҳий келишидан 5 йил аввал, қурайшилар Каъбани қайта қураётган пайтда /605 й./ вафот қилган. Унинг ўғли Саид б. Зайд биринчи мусулмонлар каторига киради. Варақа б. Новфал Макка ахлига кўпроқ насроний сифатида маълум эди. Пайгамбарнинг биринчи хотинлари Ҳадичага амакивачча бўлган Варақа,

айтишларича, Инжилини яхши билган, уни оромийчадан арабчага таржима килган экан. Пайгамбарга биринчи вахий туштанидан сўнг Мухаммад ва Халича унинг олдига “маслаҳат”га келишини лозим тонгандар. Убайдулло б. Жаҳшиният шахси ҳам илк ислом аҳлига яхши танин эди, чунки у биринчилар каторида исломни кабул килган, хотини – Умм Ҳабиба /Абу Сўфёнинг кизи/ билан биргаликда 615 йили Ҳабанистонга хижрат килган мусулмонлар жумласига кирганди. Ҳабанистонда Убайдулло исломдан чишиб, христиан динига киради ва ўна ерда ҳалок бўлади. Кейинчалик муҳожирлар орасида Мадинага қайтиб келган бева – Умм Ҳабибани Мухаммад пайгамбар ўз никохига олди. Усмон б. Ҳувайрис шуничаки норозилик билан чегараланмай, мушрикларга карни куранда катта кучга таянишга ҳаракат килган кўринади. У Византия императорининг қоинига боради ва у ерда хайриҳоҳлик билан кабул килинади. Христиан динига киргач, унга “батрик” /патриарх/ унвонини берадилар. Императордан Маккага ҳоким /малик/лик гувоҳномаси билан келган Усмон Макка зодагонлари томонидан қувгин килинади ва пировардида у Шомда қотил томонидан заҳарланади.

Ҳанифлар сафига киргандардан ахборийлар ривоятлари ва жохилия шеъриятида энг кўп ўрин олган шахс – шоир Умайя б. Абу Салтдир. У Мухаммад (сав)нинг замондоши, вафоти хижрий 9-йилга тўғри келади, айтишларича, бутпастликка катъян қарши бўлган, аммо Мухаммад таргиботини кабул килмаган, ҳатто унга ҳасад килиб: “Мен унинг ўрнида бўлишим керак эди”, - деган. Ат-Табарийнинг тафсифига кўра, Аъроф сурасининг 175-ояти шу кишига ишорадир. Умайя б. Абу Салтга мансуб хисобланган бир байтда «Қиёмат кунида Аллоҳ олдида “дин ал-Ҳанифа” дан бошқа ҳамма динлар соҳтадир («Куллу динин ёвмал-қиёма индаллоҳи илло ал-Ҳанифа зўр», - деган сўзлар бор . Авваламбор, бу сўзларнинг ўзи сохта бўлмаса, яъни бу сўзлар ҳақиқатан Умайяга тегишли бўлса, унда «ҳаниф», «ҳанифия» атамаларининг Умайя берган талқини Куръон ва умуман ислом талқинидан фарқ килмаяпти. Ҳадисга кўра Мухаммад (с а в)га Умайянинг

100 та байтини ўқиб берганларида: “шеъри мўминники, аммо қалби коғирники”, - деган эканлар.

Куръонда жохилия арабларининг яна бир тоифаси тилга олинган: улар сабийлардир. «Ле-Соби’уша» сўзи Бақара сурасида яхудлар ва насронийлардан бевосита кейин (62-оят), ал-Монда (69-оят) ва ал-Ҳаж (17-оят) сураларида эса уларнинг ўртасида эслатилган. Ҳозирги кунда ҳам Ирокнинг жанубида ва Сурянинг Ҳаврон районида шу ном билан аталағидан, осмон жисмларига тоинидаған диний жамоалар бор. Аммо бу жамоаларининг Куръондаги “соби’га” алоқаси йўқ . Улар Ирок тарихчиси Абл ар-Раззок ал-Ҳасанийнинг фикрича, халифа Ма’мун (813-833) даврида найдо бўлган диний тоифалардир. Ўрта аср манбаларида «сабо», «соби», «субот» сўзларнинг ишлатилишига ёътибор берилса, уларнинг бир нарсадан иккичи нарсага, айтайлик, бир диндан чишиб, бошқа динига ўтиш маъносини англатганини кўринг мумкин. Қурайшийлар расууллоҳининг ўзини ҳам «соби», саҳобаларни эса, «субот» (яъни ўз қавмининг динидан чиққанлар) леб атагандар. 615 йилда Умар ибн ал-Ҳаттоб исломни кабул килгани ҳақида Қаъба олдида баёнот берганда мушриклар: “Ибн Ҳаттоб қад сабо”, яъни Ибн Ҳаттоб “соби” бўлибди”, дейишган. Демак, “соби’лар” ўз қавмининг ибодатига карши чиқкан, уларнинг ёътиқоди билан келиша олмаган кишилар эди. Ҳанифлар ҳам санамларга ибодат қилишга қарши чиққанлари учун мушриклар назаридан улар ҳам соби’лар эдилар. Уларнинг бальзиларига яхудий ёки христиан динлари таъсир килган бўлиши мумкин, аммо бу шарт эмас, чунки бундай ҳолат одатда индивидуал тарзда, узок ўй, фикр, шак-шубҳалар натажасида вужудга келади. Акс ҳолда тошларга сигиниш бефойда эканини англаган ҳар бир жохилия араби яхудий ва христиан динини осонгина кабул килган бўларди. Кўриниб турибдик, ислом арафасидаги араб жамиятида мавжуд муқаддас китоблардан (Таврот, Инжил, Талмуд) хабардор, баъзи ажнабий тилларни билган ҳамда фалсафий ва ақидавий фикрлар устида бош котирган кишилар талайгина бўлган.

Ислом арафасида диний тафаккур тез ривожланганининг яна бир ёркин далили- хар хил ақилаларининг кўп бўлганиниги. Жохилия арабларининг «дахр» ақидасига алоҳида тўхтани лозим. Бу ақида инсоннинг тақдири олдиндан белгиланганлиги, у ёркин иродла ёки ихтиёр эгаси эмаслиги, пешонасига «ёзилган» нарса албатта содир бўлажаги ва ундан кутулиб бўлмаслиги хакида ёди. Аксарият жохилия араблари шу ақидада эдилар, деб тахмин килиш мумкин. Зоро, тақдири – фалакка ишониш улар дунёкарашининг асосини ташкил этарди. Нарни дунё борзигига, бу дунёда захмат чекканга у дунёда ажр, гуноҳ ишилар килинганга ишонч йўқ ёди. Борликнинг эгаси, олий ҳокими сифатига муайян бир худодан кўра кўпроқ қандайдир «Дахр», инсон иродаси билан хисоблашмайдиган ва ундан юкори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур килинади. Уларнинг эътиқодича, ўлимдан сўнг хамма нарса тутайди, шунинг учун кайф-сафо килиб, бугунги кун билан яшаб келини керак. Бундай кайфият айникеа қурайш зодагонлари орасида кучли ёди. Балки, инма учун кейинчалик ислом аҳабиётидаги «дахрий» сўзини «мўмин»га нисбатан антоним сифатида ишлатилганини шу билан изоҳлани мумкинлар. «Дахрий»лар хакида Куръонда куйидаги сўзлар айтилган: «Улар дейдилар: факат битта – бу дунёдаги ҳётимиз бор – яшаймиз ва ўламиз: бизни факат дахр (вакт, тақдир, фалак) ҳалок қиласди» (ал – Жосия, 24). Арабча «дахр», «манун – маноё», «ажал - ожол», «хатф - хутуф», бизнинг тилимизда ёса «ўлим», «тақдир», «ажалнинг етиши», «фалакнинг гардиши» маъноларини англатадиган сўзлар билан ифодалангандай бу ақидага кўра инсоннинг тақдири унинг қўлида эмас экан, ўз навбатида бу ҳол қаердадир энг кудратли, ундан кудратлиси бўлмаган бир куч мавжудлигини тақозо этади. Чунки кучли тақдирловчи бўлмаса, тақдир ўз – ўзидан содир бўлмайди. Жохилия шеъриятида бу кучнинг инсонга нисбатан феъли – аъмолига ишоралар бор, аммо бирон марта ҳам унинг исми берилмаган.

Бундан бир ярим аср муқаддам немис олими Макс Мюллер политеизм билан монотеизм ўртасидаги ўткинчи бир боскич тўғрисида ёзганди;

генотеизм деб аталган бу даврда инсон бошқа кўп худоларнинг мавжудлигига ишонган холда муайян бир бош худога сигинади. Тавҳид (яккахудолик) гоясига интилиши, билишимизча, кўп қадимги халқларга хос нарса. Бунинг натижаси ўзарок қадимги яхудларда Яхве, юониларда Зевс, римлиларда Юпитер, туркий халқларда Тангри ва славянларда Перун тушунчаси вужудга келин. Арабларда бу гоя «Аллоҳ» номи ва унинг расули Мухаммад фаолиятида ўзининг тўла ифодасини топди.

«Аллоҳ» тушунчаси дастлаб арабларда қачон пайдо бўлганини аник айтни кийин. Ислом арафасида “Аллоҳ” араблар худоларининг энг улуғи (Жохилия шеъриятида Аллоҳ билан қасам ичини иборалари кўп учрайди), Исломда ёса у яккаю – ягона, борликнинг яратувчиси, Қиёмат кунининг Парвардигор – эгаси, инсонларга Мухаммад (сав) ни ўзининг элчиси сифатида юборган Худодир. Куръонда Аллоҳ томонидан жазоланиб, йўқ килиб юборилган қавмлар орасида Самуд кабиласи эслатилади. Ана шу самудларнинг Раввафадаги ибодатхонасидан тонилган II-III асрларга тегинли ёзувда Аллоҳ исми аник-равшан ўқилади. Мати таржимаси куйидагича: «Бу - Аллоҳнинг кохини, робатулик Магидунинг ўғли Ша'удат бизнинг хожамиз-нонб жанобларининг ҳомийлигига Аллоҳга - Самуд худосига атаб қурган уй». Демак, миёдунинг II-III асрларидаги, яъни ислом таълимотидан кариб 5 аср олдин самудлар ўзларининг бош худосини Аллоҳ деб атаганлар.

«Аллоҳ» Макка ахлининг бош худоси мақомида бўлган деган фикр хам бор. Куръоннинг қурайшийларга қаратилган куйидаги оятлари бунинг тасдиги бўлини мумкин: «Чиндан ҳам сен улардан «Осмонлар ва Ерни барпо қилган, Қуёш ва Ойни одамларга хизмат қилдирган ким?»...»Ким самодан сув тушириб, ўлган ерин қайта тирилтиради» деб сўрасанг, улар «Аллоҳ» дейдилар(Анкабут, 61-63). Ал-Анъом сурасининг 148-оятида: «Мушриклар албатта айтадилар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида на биз ва на ота-боболаримиз мушрик бўлмасди», деган сўзларни учратамиз. Бундай

сўзларни айтиши мумкин бўлганилар, албатта, Аллоҳ тўғрисида тузуккина тушунчага эга бўлганилар.

Нихоят, маибатларга кўра, Макка зодагонлари ислом арафасида савдо-сулҳ битимлари ва боинка ҳар қандай ҳукукий ҳужжатларни «бисмика Аллоҳумма» ибораси билан бошлашини одат килганилар. Бу арабларнинг хаётида бевосита ислом арафасида жуда катта ўзгариши юз берганидан далолатдир. Зоро, мазкур иборадаги «Аллоҳумма» сўзи аник-равишан ягона худога ишора қиласди ва семантик жиҳатдан «Аллоҳ» сўзидан фарқ қйлмайди (бу ерда «умма» тилининослик нуқтаси назаридан сўз ясоччи суффике эмас, балки «котиб» қолган морфемадир). Мисодий 615 йили Қурайший зодагонлар Ҳошимийлар хонадонини Мекканинг чеккаси «Шиъб Абу Толибга» бадарга килганиларида терига ёзилсан, кейинчалик курт еб кетган ҳужжатнинг тепасига «бисмика Аллоҳумма» деб ёзиб кўйилганди. Ҳижранинг 6-йили (628 й.) айнан шу ибора билан боялиқ қизик воеа юз берди. Мухаммад пайгамбар ва Макка мунирикларининг вакили Суҳайл иби Амр ўртасида Ҳудайбия битими ёзилаётган шайтда расулуллоҳ «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим» ибораси билан бошлашини буторди. Аммо Суҳайл бунга эътироz билдириб. «бисмика Аллоҳумма» деб ёзини талаб қилди. Котиблик қилаётган Али б. Абу Толиб қанчалик норозилик билдириласин, Мухаммад (сав) сулхга эришини максадида бу таалабни қабул қилди. Гап шундаки, Суҳайл «Аллоҳ» сўзига эмас, балки, бутун иборага карши эди, чунки «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим» соф ислом ибораси бўлиб, уни мушрик қабул қилишга тайёр эмасди. Сиёсатда ва иқтисодда ўта тадбиркор, омилкор бўлган Макка зодагонларининг диний жиҳатдан “жоҳил” бўлганиларни қандай изоҳлаш мумкин? Куръонга кўра, улар Аллоҳни таниганлар, ҳатто уни-холиқ сифатида билганлар. Аммо уларнинг фаровонлиги бутпарамастлик ва қотиб қолган урф-одатларга асослангани боис, гаразли мақсадда, улар Аллоҳга ўзларининг бут-санамларини “шерик” килганилар ва шунинг учун уларга Куръонда “мушрик” (шерик килувчи) номи берилган. Нима учун тош ва ёғочдан ясалган санамларнинг бефойда эканини

кўриб туриб, уларга сингинасиз, деган саволга улар, Куръон тили билан айтганда, “зулфа” деб жавоб беришган, яъни “ишафоат истаб” маъносида, боинкача килиб айтганда. Аллоҳ ва унинг бандаси ўртасидаги воситачи сифатида. Демак, Макка ахли тўлигича диний жиҳатдан жоҳил, ҳалқ ва холиқ тунунчаларидан бехабар дейини жуда ҳам тўғри эмас экан. Уларнинг маълум қисми ягона худонинг мавжудлигига икror бўлган, ислом тавҳидига жуда якни бўлган гояларга эътиқод килган кишилар бўлиб чиқяпти.

Арабларда этник, умумий тил ва ёзув бирлиги ҳам шакллана бошлаганди. Уларни бирлаштириш учун факат миллий раҳнамо этишмасди. Этник, тил, ҳис - туйгулар бирлигига дин яқдиллигини кўшишини амалга оширишинга кодир шахсга талаб бор эди. Ана шундай қулад мухитда айнан араблар орасидан, уларнинг ичида энг обрўли қабиладан барча кутган иелохотчи пайдо бўлди. Маккада, қурайший қабиласининг хонимийлар хонадонидан Мухаммад иби Абдуллоҳ иби Абдулмутталиб янги эътиқод, янги таълимотга даъват этувчи пайгамбар бўлиб стишиб чиқди. Таълимотнинг гавҳарини факат Аллоҳ яккаю - ягона илоҳ эканини тан олиш ташкил қилди. «Дегил: Аллоҳ - ягона. Аллоҳ - абад, ўзгармас. Тугмаган - тугилмаган. Ҳеч ким Үнга тенг эрмас» (ал-Ихлос сураси;таржима бизники – А.Х.). Мухаммад (сав) Аллоҳга соя солини мумкин бўлган барча санамларни инкор этди. Аллоҳ розилиги учун солиҳ амаллар ва башариятга хайрли хизмат қилишдан афзал иш йўқ бу дунёда, барча инсонлар миллати, ирки, тили ва ижтимоий мавқедан катъи назар Аллоҳ олдида тенгдирлар, деб эълон қилди у. Шундай экан, инсонлар бир – бирига биродар, ягона Худонинг бандаси сифатида ҳукуқ ва вожиботларда ҳам тенг бўлмоклари керак. Пайгамбар эса адолат ва энг олий ахлоқни қарор топтириш учун келган, холос.

Маъруза 9. Муҳаммад (с.а.в.)нинг ваҳий келгунга қадар Маккадаги хаёти.

Одатда у ёки бу самовий диннинг найдо бўлинни масаласида сўз юритилганда иккى хил – кенг ва тор маънода ёнданилди. Масалан, христиан дини генезисини кенг миқёсда тадқик килишада мийлод боинида Фаластинида ва умуман Рим империясида кечган сиёсий, иктиносий, ижтимоий, маданий, диний ва ҳоказо жараёнларни чукур таҳлил килини лозим бўлади. Тор маънода эса христиан динининг асосчиси Иисус Христоснинг хаёти ва фаолиятини тиклаш талаб килинади. Айтиши жоизки, бу борада хар иккала планда ҳам маълумотлар етарли ёмас, борлари мавхум, бир – бирига зид.

Ислом дини масаласида ахвол батамом боинчача, яъни иккала хил ёндашув учун ҳам аник ва етарли маълумотлар бор. Балки машхур француз адаби Эрнест Ренан “ислом таълимоти тарихининг ёркни саҳифаларида вужудга келган” деганда шуни кўзда туттандир. Ислом таълимоти асосчиси Муҳаммад (сав) нинг хаёт йўлини Куръон, Ҳадис, ўрга аср тарихий адабиёти асосида тўлик тасаввур килини мумкин. Иби Ҳишомнинг “Сира”си, ат – Табарийнинг “Тарих”и, Иби Саъдининг “Табокот”и каби асл манбалардан ташқари жуда кўп микдорда ҳозирги замон шаклидаги биографик асарлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, хар қандай буюк шахс каби Пайгамбар ҳақида ҳам жуда кўп ривойи ва ҳакиқий-тарихий маълумотлар учрайди. Биз кўпроқ манбалар билан тасдиқланган тарихий маълумотларга таяниб фикр юритишга ҳаракат киламиз.

Аввало Муҳаммад (сав) хар бир инсон бошидан кечириши лозим бўлган такомул боскичларини босиб ўтди. Кўпчилик манбаларда келтирилишича, у29 август 570 йилда унча бой бўлмаган, аммо Макканинг машхур Ҳошимийлар уругига мансуб оиласда тугилди. Farb ва рус олимлари кўпинча Пайгамбарнинг таваллуд саналари хусусида турли, одамни чалкаштирувчи

ракамларни келтиришиди: 547, 569, 571 йиллар ва ҳоказо. Бунинг ҳеч кераги йўқ: Куръонда ўз ифодасини топган (Фил сураси), Макка ахли учун жуда катта ахамият караб килган “Фил воқеаси” 570 йилда содир бўлгани, аник. Шу воқеадан 50 ёки 70 кун кейин Макканинг энг обрўли киниларидан бўлган Абдул Мутталиб хонадонида невара тугилгани, унга боболари томонидан Муҳаммад деб ўша мухит учун гайритабиний исем берилганига шубҳа килмаса бўлади. Дарвоқе, Абдул Мутталибининг ўзи ҳам ўғли Абдуллоҳи уйлантириш билан баробар келинини Оминанинг кариндошини ўз икоҳига олган ва ундан деярли Муҳаммад билан бир вактда Ҳамза тугилганди. Ўша давр таомулинга кўра, Абдуллоҳ келинининг уйида уч куни турган, ўз манзилларига кўчиб ўтишгач, кўп ўтмай. Омина ҳомилалик холида Маккадан ҳар йили Шомга йўл оладиган савдо карвонинг кўшилиб кетганди. Қайтища Абдуллоҳ Мадинада она авююл кариндошлариницида бироз тўхтаб, касалланади ва Макка карвонидан колиб кетади. Буни эшигтан Абдулмутталиб тўғиғич ўғли Ҳорисни зудлик билан Мадинага жўнатади, аммо у уласи вафот килгани ва ўши ерда дафи килингани хабарини эшигади. Абдуллоҳдан 5 тую, 5-6 кўйчики ва кейинчалик ёш Муҳаммадга энагалик килган қул хотин Умм Айман мерос колганди. Бу ўша давр учун айтарлик бойлик хисобланмасада, ёш гўдакнинг бобоси ҳаёт бўлгани боеис ҳолатин ачинарли деб бўлмасди.

Абдул Мутталиб невара тугилиши муносабати билан эхсон зиёфати берди, аммо Муҳаммаднинг оталари Абдуллоҳ бу тадбирда иштирок этмадилар, зоро у киши бир неча ой аввал, юкорида айтилганидек, Шомга савдо ишлари билан кетиб, қайтища Мадина шаҳрида вафот килган эдилар. Демак, бўлгуси Пайгамбар она қорнидаёқ етим колганди. Баҳоргacha Муҳаммад оналари Оминанинг меҳрибон қарамогида бўлди. Макканинг ҳавоси оғир бўлгани учун ғалати одат бор эди: йилда иккى марта баҳор ва кузда кўшни бадавий қабилалардан бир гурух янги кўзи ёриган аёллар келиб, ёш гўдакларни ўз тарбияларига олиб кетардилар. Шу тарзда 6 ойлик Муҳаммадни Саъд қабиласидан Ҳалима исмли аёл ўз тарбиясига олди. Айтишларича, ҳозир ҳам Макканинг ўзига тўқ онлаларида шу одат давом

этиб келаркан: чилласи чиккан гўдакни то 8-10 ёнга етгунича саҳро шароитида катта киларканлар. Ҳалиманинг Ҳорис исмли эри, икки кизи ва Мухаммад билан эмакдош бўлган ўғли бор эди. Ён Мухаммад бу онлада ҳамма қатори камчиликсиз ҳаёт кечирди. Бахорда кинки ёнирлардан сўнг дашт бир неча ой муддатга кўм-кўк майса билан конланар, аммо ёз келди дегунича, яна ҳамма ёк күпкуруқ бўлар, деярли ярим йил Сайд кабиласи тог ёнларидаги водийларга кўчиб, бир амаллаб вактини ўтказарди. Мухаммад яшаган оила йил давомида икки кисмдан иборат чодирда истикомат килар, бир кисми болалар ва аёллар учун, иккинчи кисм эса эркаклар учун эди. Асосий озиқ-овкат тия ва эчки сути ҳамда ундан тайёрлаган маҳсулотларни ташикил киларди. Болалар бироз озгин, аммо бақувват ва сарвикомат бўлиб ўсарадилар. Чамаси, ён Мухаммад Ҳалиманикнида ёмон янамаган, чунки кейинчалик доимо уни илиқ сўзлар билан ёсларди. Тахминан 4 ёнга тайланда Мухаммад билан бир гаройиб воеа содир бўлдик, шундан сўнг зудлик билан болани ўз онасига кайтаршига карор килинди.

Ривоятга кўра, кунша-кундуз куни Ҳалима эри билан чодирда уй ишлари билан машгул, болалар эса унча узок бўлмаган жойда ўйиаб юргандилар. Тўсатдан болалар олдига оннок кийинган, бирининг кўлида кўзни қамаштирадиган оқ корга тўла олтин жом ушлаган икки киши келди. Улар Мухаммадни чалканча ётқизиб, кўкрак қафасини очдилар ва юрагини чиқариб олдилар. Ундан қора бир парчани узиб срга улоғтиридинларда, қор билан ички аъзоларни тозалаб, юракни ўз жойига кўйдилар ва кўздан гойиб бўлдилар. Мухаммаднинг эмакдош биродари чинкирганча чодирга чопди ва ота-онасига бўлган воеани айтиб берди. Кўркиб кетган Ҳалима ва унинг эри чодирдан чопа чиқиб, хеч қандай шикаст смаган, аммобироз ранги оқарган Мухаммадни кўрдилар. Ҳалиманинг саволларига у ҳам худди биродари айтгандек жавоб берди. Шундан сўнг қаттиқ хавотирга тушган Ҳалима болани ўз онасига элтиб берди. Бу ривоят заминида ҳақиқатан бола ўз кўрган туши ҳақида килган ҳикоя ётган бўлса, эҳтимол. Нима бўлганда ҳам у

Куръонда ўз ифодасини топган: “Биз Сизнинг кўксингизни очмадикми?” (А лам нашрах садрака ; 94:1).

Маккага кайтгач, Мухаммад тахминан икки йилча онаси Омина билан яшади. 6 ёнга тўйиганда Омина уни ўзи билан Мадинага қариндош-уруглариникўриб келини учун олиб кетди. У ерда Омина Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат килди ва ёш Мухаммаднинг зехинда она чеккан қайгу-изтироб муҳрланиб қолдик, бу кейинчалик ҳадисларда эсга олинган. Маккага қайтишида бетоб бўлиб қолган Омина йўлда вафот килди ва Абва деган жойда дағи килинди.

Бутунлай етим бўлиб қолган болани хизматкор хотин Умм Айман Маккада бобоси Абдул Мутталиб ихтиёрига топширди. Ҳошимийлар хонадонининг раҳнамоси Абдул Мутталиб бу пайтда анча кексайиб қолган бўлсада, Каъбанинг қалити унинг тасаруфида эди. Шундеккина Каъба ёнида унинг супаси бўлар ва ён Мухаммад бошқа кўп сонли невара-эваралар ичida хеч кимда бўлмаган имтиёз – бобо ёнида ўтириш шарафига эга эди. Узок вакт бобо ёнида бўлиш ён болага Каъба олдида содир бўладиган кўп диний маросимларни кузатиш, уларнинг мазмун-моҳиятини бободан аниқлаб олиш имкониятини берди. Бу урф-одатлар турли-туман ва ўзига хос эди. Одамлар турлича ибодат килаётгани, Каъбада қўйилган баъзи худоларни тан олиб, бошқаларини инкор килаётганини кўрган ён Мухаммадда ўша пайтдаёқ бутсанамларга инсбатан скептицизм кайфияти пайдо бўлгани, табиий. Каъба ҳаёти билан яқиндан танишиш, албатта, болада диний масалаларга қизикишининг эрта уйғонишига сабаб бўлган, аммо бу нарса ўзгача тааммул қилиш ва бу борада изланиш имкониятларини ёпиб кўймади.

Афсуски, бобо меҳридан фойдаланиш ҳам узокка бормади; тахминан 80 ёшларда Абдул Мутталиб оламдан ўтди. Вафоти олдидан бобо ўз ҳузурига тўнгич ўғли, Мухаммаднинг амакиси Абу Толибни чакириб, унга урғу раҳнамолиги ва болага ҳомийликни топширди. Абу Толиб жуда ҳам олийжаноб, хурматга сазовор, аммо бироз камбагаллашиб қолган ва катта оиланинг отаси эди. Шундай бўлсада, у жиянига ҳомийлик масаласини аъло

даражада бажарди. Ўша давр таомулига кўра бундай хомийлик юридик маком(статус)га эга бўлиб, зарур пайтда у бутун хошимийлар хонадонининг химоясини таъминларди.

Болаликдан ўспиринликка ўтиш, сўнг уйнанин даври амакиси туфайли Мухаммадда кийинчиликсиз, табиний кечди ва у мустакил хаётга тайёр бўлиб борди. Пайгамбар пода бокин билан жуда орта меҳнат фаолиятини бошлиди. Бу камтаринликка ва ҳар қандай меҳнатни қадрланига ўргатди.9-10 ёшларида у нафакат Макка атрофи, балки узокроқ ўзлекларда ҳам пода боқди. “Барча пайгамбарлар болалигида пода бокканлар”, деган ҳадис бор. Қуръонда ҳам бу хусусда сўз юритилади (ал-Духо, 6-8 А. Мансур...)

Маълумотларга кўра, 12 ёнда Мухаммад амакиси Абу Толиб билан узок давом этган Шом савдо сафарига борган. Сафар чогида ён Мухаммад кўз ўнгидан кудуклан-кудукка, воҳада-воҳага кўйилаб қабилалар худудидан Арабистон – она ватанининг ерлари ўтди: араблар учун бу ерлар гўзалидир. Ҳатто хозирги кунда шахарнинг кулай шароитларида яшайтган араб бойлари учун ҳам жонажон тог ва даштларидан гўзал жой йўқ дунёда ва улар у ерларда ором олини хуш кўрадилар! Араб карвони стиб келин Суриянинг жанубида Арабистон тугар ва Византия бошлиланарди.6-асрнинг охирида бу ерда христианликнинг грек-православие мазҳаби тўла хукмони эди. Наботийларнинг энг ийрик шахри Бусро якинида Абу Толиб ва унинг ҳамроҳлари Бухайро исмли бир монах билан учрашилар. Карвон монастирга якинлашаётганида Бухайро Мухаммаднинг кок устида унга соя бериб, ок булат сузуб келаётганига эътибор берди. Карвон катта бир дараҳт остида тўхтаганида мўжиза юз берди: ҳалиги булат дараҳт устида тўхтали ва шоҳлар бир-бири билан чирмашиб, Мухаммадга янада қуюқ соя берди. Бу манзарани кузатаркан, Бухайро унинг рўпарасида бўлгуси пайгамбар турганини тушуниди. Овқат тановул килинаётган пайтда Бухайро эҳтиёткорлик билан Мухаммаддан хаёти, қандай тушлар кўриши ҳакида сўраб, фикрига ишончи комил бўлди. Мухаммаднинг тана тузулишига қараб, пайгамбарлар ҳакида сирли китобларда берилаган васфлар айнан олдида турган ўспиринга

ўхшашлигини кўрди. Шундан сўнг Бухайро Абу Толибга сафарни давом эттираслик, тезрок Маккага қайтиш, болани катта келажак кутаётганини ва уни эҳтиёт қилиш зарурлигини айтди.

Мухаммад 15 ёнга тўлганида Фижор уруши юз берди. Бу уруш ўша давр коидасига хилоф равишда мукаддас ойда бўлганди. Курайшийларнинг иттифоқчисен Кенана қабиласи Ямандан Эронга Маккани чеккалаб ўтаётган карвоинга хужум қилди. Тоиф якинида содир бўлган жангда Мухаммад ҳам амакилари билан бир сафда қатнианди ва тегинили ҳарбий кўникмага эга бўлди, одамлар хавфли дамларда ўзини қандай тутаётганини кўрди, уруш ахлоқ-адобини ўзлашибди. Маккаликлар бу жангда галаба қозондилар, Эрон билан савдода монополияга эга бўлдилар, аммо бу ички зиёдиятларнинг олдини олаолмади, балки уларни янада кескинлаштириди. Яман карвоинларнинг Маккага келини батамом тўхтаб қолди. Зиён кўрганлар орасида Хошимийлар уруги ҳам бор эди. Макка бойларнинг қабила ҳамкорлиги билан хисобланмаслигига қарши бирнече уруғ Шартнома имзолади ва у “Хилф ал-Фудул” – Фозиллар иттифоқи номини олди. Мухаммад Абдуллоҳ ибни Жудъоннинг уйида бу хужжат тайёрланаштганининг гувоҳи бўлди ва ўзига хос сиёсий кураш тажрибасига эга бўлди.

Тахминан 20 ёшларида Мухаммад бутунлай амакиларидан мустакил фаолият кўрсата бошлиди. У савдо ва карвон бошқаришга уста бўлиб етишганди, аммо катта ҳажмда тижорат қилиш учун унда маблағ етишмасди. Шу бонисдан у иуфузли савдогарларнинг вакили ёки агенти бўлиб ишларди. Унинг хизматларидан нафакат амакилари ва Хошимийлар хонадони, балки бошқа уруглар бойлари ҳам фойдаланишарди. 4 йилча шу зайлда фаолият кўрсатгач, 595 йилда унга Макканинг бой ва барча учун хурматли бўлган савдогар аёлларидан Хадича эътибор берди. Ўзининг хизматкори Майсара орқали Мухаммадга мурожаат қилиб, Сурияга унинг молларини олиб бориш, сотиш ва эвазига Юнон ва Эрон молларидан Маккага келтиришни таклиф

килди. Абу Толиб билан маслаҳатланинг Мухаммад Хадичанинг таклифини кабул килди ва хаётида иккинчи марта Шомга сафар килини.

Суриягача ортиқча кийинчиликларениз етиб бордилар. У ерда Мухаммад бағуржасы бозорни ўрганди, ишончли оламлардан нарх-нағони билди, олиб борган молларини яхши пуллади ва туштап пулга Маккала дуруст ўтадиган юонон молларини харид килди. Сурияла ўтган бир ой мобайнида Мухаммад византиялар ва уларнинг эътиқодлари хакида кўн парса билиб олди. Нихоят, Маккага кайтгач, олинган барча молларни беками-кўст Хадичага топшириди. Даромад куттилганидан анча юкори бўлганини боис. Хадича Мухаммадга янги-янги савдо топширикстарини бера бошлиди.

Аввал айтилганидек, Хадича бой, оқига ва харакатчан аёл эди. Иккимарта турмуш килган ва бева қолган 39 ёнили бу кўркам аёл боинка турмуш килишини истамас, аммо моли-дунёси, уйни, колаверса, ўзини нафақат бегоналардан, балки ёнг яқин карнидошларистан ҳам химоя кила оладиган шерикка мухтоҷ эди. Макканинг мана-мана деган бойлари унинг кўлини сўраган, аммо у ради жавобини берганоди. Мухаммад ўзининг вазмилиги, тўғрисўзлиги ва катъийлиги билан Хадичада жуда яхши таассурот қолдирган, Шом сафарида хамроҳ бўлган Майсара Мухаммад тўғрисида катта хурмат билан гапириб берганоди. Хадичанинг Нуфайса бинт Муня исмли сирдош дугонаси бир куни Мухаммаддан: “Сенинг уйланишининг нима монелик киласи?”- деб сўрабди. Мухаммад: “Нимамга уйланаман?”- деб жавоб бериди. Нуфайсанинг: “Агар моли, жамоли, шарафи бор бир аёл сени ихтиёр киласа, нима дердинг?”-деган саволига, Мухаммад : “Ким экан, у?”- деб сўрабди. Нуфайса бир сўз билан: “Хадича”,- деб жавоб бериди. Ўз навбатида Хадичада кўнгли бўлган, аммо буни айтишга ботинаолмаган Мухаммад: “Хўп, буни қандай амалга оширса бўлади”,- деган экан, Нуфайса: “Бу масалани менга кўйиб бер”,-дебди.Хуллас, Хадича онанинг ташаббуси билан улар никоҳ курдилар. Ёшларида фарқ бўлишига қарамай, никоҳ баракотли бўлди: улар 2 ўғил ва 4 қиз кўрдилар.

Биринчи ўғил фарзандга ал-Қосим деб исм кўйдилар. Таомулга кўра, шундан сўнг Мухаммадини Абул Қосим деся чакира бошладилар. Аммо хуреандчилик узоқка бормади: салкам икки ёнда ал-Қосим, ота-онани чукур қайтуга солиб, оламдан ўтди. Кетма-кет 4 қиз дунёга келгандан сўнг яна бирўғил тутилди. Унга Абдуллоҳ деб исм беринди, аммо у ҳам гўдаклигига нобуд бўлди. Қизлар ота-онанинг бекиёс меҳри остида яхши тарбия кўрдилар, солиҳа аёллар бўлиб етишдилар. Зайнабни Хадичанинг жияни, Абд Шаме урутидан ўзига тўқ савдогар Абу Осга турмушга бердилар. Руқайё ва Умм Кулсумларни ўша давр одатига кўра Мухаммаднинг амакиси Абдул Уззанинг икки эгизак ўғиллари – Атаба ва Утайбаларга турмушга чиқардилар. Аммо иккаловларининг ҳам турмуши яхши бўлмади: сабаби – Абдул Уззанинг хотини ва кизларининг қайни опаси умавийлар ва умуман Макканинг раҳнамоси Абу Суфёнинг синглиси бўлмиш Умм Жамил эди. Охир-оқибат Умм Жамил икки келинини ҳам чиқишишимай, талок килдириб юборди. Шундай килиб, Мухаммаднинг амакиси Абдул Узза билан муносабатларидаги таранглик ваҳидан анча олдин бошланган эди. Кенжа кизлари Фотимани у балоғотга етгач, Мухаммад ўз кўлларида тарбия кўрган Али иби Абу Толибга никоҳлаб бердилар. Шуни таъкидлаш жоизки, Хадича онанинг хаётлик пайтларинда, ўша пайтда полигамия(кўпхотинилик) хукм сурган бўлсада, Мухаммад бирон марта иккинчи хотинни никоҳга олиш тўғрисида ўйламаганлар, зеро охириги лахзаларгача жуфти-ҳалолларига содик ва гоятда меҳрибон бўлганилар. Айтиншарича, кейинчалик Ойша она Пайгамбарининг никоҳларида бўлган аёлларининг биронтасига ўтиб кетганига анча бўлган Хадича онагачалик рашк кilmagan экан.

605 йилда, яъни Мухаммад (сав) 35 ёшга тўлганларида, Маккада мухим воқеа юз берди; курайшийлар Каъбани қайта куриш ва уни том билан ёпишга қарор килдилар. Шу кунларда Қизил дengiz киргогида, Жиддага яқин жойда Бохум исмли бир византиялик тижоратчининг кемаси ҳалокатга учраган ва унинг ёғочларини сотиб олиб, Каъбани таъмирлашга ишлатишга келишилди. Кемачининг ўзи ҳам яхшигина дурадгор экан, яна бир кибитий уста билан

бирга улар бу ишда иштирок этдилар. Таймирчилар тўрт деворни ўзаро бўлиб олиб, тўрт гурухни ташкил кирадилар. Хароб хозига келиб колган Катбани таги билан бузиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган тошлиарни териб, худди аввалги тарҳта тиклай бошладилар. Бузадиганда Қора тоини омонат жойга олиб қўйишганди, аммо уни айни ўз ўринига қўйини(Катбанинг жануби-шаркий бурчагида махсус тайёрланган, ердан таҳминан 1.5 метр баландликдаги токчага) пайтида жанжал чиқди: хеч бир ургут боинка ургут вакили буни амалга оширишинга рози эмасди. Ҳал килиб бўлмайдиган танг ҳолат юзага келганди. Шунда иштирокчиларниң ёнг ёни улуғи, чамаси, Абу Умайя иби ал-Мугира ал-Мехзумий, жумбокнини холис ечимини шу лаҳзада Калбага биринчи кириб келадиган шахсига тоширишини таклиф кили. Тасодифан, бу шахс ҳалол ва тўғрисўзлиги туфайли барчанинг хурматини қозонганди киши бўлиб чиқдики, “ана, Мухаммад Амин келянти”, деб одамлар гоят хурсанд бўлиб кетишиди. Низодиниётган томонларниң сўзларини диккат билан эшигтгач, Мухаммад ёнг соддига ва оқилона карор қабул кили: катта бир мато ёйилиб, Мухаммад унинг ўртасига Қора тоини қўяди, сўнгра барча ургут вакиллари матони керакли даражада кўтарадилар, Мухаммад эса Қора тоини унинг учун махсус тайёрланган токчага жойлаштиради. Шундай килинди ҳам. Балки айни шу дамда, Каъба - “Байтуллоҳ”- Аллоҳнинг уйи эмасми, Мухаммад Унга жула якин турганини хис қилгандир. Айтиш мумкинки, ҳарқалай, шу воқеадан сўнг у кишининг шахсий ҳаётларида кескин ўзгариш юз берди. Қабиладошларининг эътиқоди нотўғри йўлда эканига ишончлари комил ҳолда бобокалонлари Иброҳим алайхиссалом йўли (тавхид)ни кайта тиклаш тадорикини ўйлай бошладилар.

Мазкур воқеадан бироз вақт ўтгач, Макка ва унинг атрофида қақшаткич курсоқчилик юз берди ваочарчилик бошланди. Мухаммад ва Хадича она олдиндан бойликларини қимматбаҳо буюмларга ўтказганлари учун катта зиён кўрмадилар, аммо кўпгина кичик савдогарлар, шу жумладан, Абу Толиб ҳам ночор ахволга тушиб қолдилар. Мухаммад амакисининг бирон фарзандини ўз қарамогига олишга қарор килди ва Аббос амакисини ҳам

шундай килишга кўндириди. Аббос Абу Толибининг иккинчи ўғли Жаъфарни, Мухаммад эса эндигини 7 ёшга тўлганкенжা ўғил Алини ўз оиласига олди. У Алини ўтил килиб бокиб олмаган бўлсада, унга ўз ўғлидек меҳр қўйди. Ўз навбатида Али ҳам Мухаммадни отадек кўрди. Кейинчалик Али Абу Толиб оиласига қайтишини истамайди ва Мухаммад унга кенжа кизи Фотимани никоҳлаб беради. Ёшлигига уни эмизган Ҳалиманинг Саъд қабиласида ҳам очлик кучли бўлди; унинг бир кизи кулликка тушиб қолди. Мухаммад Ҳалимага бир амаллаб очликдан чиқишга ёрдам берди, кизини эса эваз тўлаб, кулликдан озод этиди. Айни шу кунларда у ёш бадавий араб Зайдни ҳам кулликдан озод этиб, ўғилликка олди. Али ва Зайд, қайсиdir маънода, йўқотилган икки ўғилининг ўринини босдилар.

Шу зайлда Мухаммад 38 ёшга тўлди. Катта бойликка умидин тарқ килинга тўғри келди. Секин-аста Мухаммадда умуман бойликка муносабат ўзгарди: энди у яхши нарсадан маънавий камолотга эришишга тўсик бўладиган ёмон нарсага айланди. Мухаммадда борган сари, яшаш тарзида мўтадиллик афзалроқ, деган майл устунлик кила бошлади. У “ортиқча сийишини қалбни сўндиради”, деб хисобларди. Кичик савдо билан шутуланиш бора-бора уни кам кизиқтирадиган бўлди, у фактат меҳнат фаолияти сифатида рамзий маъно касб қиларди, холос. Мухаммаднинг фикрича, киши доимо бир иш билан машғул бўлмоги, танбаллик билан яшамаслиги даркор. У англардики, буюк ва илҳомбаҳш максадсиз яшалган ҳаёт бир кун тугайди. Секин-аста у оила қургандан сўнг бироз тўхтаб қолган диний-рухий излапишларига яна қайтди. Бу сафар диний-эътиқодий масалаларга эътибор тубдан бўлиб, қолган умрининг асосий вазифасига айланди.

Мухаммад яшаган аср гўё котиб қолган, ўзгармас вақт каби эди. Одамлар келажакка ҳечқандай умид қилмасдилар. Янгилик ва яхшилик бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар сифатида қабул қилинарди. Факат эскилик, эскилик бўлганда ҳам қадимги, деярли унуттилган, асотирий эскилик яхши хисобланарди. Шунинг учун барча йирик ислоҳотчилар янгиликни қадимги гилофга ўрардилар; худди араб ҳанифлари “ҳанифлик”ни, деярли

унут бўлиб кетган қадимги Иброҳим (ас) эътиқодини. Қуръон ибораси билан айтганда, “миллата Иброҳим ҳанифо”ни қилираётганилари каби. Фан ўта примитив (содла) холда, ундан бирон натижা кутини бефойда эди. Ҳудо-Аллоҳга ишонувчилар учун бирдан-бир имконият – гайб оламидан билим олиш эди. Факат шу йўл билан борликнин асосий тамойилларини қашф қилиш, барча асрлар ва ҳалқлар учун адолатли ва мукаммал жамиятини тузиш, ерда саодатга эришишини якинлаштириш мумкин. Мавжуд тузум иллатларига бутунлай барҳам беринга кодир ҳисса-эътиқодларини хис қилин араб ҳанифлари фаолиятининг охирги натижаси – улар якин фурсатда ерда адолат ўринатишга кодир бўлган Пайғамбар келажагини башорат қила бошиладилар. Дастлаб Мухаммад ҳам ўз диний изланишларини “ҳанифлар” каби ҳакикатга стишиш учун хилватда, ўз ҳалқига хайр-хикмат сўраб. Аллоҳга илтико килиш билан бошилади. Ҳўш, ҳакикат ўзи қаерда? Қабиладошлари ҳечкандай паф келтирмайдиган санамларга сигиниб, заюзатга кетганилари, анис. Яхудийлар ва насронийларнинг эътиқоди ҳакикатга якни, аммо унда ҳам бутпарастликнинг қисман кўринишлари мавжуд. Мутлак ҳакикат бу – Аллоҳ, борликнинг Яратувчиси, оламларнинг рабби, ар-Рахмон, ар-Рахим, инсонларнинг килмишига яраша ажрларини бергувчи. Жаният – ҳаққ, дўзах – ҳаққ. Аллоҳдан бошқага сигинувчиларнинг жойи – жаҳанинам. Ана шундай ўй-тааммуотлар Мухаммаднинг зехнидан уззу-кун ўтар, ҳатто чин рӯё бўлиб кўринабошлаганди. Пайғамбарнинг буюк хизмати шунда бўлдики, ҳанифлардан фарқли ўлароқ, у янада мукаммалроқ йўлни танлади, эски, ботил ақидалардан воз кечиш билан чегараланмай, ҳалқнинг мардонавор маърифатчиси сифатида майдонга чиқди. Демак, Мухаммад (сав)нинг дин-эътиқодга муносабатида ўзига хос мантиқ бор эди. У, албатта, ўз даври жамиятида қоникарсизлик кайфияти мавжудлиги, янги, янада мукаммал динга эҳтиёж борлиги, катта ўзгаришлар кутилаётганини хис қиласади.

Таъкидлаш жоизки, якка-ю ягона Худо гоясига Мухаммад (сав) уйланмасдан анча олдин стиб келган, қабиладошларининг санамларга сигиниши хато ва ягона Худо олдида гуноҳ эканини жуда эрта англағанди.

Олий, гайб олами билан мулоқотга қатний аҳд килгач, Мұхаммад ўша даврда маълум бўлган барча покланиш усуулларини кўллай бошлиди. Бу усууллар рух, фикр, сўз, амалилар харакатини поклаш ва, албатта, Аллоҳ ҳакида, унинг моҳияти ҳакида чукур тааммул килишини ўз ичига оларди.

Мухаммаднинг ибодат ва тааммул киладиган севимли жойи Маккадан бирнеча соатлик масофада бўлган Ҳиро тоги эди. Ўзи билан бир меш сув ва егулик олиб, у бирнеча кунга шу ерга келар ва танҳоликда покланиш билан шугулланарди. Тог ёнбагрида у медитация, яъни бир нуктага тикилиб, узок ўй суриш машқини ҳам бажаради. Қурайнийлар ва кўпчилик араблар учун рўза ойи ҳисобланган Рамазонда ҳам Ҳирода чилла тутарди. Кунма-куни, ойма-ой Мухаммад ўзига маълум бўлган покланиш амалиларини бажарди. Рухий тушканилик пайтларида доимо утига ҳамдард ва унинг диний изланишларига иштиёқманд бўлган Ҳадича она ёрдамга стиб келарди.

Маъруза 10. Вахий феномени (ҳодисаси) ва Мухаммад (с.а.в.)нинг Маккадаги тарғиботи

610 милюдий йилнинг Рамазон ойида 40 ёнига якинлашиб колган Мухаммад (сав) ташхоликни иктиёр килиб, одатлайдек Ҳиро тогидаги горда чилла тутдилар. Гоҳо-гоҳо сув ва овқат олиб келиш учун Маккага тушиб турардилар. Нихоят, тинимиз диний изланингларини натижаси ўлароқ гайб оламига туйнук очилди ва шу ойнинг 17 куни Жаброил алайхиссаюм орқали Аллоҳдан “Алак” сурасининг беш ояти у кишига биринчи вахий бўлиб келди. Бу воқеа Иби Ҳишомнинг “Сира”сида Пайғамбар номидан кўйидагича хикоя килинади. “У менинг тоздимга ухлаб ётанимда келди. – дей хикоя қилганди, Мухаммад (сав). Қўзида қандайдир ёзувлари мавжуд ялатирок ўрам бор эди. У менга: “Ўки!”, – деди. Мен: “Ўкини билмайман”, – дедим. Шунда у кўкрагимга ўрамни кўйганди, назаримда тоздек юк боғандек бўлди, нафасим қайтиб кетаёди. Сўнгра у ўрамни кўтариб, яна: “Ўки!”, – деди. Мен такроран: “Ўкини билмайман”, – дедим. Бунга жавобан у кўкрагимни шундай боғдики, мен ажалим етди, деб ўйладим ва учинчи бор: “Ўки!”, – деб буюрди. Азбаройи азобдан кутулиш учун мен бу сафар: “Нимани ўқий!”, дедим. Келган Зот деди: “Ўкинг (эй, Мухаммад! Бутун борликни) яратган зот бўлмиш Раббингиз иеми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўкинг! Раббингиз эса карамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишини хам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдириди.” Алак сураси, 1-5 оятлар). Мен унинг кетидан бу сўзларни қайтардим ва у Зот гойиб бўлди. Уйкудан уйғонганимда бу сўзлар худди қалбимда ёзилгандек ҳис килдим.”

Бу хикояни матнга келтириш чогида Мухаммад (сав)нинг биографлари турли талқинларга дуч келдилар: Ойша она бундай ривоят қилган бўлса, Убайда бошқача. Аммо асосий масалада фарқ йўқ, яъни Рамазон ойининг тунларидан бирида Ҳиро тогида 40 ёшли Мухаммад хузурига бир Зот қўлида қандайдир ёзувлар мавжуд ўрам билан келиб, уни ўқишини буюради.

Мухаммад (сав) ўқимагач, ўзи 5 қаторни ўқийди ва қайтаришни талаб килали; бу сатрлар Мухаммад (сав)нинг қалбида муҳрланиб қолади.

Мухаммад (сав)га биринчи вахий самодан шу тарзда тушди ва у ўзи билмаган холда, беихтиёр пайғамбар, Аллоҳнинг элчинига айланиб қолди. У кўркиб кетган ва воқеадан каттиқ таъсиранганди холда Ҳадича она олдига тушшиб келди. Ўз навбатида унинг кўринишидан хавотирга тушган содик рафиқаси қўлидан келганича тинчлантиришга харакат килди. Тез орада бу воқеа мухокамаси Ҳадича онанинг амакиваччаси Варака иби Навфални ҳам жалб килиди. Варака бироз кексайган, кўздан қолган, айни вактда Тавротнинг Мусо (ас)хакидаги киссанини оромийчадан арабчага таржима килаётган эди. У тўла ишонч билан: “Мухаммадга Мусо (ас)га “Номус” (китоб) тунгани каби вахий келибди, демак у бизнинг пайғамбаримиз”, – дейди. Аммо Мухаммад оғир изтироб холатига тунгани, Ҳадича она уни қанча маънавий қўлламасин, бу холатдан чиқиши қийин эди. Биринча бор унинг хаёлига баланд чўккидан ўзин ташлаб, бу изтиробдан кутулиш фикри келди. Фақат узликсиз ибодат ва диний тааммулотлар туфайли фаришта унга рўёбўлиб келаётгани, унинг айтиётган сўзлари айнан унга, Мухаммадга қаратилган Аллоҳнинг сўзлари, деган хуносага келди. Бу фикр батамом қарор топишида, бир томондан, вахйларнинг кетма-кет келабошлагани, иккинчи томондан, Пайғамбар учун энг оғир лаҳзаларда ўша фаришта 3-4 марта одам киёфасида зохир бўлиб: “Эй, Мухаммад! Сиз – Аллоҳнинг расули ва мен – Жаброилман”, дей бир иборани такрорлагани сабаб бўлди. Ҳар сафар Жаброил (ас) кўриниганда Мухаммад (сав)ни кўркув босар, балки шу боисдан кейинчалик кўп холларда вахйлар рўёсиз келабошлади.

Шу ерда бир нуқтага эътиборни қаратиш зарур. Исломий адабиётга кўра, Куръоннинг нозил бўлиши ва Пайғамбарга биринчи вахий келиши бир нарса эмас, балки бошқа – бошқа нарса. Куръоннинг “Инна анзалнаху фий лайлатил кадр” (97, Қадр сураси, 1) оятига кўра, Куръон бир варакайига Аллоҳнинг ўзи томонидан еттинчи осмондан биринчи (дунё) осмонига “лайлатул кадр” кечаси, яъни Рамазон ойининг 26 дан 27 га ўтар кечаси

нозил килинган. Шунинг учун биз - мусулмонлар бу кечани қадрлаймиз, эъзозлаймиз, минг ойга тенг, леб биламиз. Биринчи вахий өса, Куръоннинг бошка оятига кўра “Ва ма анзалия ала абдина Йавмал Фуркон йавма илтақа ал - жамъон” (8, ал-Анфол, 41), яъни Фуркон куни (яхшилик – ёмонликни ажратадиган кун), икки жамоа тўқинаян куни (Бадр жангига юз берган кунга ишора; бу- 17 Рамазон кунинг тўғри келади) содир бўлган. Пайгамбарга вахийларнинг келиши 23 йил давом этидан: 13 йил Маккада ва 10 йил Мадинада. Куръон ана шу вахийларнинг бир китобга тўйланган шаклидир. Вахий ходисаси (феномени)ни рационал услугуб воситасида тушунтириш амри – маҳол нарса, зеро таъкидланишича, барча вахийлар Жаброил (а.с) оркали келган, Жаброил алайхиссаломни өса факат Пайгамбар кўрган ва эшитган. Ҳатто Хадича она ҳам канчалик уринимасин бирон марта кўришга мусассар бўлмаган. Айтишларича, бир куни Жаброил (а.с) Пайгамбарга кўринган чогда, Хадича она уни ўз кўзи билан кўриши максадила, Расулуллоҳни бир чап сони, бир ўнг сони, сўнг тиззасига ўтқазиб, ёнларидан назар солинига канчалик уринимасин, Фаришта Расулуллоҳга кўриниш, Хадича онага өса кўринимасди. Шунда Хадича она ҳасратдан рўмолини ерга улоқтирган ёди. Жаброил (а.с) Мухаммад (сав)нинг назаридан ҳам йўқолди. Шу ондан эътиборан Хадича онада Расулуллоҳга келаётган Зот шайтон эмас, ҳакикӣ Фаришта эканига заррача шубҳа колмади, зеро боши очик аёл қаршисида Фаришта турмаслиги аён эди.

Ойша она айтишларича. Мухаммаднинг пайгамбарлик фаолияти биринчи бор эрта тоңг ёғдусига ўхашаш рўядан бошланган. Бунинг маъноси-унинг ички дунёси ташки (зохир) ҳаётининг давоми бўлиб қолди, дегани, яъни унинг зехни ўнгига ҳам, тушида ҳам бир нарса: ўзи қабул этишга ва бошқаларга етказишга тайёр бўлган эътиқод билан банд бўлди. Манбаларда таъкидланишича, илк бор вахий келган кунлардан бирида, Расулуллоҳ Каъбани тавоф килаётган кезда, Варақа ибн Навфалини учратибдилар. Пайгамбар киссасини эшитган Варақа: “Сиз бу миллатнинг набийсисиз! Сизга Мусо (а.с)га келгани каби “Номус Акбар” нозил бўлибди. Сизни

ёлғончига чикаришади, азоб беришади, ватаандан бадарга этишади, Сиз билан жаиг килишади. Қани, энди, шу кунларга етсан, ёнингизда туриб берардим”, – деда. у кишига яқинлашиб пешоналаридан ўпган экан. Ҳакикатан ҳам кексайиб келган Варақа бироз вақтдан сўнг оламдан ўтган экан. Айтишларича, бирмуича муддат вахий келиши узилиб келган, Расулуллоҳ хавотирга туниб, наҳотки, Аллоҳ мендан воз кечди ёки ёмон кўриб қолди, деган хаёлига борганилар, ҳатто зикликдан баланд коядан ўзни ташлаб, бу ҳолатдан чикишини ўйлаганилар ҳам. Шунда Зухо сурасининг қўйидаги 3 ва 5-оятлари нозил бўлган: “(Эй, Мухаммад) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ! ...Якнида Раббингиз Сизга (шундай исьматларни) ато этурки, Сиз, албатта, (ундан) рози бўлурсиз!”

Шуни таъкидлаши жоизки, Пайгамбарнинг Маккадаги ҳаёти даврида бошланган исломга даъват араблар учун батамом янги, уларга аввалларни номаълум бўлган ёки улар ишонмайдиган бальзи тушунчаларни олиб келди. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими –“ваҳдоият” – яккаҳудоликнинг янгича талкини, иккинчиси - охират, киёмат куни хисоб бериш ва у билан боғлиқ нарсалар, инҳоят, учинчиси - пайгамбарга Аллоҳдан вахий бўлиб тушган китобдир.

Маълумки, самовий динлар, айниқса, уларнинг маросимчилик жихати бир бири билан боғлиқ бўлган гоя ва тушунчаларнинг мураккаб тизимини ўз ичига олади. Бундай тизимнинг заминида Худо ҳакидаги тушунча ётади ва харкандай диннинг муҳим жихатлари айнан Худо зотига муносабат билан белгиланади. Агар Исо (а.с) Худонинг муайян қабила ёки миллатга мансублиги ҳакидаги тасаввурларга батамом барҳам берган, Уни умуминсоний, байнамилал даражага кўтарган бўлса, Мухаммад пайгамбар яккаҳудолик гоясини назарий интиҳосига, Мутлак-Абсолют даражага етказдики, ундан кейин бирон зот бундан юкори гояни тарғиб қилгани йўқ ва, аниқки, қила олмайди ҳам.

Ушбу янги тушунчаларни киритиш билан баробар Пайгамбар батамом янгича ахлоқ тарбиячиси сифатида майдонга чиқди. У қадимги разил

одатларни рад этиб, кейинчалик ислом ахлохи ёки Пайгамбар суннати номини олган маслакни тарз иб килди. Пайгамбарнинг даъвати жоҳилия араблари учун шуичалик янгилик эди, хотто улар. Қуръон таъбири билан айтганда, «олдин ўтган бободаримиздан буларни ёнишмагандик», «бу хақда бошка миллатда (динда) хам ёнишмагандик», дердилар. Демак, булар умуман араб жамияти учун хам ва хусусан араблар орасидаги бошқа миллат (дин) вакиллари (худийлар, христианилар) учун хам янгилик эди.

Пайгамбар вахийлар кела бошлагач, уларни Аллохнинг амри (бўйруги) сифатида қабул килиб, дарҳол янги диний таълимот тарғиботини бошлаб юборди. Дастреб бу иши маҳфий туслади, якин ва ишончли кишилар орасида олиб борилди. Биринчи бўлиб унинг таълимотини Хадича она ва онла аъзолари Али ва Зайдлар қабул килилар. Қурайшийлардан биринчилар каторида Тайм ургунинг иуфузли вакили, кийим билан савдо килювчи Абу Бакр исломга кирди. Унинг савй-харакати билан Усмон иби ал-Аффон, аз Зубайр иби ал-Аввом, Абл ар-Рахмон иби Авф. Сайд иби Абу Вакъос. Талха иби Убайдуллоҳ ва Абу Убайта иби Жарроҳ каби турли ургунинг таникли вакиллари таълимотга кўшилтилар. Аммо тарафдорлар сони жуда сустлик билан ортмоқда эди. Тарғибот шаҳардан таникарнида жойлашган ал-Арқам исмли ёш бир аъзо уйида олиб борилар, уч йилга чўзилган маҳфий фаолият давомида янги таълимот тарафдорларининг сони атиги 40-50 кишини ташкил килганди. Илк мусулмонлар рўйхатига назар ташланса, уларнинг аксарияти ўзига тўқ оиласардан бўлган, лекин Макка бойларининг қаршилиги туфайли яхши натижаларга эриша олмайтган ўшлардан иборат эди. Нима бўлганда хам учийиллик кўрсаткич қоникарли эмас, фаолиятнинг янги шаклларини излаш талаб этиларди.

Бу нарса Мухаммад (сав)нинг руҳий ҳолатига хам таъсир килмай қолмади. Руҳий тушкунлик қанча давом этганини билмаймиз, аммо бир куни Пайгамбар ўзлари хикоя килишларича, Макка атрофидаги тоғларда танҳо кезиб юрганларида ўша Хиро горида хузурларига келган фариштани яна кўрадилар ва бирдан кўзни қамаштириб, осмони-фалак ёришиб кетади.

Бошлари айланган ҳолда Расулуллоҳ Хадича онанинг олдига тушарканлар, «Заммилуний», яъни «Мени ўраңглар», деб хитоб киладилар. Шу онда ал-Мудассир сурасининг дастреби 7 ояти ваҳй бўлиб келди: «Эй, (либосларига) бурқаниб олган киши (Мухаммад)! Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огохлантиринг, Раббингизни улуғланг, либосларигизни покланг, бутлардан йирок бўлинг, (бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг, Раббингиз учунгина сабр қилинг!»). Эътибор берилса, бу оятларнинг барчаси грамматик жиҳатдан буйруқ майлида келяпти, яъни Аллоҳ ўз расулига буйруқ беряпти, бошқача килиб айтганда, бу энди янги таълимотни ошкора тарғиб килишга даъват эди.

Нағенсламрини айтганда, албатта, уч йил давом этган яширини фаолият Макка аҳли учун том маънода сир эмасди. Кичик бир шаҳарчада бир тоифанинг мунтазам йигилиб туринини сезмаслик мумкин эмасди. Бу даврининг аҳамияти шунда бўлдикни, у қайсиdir матънода, жамоатчилик фикрини тайёрлади. Энди Пайгамбар Аллохнинг амри билан ошкора тарғибот йўлига ўтди. Шуаро сурасининг 214 оятига кўра(“ванизир аширатакал ақрабийи”, яъни энг яқин қариндошларингизни огохлантиринг”), манбаларда ёзилнишча, Пайгамбар биринчи бор ўз қариндош-уругларини Сафо тепалиигига тўплаб, таҳминан куйидагича муружаат килганилар: “Мени яхши танийсизлар. Сизларга бирон марта ёлғон сўзлаганмиман”. “Йўқ, асло, Сизни Мухаммад Амин-тўғрисўз, вайдага вафодор, деб биламиз”,-дэйишибди улар. “Агар мен хозир сизларга анаву тепаликининг ортидан кўккисдан бир отлик гурух бизга хужум килди, десам, ишонасизларми?”, дебди пайгамбар. “Ҳа, ишонамиз, чунки Сиз ёлғон сўзламайсиз”,-дебди улар. “Бўлмаса, эшитинглар, мен сизларга огохлантирувчи, яъни пайгамбар сифатида юборилдим (инний мунзирун илайкум)”. Бу қариндошлар учун кутилмаган ҳол эди. Боз устига, аввал айтилганидек, Пайгамбарнинг икки қизини келин қилган, кейин хотини Умм Жамил (Абу Суфённинг синглиси) чиқиштирмагач, уларни талок килдирган,

хуллас, улар орасилаги муносабат жуда ёмон бўлган амакиларидан бирин Абдул Узза (Узза, биламизки, аёл худоси), намойишкорона жиянини ҳакорат килиб (“таббат ядока”-иккала кўлинг курисин, деб) мажлиси тарк этади. Куръонинг 111-сурасига Абу Лахаб (Сўзчий) ишми билан келган шахс – шунга ишора: “Абу Лахабнинг кўллари курисин (халок бўлсин)! Ҳалок бўлди ҳам. Мол-мулки ва тонгани-тутгани (бойликлари) унга аскотмади. Якинда (у) алангали оловда куяжак. Шунингдек, ўтии ташувчи хотини ҳам. Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур.”

Боинка маълумотга кўра, Мухаммад (сав) аввал якин кариндошларни уйига меҳмонинг чақирган ва уларга биринчи давлатини килган. Меҳмонлар давлатга бефарқ бўлиб, таркала бошлилагандай хали 10 ёнга тўлмаган Али жаҳд билан: “Мен, эй, Расулуллоҳ. Сизга ёрдамчи бўламан. Керак бўлса, ённингизда туриб, урунаман”, – деган. Ҳошимийлар истехзо билан кулишиб, бир Абу Толибга, бир ён Алига назар ташлаб, чикиб кетишган. Шундан сўнг Расулуллоҳ Сафо тепалигига Курайшининг боинка уругларидан ҳам вакилларни чақириб, юкорида келтирилган гапларни айтган.

Биринчи оммавий чикиш шундай якун тонгани бўлсада, бу ҳам натижада эди. Пайгамбар давлатларини давом этираверди. Шундан сўнг унга бутун Макка ва унинг атрофидагиларга мурожаат этиши буюрилди (“литуизира Умм ал-қуро ва ман ҳавлаҳо” – аш-Шўро, 7). Маккадеганда асосан Курайш кабиласи кўзда тутилса, атрофи эса Курайш билан иттифоқдош қабилаларни ўз ичига оларди. Демак, мантикан дастлаб уруг билан яқдиллик, сўнг қабила садокати (асабия) Мухаммад (сав)га муваффакият келтирини лозим эди. Аммо ундан бўлмади, чунки бошқа турдаги “асабия” голиб келди. У ҳам бўлса, қадимги одатларга содиклик хисси. Куръонда айтилишича, «агар улар бир ножӯя иш килиб қўйсалар, оталаримиз шундай қилган ва Аллохнинг бизга амри бу, дердилар» (ал-Аъроф, 28). Айнан мана шу хиссиёт дастлабки давларда кўпчиликнинг Пайгамбарга эргашишига йўл бермади. Ҳатто ҳошимийлар хонадони ҳам уругчилик одатига кўра

Пайгамбар тарафида бўлгани, уни химоя қилганига қарамай, ёппасига исломга кирмади.

Шу ўринда яна бир муҳим нарсани эътиборга олмок даркор. Макка зодаонларининг бутун фикри – зикри ҳалкаро савдолдан катта даромад олиш билан банд эди. Бу бойликининг заминида эса, бутпарастликка асосланган диний маросимлар ётарди. Ислом таълимоти бутпарастликни таг – томири билан йўқ қилишга каратилганди. Таъкидлаш жоизки, дастлаб Макка зодагонлари Мухаммад (сав) таълимотига тегишили эътибор бермадилар; унга одатда ҳаж мавсуми найтларида авж оладиган шовқин-суронли, адабий, шеврний ва шунга ўхшаган бошқа турли ҳаракатларга қарагандай муносабатда бўлгилар. Аммо тез орада сезилдики, иш улар ўйлагандан хатарлироқ тус ола бошлиди. Мухаммад (сав)га эргашаётган, уни Пайгамбар – расул деб эътироф эгаётгандар ва шу йўлда давват қилаётгандар сони кундан – кунга ортиб борди. Пайгамбар турли уруг вакилларидан бир канчасини ўз атрофида тўпланига эришиди.

Курайшийлар Мухаммад (сав) ва унинг тарафдорларига ўз отабоболаринингдини, қабиланинг қадимдан келаётган эътиқодига хиёнат қилаётгандарини таъна қила бошлиди. Бунга жавобан Мухаммад (сав) Таврот ва араб ривоятларида зикр этиладиган пайгамбарлар қаторида Иброҳим (ас)ни кўп эслатабошлади. Иброҳим (ас) нафақат Аллоҳга эътиқод килювчи Зот, балки Мухаммад (сав) каби пайгамбардир. Ўғли Исмоил (ас) билану Қальбага, ягона Аллоҳнинг ҳарамига асос солган. Курайшийлар эса гайришаръий равишда у ерга ўз санамларини жойлаштирганлар. Демак, араблар аждодларининг энг қадимги дини айнан Мухаммад (сав) тарғиб қилаётган Ислом бўлган. Мухаммад (сав) ва унинг издошлари эмас, балки курайшийлар ота-боболарнинг асл динига хиёнат қилмоқдалар ва бу йўлда ўжарлик билан давом этмоқдалар.

Ошкора тарғиботлар натижасида мусулмонлар сони икки маротаба ортиб, тахминан 100тага етди. Аммо буни ҳам ҳали ютуқ деб бўлмасди. Ҳарқандай монотеистик дин аслида кўпхудолилик заминида вужудга келади

ва унга қарши муросасиз курашади. Шундай экан, улар ўртасида “тиңчилик” бўлиши мумкин эмас. Табиийки, Мухаммад (сав)нинг кейинги фаолияти курайшийларниң кескин қаршилигига учради. Оиди. Найгамбар факат Аллоҳни улутгари билан чекланмай. Каъбада жойлантирилган худодарга карши ҳужум бошлиган, уларга эътиқод килувчи курайшийларни эса “дўзахий” деб эълон қилинди. Ҳечкандай бетарафлик бўлиши мумкин эмас: Аллоҳ билан бўлмаган – Унга қаршидир!

Арабистон узра обрўни саклаб колни макеасиди, ўзларини ичоглик тинчликпарвар килиб кўрсантишга уринган Қурайш зодагонлари, дастлаб ҳошимийлар хонадонининг бошлини Абу Толидан Мухаммад (сав) ота – боболар эътиқод килиб келган худодарни ҳакорат килини, қабилани ичдан кўпоришини зудлик билан тўхтатени, деб талаб килдилар. Абу Толид бу ҳақда Мухаммад (сав)га айтганда, у: «Агар бир тарафимга Қўёнин, иккинчи тарафимга Ойни кўйиб, бу ишни ташланини сўрасалар, ўлсам ҳам кўнимайман». - деб жавоб килди.

Утба иби Рабиъа деган бир шахс Қурайш зодагонлари номидан бевосита Мухаммад (сав) га мурожаат килиб: «Бойлик истасанг, тўплаб берайлик, токи энг бой кипи бўлгин. Шон – шуҳрат истасанг, ўзимизга бошлиқ ёки подшоҳ қилайлик ва сўзингдан чикмайлик. Агар сенга келаётган «нарса» сен дафъ килиш иложини топа олмаётган кандайдир арвоҳлар бўлса, табиб ахтарайлик, токи канча маблаг сарф килиб бўлсада, сени улардан халос қилайлик», - дебди. Унга жавобан Мухаммад (сав) Қуръон оятларидан тиловат килиш билан чекланибди. Утба тушунибди, бу масалада Мухаммад (сав) билан ҳеч қачон келишиб бўлмайди. Аслида, бу курук сафсата экани шундан ҳам маълум эдики, ўша пайтда Маккада подшоҳ тугул шаҳар ҳокими ҳам йўқ эди.

Мухаммад (сав) билан “сих ҳам қуймасин, қабоб ҳам” қабилида келишиб бўлмагач, Қурайш зодагонлари Мухаммад (сав)га карши турли усуллар билан курашни авж олдирди. Уни сехргар, мажнун, ёлғончи деб эълон килдилар. Унга эргашгандарга азоб бердилар, уларга қарши мисли

кўрилмаган зулмларни ўтказдилар. Курбонлар ҳам бўлди. Қандай бўлмасин бу синовлардан ўтиши керак эди. Мушриклар асли ҳабашистонлик Билол иемли қулини жазирама офтобда қумга чалқанча ётқизиб, устига катта ҳарсанг тошини кўйиб. “Хубал” дейинини талаб қилгандаридан у “Аҳад, Аҳад”деб тақорорлайверди. Бу манзарани кўрган Абу Бакр уни сотиб олиб, озодликка чиқарди. Умуман, Абу Бакр шу зайлда исломни қабул қилиган ва азобга учраётган кўп қулларни сотиб олиб, уларга юридик озодлик бергани маълум. Абу Лахабининг хотини Умм Жамил Расулуллоҳ уйи олдинга ахлат тўкиб кетарди, у эса уни йигиштириб кўярди. Абу Жаҳл Расулуллоҳ намоз ўқиётган пайтда унинг устига қурбонликка сўйилган кўйининг ичак-чавогини сочиб юборгани, Мухаммад (сав) эса шу ахволда уйига келган ва қизлари Фотима йинглаб-йинглаб, ювиб-тозалаб кўйган.

Қуръон оятларидан бутнарастлар умумий тарзда қораланиши билан бир каторда Найгамбарининг ашадани дуниманилари номма-ном тилга олинади: Абу Лахаб, Абу Суфён, Абу Жаҳл, ал-Валид иби Мутира ва бошқалар. “Бардам бўлинглар! Сабр қилинглар!-деб даъват килади Аллоҳ Мухаммад ва сафдошларинга,-сизларининг барча душманларнингизни яксон қиласакман”. Ал-Валид, Абу Суфён ва Абу Жаҳл мусулмонларга қарши “даҳанаки” жанг билан чекланмай, уларни батамом ҳароб қилиш режасини туздилар – Маккага савдо-сотиқ ишлари билан келадиган барча араб қабилаларига Мухаммад ва унинг сафдошларини Қурайш ва иттифоқдошларнинг душмани деб эълон қилиб, улардан ҳеч нарса олмаслик ва бермасликка даъват килдилар. Асосан кичик савдо билан шугулланган Мухаммад (сав) тарафдорларини бу тадбир оғир ахволга солиб кўйдики, зудлик билан бирор чора кўриш керак эди.

Ваҳийнинг бешинчи иили Мухаммад (сав) саҳобалардан бир гурухини Ҳабашистонга жўнатишга мажбур бўлди, зеро ҳалқаро савдо йўллари устидан ҳукмронлик учун курашда Макканинг рақиби бўлган Ҳабашистон мухожирларни яхши қабул қилишига ишонч бор эди. 615 йилнинг бошида 83 (ёш гўдакларни хисобга олмагандан) киши Ҳабашистонга кўчиб ўтди.

Кутилганидек, улар нафакат боинана, балки савдо билан шугулланиш имкониятига хам эга бўлдилар. Макка бойлари бу борада хам тинч ўтиришмади. Улар “кочоклар”ни топширишини сўраб, Ҳабашистон наложийсига Амр иби ал-Ое боинлик махсус очилларни юбордилар. Аммо наложий мусулмонлар билан сухбатлашгач, очилларнинг на таклифи ва на кимматбахо совғаларини кабул килмади ва улар қун-курук Маккага қайтдилар. Айни шу пайтда Маккада кўзга кўринган икки исломга кирди: найғамбарнинг суюкли амакиси наҳлавон Ҳамза иби Абдулмутталиб ва Умар иби ал-Хаттоб. Нуайм иби Абдулла айтишинча, Умарнинг синглиси Фотима ва кўёви Сайд иби Зайдлар ундан олдин исломга киргандилар. Умар исломни қабул килгач, аввал унга канчалик каршилик килган бўлса, эди шунчалик уни кўллаб-куввалади. Умар мусулмонларнинг ибодатини Макканинг чеккасида, янирин тарзда эмас, намойишкорона Каъба олинида ўтказилига эришиди. Эди Мухаммад (сав)нинг бир тарафидан бақувват Ҳамза ва иккичи тарафидан “Ислом киличи” лақабини олган Умар юрганида хамма хам уни хакоратлашга журъат килолмасди. Курайш бир мунча мусулмонларга тазйикини сусайтиришга мажбур бўлди.

616 йилининг бошида кексайиб колган ал-Валид ўрнига Курайшининг энг бой ва нуфузли Махзум уруги раҳбарлигига мусулмонларнинг ашаддий душмани ва ўта фаол Абу Жахл келди. Абу Жахл ҳошимийлар етакчилик килган “хилф ал-Фузул” иттифокини заифлаштириши ва синдирини чорасини кўрди. Киска муддат ичидан у Зухра, Тайм, Али уругларини ўзига оғдириб, Ҳошимийларга карши барча Курайш уругларининг уюшмасини тузишга эришиди. Шундан сўнг Курайш номидан Ҳошимийлар хонадони раҳбари Абу Толибга мурожаат қилиниб, ё Мухаммад (сав)нинг фаолиятини тўхтатиш ёхуд уни жазолаш учун топшириш талаб қилинди. Талаб жуда оғир эди, аммо Абу Толиб бу сафар хам рад жавобини берди, чунки у бир пайтда икки ўгли-Жаъфар ва Али, жияни ва туғишган укасидан айрилаётган эди.

Шахар бошликлари энг қаттиқ чора кўришга аҳд қилдилар: “Дор ан-Надва”да қабул қилинган қарорга кўра, Ҳошимийлар хонадони тўлигича

шаҳардан ташкаридаги “Шиъб Абу Толиб” маҳалласига бадарга қилинадиган бўлди. Улар билан ҳаркандай олди-сотти ва қиз олиш-қиз бериш манъ қилинади. Бу ҳақдаги ҳужжат терига ёзилиб, Каъбада осиб қўйилдики, нафакат Макка аҳди, балки барча шаҳарга келиб-кетувчилар Ҳошимийлар хонадони Курайш кабиласидан чикариб юборилганини билиши керак эди. Таъдир ижодкорларининг мўлжалига кўра бу чора ҳошимийлар уругини ионлож ҳолатта солини керак ва улар Мухаммад (сав) ва унинг тарафдорларини кўллаб-кувватлашдан воз кечадилар.

Сургун 3 йил давом этди. Мухаммад (сав) ва ҳошимийлар учун бу жуда оғир дамлар бўлди. Ахён-ахён улар умуман егулик-нчиликеиз қолдилар ва оч ёни болаларнинг йини-сигнидан қулоқ батанг бўларди. Аммо вазият канчалик кийин бўлмасин, шу пайтларда Аллоҳдан келган ваҳйларда бутинастлар томонига заррача чекинини бўлмади. Улар ўз бут-санамларидан бекорга умидвор бўлмоқдлар. Факат икки йўл бор: Аллоҳга ва унинг расулига итоат – кайта тирилини – қиёмат – жаинатдаги абадий роҳат-фароғат; бу – мўминлар йўли. Бутинастлик, Мухаммад (сав)га ишонмаслик, Қуръонга ишонмаслик, тирилини ва қиёматдан сўнти дўзоҳ азоблари; бу – аданинглар йўли. Учинчи йўл йўқ, ҳеч қандай келишув мумкин эмас! Курайшни кескин қораловчи Қуръон оятлари айнан шу йиллари нозил бўлган (ал-Анбиё, 98-100; ал-Хумаза, 1-9; ал-Қалам, 10-15; ал-Фурқон, 27-29; ад-Духон, 43-48). Айтиши мумкини, мана шу кийин дамларда ислом таълимотининг назарий асослари кетма-кет келган ваҳйлар оркали карор топди.

Пировардида тадбир мушриклар учун муваффакиятсиз тугади. Улар куттган натижага эмас, балки унинг акси юз берди, Курайш қабиласининг биронта уруги йўқ эдикни, унинг бир неча аъзоси мусулмонлар сафида бўлмасин. Шу боисдан канчалик қатний чоралар кўрилмасин, қандайдир шаклда қариндошлар ёрдам бериб турдилар. Уч йил давомида ҳаж ва умра маросимлари бўлиб турганини инобатга олсак, қурайшийларнинг ўз қариндош-уругларига қилган гайринсоний муносабатларини кўрган араб

бадавийлари уларни илгаридек хурмат килмай кўйдилар. Ҳаж билан боғлик урушлар ман килингани ойларда нафакат урушилар, балки харкандай азоб берини, касос олиш, жангарилик килини, нихоян, одам ўлдириши мумкин эмасди. Айтиши мумкини. Мухаммад (сав) уч йил давомида бу фурсатдан унумли фойдаланди. Ҳуллас, сургун ортиқ давом этолмас, томонлар ўртасида ё харбий тўқишув ёхуд муайян шартларда келинушув тоз бериши керак эди. Мухаммад (сав)нинг қатъий мавкеи уни бу йўл билан сингиб бўлмаслигини кўрсатган бўлса, ҳошимийларниң каринданлари ва дўстлари сургунни бекор килиш учун фаол харакат бошладилар.

Харакатни АбдулМутталиб кизи Отиканиң ўгли Зубайр бошкарди. Уни Омир, Асал, Навфал уругларидан бирнече кини кўллаб-кувватлади. Ҳошимийлар хонадони душманларининг бойкотни бекор килишдан бошка чоралари колмаганди. Айтишларича, бирнече кизиккои ёнилар – Зубайр, ал-Мутъим, Абу Бахтарий, Замиа ва Хинном - Кальбада осиб кўйилган, терига ёзилган хужжатни йиртиб ташлани учун шиддат билан кирипса, бунга хожат ҳам колмаган экан; терини аллакачон курт еб бўлган, факат унинг тена кисмидаги одатда қурайшийлар савдо ва сулҳ шартномаларида ёзалиган сўзлари - “Биисмика Аллоҳумма”, яъни “Сенинг исемини билан ё. Аллоҳ” деган ибора қолган экан, холос.

Албатта, 619 йил бошида бойкотниң бекор килинини мусулмонлар хурсандчилик билан кутиб олдилар. Аммо тақдир такозоси билан шу йил Мухаммад (сав) учун оғир қайгу йили бўлди: бир ой ичida уч-тўрт кун фарки билан у икки энг азиз кишиси - амакиси Абу Толиб ва рафиқаси Хадичадан жудо бўлди. Тўқсонларга бориб қолган Абу Толиб то охирги нафасигача Пайғамбарга ҳошимийларниң ҳомийлигини таъминлаб турган бўлса, Хадича она – содик рафиқа, турмуш йўлдошининг пайғамбарлигига заррача шубҳа килмаган, баъзи онларда бирдан-бир дўст-хамроҳ бўлган Зот эди. Хадича онанинг вафоти Пайғамбарнинг Маккани тарк этишини енгиллаштирган бўлса, Абу Толибининг вафоти унга бошка чора колдирмаганди. Чунки энди Ҳошимийларга Абу Лаҳаб боз бўлиб қолган ва у Мухаммад (сав)ни уругни

тарк этишига мажбур килиши аниқ эди. Шу сабабдан Мухаммад (сав) зудлик билан Макқадан чикиб, хуфёна Тоиф воҳасига йўл олди. Тоифда сакиф кабиласи истикомат килар, унинг баъзи уруглари Қурайшни хуш кўрмас эди. Мухаммад (сав) ўзига тўқ ва иуфузли Абл Жалайл уйида бир неча кун турди. Аммо Абл Жалайл ва унинг икки укаси билан олиб борилган музокаралар самара бермади: чамаси, улар Қурайшга карши чиқишига ботинмадилар. Устига-устак қурайшийларниң иттифокчеси бўлган сакафийларниң бир групхи Мухаммад (сав)га хужум килиб, ҳатто уни тош-бўрои килдилар. Мухаммад (сав) маккалик ака-ука Утба ва Шайбаларниң богоига қочиб кириб, аранг жон саклаб колди. Энди Маккага қайтиб киришининг бирдан-бир йўли – мусулмон бўлмаган, аммо иуфузли маккалик уни ўз ҳомийлигига олини керак ёди. Нихоят, Навфал урутининг бошлиги ал-Мутъим (сенингиздами, Абу Бакрниң кизи Асмога ўгли учун совчи тобораман деганда, хотини бунга каршилик килганди) бу ишга рози бўлди.

619 йилининг бутун иккинчи ярмида Мухаммад (сав) бадавий араб кабилалари билан мусулмонлар жамоасини ўзига қабул килиш хакида музокаралар олиб борди. Энди Мухаммад (сав) ўзини факат қурайший деб билмас, балки араб сифатида унинг дипломатик ва таргивотчилик фаолияти бутун Арабистонни қамраб олганди. Расулуллоҳ, жумладан, Кинда, бану Омир ва бану Ҳанифа қабилаларининг вакиллари билан музокаралар олиб борган, аммо уларниң барчаси Қурайш билан яқин алоқаларга эга бўлгани боис рад жавобини берганлар. Ислом динини қабул қилган баъзи бадавийлар араб Пайғамбари хақидаги хабарни Арабистон бўйлаб ёйдилар; аммо бирон бадавий араб қабиласи билан мустаҳкам иттифокқа келишиб бўлмади.

Кўп ўтмай ҳаж маросими бошланди ва пайғамбар ҳожилар орасида ўз таълимотини таргив қилиб, турли-туман одамлар билан мулокотга кирабошлади. Мухаммад (сав) билан учрашишга қизиқувчилар ҳам оз эмасди: қудратли Қурайш қабиласининг улуглари билан деярли 10 йилдан бери курашиб келаётган киши кўпчиликда хайрат уйғотганди. 620 йилги ҳаждан сўнг одатда авж оладиган савдо ярмаркасида Мухаммад (сав)ниң

Ясирибдаги йирик Ҳазраж кабиласи уруги номидан келган 6 киши билан учрашуви юз берди. Одатлагидек, Мухаммад (сав) яни таълимот асосларини Қуръон оятлари оркали байи килиб берди. Бу таълимотда ясирибликлар учун жула мухим бўлгани жихат – кабилаларро ва ички зиддиятларга барҳам берини гояси – бор эди. зеро улар бу тарафкашликдан чарчаган ва ундан чикишининг хеч бир йўлни топаолмаётган эдилар. Ибни Хинном ёзишича, учрашувда катиашган бир ҳазражий бундай холатни изоҳлаб, шундай деган экан: “Агар Аллоҳ уларни ислом атрофида бирлантиреа. Сендан азиз ва мўътабар инсон бўлмас эди”.

Кўриниб турибдики, учрашув ясирибликларга кагтиқ таъсир килди. Ўша 6 ҳазражий исломни кабул килибгина колмай. Ясирибда янги таълимотиниг тарғиботчиларига айландилар. 621 йилги ҳаж мавсумидан Ясириб мусулмонларидан 12 кили (9 ҳазражий ва 3 аусени) Мухаммад пайгамбар билан учрашувга келди. Учрашув маҳфий ҳолда Макка ва Мино орасидаги Ақаба деган жойда юз берди ва унинг натижасида биринчи бор эришилган келишув «биринчи Ақаба қасамёди» (байъат ал-Ақаба ал-увла) деган номни олди. Қасамёдининг матни Қуръонининг Мумтахана сураси 12 оятидаги Макка фатҳидан сўнг аёлларининг Пайгамбарга киляган қасамёдига ўхшаш бўлгани сабабли “аёллар қасамёди” деб ҳам аталади. Биринчи Ақаба қасамёдидан сўнг Мухаммад (сав) ясирибликларга ислом асосларини ўргатиш учун Мусъаб ибни Умайрни қўшиб юборди.

Кейинги бир йил давомида Ясирибда Макка мусулмонларининг кўчиб ўтиши учун замин яратилди. 622 йил ҳаж ойида аввалги жойда 75 кишидан иборат (73 эркак ва 2 аёл) Ясириб мусулмонлари ва Мухаммад (сав) учрашдилар. Иккинчи Ақаба қасамёди номини олган бу музокарадан сўнг хижрат ҳакида ниҳойи карорга келинди ва Мухаммад (сав)нинг вакиллари сифатида ясирибликлардан 12 нақиб тайинланди. Бу тадбирдан сўнг Пайгамбар Ясириб ахлининг аъзоси сифатини олди. Ҳозирги замон таъбири билан айтганда бу – Макка шаҳар-давлати фуқаролигидан чиқиб, Ясириб шаҳар-давлати фуқаролигига ўтиш дегани эди. Ҳабашистонга

килингган хижратдан фарқли ўлароқ бу сафар Пайгамбарнинг ўзи ҳам хижрат килиши шарт қилинди. Мантиқан буни тушинса бўлади, чуки акс ҳолда ясирибликлар Мухаммад (сав)нинг хавфсизлигини кафолатлай одмасдилар. Шу йилни ҳаж маросими тутагач, 3 ой давомида Мухаммад (сав) Макка мусулмонларини кичик-кичик гурӯх килиб Ясирибга жўнатабошлади. Пайгамбарнинг ўзи ҳам хижрат қилиши аниқ бўлиб колгач, мушриклар унинг ҳар қадамини таъкиб килабошладилар.

Маъруза11.Мусулмонларнинг Маккадан

Мадинага хижрати ва унинг аҳамияти.

Факат ҳазражийлар ва авсийларгина эмас, балки Яерибининг бошқа аҳолиси, жумладан, яхудийлар ҳам яки тулодарли ўша вактда Пайғамбарга. Унга яхши мъалум бўлган яхудий ёзма манбаларнинг мазмун-моҳияти Мухаммад (сав) тарзи килаётган динга якин ва Пайғамбар Яерибга кўчиб ўтган заҳоти улар буига кўшилдилар, деган умид бор эди. Келаётган хабарларга караганд Яерибда исломнинг ёйилиши муваффакиятли кетаётган ва Пайғамбарнинг бутун фикри-зикри бир Яериб, бир Куддус томонга йўналтирилган эди. Макка ҳам мушриклар, ҳам мусулмонлар учун мукаддас шаҳар хисобланганни боис Яерибга хижрат қилиш учун жуда кучли, деярли Аллоҳнинг амри даражасидаги асоснома керак эди. Бундай вазифани биринчи ва иккинчи Ақаба қасамёдлари орасинда, яъни хижратдан атиги бир неча ой олдин Пайғамбарга айни ўз вактида келган бир рӯё ўйнадики, ислом тарихида бу – “ал-Исрөъ вал-Меъроҷ” деган номни олди.

Рӯё Пайғамбарга тунда келганди. Уўзини Кальбада ухлаб ётган ҳолатда кўради. Жаброил (ас) уни уйготиб, Ҳарамдан ташкаринга чиқиниши таклиф этади. Ташкарида уларни Бурок исмли канотли отга ўхшаш маҳлук кутиб турарди. Икковлон унга миниб, бир лаҳзада Куддусга етиб келадилар. У срда уларни Иброҳим (ас), Мусо (ас), Исо (ас) ва бошқа пайғамбарлар кутиб олишиди. Барчалари жамоат бўлиб намоз ўқидилар. Сўнг Мухаммад (сав) га уч идишда сув, сут, вино келтирдилар. Мухаммад (сав) сутни ташладилар. Шунда Жаброил (ас) шодиёна хитоб қилдилар: “Сиз ва Сизнинг қавмингиз тўғри йўлдасиз! Сизларга вино ҳаром қилинган!” Кейин Куддус ҳарами дарвозаси олдига осмондан зинапоя туширилди ва Мухаммад (сав) Жаброил (ас) ҳамроҳлигида осмонга кўтарилилар. Биринчи осмондан арабларнинг афсонавий аждоди Исмоил (ас) турарди, иккинчиди – Исо (ас) ва унинг жияни, Захариянинг ўғли Иоан, учинчиди – ойозли Юсуф (ас), тўртинчиди –

Идрис (ас), бешинчиди – Мусо (ас)нинг укаси Хорун, олтинчиди – Мусо (ас)нинг ўзи ва, ниҳоят, еттинчи осмонда шохона таҳтда Иброҳим (ас) ўтиради. Иброҳим (ас) Мухаммад (сав)ни жанинатга олиб кирди. Барча пайғамбарлар Мухаммад (сав) билан ўз оғаларидек кўришишди. Шундан сўнг Мухаммад (сав) бирнечча тўсиклар ортида турган Аллоҳ нигохи олдида намоён бўлди. Меъроҷ, яъни еттинчи осмонга кўтарилганлик эвазига мусулмонларга 5 вакт намоз, Бакара сурасининг “оманар Расулу” (285) ояти ва Аллоҳга ширк келтирганилар учун жанинатга доҳил бўлиш ҳукуки тухфа килинди. Шундан сўнг Мухаммад (сав) ерга қайтиб тушиди. Бу воқеа икки нарсани ўз ичига олади: бири – ал-Масжид ал-Ҳаром (Макка)дан ал-Масжид ал-Ақсо (Куддус)га қилинган тунгти сайр (ал-Исрөъ) ва иккинчиси – еттинчи осмонга кўтарилиши (ал-Меъроҷ).

Ҳаёти ҳаҷф остида бўлган Мухаммад (сав) Исрөъ (тунги сайр) кечаси Абу Талибининг кизи Ҳинд (куниси Умм Ҳоний)никида тунаганди. Умм Ҳоний никоя қилинича, хуфтон намозини ўқиб бўлгач, Мухаммад (сав) уйкуга ётган, бошқалар ҳам уйкуга кетишган. Эрта тоңгда Мухаммад (сав) уларни уйготган. Бомдод намозини бирга ўқиганларидан сўнг Мухаммад (сав) Ҳиндга деган: “Эй, Умм Ҳоний, кўрганингдек, кеча хуфтонни сизлар билан бирга ўқидим, сўнг Куддусга бориб, у ерда намоз ўқидим, кейин, мана кўриб турганингдек, сизлар билан бомдодни ўқидим.” “Эй, Аллоҳнинг набииси, ўтинаман, бу гапларни одамларга айтма, ёлғончига чиқаришади, сенга азоб беришади”, – деган Ҳинд. “Аллоҳга қасамки, мен буни уларга, албатта, айтаман”, – деган Мухаммад (сав). Ўзининг тунги сафари ҳакида Пайғамбар эртаси эргалабок бир неча мусулмонга сўзлаб берди. Дарҳакиқат, бу никоя кўпчиликни лол колдирди. Бундан бир неча йил аввал юртимиизда намойиш этилган “Мухаммадун – расулулло” номли кўп серияли бадиий фильмда персонажлардан бири, ўртаҳол савдогар, Пайғамбарга бениҳоя меҳр кўйган Одил исмли, ўз даврининг ўқимишли-зиёли кишисининг бу никоя билан боғлиқ ички кечинималари, изтироблари ишонарли қилиб кўрсатилган. У деярли ҳар йили Шомга савдо карвоони билан бориб келар, бундай сафар

камиди 2 ой вакт олишини яхши биларди. Қандай килиб, Найгамбар шунчай ўлни бир лаҳзада босиб ўтганини унинг ақл-заковати хеч кабул кила олмасди. Фильмда бу таңг ҳолатдан кизик тарзда чиқилган. Узок ўйтааммуотлардан сўни Одилиниг миссига бир фикр келади: “Нимани ўйлаяпти ўзи, у. Ахир, Аллоҳга, унинг расудига имон келтирган кини, ана шу Расулиниг сўзларини қандай бўлса, шундай кабул килини керак эмасми?! Ахир, у Ҳаққ таоло ҳакида факат ҳакикатни айтадику! Бу хусусда мўмин-мусулмонлар кўнглида заррача шубҳа бўлмаслиги керак!

Ислом илохиётидаги “ал-Иерөъ вал-Мөърж” ходисасига аюл бовар килмайдиган нарса, деб каралади. Агар рационал фикрлайдиган бўлсан, хижрат олдидан бу ходиса мусулмонлар учун яна бир синон ролини ўйнамадимикин? 12-13 йиллик Макка фаолиятини сархисоб килини, ўзига хос “галвирни сувдан кўтарини” вақти келмадимикин? Факат бу ходисани тасдиқлаган кишини мусулмон деб хисоблани мумкин. Ҳемак, ҳар бир мусулмон бунга муносабат билдиришини керак. Биринчи бўлиб ва қатъий тарзда буни тасдиқлаган Абу Бакр - “ас-Сиддик” - тасдиқловчи деган лақабини олди. Бундай фикрлашимизга яна бир сабаб - Мухаммад (сав) бу воқеадан сўнг тезлик билан қиблани ўзgartирди: намоз вақтида у юзини Каъбага эмас, Куддус тарафга қаратди. Кейинчалик, хижратдан 16-17 ой ўтгач, Мадинадаги бир масjidда намоз ўқиб турганда Мухаммад (сав)га қиблани ўзgartириш, яна Каъбага қаратиш ҳакида ваҳй келади ва бу масjid ҳозирги кунда ҳам “Масжид ал- Қиблатайн”, яъни Икки кибла Масжиди, деб аталади.

Хижрат арафасида Маккада юз берган воқеаларга назар ташланса, қанчалик сир сакланмасин, қурайшийлар Мухаммад (сав) ва Яериб мусулмонлари ўртасидаги маҳфий музокаралардан воқиф бўлиб колдилар. Улар ҳатто 12 нақиб, яъни Яериб вакилларидан бирини хибсга олдилар, аммо унинг нуфузли киши бўлгани, Макка савдогарлари кўпинча Шомга кетишда уницида тўхтаб ўтишлари маълум бўлгач, қўйиб юбордилар. Аввал айтилганидек, 622 йилги ҳаж маросими тугагач, кичик-кичик гурухларнинг

Яерибга кўчиши бошланди. Дастлаб, Макка зодагонлари бунга унча эътибор бермадилар, уларнинг кетининг гўё розидек кўринидилар. Аммо секин-аста кўичилик кетиб, ҳатто Умар иби ал-Хаттоб ва Зайд иби Ҳорисалар оиласи билан хижрат қизигандаридан сўнг улар тушундиларки, бу сафар Мухаммад (сав) ҳам хижрат килади. Эди улар учун кундай равшан эдики, Мухаммад (сав) Яерибда янги таълимот Пайгамбари сифатида кабул килинади, ислом Арабистон бўйлаб ёйилабошлилайди. Оқибатда қурайшийларнинг ўлка бўйлаб етакчиниги барҳам тонади. Ҳемак, вақти бой бермай, қурайшийлар Мухаммад (сав) хусусида қатъий карор қабул килиши шарт.

Одатдагидек. Дор ан-Надвадала йигилини чакирилди. Эди Мухаммад (сав)ни шаҳардан ёки қабиладан хайдашдан хеч қандай манфаат йўқ, акенинча, бу жуда хатарли, чунки унинг ўзи буни хоҳлаяпти. Узок тортишувлардан сўнг Абу Жаҳл кескин мавқеъ эгаллади ва, ниҳоят, мажлис ахлини бу машъум карорга кўндирили: Мухаммад (сав)ни катл килини керак, бопика чора йўқ! Қасос ҳукми бир қотилга тушмаслиги учун Қурайшийнинг 15 уругидан биттадан павқирон йигит танлаб олиниди ва улар тунда Мухаммад (сав)га ҳужум килишиб, бараварига килич солинади. Бундай жамоавий қотиллик натижасида ҳошимийлар Мухаммад (сав) учун хун талаб килишдан бошқа иложлари қолмайди. Кеч тунда қотиллар чиндан ҳам Мухаммад (сав) уйига келдилар. Одатдагидек, ўзининг яшил чопонига ўралиб ётганини кўргач, улар тадбирни сахарда тонг ёргутида амалга оширишга карор килдилар. Эрта тонгда улар Мухаммад ҳужрасига ёпирилиб кирсалар, бамайлихотир Пайгамбар чопонини кийиб, Али турганини кўрдилар. Куръонда бу манзара куйидагича ўз ифодасини топган: “Ва йамкуруна, ва йамкуру-л-лоҳу валлоҳу хайрул мокирини!” (Улар) макр қиладилар, Аллоҳ (ҳам) “макр” қилади. Аллоҳ “макр” қилувчиларнинг яхвисидир. (ал-Анфол, 30).

Албатта, Дор ан-Надвадаги ҳакида Пайгамбар огоҳ этилган ва у коронгу тунда қотилларга сездирмай, девордан ошиб, орка ва тор кўчалар

билан Абу Бакр уйига келган, хижрат хусусида Аллохнинг буйрги келганини билдириганди. Илгари Расулуллоҳ аник вактни хатто Абу Бакрдан ҳам сиртуған, уиниң бу ҳақтаги саволига Аллохнинг амрини кутажагини айтганди. Абу Бакр өса ўз навбатида сафар тақориқини кўриб кўйганди. Шу тундаёк улар икковлон таъкибчиларни чалгитини учун Ясириб томонга эмас, балки Яман томонга йўл олиб, ўзларига маъдум бўлган Савр тогидаги бир горда беркиндишлар. Қурайшийлар Пайгамбарни унвални өвазига юз тую мукофот ваъда килигандилар ва кидириув З кун давомида. Шу вакт давомида Абу Бакрининг тўнгич кизи Асмо сув-емак келтирад, ўғли Абдулло өса кичик кўй подаси билан изни йўқ килар, муҳими, шахардаги воқеалардан хабардор килиб турадилар. Айтишиларича, таъкибчилар хатто гор олдигача келгандилар, аммо горининг оғзи ўргумчак тўри билан тўсизнанини кўриб, бу ерда одам бўлиши мумкин эмас, дега кайтиб кетгандилар.

Уч кун ўтиб, кидириув ишлари тўхтаган. Абу Бакрининг мавлюси 2тую, йўл бошлиовчи бадавий араб билан келди ва улар тўртовлон, дастлаб Яман томонга йўл олдилар, сўнг Қизил деңиз соҳили тарафга бурилдилар ва, ниҳоят, асосий Ясириб йўлига чикиб олдилар. Аксар ҳолларда тунда юриб, кундузи дам олиб, 622 йил 22 сентябрда улар Ясириб жанубистаги Кубо деган жойга етиб келдилар. Ясириб мусулмонлари бир неча кундан бери уларни шахардан ташкарига чикиб кутардилар. Шу вактдан бошилаб, Ясириб Мадинат ан-Наби, Пайгамбар шахри, киска килиб айтганда. Мадина деган номни олди. Кубо кишлоғида Пайгамбар 4 ёки 5 кун турди. Бу ерда биринчи мусулмон масжиди курилдики, биринчи бор жамоат намози бутнарастлар халал бермаган ҳолда ўтди.

Энди, не сабабдан хижрат учун Мадина тақлағани хусусида мулоҳаза юритадиган бўлсак, биринчидан, қанчалик ажабланарли бўлмасин, Ясириб яхудийлари бу ишда ўзига хос “роль” ўйнадилар: улар доимо уларга якинда пайгамбар келажаги ва бутнарастликка барҳам беражаги ҳакида арабларнинг юрагига гулгула солиб келишарди. Маккада араб Пайгамбари пайдо бўлганини эшитгач, Ясириб араблари, табиийки, унга кизикиш

бидирдилар. Иккинчидан, Ясирибда бутнарастликдан Маккадаги каби манфаатдорлик йўқ эди. Учинчидан, шахарда вужудга келган вазиятдан келиб чикиб. Ҳазраж, Авс ва яхудий қабилалари ўртасидаги зиддиятни факат ташкиридан келган шаҳе ҳал килаолар эди. Колаверса, Мухаммад (сав) Ясириб учун бегона эмас, балки кариндошилик ришталари билан боғлиқ киши эди; башу Нажжор урги боболари Абдул Мутталибга она томондан кариндош, оталари Абдуллонинг қабри Ясирибда экани, оналари Омина Ясирибдан узок бўлмаган жойда дафи қилинганини инобатга олсак, Пайгамбар ва Ясирибини ботглаб турган умумий манфаатлар етарли эди.

Мусулмонларнинг Мадинага хижратини оддий яшаш жойини ўзгартириш ёки “кочини” деб таърифлаш тўғри эмас. Бу ходисага эски уруг-қабилачилик тизимидан воз кечиб, янги муносабатларга ўтиш деб қарамок керак. Мухаммад (сав)ни Мадинада химояга мухтож шаҳс сифатида эмас, балки янги жамиятининг матнавий раҳбари – Пайгамбар макомида қабул қилинди. Шунинг учун ҳам маккалик мусулмонлар – муҳожирлар, мадиналик мусулмонлар эса одатдагидек “жор” (кўплиги “жирон”, яъни хомийлар) эмас, балки “ансорлар” – ёрдамчилар, кўллаб-куватловчилар, деган номни олиниди. Мухаммад (сав)нинг Ясирибга кириб келишини баъзида янги ҳокимнинг шаҳарга таштанавор, голибона кириб келиши сифатида тасвирилашади. Бу ҳам жуда тўғри эмас. Иккинчи Ақаба қасамёдида умуман Мухаммад (сав)нинг Ясирибдаги ҳуқуклари тилга олинмаганди. Унга дастлаб мусулмонлар ўртасидаги ҳакам вазифаси юклатилганди. Мадинала ҳокимиятни кўлга олиш масаласи кейин юзага келди. Нафси замранинни айтганда, Мухаммад (сав)нинг Мадинадаги илк даври осон кечмади. Ясирибдаги араб қабилаларининг бошликлари унинг олий маънавий раҳнамолигини тан олган ҳолда ҳокимият ва куч-қудратни ўз кўлларида саклаб қолган эдилар. Қурол ушлашга қодир бўлган муҳожирларнинг сони 100 кишидан ортмасди, табиийки, улар вазиятга тубдан таъсир килолмасдилар. Кўпчилик муҳожирларнинг етарли маблағи йўқ ва улар ансорларнинг химматидан умидвор эдилар. Кўп сонли яхудий

қабилаларининг мавкеи ҳам дастлаб аник ўмас эди. Шу боисдан, Мухаммад (сав) Мадинадаги фаолиятини ўта ёхтиёткорлик билан бошлади. Эҳтиётсизлик билан айтиладиган хар бир сўз, хар бир босилган қадам вазиятни оғирдашибириб юборили мумкин эди.

Кубода бир неча кун тургач, Мухаммад (сав) шаҳар марказига караб йўл олди. Йўл-йўлакай башу Салим ерида биринчи жумъя намози ва хутба ўкилди. Иби Ҳишом келтирган мана шу хутба матнида ўни даврнинг энг долзарб масаласи кўтарилиганди: “Кимки ўз юзини лўзах оловидан ҳатто яримта хурмо билан тўсаман деса, шуни килсан. Униси ҳам йўқ одам – яхши сўз билан; унинг ажри 10 маротабадан 700 маротабагача тенглир!” Шундан сўнг йўлда давом этиб, Пайгамбар кариндошлиари башу Нажжор ерида муким жойлашди.

Пайгамбар билан бирга уй-жойтарини ташлаб, Яерибга кўчиб ўтганиларининг сони уччалик катта бўлмасада, бу воқеа Ҳижозининг икки йирик шаҳарига бирдек таъсир кўрсатди. Жумладан, Маккада бир канча хонадан хувиллаб колган, кариндош-урутларининг бир кисми Маккада, бошка кисми Яерибда бўлгач, улар ўртасидаги ришиналар дэярли узилиганди. Бундай холатнинг юзага келишида мушриклар, албатта, Мухаммад (сав)ни айборд деб хисоблардилар. Аммо кўчиб келганиларга ҳам осон бўлмали: улар бир томондан гариблик азоби, иккинчи томондан Яерибининг нам иклимидан қийналдилар. Бунинг устига бор мол-мулкидан ажralган мухожирлар дастлабки даврларда оғир иктисадий муаммога ҳам дуч келдилар - улар бир амаллаб тириклик юритиш, қандай бўлмасин жон сақлаб колиш хақида ўйлашлари керак эди. Лекин ана шу кичик бир жамоа Яерибда жуда катта, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган йирик муваффакиятга эришди. Хўш, бунинг сабаблари нимада эди?

Юқорида бошқа муносабат билан таъкидлагнимиздек, биринчи сабабчи - Мадинадаги яхудийлар бўлди. Иброҳимий динида бўлган ва “ахли китоб” деб эътироф этилган Яериб яхудийлари “васания”, яъни кўп худоликда бўлган араблардан ўзларини юқори қўяр, ақидаларига кўра, яқин келажакда

уларга янги набий-пайгамбар келажаги, бутпарастликка барҳам беражаги хақида кўн сўз юритардилар. Шу боисдан Яерибга ҳақиқий пайгамбар келиб, исломга дъзвват қила бошлаганида шаҳардаги араб қабилалари фурсатни кўлдан бермаслик учун уни зудлик билан кабул килдилар. Шаҳарда устусликни сақлаб колиш учун ҳам арабларга бу керак эди. Яна шуни унумаслик даркорки, хижра арафасида Лус ва Ҳазраж ўртасида юз берган Буое жангидаги иккала қабиланинг биринчи раҳнамолари ҳалок бўлган ва улардан кейин қолган иккинчи даражадаги раҳбарлар муросага мойил эдилар.

Энг муҳими, пайгамбар Яерибда Маккадагидан тубдан фарқ қилган, батамом янги жамият барнио эта бошлади: унинг раҳбарлигидаги мусулмон жамоасига урут-қабиласи ва миллатидан катъи назар ҳар қандай киши кирини мумкин эди. Эди пайгамбарнига фаолияти фақат диний тус билан чегараланмай, балки у кўпроқ сиёсий жихат қасб қила бошлади. Бошқачасига айтганди. Мухаммад (сав) секин-аста сиёсий раҳбарга ҳам айланада бошлади. Маккада пайгамбар асосан янги динига дъзвват қилиш, мусулмонларни сабр-каноатта чакириши билан чекланган бўлса, Мадинада унинг елкасига мураккаб давлат бошқарувини ташкил этиш вазифаси тушиб. Мухаммад (сав) буни биринчи лаҳзадаёқ, балки ҳатто хижратдан аввалроқ англаган эди.

Айнан шу холатни кўзда тутиб, кейинчалик Ибн Халдун ўзининг “Муқаддима” асарида таъкидлагандики, жоҳилия араблари дунёвий ҳокимни тан олмасдилар. Улар факат диний раҳнамо (коҳин, валий, пайгамбар)ни ўзларига раҳбар қилиб қабул қилишлари мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, на Маккада ва на Мадинада исломдан аввал шаҳар – давлатнинг якка ҳокими бўлмаган. Макка зодагонлари Мухаммад (сав)ни пайгамбар сифатида тан олишдан кўра ўз бойликларини сақлаб қолишни афзал кўрдилар. Мадина эса уни айнан пайгамбар сифатида қабул килди. Пайгамбар Мадинадаги холатни жуда яхши биларди. Шаҳарнинг туб ахолиси - араблар ва яхудлар ўзаро низолардан чарчаган, тинчликни истарди. Маккадан кўчиб келган мухожирлар Мадина араблари томонидан хайриҳоҳлик билан кутиб

олинган бўлсаларда, зудлик билан уларнин келажагини таъминлаш тадорикини кўриш керак эди. Нихоят, Макка мушриклари томонидан исталган пайтда хужум бўлиб колини хавфи бор эди. Демак, Мадина ахолисининг яқдиллигига оринини он мухим вазифалардан бири эди.

Бу йўлда амалга оширилган чоратардан биринчиси шу бўлдики, мухожирлар иш билан таъминландилар: уларнин бавзилари мадиналик мусулмонлардан карз олиб, тижорат билан шугулландилар, бошқалари ер эгаларига корандалик килдилар. Сўнгра мусулмонлар жамоат бўлиб тўпланарадиган, линий ибодатларни бирга адо этиладиган жой, яъни масжид курildi. Айни вақтда масжид шахар идорасининг бош кароргоҳига айланди. Пайгамбар масжидга тутани килиб, ўзига тураржой курлирдики, кейинчалик ҳокимларнинг маскани масжидга якни бўлинни олган тусига кирди. Табинайки, Аус ва Хазраж кабилалари бир жамоани ташкил килиб, аниъанавий уруг-аймоқчилик риштатарининг аҳамияти насадиди. Унинг ўринини ақида-ътиқод яқдиллиги эгаллари ва Мадина мусулмонлари бир ном билан ансорлар (қўллаб-кувватловчилар) деб атала бошлатилар. Мухожирлар ва ансорларнинг ўзаро жинслигини таъминлаш учун арабларга катимдан маълум бўлган “ал-муоҳо” (ака-ука тутунини, биродарланини) одатидан фойдаланилди. Биродарлашганлар худди кон-карлошдек хисобланниб, ҳатто бир-бирларига меросхўр бўлдилар. Иби Ҳинномнинг “Сира”сида пайгамбарнинг кўрсатмаси билан Абу Бакрдан бошлаб барча саҳобаларнинг ким билан биродарлашгани кўрсатилган.

Хижратнинг энг асосий аҳамиятларидан бири шу бўлдики, у Пайгамбарнинг ишончли ва таянч кучи бўлган мухожирлар сониннингкескин ортишига сабаб бўлди. Гап шундаки, бундан бўён хижрат исломни қабул қилишнинг шартларидан бири килиб белгиланди. Аниқроқ килиб айтсан, исломни қабул килган Арабистоннинг қайси гўшасидан бўлмасин фуқароси Куръоннинг Анфол сураси 72 оятига кўра, албатта, зудлик билан Мадинага кўчиши шарт қилинди: “Албатта, имон келтирган, хижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва

(мухожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстлирлар. Имон келтиргану, лекин хижрат қилмаганлар, то хижрат қилмагуналарига қадар, улар билан дўстлик қилиш сизлар учун жонз эмасдири.” Аммо, айтиш лозимки, бу вактинча кўрилган чора эли зеро 630 йилда Макка шахри фатх қилиниб, бутпаратлик барҳам тоғланадиган сўнг, Мадина шахар-давлатининг фуқаролик ҳукуки вазифасини бажарган бу қоида бекор қилинди. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам бъязи экстремистик исломий ташкилотлар, одамларни ҷалғитб, Куръонда ёзилганини рўкач қилиб, ўзлари тузмоқни бўлган гипотетик “ислом ҳалифати”га хижрат қилишга даъват этадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жонзки, мадиналик мусулмонлар, яъни ансорлар, мухожирлардан бироз ўзгача тарзда исломга кирдилар. Улар кариндош уруглардан фожиавий айрилиш ёки қабиладонишлари томонидан аёвсиз таъкибга учрамадилар. Албатта, биринчи навбатда Мадинанинг кам таъминланган ахолиси исломга кирди. Аммо Маккадан фарқли ўлароқ ҳокимиятни ўз кўлида саклаб қолини максадиди Хазраж ва Авс қабиласининг бойлари ҳам исломни қабул килдилар. Ани шу бой ва нуфузли ансорларнинг раҳбари Абдулло иби Убай ҳамда унинг тарафдорлари Куръонда “муноғиқлар” деб аталиб, кораланган. Макка сураларида “мушриклар”га қарши оятлар қанча ўрин олган бўлса, Мадина сураларида деярли тенг ҳажмии “муноғиқлар”нинг кирдикорларини фош қилиш эгаллади. Маккадаги каби Мадинада ҳам ҳокимият ва бойликни кўлдан бермаслик учун “муноғиқлар” Мухаммағ (сав)га хиёнат қилингана ва ҳатто унинг душманлари билан тил биринтиришга тайёр эдилар. Мухаммад (сав)га бу ўзига хос кучли ва нуфузли “фирқа” билан хисоблашишга тўғри келди. Мусулмонларга нисбатан бирнеча бор душманлик килган бўлсаларда, Пайгамбар улар билан жуда нозик сиёсат олиб борди. Бану Мустаълик жангидаги очиқласига хиёнат қилгани учун Абдулло иби Убайга нисбатан Умар ибн Хаттоб ўлим жазоси кўлланишини талаб қилганда, Пайгамбар кўнимади: “Мусулмонлар мусулмонларни қатл қиляптилар, деб душманлар жар соладилар”, - деди у.

Мұхаммад (сав)нинг бу боралаги сиёсати шу қастар кучли таъсирга эга бўлдики, Абдулло иби Убайнин ўғли, агар Найғамбар буюрса, ўз отасини ўлаиришга тайёр эканини билдирган. Худлас, мунофиклар билан кураш деярли 10 йил давом этдики, бу ҳақда кейинги маъруфларда батағеніл маълумотлар берилади.

Аввал таъкидланганидек, Мұхаммад (сав) исломга янни дин сифатида қарамади, балки уни абадий, ўзгармае ва бутун борликни өгаллаган Аллоҳ ҳакидаги таълимот, деб билди. Яхудий ва христиан динларидан исломниң устулиги Мұхаммад (сав) назидә шундай ўз ифодасини топардик, унга келәётгандар Аллохнинг энг янги ва охирги буйруклари эди. Шундай экан, “ахли китоблар”, янни яхудийлар ва насронийлар, исломни қабул килишлари ёки жуда бўлмаса, тан олинилари керак эди. Аммо аччиқ ҳакикат бошқача бўлиб чиқди: ислом, насронийлик ва яхудийлик бир дин, бир эътиқод эмас экан. Насронийлар ва яхудийлар ўзларининг таълимотлари ислом билан тенглиги ҳакидаги тояни рад килдилар. Мұхаммад (сав)нинг пайғамбарлиги ва Қуръонининг илоҳийлигини тан олмадилар. Қуръонда Мұхаммад (сав) ва Мусо (ас) таълимоти айнанлиги кўп бор ижобий маънода зикр килинганди. Лекин яхудийлар ва христианлар Мусо таълимотини ўзгаририб юбордиларки, бу холда уларнинг “муқаддас” китоблари энди Қуръонга тенг эмас, деб эълони килди, Мұхаммад (сав). Исо (ас) ва Биби Марьямнинг баъзи посоро томонидан илоҳийлаштирилиши ва баъзи яхудийларнинг Узайрони “Худонинг ўғли”, деб эъзозлаши Мұхаммад (сав)га иккала динни соф тавхиддан ческинган, яримбутпаст динлар, деб айблашга асос бўлди.

Аввало яхудийлар билан ора очик бўлди, насронийлар эса исломга яқин, деб қаралди: “Имон келтирганларга (нисбатан) энг ашаддий адоватда бўлувчилар яхудийлар ва ширк келтирганлар эканини кўрасиз. Имон келтирганларга нисбатан дўстликда яқинроқлар – “Биз насронийлармиз” деганлар эканини (ҳам) кўрасиз. Бунинг сабаби – улар (насронийлар) ичida руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг кибрга

берилмаслигидир.”(5:82). Ислом, христианлик ва яхудийлик ўртасидаги тафовут чукурланған сари Иброҳим (ас)га, янни Мұхаммад (сав)таригиб ўтаётгандар соф, пок эътиқодга кўпроқ ургу берилабошлиди. Бу баҳсада ҳақли равишда Мұхаммад (сав) Таврот ва Инжил тарихан Мусо ва Исога анча кейин нозил килинганини инкор килиб бўлмайдиган далил қилиб кўрсатди. Ислом ва Иброҳим (ас)дини айнанлиги тўғрисидаги тезис араблар учун мақбулроқ эди. Бу йўл Мадинада вазиятнинг бироз кескинлашувига олиб келган бўлса да, стратегик жиҳатдан тўғри таъланган йўл бўлиб чиқди. Ҳижратдан 16-17 ой ўтгач, кибланинг янна Макка томонига ўзгариши уч дин ўртасидаги муносабатларни узил-кесил ҳал килди. Қуръонининг Бакара сурасида бу нарса куйидагича ўз ифодасини топди: 144.”...Сизни ўзингиз рози бўладиган киблага (Каъбага) юзингизни ўтирирамиз. Юзингизни Масжиди Ҳаром (Каъба) томонига буринг! (Эй, мўминлар, сизлар ҳам) каерда бўлингиз, ўзларнингизни ўша тарафга бурингиз!..” 145. “Қасамки, агар Сиз ахли китобларга ҳар қандай хужжат келтирсангиз ҳам, улар қиблангизга органимайдилар. Сизлар ҳам уларнинг кибласига эргашувчи эмассиз.” 148. “Ҳар бир (линдор) учун ўзи юзланадиган тарафи (кибласи) бор.” 149. “Қайси жойдан (сафарга) чиқсангиз ҳам,(намозда) юзингизни Масжиди Ҳаром (Каъба) томонига ўтириинг!” Албаттa, бу шунчаки оддий ўзгариш эмас, балки уннинг остида чуқур маъни яширинганди. Гап шундаки, Маккада Мұхаммад (сав) бут-санамларга қарши курашган эди, уларнинг тўпланган жойи Каъбага қарини эмас. Ҳижрат олдиндан ва ундан сўнг дастлабки даврда у яхудийларга умид билан боксан ва Қуддусга нигоҳини қаратган эди. Аммо яхудийларнинг қаршилиги уни янна арабий илдизларга эътибор қаратишга, арабларнинг қадимдан ҳақиқий муқаддас макони ҳисобланган Каъбага юзланишга олиб келди.

Мадинага ҳижрат ислом тарихида бурилиш ясади, янги даврни бошлаб берди. У жоҳиля ва ислом даврлари ўртасидаги ўзига хос чегара ролини ўйнади. 636 йили халифа Умар ибн ал-Хаттоб бу ходисанинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда ҳам мусулмон дунёсида амалда бўлган ҳижрий

таквимга асос солди. Ислом динининг Арабистон бўйлаб муваффақиятли ёйилишини айнан хижрат бошлаб берди, дейин мумкин. Маккада Мухаммад (сав) таъкиб қилинган озчиликниң диний раҳматоси вазифасини бажарган бўлса, хижратдан сўни у нафакат диний жамоа, балки якин келажакда йирик давлат таркиботига айланган уюшманинг раҳбари бўлди.

Маъруза 12. Мадинада “Умма”нинг шаклланиши.

Шаҳарда истикомат қилаётган ахолининг уч тоифаси - муҳожирлар, ансорлар ва яхудийлар ўзаро тинч янани учун олдин тажрибада кўрилмаган қонуний асос ёки томонлараро шартнома керак эди. Мухаммад пайғамбар бундай шартномани тайёрлади ва у «Ас-Саҳифа» номини олди. «Ас-Саҳифа»га кўра муҳожирлар биринчи тараф, ансорлар иккинчи тараф, яхудийлар эса учинчи тараф деб ўтироф этилди. Хужжатнинг аҳамияти шуидаки, у биринчи ислом давлатининг шаклу-шамонлини тасаввур қилиш ҳамда ўша даврда юз берган воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритишга имкон беради. Бир караганда янги дин асосида курилган кичик бир жамоа қадимдан кон-кардионлик асосида или кўриб келган бутун бир жамияти ютиб юборгандек туолди. Аслида ундан эмас, балки қадимги уруг, қабила қаби этинк гурухлар ўз хукуқ ва вожиботларини сақлаган ҳолда, қонун томонидан ўтироф этилган юридик шахс сифатида йирикроқ жамоага бирлашгандилар. Ас-Саҳифанинг тўлиқ матни Иби Исҳоқ - Иби Ҳашомининг «Сира»си ва Абу Убайдининг «Китоб ал-Амвол...»ни орқали биззача етиб келган. Санкт-Петербурглик олим О.Большаков ўзининг «История халифата» китобида унибу матинининг русча таржимасини берган.

Куйинда «Ас - Саҳифа»нинг арабчадан ўзбек тилига қисқартирилган таржимасини келтирамиз. «Бисмиллохир раҳмонир раҳим. Бу - Мухаммад пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан Қурайш ва Ясериб мўъминлари ва мусулмонлари, уларга эргашганлар, уларга қўшилганлар ва улар билан бир мақсад йўлида курашаётганлар учун (ёзилган) битик (шул ҳақдаким), улар - бошқалардан айри бир умма (жамоа)дирлар. Қурайшлиқ муҳожирлар - ислом келганда қандай ҳолда бўлган бўлсалар, шундай , яъни аввалгидек ҳолларида(коладилар); ўлдирилган киши учун ўзаро эваз оладилар, ораларидан кимдир асир тушса, яхшиликча ва мўъминлар ўртасида тенг таксимланган ўлпон билан озод қиладилар. Ва бану Авф - аввалгидек,... Ва бану Соъида - аввалгидек, ... Ва бану ал-Харис - аввалгидек,

... Ва бану Жушам - аввалгидек. ... Ва бану ан-Нажор - аввалгидек, ... Ва бану Амр иби Авф - аввалидек. ... Ва бану ан-Набит - аввалгидек, ... Ва бану Ал-Аве - аввалгидек. ... Ва мўъминлар ораларида ўлонни ёки эвзи бўйиндан сокит килингаган бирон «карздор»ни колдирмайдилар. Ва бирон мўъмин бошка мўъминнинг кароли билан ғасининг розилигисиз хилф (хомийлик шартномаси)ни тузодимайди. Ва такводор мўъминлар зўравонлик килувчи, зулм ўтказувчи, жиноятчи, хужумкор ёки мўъминлар орасига фиску -фасод келтирувчи кимсаларга карши турурлар ва хотто улардан бирининг ўсли бўлса хам унга карши яқдил курашурлар. Ва мўъмин бир кофир учун мўъминни ўлдирамайди, мўъминга карши кофирининг ёнини олмайди . Ва Аллоҳнинг зиммаси (панохи) барча учун бирдир, унг наст даражадаги инсонларни хам ўз химоясига олди, албатта мўъминлар бошкалардан айри холда бир-бирларига химоячилар. Ва бизга организсан яхудларга дарҳакикат ёрдам ва тенглик берилади, уларга зулм килинимайди ва уларнинг дунималарига ёрдам берилмайди. Ва мўъминларни тинчлиги бир текисидир. Аллоҳ йўлида кураншаётган барча мўъминлар ўргасинда тенг ва адолатли тинчлик ўрнатилади. Ва биз билан газотта чиккан хар бир гурух бири иккинчисининг кетидан юради. Ва мўъминлар Аллоҳ йўлида кон тўкинда бир - бирларига тўскнилик қилмайдилар. Ва такводор мўъминлар энг яхши ва энг тўғри йўлладирлар. Ва хеч бир мушрик бирон бир қурайшийнинг на моли ва на ўзига хомийлик кила олмайди ва бу ишда мўъминга қаршилик (халақит) қилмайди. Ва агар кимдир бир мўъминни очик-ошкора (касддан) катл этса, ундан айнан шундай қасос олиниди, факат мактулнинг валийси (вакили) ўлонига рози бўлмаса. Жумлан мўъминлар унга қаршидирлар, унга қарши туришдан бошка нарсага рухсат йўқ. Ва ушбу саҳифада келтирилганларга икрор бўлган, Аллоҳга ва охирги кунга имон келтирган мўъмин (муқаддас жойни) ҳаром қилувчига ёрдам ёки бошпана бериши мумкин эмас, кимки шундай кишиига ёрдам ёки бошпана берса, у Аллоҳнинг лаънати ва киёмат кунда ғазабига дучор бўлади, унинг на тавбаси ва на илтижоси қабул қилинимайди. Агар ўртангизда қайси масалада

бўлмасин қандайдир ихтилоф пайдо бўлса, албатта Аллоҳ азза ва жаллага хамда Мухаммад саллаҳу алайхи ва салламга мурожаат этингиз.

Кейинирок, лекин, ҳарқалай, ўша йили бэзни араб қабилалари таркибига кирувни ёки улар билан иттифоқдош бўлган яхудий жамоалари хусусида шартномалар қабул килинди. Уларга қўра, яхудийлар агар мусулмонлар уруни харакатларида қатишашётган бўлсалар, харажатларга шерик бўладилар. Шунингдек, ҳакикатан, бану Авф яхудийлари – уларнинг мавлолари ва ўзлари – мўминлар билан бир жамоадир, аммо яхудийларнинг ўз дини бор, мусулмонларнинг эса – ўз дини; агар кимдир адолатсизлик ёки жиноят содир киласа, факат унинг ўзи ва онласи айбор бўлади. Сўнгра айнан бану Авф яхудийларига иисбатан кўрсатилган қоидалар бану Нажор, ал-Хорис, ас-Сонда, Жунам, ал-Аве ва Сальаба таркибига кирувчи яхудий жамоаларига хам жорий килинди; улар хам дунималарга карши курашда мусулмонларга ёрдам беринилари ва Мухаммад (сав)нинг изнисиз урушга кирмасликлари шарт килинди. Яна: Яерib шахрининг чегаралари ушбу “ас-Саҳифа” ахли учун ҳаром (муқаддас)дир; Қурайни қабиласининг одамлари ёки уларга ёрдам берувчилар “жор” қилинимайди, янини химояга олинмайди. Аммо улар сулҳга чакиреалар, у қабул қилиниши керак. Мухаммад – Аллоҳнинг расули, унга Аллоҳнинг салавотлари ва саломлари бўлсин!

Мана. Иби Исҳоқ зикр қилиган «ас-Саҳифа»нинг қисқача матни. Ал-Вокидий, Иби Саъд, ат-Табарий, Иби Касир ва Иби Сайид ан-Нослар бу матнини тўлиқ келтирмаган бўлсаларда, унга ишора қилганлар. Хужжат боинидаёқ муҳожирлар биринчи, ансорлар-иккинчи ва яхудлар учинчи ўринга кўйилган хамда Мухаммад (сав) Аллоҳнинг пайгамбари ва расули деб аталган. Бу биринчи бор Мухаммад (сав)нинг пайгамбарлик рисоласи расмий хужжатда қайд этилиши эди.

Умуман олганда “ас-Саҳифа”нинг асллиги шубҳа остига олинмасада, шуни таъкидлаш жонизки, услуби (стили) ўша давр услубига тамоман тўғри келиши, энг муҳими, ундаги конун-коидалар Куръонда ўз аксини топган аксарият тамойилларга мувофиқ экани ушбу хужжатнинг асллигидан

далолат беради. Мусулмонларнинг бошка одамлардан айри ягона умма (жамоа) экани (Оли Имрон.110; ал-Анфол. 72.75), бир- бирларига биродар, хамкор бўлишлари, биронгасининг елкасига муникул иши туниса, ўзаро ёрдам бериш лозимлiği (ал-Бакара.215; ал-Таба.60), валю (клиентлик, кароллик) ва у билан боялик муволо хукуки (ан-Нисо.33), кариндоши-уруг ва кўшичилик (хомийлик) хукуки (ан-Нисо.25), шахсий масъулият-жавобгарлик хиссени тарбиялаш (ан-Нисо.111; Фуссилат.46), жоҳилия даврига хос қасоскорлик ва баджалилликдан узоқланиши (ал-Лъроф.199), конунига бўйсимиш, умумжамоа ишларини давлат ва унинг идоралари тасаруфига топшириши (ан-Нисо.59), айрим-айрим шахслар ўргасида юз берадиган уруш ва тинчлик ҳолатларига якка гартиблаги ходиса эмас, балки умумжамоа ихтисосига кирувчи ишлар леб караш (ал-Бакара.208; ал-Анфол.61), жамоат тартибини ўриятиш, зодимнинг кўлидан тутиш, жиноятчига кўмакланимаслик ва бонигина бермаслик масалаларида давлатга ёрдам бериш (Фотир, 18) жоҳилия араблари учун бегона, биринчи бор Куръонда ўз ифодасини тоиган қонуни-қондалар эди.

Мазкур оятларнинг айнан ўзбек тилига таржимаси билан ташинишингиз мумкин. Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй, мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, нахий мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар ахли китоблар (хам) имон келтирганиларида эди, ўзлари учун яхши бўлур эди. Улар орасида (Мухаммадга имон келтирган) мўминлари хам бор, кўпчилиги эса фосиклардир (3:110). Албатта, имон келтирган, хижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга карши) курашган ва (мухожирларга) жой бериб ёрдам кўреатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. Имон келтиргану, лекин хижрат қилмаганлар, то хижрат қилмагунларига қадар, улар билан дўстлик қилиш сизлар учун жоиз эмасдир*. Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг зимманингиздадир. Илло, ўрталарингизда (урушмаслик ҳакида)

ахдлашув бўлған қавм зиддига (ёрдамлашиш жоиз) эмас. Аллоҳ қилаётган амалларинингизни кўриб турувчиидир (8:72). Кейинроқ имон келтириб, хижрат қилган ва сизлар билан бирга (ёв билан) курашгандар*, айнан ўшалар (хам) сизлардандирлар. Қариндошлар эса, Аллоҳнинг Китобида бир-бирларига яқинроқдирлар**. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсани билувчи зотдир (8:75). Сиздан (эй, Мухаммад!) қандай эҳсон қилишини сўрайдилар. Айтинг: «Ниманини хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, кариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофириларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчиидир» (2:215). Албатта, садакаларни факат факирлар, мискинлар, унда (садака ишида) ишловчилар, диллари ошина қилинувчи (кофирилар, (пул тўлаб озод этилувчи) куллар, карздорларга ва Аллоҳ йўлида хамда йўловчига (мусофирига бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди)*. Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир (9:60). Ҳар ким гуноҳ (иш) қилса, факат ўзининг зарарига қилган бўлур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир(4:111). Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса хам ўз зиёнигадир. Раббинингиз баандаларга ноҳаклик қилувчи эмасдир. (41:46) Афвии (қабул қилиб) олинг*, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг! (7:199). Эй, имон келтирганилар! Аллоҳга итоат этнингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этнингиз! Борди-ю, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва Пайгамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир* (4:59). Эй, имон келтирганилар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аник душмандир (2:208). Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз хам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!* Албатта, У Эшитувчи ва Билувчиидир (8:61).

«Ас-Сахифа», шак-шубхасиз, пайтамбарнинг ижоди бўлиб, у Мухаммад (сав) сиёсий ва дипломатик маҳоратини намоён этган йирик ҳужжатdir. Шуниси эътиборга лойикки, яхудийлар билан шартинома имзоланган пайтда Мухаммад (сав) мусулмонлар ва яхудийларни айри-айри динга эътиқод килувчи мўминлар жамоаси, деб хисобларди. Бу хам ҳужжатнинг асллигини исботловчи ён яхши давлатлардан биридир, зеро кейинчалик мусулмонлар билан яхудийларни бир жамоа, деб хисоблаш бирорта фалсификаторнинг аклига келмасди.

Европа тадқикотчилари бу ҳужжатга учча тўғри бўлмаганиравиша «Мадина конституцияси» деб ном беринган. Покистонлик профессор Хамидуллоҳ эса буни том маъниода тушуниб ва шу фикрга асосланиб, ўзининг 1959 йил эълон килган мақоласидаги Мухаммад (сав) инсоният тарихидаги биринчи конституциянинг муаллифидир, деб таъкидлаган. Мухаммад (сав)нинг буюк сиёсий ва дипломатик истеъодидини тақдирлаган ҳолда биз уйдай демаган, балки ўша вужудга келган вазиятда “ас-Сахифа” Мадина шаҳар-давлатининг асосий қонуни вазифасини бажарди, деган бўлардик.

Шуни эслатиш жоизки, «ас-Сахифа»да Хазражининг бенита йирик уруги - бану Авф, бану Сотида, бану ал-Харис, бану Жунам ва бану ан-Нажжорлар алоҳида кайд этилган ҳолда Авенинг йирик урутларидан факат иккитаси - бану Амр бин Авф ва бану ан-Набит зикр этилган, колганилари эса бир ном билан бану ал-Авс деб келтирилган. Бу ўша вакт, яъни «ас-Сахифа» ёзилган пайтда Ясирида ислом қай даражада карор тонганини аник акс этиради. Зоро, Хазраж ургулари тўла равишда исломни кабул килган, хатто мўмин бўлмаганилари хам зоҳирий тарзда янги динга кирганди. Авс ургулари эса юкорида зикр этилган икки уругдан ташқари нисбатан кеч, аниқроги, Ҳандак урушидан сўнг (627 й.) мусулмон бўлдилар. Шунингдек, «ас-Сахифа»да араб қабилалари билан дўстона муносабатда бўлган кичик яхудий ургулари тилга олинган ҳолда шаҳардаги уч йирик яхудий қабила - бану Қайнко, бану Надир ва бану Қурайза - умуман эслатилмайди. Сабаби - улар исломга нисбатан адоватда бўлдилар, унга карши ташвиқот олиб бордилар. Шундай бўлсада,

«ас-Сахифа»дан яхудларнинг янги тартибини қабул қилиш орқали давлат таркибига киришилари мумкинлигини кўзда тутган умумий банд ўрин олди. Даҳҳакиат, кейинчалик мазкур ҳужжатга илова килинган шартномаларга кўра бу қабилалар давлатга кирди.

«Ас-Сахифа»дан кўзда тутилган биринчи мақсад - Мадина шаҳрида хижранинг дастлабки даврларида вужудга келган ижтимоий ва сиёсий ҳётни қонуний асоела солини, олдинигига нисбатан ўзгариб янгитдан қарор топган ёки ўзгаришсиз қолдирилган қонуни-қондаларни ҳужжатлаб қўйиш эди. Унбу ҳужжат мусулмон жамоасига аник сифат берди. Унга кўра Қурайш ва Ясириб мўъминлари ва мусулмонлари, уларга эргашганилар, уларга қўшилганилар ва улар билан бирга жангларда қатнашганилар алоҳида бир умма (жамоа)ни ташкил киладилар. Бу ерда «умма» сўзи қадимги, неси-насад билан боғлиқ араб жамоасини эмас, балки мутлақо янги маънини англатяптики, эндиликда пайтамбар умуман қабилачиликка ёки хеч бўлмаганда унинг давлатга нисбатан расмий мақомига барҳам берди, дейиш мумкин. Бошқачасига айтганда, пайтамбар чекланган қабилачилик даражасидан юкори кўтарила олди ҳамда янги дин ва янги давлат бир хил маънио қасб этишига эришиди. Бу ўз навбатида иккаласи учун ҳам кенг истиқболлар очиб берди. Айтиши керакки, бундай тушунча қадимги Юнон ва Рим олами учун батамом янги эди. Христиан индивидуализми хукмон бўлган бу оламдан фарқли ўларок Мадинада «умма»нинг ташкил топиши мусулмон универсализмига қўйилган ўзига хос биринчи қадам деб қарамок керак.

Албатта, «ас-Сахифа»даги «умма» диний тусга эга эди. У - тинчлик, қўшинини ҳимоя қилиш ва мазлумга ёрдам қўйини чўзиш каби тамойилларга амал килувчи Аллоҳ жамоасидир. Аллоҳ номидан бу жамоага Мухаммад (сав) раҳнамолик қиласи. Имон - мўъминларда ўз ифодасини топган иттифоқлик риштасидир. Демак, мўъминлар биринчи навбатда бу иттифоқка амал қиласидар ва бу ҳукуқдан фойдаланадилар. Шунингдек, «умма» Мадина шаҳрини ўз ичига олган умумий минтақани ифодаларди. У ҳаром

(муқаддас) ва тинч ер хисобланиб, унинг ичилга бирор киши бошқа кимсага адоват қилиши мумкин эмас. Демак, умма факат мўъминларнингина ўз ичига олмай, уларга ёргашгандар ва улар билан жангта киргандарни ҳам, яни Ясерибининг барча ахолисини камраб оларди. Тўтири, уларнинг ҳуқук ва вожиботларини бир хилла леб бўлмасди. Яна шунун таъкидлари жонизки, умма Мадинанинг барча тоифаларидан иборат бўлсанда, у якка шахслардан эмас, балки жамоалар - қабила, урутлардан ташкил тоғанди. Шунинг учун «ас-Сахифа»да у ёки бу қабила илгари қандай бўлса, шундайлигича уммага киргани эътироф этилади. Худди илгаригидек, қабила ва урутлар бож-хирож, асиirlар учун хун тўлаш, қабила химоясига (жор) олини қаби масалаларда ҳукукларини саклаб қолдилар. Ҳар бир шахе бегона кишини ўз химоясига олиши мумкин эди, аммо бундан факат Қурайн ва унинг тарафдорлари маҳрум қилинди.

Ички низолазрни бартараф қилини вазифаси умма тасарруфига ўтиши билан баробар қабилаларнинг қасос ҳукукини бекор қилини зарурати туғилди. Шунинг учун хам «ас-Сахифа»да бирор масалада ихтилоф чиқиб колгудек бўлса, албатта Аллоҳга ва унинг расули Мухаммад (сав)га мурожаат этиши шарт қилинди. Бу ўз навбатида секин-аста якка шахе томонидан қасос олиш ҳукукининг давлат томонидан жазо берини вазифасига айланишига имкон яратди.

«Ас-Сахифа»нинг иккитчи мақсади - ташқаридан бўлалиган ҳар қандай ҳужумга қарши қабилалар иттифокини тузиши эди. Шу боисдан мўъминлар бошқа одамларга эмас (дувна ан-Нос), бир-бирларига ёрдам бериши катъий шарт қилинди. Илгари «уруш» ва «қонга-қон қасосини олиши» бир ҳил маънони англатган бўлса, энди уруш том маъноси билан урушга айланди, яни у бутун жамоанинг умумий иши бўлиб қолди. Худди шунингдек, тинчлик масаласи ҳам якка шахсларнинг ишидан умумжамоа вазифасига айланди. Дастлаб бу чеклашларга кўнишибироз кийин кечди, аммо эътиқод мустаҳкамлана борган сари қонун-коидалар ҳам такомиллашаверди.

«Ас-Сахифа» кабул қилингач, пайғамбарнинг сиёсий вазифаси асосан Мадина давлатининг ҳудудини саклаш ва унинг ҳавфсизлигини таъминлангандан иборат бўлди. Мухаммад (сав) сиёсатини тўғри идрок этиш учун шу нарсани унумтаслик керакки, Мадина шаҳри ва унинг атрофи яхлит давлат деб қаралиб, бошқалар билан алокаларни факат пайғамбар жорий этган янги шартларда, боликачасига айтганди, факат исломни қабул қилиш ёки унга бўйснини орқалигини ўринатиш мумкин эди. Мадинанинг мақомини кучайтириши мақсадида унга хижрат қилиш (кўчиб ўтиш) янги давлат фуқаролигини олишининг асосий шарти қилиб белгиланди. Исломга кириш ва Мадина фуқароси бўлишини истаган ҳар қандай шахс албатта Мадинага кўчиб ўтиши керак бўлди. Қуръонининг ал-Анфол сураси 72 ояти айнан шу мазмунидандир: “Албатта, имон келтирган, хижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстлирлар. Имон келтиргану, лекин хижрат қилмаганлар, то хижрат қилмагунларига қадар, улар билан дўстлик қилини сизлар учун жоиз эмасдири. Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам берини сизнинг зинманингиздадир. Илло, ўрталарнингизда (урушмаслик ҳақида) аҳдлашув бўлган қавм зиддига (ёрдамлашиш жони) эмас. Аллоҳ қилаётган амалларнингизни кўриб турувчиидир”. Аммо яна бир бор таъкидлаймизки, бу – давр талабидан келиб чиқкан, Макка фатхидан сўнг бекор қилинган, вақтинча кўрилган чора эди.

Мусулмонларни янада жипслаштириш, ўз таълимотини бутпарамстлик анъаналарига нисбатан юксакликка кўтариш мақсадида Мухаммад (сав) янги шаклланатгани мусулмон маросимчилигига катта эътибор қаратди. Мадинада ва умуман Арабистоннинг Маккадан бошқа шаҳарларида ҳарам йўқ эди. Мусулмонларнинг сони кескин ортганлиги сабабдан бирон-бир хусусий уйда жамоат намозини адо этиш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун Мадинада улкан масжид қурилиши бошланиб, у ярим йилда битказилди. Масжид

Мухаммад (сав) ва саҳобаларнинг севимли жойига айланди, кўпгина масалалар шу ерда ҳат этиладиган, беш вакт намоз билан бирга таҳорат ҳам айнан шу ерда амалга ошириладиган бўлди.

Ҳар бир кишининг ётиқоди масаласи ишаригидек унинг шахсий иши бўлиб колаверди, ҳеч ким мажбуран янги динга киритилмади. Аммо астасекин бутинастлар ётибордан колабонладилиар. Қабила оқеоколларнинг ишларига очиқласига дахл килинимасала. Уларнинг обрў-ётибори пасая борди. Хуллае, Мухаммад (сав) “ас-Саҳифа”нин биронига бандига риоя килмади, лейишга ҳеч қандай ўрин йўқ эди. Жула кийин кечган илк Мадина даврида Мухаммад (сав)нинг дахоси шахарда ибрат килса арзийдиган тартиб-интизом ва “умманин” якин келашинни таъминлаганида ўз ифодасини тонди. Бутун Арабистон кучларини тўйлаб, Мухаммад (сав)га карни йўналтиришга колир бўлган тузни таники душман – аёвсиз Курайшининг мавжудлигини ётиборга олсак, Мадинада бундай тинчлик хотиржамликка эришини жуда зарур эди.

Маъруза 13. Макка ва Мадина ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар. Бадр жангига.

Табиийки, шахар-давлат, айниқса, баъдани аҳоли билан ўралган шахар, ўз атрофи билан муайян муносабатларсиз яшай олмайди. Бундай шахар олатда кўнини баъдани қабилалар ўхтин-ўхтин уюштириб турадиган хужумларни бартараф килиш учун улар билан сулҳ тузиши, уларга итова (солик) тўланиш, вакти келса, зарба берини керак бўларди. Пайғамбар шу максадда бир неча бор куролли гурухларнинг шаҳардан ташкарига чикиниларни уюштириди. Сарийя (кўплиги-сароё) деб ном олган, батзиларига пайғамбарнинг ўзи раҳбарлик килган ва бошқалари саҳобалар томонидан бошқарилган бу чикиниларнинг сони дастлабки икки йил ичида, яъни Бадр жангига юз берганга кадар, 8 тага етди.

Ётиборсан ўрта аср тарихчилари Ат-Табарий, Иби Касир ва ал-Вокидийлар сарийяларни пайғамбар ва Макка ўртасидаги кураш билан боғлиқ, бевосита ҳарбий максадларни кўзлаган урушлар деб эслатадилар ва уларга нишбатан “газот” сўзини ишлатацилар. Мисрининг таникли ота-бона тарихчилари Ҳасан Иброҳим Ҳасан ва Али Иброҳим Ҳасанлар “сария” сўзига галити таъриф беринган: тўёб, бевосита Пайғамбар раҳбарлигидаги амалга оширилган чикинилар “газот”, саҳобалар раҳбарлигидагиси “сария” эмиш. Ҳатто ўрта аср араб тарихий адабиётидаги пайғамбарнинг ҳарбий юришларига багиниланган “ал-Магозий” деб аталган маҳсус жаңр пайдо бўлди. Агар биз “газот”, “магозий” сўзлари “босиб олиш”, “эгаллаш” каби маъноларнинг аинглатишини ётиборга олсак, бундай таъриф унчалик тўғри эмаслигини кўрамиз. Фикримизча, илк ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар, хусусан, “сария”ларни бундай талқин қилиш, “кош кўяман деб кўз чикаришдай” гап.

Аслида, бу чикиниларни “ҳарбий” деб атаганимизда ҳам улардан асосий максад –ички жабҳани мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, колаверса, ташкаридан уюштирилиши мумкин бўлган хужумнинг олдини олиш эди.

Тўғри, хижратдан олти ой ўтгач бошланган “сария”ларнинг вазифаларидан бири «Ло тужжора Қурайш ва ло амволахо» (из бирорга Қурайш савдогари ва на уларнинг молларига ҳомийлик килимаслиқ), деган «ас-Сахифа»нинг шартига кўра. Қурайш савдосининг янги давлат еридан ўзининг тўскинилик килиш бўлган. Бу Яериб давлатининг суверенитети доирасига киради. Қурайш ва боника кўшини қабилаларни янги давлат чегаралари мустаҳкам экани, унинг суверенитети хурмат килинини лозимлиги ҳакида огохлантириб қўйини учун керак эди, бу ишлар. Қурайшига иисбатан ўжарлик ёки у билан урушини учун эмас, балки янги давлатни тан олдириши ва у билан иттифок тузинига мажбур килиш учун савй-харакатлар эди, булар. Найгамбар Қурайшининг араблар орасида тутган алоҳига ўрнини жуда яхни билар, у билан иттифоқ ислом иши учун қанчалик катта ахамиятга эканини доим ёдда эслар эди. Ўзи хам асли шу қабиладан бўлган Мухаммад (сав)нинг Қурайшига иисбатан хурматини бир мисодда яккот кўринимиз мумкин: 624 йил Бадр жангиде эришилган галабадан сўнг ёни бир ансорий турурланиб: “Нима билан табриклиянисизлар ўзи? Бундай карасак, одимизда худди ҳаж пайтида курбонликка келтириладиган кўйларга ўхнасан тенакал чоллар турибди, сўйдик-кўйдик”, дегандা. Найгамбар: “Йўқ, жигарим, улар Қурайшининг аслзодалари эди. Агар сен уларнинг Маккада қилган ишларини кўрганингда, ўз қилган ишингдан хижолат тортган бўлардинг”, деб танbih берганди. Хулас, найгамбар Қурайш билан урушинига эмас, балки сулҳга интиларди. Айни вактда у янги давлатининг кучини намойиш этиши, ўз еридан бирорта тожир ёки босқинчи ўтишига асло рухсат берилмаслигини исботлаш тадбирларини кўрди. Шу нуткан назардан, шубҳасиз, сарийялар Макка савдоси учун очикдан-очик таҳдид солди. Аммо улар олдига карвонларга хужум килиб, молларни мусодара қилиш вазифаси кўйилган эмасди. Демак, агар Макка зодагонлари ўзларининг молларини эсон-омон Шомга ёки Эронга этишини истасалар, энди юзага келган вазиятни, ўртада Мадина билан келишиш зарурлигини хисобга олишлари керак эди.

Замонавий муаллиф Сафиюрраҳмон Муборакфурий ўзининг Пайнамбарга багишланган “Ар-Рахиқ ал-Махтум” номли биографик асарида “сария”лар масаласига тўхтаб, улар, ҳозир биз таъкидлаган маънода, биринчидан, “истикиоф”, янни Мадинага ташкаридан келадиган хужум эҳтимолидан хабардор бўлиш, русласига айтганда, “разведка” мақсадида, иккинчидан, Мадинага янни турган бадавий қабилалар билан сулҳ-шартномаларга эришини, учинчидан, Мадина мушриклари, яхудлари ва атрофдаги бадавийларга янги давлат қаидай кучга эга эканини кўрсатиб қўйини ва, ниҳоят, Қурайшини юзага келган янги ҳолат билан хисоблашиш, Мухаммад (сав)га иисбатан жангари сиёсатини ўзгартириши лозимлиги ҳакида огохлантириш мақсадларига хизмат қилиган, деб ёzáди.

Унбу чиқишлилар тафсилотига бироз тўхталадиган бўлсақ, уларнинг 30 кинийдан таникил тоғган биринчисига Ҳамза нахлавон раҳбарлик қилинди. 623 йилнинг март ойида Шомдан қайтётган карвоннинг йўлни тўсенига чиққан бу сария Қизил денгиз якниидаги Сайф ал-Баҳр деган жойда Абу Жаҳл бошлиқ 300 кишилик Қурайш аскарига дуч келди. Ҳар икки тарафга хам “халиф” бўлган Маждий иби Амр аралашиб, томонлар ҳатто биронта камон ўқи отмасдан, ажрим бўлишиди. Апрел ойида ташкил қилинган 60 кишилик Убайда иби Ҳорис бошлиқ иккичи сария Қизил денгиз якниидаги тогда 200 кишидан иборат Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима бошқарган Қурайш аскарига йўлиқди. Бу сафар хам уруш бўлмади ва сария тинчгина Мадинага қайтди. Қизиги шундаки, бу сафар маккаликлардан икки киши исломни қабул қилиб, Мадина томонга ўтиб кетди. Май ойида Саъд иби Абу Ваккос бошчилик қилиган 20 кишилик учинчи сария умуман қурайшликлар билан тўқнашмай, Мадинага қайтиб кетди. Шу йилнинг август, сентябр ва декабр ойларидаги чиқишлиларга бевосита Мухаммад (сав) раҳбарлик қилган бўлсада, на Қурайшининг карвони ва на аскарини учратмади, аммо муҳими, Мудлиж ва ад-Дамра исмли бадавий қабилалар билан ўзаро хужум кильмаслик ҳакидаги шартномалар имзоланди. Сентябр ойида Фиҳр қабиласи Мадина яйловларига бостириб кирганилиги учун қаттиқ жазоланди. Зикр

этилган сариялар натижасида деярли хечкандај үлжак күлигә киритилмаган бўлсада, уларнинг ўзига хос ахамияти бор эди. Биринчи навбатда Курайшга ҳам, бадавийларга ҳам мусулмонлар курашига тайёр эканини кўрсатилини керак эди, бу сариялар. Бадавийлар эди Мадинага ҳужум килини тутул, нейтрал мавкени эгаллани улар учун афзал эканини тушунишиди. Айни вактда Мадина учун ўзига хос харбий тайёргарлик вазифасини ўтаётганди, бу чикишлар. Чамаси, Мухаммад (сав) бундан ортик нарсанни мўлжалламаётган эди ҳам. Аммо иккинчи хижрий йислининг Ражаб ойинда, яйни 624 йилининг бошида юз берган Нахла ходисаси воесалар жараёнини батамом ўзгартириб юборди.

Абдулло иби Жаҳн бошлилик килиган мусулмонларнинг таҳминиан 8-10 кинидан иборат кичик группи Макка билан Тойиф оралигидаги Нахла деган жойга етиб борди. Сафар олдидан Пайгамбар иби Жаҳнга Мадинадаги яхудлар ва “мунофикалар” сезиб қолмаслиги учун ёник хат тошириб, икки кундан сўнг очишни буюрганди. Хатда Маккалаги аҳвол хусусида маълумот олиб келиш ва асло жанг қилмаслик тайинланган эди. Мадинадан 500 километр узокликда Макка яқинидаги 10 киниллик грухининг жанг қилиши умуман мантиқка тўғри келмайдиган иш эди, ўзи! Аммо сарийя вакиллари эслатилган Нахла деган жойда Тойифдан Маккага 5-6 кун майиз ва тери олиб келаётган 4 кинидан иборат Курайшининг кичик бир карвонига дуч келди. Улар Пайгамбарнинг кўрсатмасига зид равишда карвонга ҳужум килдилар, бир кишини ўллириб, икки кишини асир олдилар, тўртинчиси эса Маккага кочиб кутулди. Шундан сўнг гурӯх зудлик билан үлжак ва икки асири олиб Мадинага қайтди.

Пайгамбар бу ишдан хурсанд бўлмадилар, аксинча, уларни койидилар, чунки, юкорида айтганимиздек, воеса урушлар манъ қилинган Ражаб ойида содир бўлган, бу эса мусулмонлар ва биринчи навбатда Пайгамбарга дод туширади. Худди кутилганидек, Макка мушриклари, Мадинадаги яхудлар ва мунофикалар Пайгамбарга қарши мисли кўринмаган игвогарлик кампаниясини бошлаб юбордилар. Курайшийлар шу омилдан фойдаланиб, Мухаммад ва мусулмонларни бутун Арабистон бўйлаб ёмон отлиқка

чикаришига харакат килдилар. Бу нарса амалда ўз натижасини берабошлади ҳам. Ҳатто Мадинада, мусулмонлар орасида баҳс-мунозаралар авж олиб кетди. Яхудийлар одатдаги фитна-фужурнияларини янада кучайтиридилар. Ана шундай кескин вазиятда Бакара сурасининг: «Сендан «шаҳри ҳаром» - уруш манъ қилинган ой, ундаги жанг ҳакида сўрайдилар. Айт: у пайтда жанг қилини - гуноҳдир. (Аммо) Аллохнинг йўлидан воз кечиш, унга куфр келтирини (ишионмаслик), Масжид ал-Ҳаром (яни Макка) аҳлини ундан зўравонлик билан чикарини Аллоҳ наздида бунданда каттароқ гуноҳдир. Фитна - одам ўлдиринидан каттароқ гуноҳдир. Улар (кофирилар), агар имкон тонсалар, токи диннингиздан кайтармагунча, сизлар билан урушни давом эттираверадилар...» деган мазмундаги 217-ояти нозил бўлди. Бу ерда “фитна” сўзини айнан оятининг охирги парчасидаги, яъни “улар токи диннингиздан кайтармагунча, сизлар билан урушни давом эттираверадилар”, деган маънода тушумок керак. Шундан сўнг вазият кескин ўзгарди. Пайгамбар асириларни фақат катта фидя (ўлион) эвазига кайтаринига розилик билдириди. Натижада бир асири 1400 дирхам эвазига озод қилиниди, иккинчиси эса исломни қабул қилиб, Мадинада колишини афзал кўрди.

Умуман, бу воеса ислом давлатининг сиёсатида ўзига хос бурилиш ясади, дейиш мумкин. Айни шу пайтларда ал-Ҳаж сурасининг 39-инчи, ал-Бакара сурасининг 190-инчи, ан-Нисо сурасининг 75-инчи оятлари нозил бўлдики, исломда биринчи бор «жиҳод»га, яъни муайян ҳолларда душманга қарши кураш олиб боришга изи (руҳсат) берилди. Мазкур оятларнинг мазмуни шундан далолат беради. «Зулмга учраганлари учун (унга қарши) курашаётганларга руҳсат берилди. Аллоҳ уларни ғолиб қилишга кодирдир.» (ал-Ҳаж, 39); «Сизларга қарши урушаётганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (аммо) ўзингиз (хечқачон биринчи бўлиб) тажовуз килмангиз. Аллоҳ тажовузкорларни ёқтирамайди.» (ал-Бакара, 190); «Сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ҳамда «Парвардигоро, бизни ахли золим бўлган бу шаҳардан олиб чин, бизга ўз даргоҳингдан паноҳкор, ўз даргоҳингдан мададкор бер», деб нола қилаётган бечора

эркак, аёл ва ёш норасидалар йўлида жанг килмаянсизлар?!» (ан-Нисо,75). Айнан шу «сарийя»дан сўнг Мухаммад (сав) Курайшга муносабатни кескин ўзгартирини зарурлигини аннади. «Лидишининг оти кўркок», деб тушунётганди, Қурайинийлар Найзамбар сиёсатини. Эди ёш мусулмон давлати ўз чегаралари даҳлесизлигини химоя килиш учун куч ишлатишга мажбур экани аён бўлиб колганди. Аммо шу нарсанни катъян таъкидлаш жойизки, нафакат сарийялар, балки кейинчалик юз берган катта тўқиашувларда хам Пайгамбар хеч қачон ҳужумкор мавкени оғалламаган. Бу нарса Бадр. Ухуд. Хандак жанглари хамда Макка шаҳрининг олинишида яққол намоён бўлди.

Иккала шаҳар-давлат ўртасидаги куран тағсизотларига киришдан аввал улардаги ички ахволига назар ташлани зарур, зеро ички муаммоларнинг қайларажада оқилона ҳалт этилгани пировард натижада у ёки бу томоннинг устуниликка эришишида мухим омил бўлиб хизмат киларди. Яериб давлатининг ички ва ташки душманлари мавжуд оди ва улар воқеаларга бефарқ караб турмалилар. Ички душман икки тоғфани ташкил киларди: биринчиси-яхудлар, иккинчиси-Аус ва Хазраж қабилаларидан кўнчилик катори исломга кирган, аммо аслида ўзларининг ёки динларида колган, ислом адабиётида «мунофиқлар» деган номни олган шахслар эдилар. Ташки душманларга келсак, улар биринчи навбатда Қурайш ва у билан иттифокда бўлган араб қабилаларидан ташкил тоғанди.

Яхудлар ластлаб Пайгамбардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб кўрдилар. Пайгамбар хам ўз навбатда вазиятни тўғри идрок этган холда улар билан яхши муносабатда бўлди. Бунинг ёркин далили - «ас-Саҳифа»да яхудларнинг ҳуқук ва вожиботлари аниқ кўрсатилганидир. Аммо тез орада манфаатлар ўзаро муштарак эмас, балки зид экани аён бўлди. Яхудларнинг пайгамбарга адовати шунчалик кучли эдикӣ, Қурайшийлар уларнинг Маккага музокарага келган вакилларидан «Мухаммад тарғиб килаётган дин афзалми ёки қурайш диними?» деб сўраганларида, «курайш дини афзал ва ҳақиқат унинг томонида» деб жавоб

берганлар. Бундай мавқе мантиқка хилоф эди, зеро ўзлари якка худоликда бўла туриб, улар кўп худолик, бутинастлик тарафини олгандилар. Бу хол ан-Нисо сурасининг 51-оятида каттиқ коралэнгани: “Китоб (Таврот)дан насибаюр бўлганларнинг «Жибт» ва «Тогут»га сингнишларини ва кофирларга «Шулар мўминлардан кўра тўғрирок йўлладир» дейишларини кўрмадингизми?!”. Яхудларга хуш келмаган яна бир нарса - Пайгамбар туфайли Яерибда арабларнинг мавкеи янада кучайганди. Бунинг устига Қурайш ва боинка араб қабилаларидан исломни қабул қилиб, сўнг Мадинага хижрат килувчилар (мухожирлар) сони кун сайн ортиб борар, бу эса ўз навбатида кучлар ишбатини узил-кесил араблар фойдасига ҳал қиласиди.

Мадинадаги иккичи ички душман бу - Хазраж қабиласининг раҳбарларидан бири Абдулло бин Убай бин Саллул бошлиқ бўлган мунофиқлар, яъни зоҳирин исломга кирган, аммо амалда унга қарши тоифанинг мавжудлиги эди. Ган шундаки, Буос жангидан сўнг Аус ва Хазраж қабилалари ўзаро муросага келабошлигани, зикр этилган Абдулло бин Убайнин шаҳарга умумий ҳоким этиб сайлаш тараддуни кетаётган пайтда мусулмонларнинг хижраси юз берганди. Табиийки, шундан сўнг шаҳардаги вазият батамом ўзгарди. Абдулло эса ўзига хос «мунофиқлар партияси»ни тузиб олди ва Исломга қарши зимдан иш олиб борди. «Мунофиқлар»ни шаҳардан бадарга қилиб бўлмасди, чунки уларда уругчилик-қабилачилик кайфияти кучли эди. Айнан шу сабабга кўра уларни жисмонан йўқ қилиб хам бўлмасди. Умар иби ал-Хаттоб бани Мустаълиқ жангидаги фитна уюштиргани учун Абдулло бин Убайнинг катл қилинишини талаб қилганда Пайгамбар бунга унамаган ва «мусулмонлар мусулмонларни катл қиляптилар, дея жар солишади, душманлар»-деганди. «Мунофиқлар» орасида ўз шаҳри учун фидоий кишилар хам кам эмасди. Пайгамбар шундай кучлардан оқилона фойдаланди. Бу сиёсат пировардида шунчалик натижага бердики, Абдулло бин Убайнинг ўғли агар пайгамбар амр қилса, ўз отасини катл этишга тайёр

эканини эълон қилганди. Яхуд кабилалари шахардан бирин-кетин бадарга килингач, «муноғіктар»нинг тасири хам аста-секин сусайди.

Маккалати ички холатта келсак, у Яерибдагига карағанда мураккабрек әди. Биринчидан, Ҳабашистен ва Яерибга мусулмонларнинг хижраси туфайли Маккада у ёки бу аъзоси күчіб кетмаган биронта оила қолмаган әди. Қариндош-урұгчылық риңгатлари маҳкам бўлган Макка жамиятида бу оғир муаммо әди. Иккинчидан, муайян сабабларга кўра барча мусулмонлар Маккадан хижра килишга ултурмаган, уларнинг бальзилари шахарда қолиб кетган, турли тазийкларга учраш билан баробар, имкон даражасида қаршилик хам кўрсатиб келаётган әдилар. Учинчидан, Аббос каби Ҳошимийлар хонадонининг нуғузли вакиллари ислом динига кирмаган бўлсаларда, қариндош-урұгчылық туфайли матнавий жихатдан Мухаммад тарафида әдилар ва кези келгандан уни қўллаб-кувватлаб турардилар. Қурайш зодагонлари уларни шахардан бадарга килингана колир әмасдинлар ва мазкур холат билан хисоблашишдан болика чоралари йўқ әди. Нихоят, Макканинг иккисодий хаёти асосан шимолий йўналишидаги карвои савдоси билан боғлиқ әди. Мадина бу савдога тўскилий қилгач, Макканинг құдрати кундан-кунга сусая борди.

Пайғамбар Яерибда ўз давлатини барпо қилган дастлабки даврдаёқ Қурайш бунга бефарқ караб турмаслигини, улар ўргасида уруш бошланиши мұкаррар эканини жуда яхши биларди. Шу боисдан «ас-Сахифа»да Қурайшга доир маҳсус банд киритилган бўлиб, унга кўра Қурайш, таъбир жойиз бўлса, Мадинанинг биринчи душманни деб эълон килинганди («ас-Сахифа» аҳлига қурайшининг на моли ва на жонига ҳомийлик қилиш ман этилади). Маккага қарши кураш дастлаб «сарийя»лар воситасида олиб борилди. Аммо бу усул фақат Макка савдосига шикаст етказиши мумкин әди, холос, ниҳойи галаба учун бу камлик киларди.

Орадан 3-4 хафта ўтар-ўтмас, бунга қулай фурсат хам пайдо бўлди. Абу Суфён бошлигидаги маккаликларнинг 1000 тудан таркиб топган, 50000 динор қийматга тенг мол ортилган, шу жумладан маккаликлар учун

кattагина мисюрда қурол-ярғ олиб келаётган, атиги 70 киши томонидан кўрикланаётган карвои Шомдан кайтаётгани ва Яериб ҳудудидан ўтажаги ҳакида Мухаммад (сав)га хабар келди. Пайғамбар бу карвоининг йўлини тўсимига карор қилди. Аммо карвои чап бернига ултурди, мусулмон аскари эса Қурайшининг катта кучи билан Бадр жангидага тўқнашишига тўғри келиб колди. Мавзумотлар далолат беришича. Пайғамбар бу сафар хам уруш мақсадида әмас, балки карвоибоши Абу Суфён билан музокара қилишни мўлжаллаганди. Илгари “ийлоф” тизими бор әди. Энди янги, бошка бир тизимга ўтиш керак әди. Агар Абу Суфён муайян шартларга кўнимаса, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, мол конфискация қилинниши эҳтимоли хам йўқ әмас әди. Аммо воқеалар бошқача тусда кетди. Карвои беникаст Маккага етиб келган, агар мушриклар катта куч билан Бадрга келмагандарига умуман жанг бўлмасди.

Шу ерда бир мухим масалага эътибор берин жоиз. Бадр жангигача содир бўлган 8 «сарийя»нинг бирортасида ансорлар қатнашмаган, барчаси факат мухожирлар интироқида амалига оширилганди. Бадр жангидаги биринчи бор ансорлар хам қатнашилар. Ҳатто улар кўпчиликни ташкил килдилар: мухожирлар 75-80 кинини ташкил қилган холда ансорлар 230 дан ортик бўлдилар (Хазраждан-170 ва Авсдан-60). Гап шундаки, биринчи ва иккинчи Ақаба аҳдиомаларига кўра ясибликлар Пайғамбар ва унинг жамоасини ўз химояларига олишга вайда бергашилар. Лекин Қурайшга қарши урушишга келинишламаганди. Бироз кейин «ас-Сахифа»да ясибликлар учун Қурайшга ҳомийлик қилиш манъ ўтилди. Аммо бу хам ҳали Қурайш билан уруш дегани әмасди. Давлат суверенитети ва чегараларининг даҳлсизлиги тушунчалари ясибликлар оигига вакт ўтиши билан аста-секин сингиб борди. Нихоят, қурайшийларнинг шимолга зўравонлик билан Яериб ерларидан ўтишда давом этишлари уларни ўз худудларининг химояси учун қўлга қурол олишга мажбур қилди.

624 йил 20 февралда (рамазон ойининг 17 кунида) юз берган Бадр жангига такдир такозоси билан биринчи мусулмон давлати учун ҳал қилувчи воқеа

бўлди. Кучлар нисбати тенг бўлмагани боис Найгамбар ансорлар билан аниқ маслаҳатта келишиб олиши зарур эди. Бану Аве кабиласининг раҳнамоси Саъд бин Муозз вазиятни тўғри тушунган холда Найгамбарни тўла қўллаб кувватлади. Абу Жахл раҳбарлик килиган Курайши аскари 1000 жангчи, шундан 100 таси отлик ва 700 таси туюнганинг бўлса, мусулмонлар 300 дан ортикрок жангчи, 70 туюнганинг 2 отдан таркиб тонганди. Мухаммад (сав) Бадрга келганида карвон кутулиб кепанилтўкинини керак бўлган Курайш аскари уч баробар кўп экани маълум эди. Мусулмонлар аввало қулай мавқени өгаляб олдилар, сўнг Найгамбарнинг буйруқтарини беками-кўст эдо этдилар. Дастилаб майдонга икки тарафдан яккана-якка урушиш учун учтадан жангчи чикди: Нахлада ўлдирилган ал-Хадрамийнинг қасосини олини максадига муніприклардан - Утба иби Рабиъа, акаси Шайба ҳамда ўғли ал-Валид, уларга карни мусулмонлардан Убайдла иби ал-Хорис, Али, Хамзалар майдонга тушдилар. Али ва Ҳамза тез фурсатга ракибларидан галиб келдилар, карни Убайдла эса жароҳат олди. Сўни бошланиб кетган жанг таксирини биринчи наубатда мусулмонларининг юксак манавий-гоявий руҳи ҳал килди, дейин мумкин. Умайра иби Ваҳба бошлиқ маккаликларининг отлик кисми бошлаган биринчи хужум самара бермади. Ниёда қисемларининг хужуми ҳам зойи кетди. Абу Жахл ва унга кариндошлиқ юзасидан якин бўлган Абдаш-Шамс ва Махзум уругидан энг жанговар аскарлар ҳалок бўлиб, байроқдорлар асир олингач, маккаликлар тартибсиз равишда кочабошладилар. Пировардиде пешинга якин жанг мусулмонларининг тўла галабаси билан тугади. Курайшининг доингдор зодагонларидан 70 кишин ҳалок бўлди ва яна 70 киши асирга тушди. Шунингдек, талайтина бойлик ва от-улов ўлжа бўлди.

Эртаси куни Сафра дарасидан ўтиб, душман қарши хужум қилиб колиши мумкинлигидан хотиржам бўлгач, мусулмонлар олинган ўлжани тақсимлашга тушдилар. Мухаммад (сав) Зулфакор деган номга эга энг яхши килич ва АбуЖахлга тегишли бўлган тезчопар туюни ўзига олди. Қолган ўлжа жанг иштирокчилари ўртасида тенг тақсимланди. Узрли сабабга кўра

жангда катишаолмаганилар ҳам ўлжалик бўлдилар: Пайгамбарнинг күёвлари Усмон иби ал-Аффон, бетоб аёллари Рукайё билан қолганлари учун, Бадрга кетаётib ёғини синдириб олган бир аскар, бевосита жангда катиашмаган разведкачилар. Икки отлик икки хисса қўшимча ўлжа олдилар. Ўлжанинг тенг тақсимланиши қабила оқсоқолларига хуш ёкмади. Бунга жавобан ал-Анфол (Ўлжалар) сурасининг оятлари нозил бўлди. Суранинг бошланиши: “Сиздан (эй, Мухаммад!) ўлжалар хақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Аллоҳ ва Пайгамбарникидир. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ораларингизни тузатингиз! Агар мўмин бўлеангиз, Аллоҳ ва (Унинг) расулига итоат этингиз!”

Шу суранинг 41-оятида ўлжанинг тақсимланиш тамойили аниқ баён қилинган: “Агар Аллоҳга ва ажрим куни – икки қўшин тўқнашган куни бандамиз (Мухаммад)га нозил қилган нарсамиз (оятлар, фариннатлар, галаба)га имон келтирган бўлеангиз, билиб қўйингизки, ўлжа қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Аллоҳга, Рауулга, кариндош(лари), етимлар, мискинлар ва мусофиirlарга (тегишли)дир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.” Мазкур оят шарҳида шундай дейилади: “Жанг галаба билан тугаган заҳоти Мадина чопарлар юборилганди; Ирк ал-Зубя деган жойда Мадина раҳбарларидан бири галибларни табриклаб кутиб олди. Бешинчи куни Мухаммад (сав) ва унинг кетидан асирлар шаҳарга кириб келишиди. Найгамбар асирларни қатл қилишни қатъяни манъ килди; улар орасида машхур қурайшийлар, жумладан, Абу Суфённинг ўғли бор эди. Ҳатто Найгамбарнинг амакилари Аббос, икки жиянлари, күёвлари-Маккада колган кизлари Зайнабнинг эри, Абул Ос асирлар қаторида эди. Бадр жангидаги галабадан сўнг баъзи мусулмонларда ҳаддан ташқари гурур, галаба нашидаси, гўё бундан кейин доимо мусулмонларнинг қўли баланд келаверадигандек кайфият пайдо бўлди. Бундай ножӯя ҳолатнинг олдини олиш учун Анфол сурасининг қуйидаги оятларида Бадр жангни истиорий тарзда мўжиза шаклида баён қилинган: “Аллоҳнинг “икки тоифадан бири сизларнинг фойдангизга бўлади”, деб ваъда қилганини эсланг*. (Сизлар

эса) шавкатли бўлмагани сизларга бўлишини истайсиз. Аллоҳ (эса) ўз калима (амр)лари билан ҳакни ҳакка чикариш ва коғирларни төр-мор килишини хоҳтайли. Раббингизга (ёрдам сўраб) фарёд қилганингизда: «Мен сизларга кетма-кет (келувчи) минг нафар фариншта билан мадад берувчидирман», – деб (дуонигизни) ижобат этганини эслангиз! Аллоҳ (бу ёрдамини) факат (сизларга) хушхабар бўлишини ва дилларингиз таскин топиши учун килди. Галаба факат Аллоҳ хузуридангина (бўлур). Аллоҳ, албатта, қудрат ва хикмат соҳибидир. Раббингиз фариншаларга вахий килиб: «Мен сизлар билан биргадирман. Бас, имон келтирганинг саботга уйданг! Күфрга кетсанларнинг дилларига қўрқув солиб қўяжакман. Бўйинлар узра урингиз (кагъ этингиз) ва уларнинг ҳар бир бармоғига (ҳар тарафлама) зарба берингиз», – деганинми эсланг! Уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки уларни Аллоҳ ўлдирди. Отганингизда Сиз отмадингиз (эй, Мухаммад!) балки Аллоҳ отди. Мўминларни Ўзининг яхши синови билан (бир) синаш учун (шунидай килди). Албатта, Аллоҳ энитувчи ва билувчидир.

Бундай огохлантириш жуда тўғри ва ўз вактида килинганини келаси 625 йил Ухуд тогида юз берган жанг исботлади.

Ўша кунларда Пайгамбарга келган вахйларда яна бир ўғитни кўришимиз мумкин. Бошқа пайгамбарлардан фарюни ўларок Мухаммад (сав)га ҳарбий юришларда қатишиши, ўлжа ва асиirlар олиш хукуки берилди. Қадимги Аҳл ривоятларига таяниб, пайгамбарлар бундай амалларни килмасликлари керак дейдиганлар, уятга колдилар. Аллоҳпайгамбарларга ўзи хоҳлаган вазифаларни беради: аввалгиларга манъ килган бўлса, Мухаммад (сав)га нафакат рухсат берди, балки вазифа килиб юклиди.

Кўлами айтарлик йирик бўлмасада, Бадр жангига тарихда чукур из колдирган маъракалардан хисобланади. У мусулмонларнинг Арабистон ярим оролида таъсирини кучайтирган, кейинчалик мисли кўрилмаган империя пайдо бўлишига олиб келган биринчи жанг эди. Бадр жангининг таъсири Макка ва Мадинада икки ҳил кўринишда бўлди. Курайшийлар Маккага энг

иуфузли киниларидан айрилган холда қайтдилар. Бу хабарни эшитган заҳоти касал ётган Абу Лахаб жон таслим килди. Аммо тушкунлик кайфияти узок давом этмади, зоро ўша давр таомулига кўра мушриклар тезда қасос олиш чорасини кўрмоклари лозим эди. Шу боисдан Дор ан-Надвада мажлис чакирилди. 50 минг динор маблагни ташкил қилган Абу Суфён карвонининг даромадини тўлигича вакфга айлантириб, мусулмонлардан қасос олиш максадида тузиладиган аекарга сарфлаш ҳакида карор қабул қилинди. Шунингдек, ахобини, бошка иттифоқчилар ва Мадина яҳудлари билан алокалар бояланилини. Мадинада эса бу жанг шаҳар-давлатда ким асл ҳокимиёт эгаси эканини кўрсатди. Икки йил аввал Маккадан кувилган Мухаммад (сав) ва унинг сафдошлари дейрли тўла хукмронликни энди қўлга кирилдилар, дейин мумкин.

Маъруза 14. Ухуд (625й.) ва Хандак (627й.) жанглари

Пайгамбарнинг куби Усмон иби ал-Аффон Бадрдаги галаба ҳақида ўз аёли Руқайёни дафи килаётган найтда эшигиди. Мухаммад (сав) ҳатто кизларининглафи маросимига етиб келолмадилар. Руқайёни йўқотганингдан каттиқ кайтурган Пайгамбар Усмонга кейинги кизлари Умм Кулсумни никохлаб бердилар.

Ўзларига тегишли ўлжанини бендан бир кисмини Расулулло деяри барчасини кам таъминланган ва тарафдуллангаётганинг сарфлаб, қурайшийлар билан қурашинига тайёр бўлганлар сағини кенгайтирдилар. Асиirlарни озод килингига тўзсанган бадал киймати тушиган ўлжалардан ҳам ортиб кетди. Пайгамбарнинг амакилари Аббос 12 минг дирхам, Абд Шамс ва Махзум уругларидан бўлган асиirlар 4-5 минг дирхам эвазига қўйиб юборилди. Пайгамбарнинг куби Абул Осни куткарини учун Маккадан кизлари Зайнаб унга тўй куни Ҳадича она хадя килган билакузукин юборибди. Бу Мухаммад (сав)нинг кўнглини бўннатиб юборди ва у Абул Осни Зайнабни Мадинага қўйиб юбориш эвазига бўннатишига мусулмонларни кўндириди. Зайнабни ҳамроҳ бўлиб Мадинага келтирини учун Маккага Зайд жўнатилди. Тахминан 6 йилдан сўнг Абул Ос яна асирга тушиб колади. Бу сафар ҳам Зайнаб ёрдамида озод килиниб, шундан сўнг у исломни қабул килади. Бирканча камбагалиар бадалсиз озод килиндишлар ва улар мусулмонларга карши курол кўтармасликка вайда бердилар.

Мунофиллар Мухаммад (сав)нинг галаба қозонишидан манфаатдор эмасдилар. Бадрдаги галабани улар вақтинча ва тасодифий деб хисоблар, якин фурсатда Қурайш мусулмонларга қақшатгич зарба беражагига ишонардилар. Бадрдаги галаба Мадина яхудларинингюрагига гулгула солиб

кўйди. Маккада жангда ҳалок бўлган Абу Жахлининг ўрнига Абу Суфён қурайшийлар раҳнамосига айланди. У Бадрдаги маглубият мусулмонлар кучига сингилтаклик билан тўғри баҳо берилимаганида деб билар, шу сабабдан кейинги жангта пухта тайёргарлик кўриш керак деб хисобларди.

Бадр галабасидан сўнг Мадинада вужудга келган инсий сокинлик узоқ давом ўтмади. Табиийки, Арабистон бўйлаб етакчи куч хисобланиб келган Қурайш тинч турга олмасди. Орадан кўп ўтмай, Абу Суфён 200 кишилик жанговор гурух тузиб, улар тунда яширинча яхудий башни Надир қабиласининг бошлиги Саллюм бин Мушкам қўргонига келиб тушдилар, «мехмон бўлиб, еб-ичиб, сир-аэрордан воқиф бўлиб кетдилар». Эртаси кунин ортга кайтиб, мушриклар «ал-Арид» деган жойда 2 уйга ўт кўйдилар, ансорлардан бир кини ва унинг ҳалифини катл кирадилар, бир неча қоп сулини йигиб, ўзлари билан олиб кетдилар. Бу хабар етиб келгач, Пайгамбар зудлик билан тезкор гурух тузиб, Абу Суфён ортидан 40 километр наридаги Қурқур ал-Қадрғача таъкиб килиб боради. Абу Суфённинг кишилари ортикча юқдан ҳалос бўлни учун коплардаги арна ва одатда узоқ сафарга чиқилгандা олиниадиган талиқон (арабча “савик”)ни ташлаб кочган эканларки, тарихда «савик жангига» номини олган бу вожсадан сўнг Абу Суфённинг обрўси янада пасайиб кетди. Бу чоралар яхши патижга бермаслиги ва ўзларининг кучи озлигини англаган қурайшийлар энди иттифоқдош ва карвои йўлларида жойлашган қабилаларининг кучини тўплаб, 625 йилнинг баҳорига катта ва уларнинг наздида ҳал килувчи юришини тайёрлай бошладилар.

Мухаммад (сав) ҳам вақтни зое кетказмади ва биринчи навбатда Мадинада ўз мавқенини мустаҳкамлашга киришиди: унинг ҳокимиятини заифлаштиришга қаратиляган ҳарқандай ҳаракат бартараф қилинди, бирканча душманлар жазоланди. Бир вожса шаҳарнинг коқ ўртасини эгаллаб турган яхудий Қайнқоъ қабиласига қимматга тушди. Шу қабиланинг ёш бир вакили бозорда савдо килаётган мусулмон аёлга беҳаёларча ҳазил килди. Буни ҳақорат деб хисоблаган бир мусулмон эркак унга ҳамла килиб, ўлдириди. Яхудийнинг қариндошлари эса мусулмонни уриб ўлдиридилар. Шундан сўнг

бутун мусулмонлар жамоаси кўлга қурол олиб. Қайнокъга карши чиқди. Бу воқеа Бадр жангидан 1 ой ўтгач, 624 йилинин 10 апрелида содир бўлди. Бироз кечган кўча жангидан сўнг, Қайнокъ кабиласининг аъзолари ўз қўргонларига беркиниб олилар, 617 йил Буое воқеасидан Қайнокъ билан иттифоқда бўлганларнинг бирортаси ёрдамга келмади. Чамаси, камалда колган Қайнокънинг озик-овкати етарди эмасди ва 2 хафтадан сўнг улар таслим бўлдилар. “Мунофиллар”нинг раҳбари Ибн Убай катта вайдалар берган бўлсада, ундан хечқандай мадал бўлмади. Мухаммад (сав) катъий талаб кўйди: Қайнокъ кабиласи ё исломни кабул килиди ёхул Мадинани тарк этади. Қайнокъ шахарни тарк килишини ағзал кўрди. Уларнинг бўши колган уйлари мухожирларга берилиди.

Бадрдан сўнг давом этган сарияларда нисбатан кўпроқ, деярли 450 гача жангчилар катишади. 624 йилининг июнь ойидан Мухаммад (сав) Қурайшнинг иттифоқчиси, Нажд яситоғлигига истикомат килувчи Гатафан кабиласига юриш килди. Сентябрь-октябр ойларидаги хам шу сингари юришлар килиниди. Бу юришларда бирор марта жанг юз бермаган бўлсалади. улар итижасида Мадина атрофидаги кенг ерларга мусулмонларнинг иуфузи ёйилди. Шом савдоидан маҳрум бўлган маккаликлар Нажд оркали Ирокка 100000 дирхам кийматта тенг карвонни жўнатдилар. Аммо бундан хабар топган Пайгамбар сарияй юборди ва у «ал-Қарада» деган жойда карвонга хужум килди, кўриклилар бу сафар ҳам мол-мулкни ташлаб кочиб қолдилар. Асирга тушган йўлбошливлечи эса Мадинага келтирилгач, ислом динига кирди.

Нихоят, “харом килинган ойлар” тугагач. Абу Суфён Тойифдаги сақиғ кабиласи, савдо йўлида жойлашган ва Мадинага нисбатан адватда бўлган бадавий кабилалархамда “ахобийш”ни жалб килган холда 625 йил 11 март куни Мадина томон юришини бошлади. Бу сафар Бадр жангидаги бир йўла отаси, акаси ва амакисидан айрилган Абу Суфённинг хотини Ҳинд ва бошқа Макка аёллари қасос талабида юришини тайёрлашда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Аскарнинг умумий сони бу сафар 3000 киши, 3000 тую ва 200 отни ташкил килди. Жангчилар билан бирга аёллар ҳам йўлга тушдилар. 21

март куни аскар Мадинадан 10 км жануби-гарбда zu Хулайфага етиб келди. Бундан хабар топган Мухаммад (сав) кенгаш чакирди. Қизиги шундаки, Ибн Убайй аждодлар тажрибасидан келиб чикиб, барчани марказий қўргонда тўйлани, аёл ва ёш болаларни шаҳар левори устидаги иштешкомларда жойлаштириши ва дуниман билан тор кўчаларда тўқишишини таклиф этди. Пайгамбарга бу таклиф маъкул тушганди. Аммо Бадр ғалабасидан сўнг ховлиқиб колган кизиккои ўшлар шаҳар ташқаришида, очиқ жойда жанг килинни талаб килдилар. Шундан сўнг 1000 кишилик мусулмон аскари кечқуруп Қанот водийси, эртаси эрталаб эса Айнайи тогининг шимоли-гарбидаги маккаликларга юзма-юз жойлашиди. Кўн ўтмай, Ибн Убай таклифи қабул килинмаганига ўзини гўё хафа бўлган кўрсатиб ҳамда шаҳар бехимоя колди. Леган илдао билан 300 кишинини олиб, кароргоҳни тарк этди. Атиги 700 кишини колганинга карамай, Мухаммад (сав) аскарини тақтиқ жиҳатдан оқилона жойлаштириди. Мусулмонлар З байроқ остида - мухожирлар ўртада, аве ва ҳазраж икки қанотда саф тортдилар. Чап жабхада Айнайи тоги паналигига Абдулла иби Жубайр бошлиқ Қурайшнинг отлиқ қисмига карни 50 камоичи кўйилди ва уларга ҳарқандай ҳолатда ҳам жойларидан силжимаслик буориlldи. Ўнг томон сой билан химояланганди.

Одатдагидек, якка кураш билан бошланган жангда Али Талҳани енгди. Шундан сўнг оммавий тўқиашувлар бошланиб кетди. Ҳамза, Али ва Пайгамбарнинг киличи билан жанг килаётган Абу Жужжона зарбалари остида Қурайшнинг 9 байроқдори кетма-кет қулади ва уларнинг сафи бузилиб, чекина бошладилар. Мусулмонлар марказини ёриб кирдиларда, шу чоғда дуниманин таъкиб килиш ўрнига атайнин ясатиб кўйилган чодирни талашига тушиб кетдилар. Қурайш бу сафар ҳам маглуб бўлиши тайин эди, аммокамончиларнинг интизомсизлиги жараённи батамом ўзгартириб юборди. Уларнинг кўпчилиги Мухаммад (сав)нинг ўғитини унитиб, эгаллаб турган мавқеларини ташлаб, ўлжа йигишга тушиб кетдилар. Шу он Қурайшнинг отлиқ қисмини бошқарган Ҳолид иби Валид оз сонли камончиларни енглиб, майдонга ёриб кирди. Мусулмонлар мудофааланишга

мажбур бўлдилар. Мухаммад (сав) 15тacha ёнг якин саҳобалар билан мухожирлар ва ҳазражийларбайролари остида турганди. Улар еекин-аста чекина бошладилар. Айни вактда Утба иби Абу Ваккое томонидан палахмонда отилиган тоши Мухаммат (сав)нинг ўзига келиб тегди. Шу захотиёк Утбани Ҳатиб иби Абу Балгаъа катл килди. Пайғамбарнинг ўзи конаган, одд тини синган, ёғи шикаст еган, аммо катта жароҳат олмаган эди. Шу пайтда мушриклардан Иби Қумайса баланд овоз билан, Мухаммад ўлдирилди, деб хитоб килди. Мусулмонлар бир лаҳза саросимага тушиб колдилар; кимдир отликлар таъкибидан Қанот сойига кочди. Мухаммад (сав) ва бир неча саҳоба Ухуд тогининг юрини кийин бўлган дараларида беркинидилар. Ёйилиб кетган мусулмонлар теналикда йигтила бошладилар. Оғиздан-огизга “Расулулоҳ омон”, деган хүнн хабар тарқалди. Жазавага тушган Абу Суфён отида теналикка чиқиб, бир чакирим нарида тўхтади, Умар иби ал-Хаттоб баланд овозда унга: “Пайғамбар хаёт ва кейинчалик касое олади”, деб хитоб килди. “Жуда яхни, келаси йили яна Бадрда учрашамиз”, деган жавоб килди у. Нисбатан интизомли бўлган мухожирлар бор-йўги 4 кинини йўқотган ходда жанг майдонидан чиқиб кетдилар.

Курайшийлар, курашин давом эттирмаслик маъносида, туяларига миниб, отларини етаклагач, мусулмонлар ҳалок ва ярадор бўлганларни йига бошладилар: 74 киши, шу жумладан, Абу Суфённинг хотини Ҳинд ёллаган Вахш томонидан Пайғамбарнинг амакиси Ҳамза-пахлавон ҳам ҳалок бўлганди. Курайшилар уч баробар кам, яъни 24 кинини йўқотдилар. Шу ерда савол тутилади, нечун 4-5 баробар ортиқ куч ва аслахага эга бўлган Абу Суфён ўз ютугини охирига етказмади? Саволга жавобни қисман ўрта аср араб манбаларидан оламиз. Чамаси, курайшийлар катта куч билан Мадина якинида пайдо бўлиши биланок Мухаммад (сав)га карши кучлар ёппасига бош кўтаради, деб ўйлагандилар. Аслида ундей бўлмади: мусулмонларнинг фронт оркаси етарли даражада мустаҳкам бўлиб чиқди, Курайшга ёрдам беришни ваъда килган “муҳолифат” эса катта таъсирга эга эмасди. Хуллас, мусулмонлар бу сафар жангни ютқаздилар, урушни эмас.

Пайғамбар, жароҳатига қарамай, мусулмонлар руҳиятини кўтариш тадорикини кўрди. Ухудда содир бўлган воқеалар Мухаммад (сав) томонидан ташкидий кўз билан кайта кўриб чиқилди. Улар билан боғлиқ 60дан ортиқ оятларда Пайғамбар маглубият учун масъул эмас, деган фикр уқтирилади. Аллоҳ бу сафар ҳам Бадрдаги каби мусулмонларга ғалаба ато этиши мумкин эди, аммо ғалаба якин бўлиб турган бир вактда уларнинг кўнгилларида “бу якин дунёга интиёк уйғонди” ва Аллоҳ жазо тарикасида устуниликни қурайшийларга берди. Демак, Ухуддаги маглубият Аллоҳнинг мусулмонларга юборган ўзига хос синови бўлди, яъни шу тарикада уларнинг эътиқоди синовдан ўтди. Куръонда жароҳат олган Мухаммад (сав)ни ўз холига ташлаган, Иблис кимнидир. Мухаммад ўлди, дега бакиртирганда, саросимага тушиб кочганиларни каттик коралайди. “Мухаммад – расул, унгача ҳам расуллар бўлган”, - дейилади Куръонда, - Агар у ўлса ёки ўлдирилса, оркага кайтасизларми?” “Мадинада қолганимизда, - деганди, мунофислар, - хайтимизни саклаб колардик”, “Йўқ! Саклаб қолмас эдингиз, ажал сизларни ҳар ерда топарди, уйингларнинг деворлари ичидан ҳам. Кўркоқлик ҳеч кимни куткармайди. Сизлар кўркоқ ва муртадлар сифатида ҳалок бўлардинглар, ердаги хайтингиз муддати узаймас эди, ажрига дўзах азобларини олардингиз.” (Оли Имрон, 162-163). Бу вахйларнинг хулюсаси ўлароқ Аллоҳ мусулмонларни ишонтиради, бутинастлар устидан ниҳой ғалаба факат ҳақиқий эътиқодга хиёнат қилмаганлари ва Аллоҳнинг пайғамбари ва расули Мухаммад (сав)га итоат қилганларида гина таъминланади.

Мусулмонлар учун бу биринчи маглубият ва аччиқ сабок бўлди. Безовталиқ билан ўтган тун бўйи ансорлар масжидларда навбатчилик килиб чиқдилар. Эртаси куни сахарлаб Пайғамбар факат Ухуд жангидаги қатнашган 250 (баъзи маълумотларга кўра 500) мусулмонни Абу Суфённи таъкиб қилиш учун сафарбар этди. Улар Ҳамра ал-Асад деган жойга етганларида орқада қолиб кетган икки маккаликин асири олдилар ва шу ерга вактичалик чодир тикдилар. Таъкибчилар сонини кўпайтириб кўрсатиш ва курайшийларни

чўчишиш максадида зимишон тунда 500 гулхан ёкиди. Шу зайлда 4 кун ўтгандан кейин Мадинага кайтиб кетиди. Бу тағбир, бироз бўлсада, мусулмонлар рухиятини кўтаришига хизмат килиди. Мадина атрофидаги қабилалар орасида нуфуз бироз сусайтани учун 626 йил давомида уларнинг бошликлари билан низик дипломатия ишлари олиб борилди. Хузайма, Амир б.саъсаъ, Бани муставлик ва Гатафон қабилаларига юришилар қилиниди ва уларнинг баъзи кисми исломни қабул килиди.

Амир қабиласидан хото тарзла ўлдиришни икки кинни учун мусулмонлар катта ўлони тўлашлари керак бўлди. “Ас-Сахифа”га кўра унинг бир кисми яхудий башу Надир қабиласи гарданига тушарди. Аммо башу Надир бирнечча бор ўртадаги аҳдни бузган. Курайши билан маҳфий алоқалар олиб боргани мавзум эди. Мухаммад (сав) 10 кинни ҳамрохлигига Надирийлар ерига вира (ўлонининг) бир кисмини тўлани хакила шартлашгани келди. Қабила бошликлари масалани муҳокама қилишига розилик бердилару, кутиб туришини сўрадилар. Мусулмонлар бир уй соясида узок кутдилар. Бир вакт Мухаммад (сав) ўриидан туриб, хечкимга хечніма демай, шаҳарга караб кетди. Кейинчалик, ўз уйида Мухаммад (сав) уига карши надирийлар сунқасд тайёрлагани, улар томдан тегирмон тоини ташламоқчи бўлганлари, шу максадда музокара бошлишини атайни чўзганилари хакида самодан хабар келганини айтди. Ҳатто қотилининг исмини келтирди – Амр бин Жихаш. Яна бошка талқин ҳам бор: улар Мухаммад (сав)га уч раввини ва Мухаммад ҳамда унинг икки ҳамрохи ўртасида имон-эътиқод хусусида баҳс-мунозара ўтказишини таклиф килганлар. Раввинилар ўзлари билан яширни холда ханжарлар олиб киришлари ва уч мусулмонни катл қилишилари керак бўлган. Нима бўлганда ҳам Мухаммад (сав) буларни ўртадаги аҳдномани қўпол суратда бузиш, деб баҳолаб, надирийлардан 10 кун муҳлатда Мадинани тарқ этишини талаб килди. Надир қабиласи Авс билан иттифоқда эди ва муноғиқлар раҳбари Абдуллоҳ иби Убай уруш чиққан тақдирда ёрдамга келажаги ҳамда қўшни бадавий қабилалар мадад беражагини вайда қилди. Бундан руҳланган надирийлар талабни рад қилдилар. Аммо Ибн Убай ўз

ваъдасининг устидан чикмади ва 15 ёки 21 кун қамалдан сўнг башу Надир қаршилик кўрсантиш бефойда эканини англағач, музокарага кирди. Уларга шахсий хавфензлик ва мол-мулкларини олиб кетиш кафолатланди. Надирийлар ўзларидан кейин деярли харобаларни колдириб, Хайбар томонига кўчиб кетдилар. Шундай бўлсада башу Надир қабиласидан катта ўлжа колганди: 50 қалкон, 50 дубулға, 340 қиличдан ташқари серунум, сугориладиган ерлар. Пайғамбар бу ерларни биринчи навбатда муҳожирларга бўлиб берди. аисорлардан фактат энг факир 2 кишига ер тегди. Норози бўлган аисорларга бу хусусдаги ояти карима (ал-Ҳашр, 7-8) жавоб бўлди:“Аллоҳ шаҳарларининг (коғир) ахолисидан ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар, сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина қўлма-қўл бўлиб юраверадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳга, Пайғамбарга ва (у зотининг) қариндошлари, етимлар, мискинлар ва мусоғирларга тегинилиди. Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайtingиз ва Аллоҳдан кўркингиз! Албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотди. (У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан хайдаб чиқарилган камбагал муҳожирларни кидир, зоро, улар Аллоҳдан фазл ва ризолик истайдилар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берадилар. Айнан ўшалар (имонларида) содикдирлар”.

Айтиш жоизки, биринчи бор қўлланилган бу тажриба-кейинчалик мусулмон давлат хуқуқининг асосини ташкил қилди, яъни ер юзидағи жаъмики нарса-холик Аллоҳники ва У уни хоҳлаган инсонга ато этиши мумкин. Пайғамбар хаёти даврида бундай «фай» Аллоҳнинг элчиси тасарруфида бўлди.

626 йилининг апрелида Абу Суфён ваъдасига кўра 2000 кишилик аскар билан Бадрга келди. Мухаммад (сав) ҳам 1,5 минг мусулмонга раҳбарлик қилиб келди. Аммо улар орасида жанг бўлмади: ҳар йил ўтказиладиган ярмаркада савдо-сотиқ ишларини бажарив, кўпсонли бадавийлар, қурайшийлар ва мусулмонлар ўз ерларига қайтиб кетдилар.

Курайшийлар ўз кучлари билан энди галаба қозона олмасликларига кўзлари етган ва шу боисдан Мадинага қарни жуда катта иттифоқ тузиш пайига тушдилар. 626 йил охирида Мухаммад (сав) бу иттифоқка кириши мумкин бўлган. Кизил дениз кирғозига жойланган башу Мустаълиқ қабиласига юриш килди. Ҳужум кўккисдан бўлгани сабабли бадавийлар ғолибларга катта ўлжа – аёллар, болалар, 2000 туж, 5000 кўй-эчкини колдириб, кочиб колдилар. Найғамбар жангда ҳалок бўлган қабила боилигининг кизини ўз никохига олди – ва тўй совиаси сифатида барча асиirlарни озод килди. 626 йил юринилари натижасида кўнчилик кўчманчи қабилалар Курайш билан иттифоқдан келтишинга мажбур бўдилар. Курайш томонда асосан Мадинадан шарқкроқстани кучли Гатафон қабила уюшмаси, Сулайм ва Макка атрофидаги қабилалар килди. Бу сафар Мадинага қарши иттифоқ башу Надир қабиласининг ташаббуси билан тузилди. Биринчи навбатда Курайш бор кучини йигиб, ахобийлар билан бирга 4000 кишидан ортиқ кўшинни оёкка тургизди. Уларга башу Асал, башу Сулайм, Гатафон, башу Ашжай, башу Мурра, башу Фазара каби боника қабилалар кўшилди, аскарининг умумий сони 10000 кишини ташкил килди. Ҷумшанинг харакатидан ўз вақтида хабар тоғлан Пайғамбар бунга жавобан 3000 кишини тўплай олди, ҳолос. Уч баробар ортиқ куч билан очик майдонда жанг олиб бориш тўгрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Яқинда ислом динини қабул килиган асли форс - Салмонининг эронликлар тажрибасидан келиб чиқиб шахарнинг очик томонида хандак (зовур) казини лозимлиги хакидаги таклифи кўл келди. 6 кун ичидаги каттиқ тошлоқ срда, мисли кўрилмаган сафарбарлик натижасида эни 4 м, чуқурлиги 2 м.га тенг, шахарнинг гарбий, шимолий ва шимолий-шарқий кисмини ўраган, узулиги 6-7 км. ни ташкил килган зовур казиб битказилди. Бундан ташқари Мадина атрофидаги ерларда муддатидан илгари март ойининг ўрталаригача дои-дун ва мева хосиллари йигиштириб олинди. 627 йил 31 март куни маккаликлар Мадинага стиб келганларида бу манзарани кўриб ҳайрон қолдилар. Биринчи навбатда уларнинг асосий кучи – отлик аскарлар иш бермай қолганди: жанглар камон отиш билан чекланди, бу

иккала томонга ҳам деярли талофот етказмади. Мухаммад пайғамбар мудофаани шундай каттиқ интизом билан уюштириди, душман бирон марта ҳамла килиб шаҳарга кира олмади. Олдинлаб шуни айтиш мумкинки, ушбу тўкиашувда 3 курайший ва 6 мусулмон ҳалок бўлди, ҳолос. Шу ўринда Башу Курайза, янын Мадинага қолган ягона яхудий қабиласининг мавқеи мухим роль ўйнади. Башу Надир уни бир амаллаб иттифоқчилар томонига ўтишга кўндириди. Буни эшитган Мухаммад (сав) уларга Гатафон қабиласидан Нуайма иби Масъудин юбориб, Курайш ва Гатафон бандилар юборсангина бунга кўнини кераклигини уқтириди. Шундан сўнг Нуайма курайшийлар ва Гатафонликларга ўтиб, Курайзага ишонч йўклиги, мазкур бандиларни улар Мухаммадга тоиниражагини айтди. Гатафон қамлиниятарса, Пайғамбар унга Мадина хурмо хосилининг учдан бир кисмини ватъда килди. Айни вақтда Гатафон пайғамбар билан музокара олиб бораётгани хакида Курайшга билдирилди. Хуллас, бу дипломатик чоралар натижасида Мадина дуниманилари орасида бирлик йўколди, улар бир-бирларини хониликда гумон кила бошлигинлар. Зикр этилганидек, Мадина атрофида хосил йигиб бўлингани туфайли иттифоқчилар каттиқ озиқ-овкат ва ем-ҳашак ташкилигига учради. Устига-устак Апрел ойинда ҳеч юз бермайдиган ҳодиса-каттиқ совук тушиб, кучли шамол ва довул кўтарилиди, ҷодирларни учирив кетди. Хуллас, 10 минг кишилик катта армия ночор ахволга тушиб қолди ва қамални тутатишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Ҳандак ёнидаги жангда Мухаммад (сав) деярли йўқотишсиз голиб чиқди. Энди Абу Суфён ва бошқа курайшийлар англаб еттиларки. Арабистон бўйлаб уларнинг етакчилиги барҳам тонди. Шу жиҳати билан Ҳандак жангиги ислом тарихида катта аҳамиятга эга.

Ҳандак воқеаси Курайза қабиласи учун қимматга тушди. Ҳандак ёнидан қайтгач, Мухаммад (сав) Курайзани қамалга олди. Пайғамбар уни жангсиз тобе қилишни мўлжаллаган, шунинг учун Али ва бошқаларга ҳужум қилишни манъ қилди. Курайзанинг илтимосига кўра, Авс қабиласининг нуфузли шайхларидан бири Абу Лубоб ибн Абдул Мунзир элчи сифатида

тапланди. Аммо қурайзийлар нимадан умидвор бўлишларини сўраганларида элчи хоинона кафтини томоги узра ўтказди, яъни асирлар тамомила кириб ташланади деган инорани килди. Авс қабиласи ўзининг эски иттифокдоши тақтирини қабила бошлиги Саъд ибн Муод ҳал қилишини талаб килди. Бу тақлиф Қуразага матькул тушганди ва камалининг 25 куни Қурайза таслим бўлди. Саъд ибн Муод эса Ҳандак жангидага яраланиб, ўлим тўшагидага ётганди ва бунга Қурайзани айборд деб хисобларди. Шу сабабдан бўлса керак, унинг карори қақшаткич бўлди: барча орқакларни жазодан, аёллар ва болаларни кулилка тошириши. Қурайзанинг бор мол-мулки ким онди савдосида пуланди, бир кисм тушиган маблан тақсимланди, колган килемига қуроллаша, от ва туялар сотиб олинди.

Ҳандакдан сўнг ўтган 8 ой мобайинде 12 сарнія амалга оширилди. Улардан иккитасига Мухаммад (сав) раҳбарлик килди. 7асига –Зайд ибн Ҳориса ва 1асига –Али. Абу Бакр, Умар, Усмонлар Пайгамбарининг энг яқин маслаҳатчилари ва йирик уламолар сифатидаги бу юришларда катиашмадилар. Гарбга – Кизил дениз соҳилларигача, шимолга – Нажд ясентоглиги ва шаркка – Фатафон ерларигача мусулмонларининг шуфузи ёйилди. Кўпгина қабилаларининг бошликлари Мадинага шонилдилилар. Агар улар исломга киришга рагбат билдирамасалар, Мухаммад (сав) уларни зўрламас, тинчлик ва дўстлик ҳакида музокаралар юритиш билан чекланарди.

«Ҳандак ёнидаги жанг» Макка - Мадина ракобати тақдирини деярли ҳал килганди. Бадавийлик психологиясига асосланган ақида билан юксак гоя асосида қурилган пухта давлат таркиботи ўртасидаги кураш тез орада кейингисининг устулигини аён килди.

Маъруза 15. Ҳудайбия сұлҳи ва унинг оқибатлари

Ташки душман хужумларини бартарап қилиб, ички рақиблар қаршилигини сингач, тахминан 3000 содик аскарга эга бўлган Пайгамбар гарбий Арабистонининг етакчи раҳбарига айланди. Бор ҳарбий ва сиёсий имкониятларини ишга солган Макка ўзининг энг асосий қуроли - савдодаги устулигидан айрилгач, бир зумда занфлашиб қолди. Илгари у билан иттифокда бўлган кўнгина бадавий қабилалар Мадина томонга оғиб кетдилар. Шу ўринда бир мухим нареага эътибор қаратмогимиз лозим: бу даврда бирорта ҳарбий юриши исломни тарғиб қилиш билан боғлик бўлмади. Ҳатто уларни исломдан кайтганлик учун жазо экспедициялари деб ҳам бўлмайди. Шундай тасаввур хосил бўладики, ислом таълимотининг ёйилиши ҳозирча алоҳида шахсларининг исломни қабул қилиши тарзида кечяпти, бутун бир катта жамоанинг эмас. 6 ҳижрий йилгача Мадинадан ташқаридаги бирорта воҳани тўлигича исломни қабул килган деб бўлмасди. Мадинанинг жануби ва шимолида ҳамда шарқдаги Ироқ йўли бўйлаб ислом хукми нари боргандага 10-25 километрлик минтақани ўз ичига олганди. Айни вактда Мадина шаҳри тўлиқ ислом ххнида бўлиб, араблар орасида Мухаммад (сав)ининг пайгамбарлик рисоласига шубҳа қолмаганди. Мусулмонларнинг иқтисодий аҳволи анчагина яхшиланди. Кучли, яхши қуролланган ва нитизомли армия шаклланди. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда Пайгамбарининг кейинги харакатларини изоҳлаш мумкин. Шундай вазиятда Пайгамбар ҳарбий эмас, балки тинчлик йўлни тутдики, бу мақсадга тезрок ва осонроқ этишиниш имкониятини берди.

628 йилнинг феврали рўза пайтида Мухаммад (сав)га тунда рўё келди ва эртаси эрталаб у киши мусулмонларга Аллоҳнинг иродасини эълон килдилар: Рамазон ойи тугагач, Каъба зиёратига отланиладиган, Умра маросими адо этиладиган бўлди. Атрофдаги араб қабилаларига ҳам шундай мурожаат қилинди. Ҳали исломга кирмаган бадавийларни Маккага чорлаш қурайшийларга Мухаммад-пайгамбар гозий сифатида эмас, умрачи сифатида

келаётганини исботлаш учун керак эди. Бундан ташкари Мakkанинг муқаддаслигини хурмат килиб, унга уруши билан ёмас, тинч мақсадда бораёттани Арабистон ярим оролида пайғамбарнинг обрёснин ошириши мұкаррар эди. Тайёрләрдик деярлы бир ей давом: эди ва Зұлкавъда ойиннинг бопида 1400 кишидан иборат карвои Мадинадан йўлга туши. Мұхаммад (сав) уйдаёк эҳромига кирдилар. Қурбонликка 70 түя олини. Расман эълон килиннисича, Қурайшига карши ҳеч қандай аловат килинмайди, зиёратчилар одатда ўзлари билан олиб юрадиганидан ортиқ куролига эга бўлмайдилар. Бу тадбирга Каъба мусулмонлар учун ҳам мұкалъе маскан, деган маъни бор эдики, бошқачасига айтганда. Қурайшига имоният берилётганди, улар билса.

Қурайши зодагонлари бу хабарни өннитган, каттиқ ташвишига тушиб қолдилар. Агар мусулмонлар Мakkага тинч мақсадда кирсалар ҳам бу ерда таъкиб остида колган мусулмонлар билан кўшилиб кетини, умуман ҳалқ улар томонига ўтиб кетини, шаҳарда коили тўқишуввлар содир бўлиши мумкин эди. Уч кун йўл юрилгандан сўнг Мұхаммад (сав)га қурайшийларнинг бу ишга муносабати хусусида аниқ хабар келди: улар бу йил Расулуллоҳ ва унинг шерикларини асло Мakkага кўймасликка аҳд килишганди. Шу мақсадда Холид бин Валид раҳбарлигига 200 кишилик отлик гурух тузилди ва у Маккадан 10 чакирим масофада мусулмонлар йўлинни тўси. Мұхаммад (сав) кўнглида ишонардик, қурайшийлар вужудга келган вазиятга холис баҳо берадилар ва ҳозирча исломни қабул килишга тайёр бўлмасаларда, сулҳ шартномасини имзолайдилар. Шундай бўлган тақдирда бошқалар ҳам унга эргашини мумкин эди. Қурайшининг ўжарлигини кўриб Мұхаммад (сав) астойдил ачинди ва деди: “Қурайшийларга афсус! Уруш уларни буткул адо қиласи! Мени ўлдирадиларми ёки мен галаба қозонаманми, барибир, вакти келиб, улар тўда-тўда бўлиб исломга кирадиларку! Йўқ, улар кучлари етганча урушаверадилар. Мен ҳам, Аллоҳга қасамки, мени юборганинг иродасини албатта бажараман.”

Шундан сўнг Пайғамбар чапга буриб, ҳамроҳлари билан Ҳудайбия деган жойда кўйок килди. Қурайшийлар унга Ҳузоа, Сақиф ва Аҳобийш вакилларидан иборат элчиларини юбордилар. Расулуллоҳ уларни дўстона кутиб оли ва ўзининг хуснинят билан келганини уқтириди. Мakkада сиёсий можаро кучайиб кетди: сабаби – у ерда талайгина хуфёна исломни қабул килинлар ва Мұхаммад (сав)га хайриҳоҳлар мавжуд эди. Улар умрага рухсат берини талаб қилдилар. Мусулмонлар билан курашида енгилганига икрор бўлган Абу Суфён ўзига хос мўтадиллар гурухини тузиб олган, қандайдир шартлар билан умрага рухсат берини тарафдори эди. Аммо, охир-окибат, қандай бўлмасин Мұхаммад (сав)нинг йўлини тўсишни талаб қилган ашаддий мунириклариниг нуктан назарни голиб чиқди. Ҳузоанинг раҳбари Будайя иби Варка Мұхаммад (сав) хузурига келиб бу қарорни етказди. Расулуллоҳ уршини истамағгани, аммо керак бўлса, куч билан мақсадга эриншажагини билдириди. Қурайши Мұхаммад (сав)ни кўрқитиш ва кетишига мажбур қилинш мақсадида яна бир неча элчиларни юборди. Мұхаммад (сав) эса уларни оққўнгиллик ва нозик дипломатия билан кутиб олиб, келганларга ўзларининг эҳромда эканликлари ва қурбонликлар олиб келганларни намойниш қилаверди. Охирги лаҳзагача Мұхаммад (сав)ни умид тарк этмади. Аҳобийшининг саййиди ал-Хулайс бу можаролардан тинкаси куриб: “Агар мусулмонлар Мakkага кўйилмаса, мен аскаримни олиб кетаман”, - деб баёнот берди. Шундан сўнг Қурайш музокарага рози бўлди ва Мұхаммад (сав) куёвлари Усмонни Мakkага жўнатдилар. Чамаси, Мakkада музокаралар кийин кечди ва бироз чўзилди. Кўчмапчи араблар Пайғамбарнинг элчиси Мakkада разилона ўлдирилди, деган хабарни келтирганларида зиёратчилар орасида асабийлик авжига чиқди. Тинч музокаралар тўғрисида энди сўз бўлиши мумкин эмасди: ё тақдирга тан бериб, бошни эгиг, Мадинага кайтиш ёхуд куч билан Мakkага кириш, бошқа чора йўқ эди. Мұхаммад (сав) зиёратчиларга хитоб килиб, керак бўлса, ўзни қурбон қилишга тайёр эканликлари тўғрисида қасамёд қилишни сўради: “Кимки Пайғамбарга қасамёд қиласа, Аллоҳга қасамёд қилган бўлади,”-деди, у. “Байъат ризвон”

номини олган бу тадбирда хар бир зиёратчи Мухаммад (сав)га кўл бериб, унга содик экани, хар қандай холатда хам уни тарк отмаслиги хакида қасамёд килди. Усмон ўлдирилмагани хакида хабар етиб келиандан кейингина Мухаммад (сав) қарориҳита бироз сокнилик ҳудди. Қурайшийлар уни балки банди сифатида атайнин ушлаб тургани, ҳатто унга, истаса, якка ўзи умрани адо этиши мумкинлиги, аммо у бунга кўнмагани маъдум бўлди. Фикримизча, Усмоннинг сафари зое кетмади, айнан унинг савий-харакатлари билан қурайшийлар Мухаммад (сав)ни музокара юритувчи томон деб тан олдилар ва шу масадат Раеулulloх хузурига Сухайл иби Амр деган шахени сулҳ тузини учун юбордилар. Сухайл Бадр жаннини ганиклиотчиларидан бири бўлган, у ерда асир туриган ва 4000 дирхам очагига озод килинганди. Мухаммад (сав) Қурайш билан сулҳга эрининни нечоғлик иштиёқманд бўлганини шу нарсадан билини мумкини. Сухайл горизонтла кўринган захоти: “Э, хайрият, иҳоят Қурайш музокарага ғози бўлибди,”-деган эканлар.

Одатла музокараларда хар томон ўз манфаатини кўзлаб иш юритади. Сухайл қалон димог билан ўзини Пайғамбардан юкори кўйинига харакат килди. Саҳобалар томонидан Пайғамбарга кўреатилаётган иззат-икромни ясама деб хисоблаб: “Мана бу- ўз кадрдан шаҳрини ва кабилангта қарши сен олиб келган атрофинглаги тўла, агар уруши килингага тўгри келса, бир зумда сени ташлаб кетади. Қурайшийлар эса, бир жон бир тан бўлиб, Макка химоясига чикадилар, агар Мухаммад куч билан Кайбага кирмоқчи бўлса,” – деган сўзлар билан Пайғамбарни ишонтиrmокчи бўлди. Сухайлнинг бундай тасаррӯфоти албатта сахобаларнинг норозилиги ва даргазаб хитобларига сабаб бўлди. Мухаммад (сав) эса ўзини ўта оғир ва босиқлик билан ушлади, зоро у ўзининг асосий мақсадига эришганди: қурайшийлар музокарага кўниб, ўзлари фахмламаган ҳолда тенг томон деб эътироф этишганди. Эндиги мақсад – қандай шаклда бўлмасин, сулҳнинг имзоланишига эришиш эди. Шу сабабдан, Сухайлнинг кибру-ҳавоси, сахобаларнинг норозиликларига қарамай, Пайғамбар Қурайшнинг барча талабларини қабул килди ва сулҳга

эришди. Ҳозирги замон ибораси билан айтгаида, жентлменлар сулҳи, яъни отзаки битим тузиб, уни ёзма холга келтириши бошланганда, жиддий келишимовчилик юзага келди. Котиблик килаётган Алига Пайғамбар: “Бинисмиллоҳир Рахмонир Рахим билан бошланг”, деганларида, Сухайл эътиroz билдириб: “Биз Аллоҳни биламиз, Арраҳмон, Арраҳимга келсак, биз уларни билмаймиз. Одатда хужжатларимизни бошлайдиган иборани ёссин,”- деди. Пайғамбар кулиб кўйиб, чунки бутпараст Сухайл хали мусулмоича иборани ҳазм килолмасди, Алига: “Хўб, ёзинг, Бинисмик, Аллоҳумма!”-дея имло килди. Кейинги можаро Пайғамбарнинг мақоми масаласенда бўлди. Мусулмонлар “Расуулulloх”, яъни “Аллоҳнинг элчиси”, деб ёзинин талаб килдилар, Сухайл яна эътиroz билдириб, даҳшатли гапни айтди: “Агар мен сенинг Аллоҳнинг расули эканингга ишонганимда, сен билан куранмаган бўлардим. Шунинг учун ўз исминнинг ва отангнинг исминни келтир, холос”, -деди. Пайғамбар: “Бу - Мухаммад иби Абдуллоҳ ва Сухайл иби Амр имзолаган...”, деб ёзинни буюрдилар. Шартнома матни бизнинг давримизгача бир неча кўринишда етиб келган. Қуйиди Ибн Исҳоқ зикр этган матнини келтирамиз.

“Сенинг исмини билан, э, Аллоҳ!

Бу – Мухаммад иби Абдуллоҳ ва Сухайл иби Амр имзолаган тинчлик шартномасидир. Улар 10 йил муддат давомида одамлардан уруш дафъ килинажаги хакида келишиб олдилар. Шу давр ичиди одамлар хавфсизликда бўладилар ва қуидаги шартларда бир-бирларини холи кўядилар: қурайшийлардан кимки Мухаммад томонга валийснинг рухсатисиз ўтса, қайтарилади; Мухаммад билан бўлганлардан кимки қурайшийларга ўтса, қайтарилмайди. Орамиздан адоват қўтарилади. Мухаммад билан иттифок ва шартнома тузмоқчи бўлганлар, тузсин! Қурайшийлар билан иттифок ва шартнома тузмоқчи бўлганлар, тузсин. Сен бу йил биздан кетасан, Маккага кирмайсан, келаси йил келганда сен ўз ўртоқларинг билан унга кирасан ва унда уч кун бўласан, сен билан фақат сафар куроллари ва қилич кинда бўлади, бошқа ҳеч нарса билан унга кирмайсан!”

Одатда, шартиомага асосий имзолардан таники гувохлар хам кўл кўярдилар. Қизиги шундаки, мусулмонлар томонидан гувохлар каторида Сухайлиниг ўтли Абдуллоҳ хам бор эди. У исломни кабул килиган ва бу ерга паноҳ истаб келиган эди. Шартиома бандига кўра Сухайл ўлини кайташини талаб килди. Абдуллоҳ канча нола килмасин. Мухаммад (сав) уни кайташига мажбур бўлди. Бу маңзара мусулмонларда оғир гаассурот қолдирди. Уларнинг аксарияти умуман мушириктар билан музокарага қарши эди. Ҳатто Мухаммад (сав)га якин бўлган байзи кинилар, хали келаси йили амалга ошидими. Йўқми вайда килинган зиёрат, ундан бошқа нима ютдик, шартиомани имзолаб, дега хайрни эди. Мухаммад (сав) эса ўзининг сафдошлиаридан хам, қурайшийлардан хам узокни кўрабиди. Шартиомага тўлиқ риоя килиган холда у маккалик кочкениларни ўзининг “умма”сига кабул килмади. Аммо уларнинг кўилари Маккага хам кайтишимади. Масалан, шерюорак Абу Басир Утба ва ўша Абдуллоҳ иби Сухайллар йириккина лашкарлар тувишиб, Қизил дengiz ёқасидаги савдо йўлларида Қурайш карвонларига хужумлар килдилар. Қурайшийлар уларга карни хечкандай чора топаолмагач, Мухаммад (сав)дан уларни жиловлашини илтимос килдилар. Пайгамбар эса ҳакли равишда улар учун масъул эмаслигини тъкидлади.

Айни вактда Пайгамбар унинг химоясига келган бирнече қурайший аёлларни улар хусусида Аллохнинг куйидаги вахйи келганини сабабли Маккага қайташидан воз кечди:

Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга (Макка кофиirlари томонидан) мўмина аёллар хижрат қилиб келсалар, уларни имтихон қилиб кўрингиз! Аллоҳ уларнинг имонларини (бор ёки йўклигини) яхшироқ билувчидир. Бас, агар уларнинг (ҳақиқатан) мўмина аёллар эканини билсангиз, у холда уларни кофиirlарга қайтармангиз! Булар (улар) учун халол эмас ва улар булар учун халол эмасдир. Уларга сарфлаган маҳрларини эрларига (қайтариб) берингиз! Қачонки, уларга (эрларига) маҳрларини берсангиз, уларни (аёлларини) никохингизга олишда

сизларга гуноҳ йўқдир. (Шунингдек) сизлар хам кофиiralарнинг кўлларини тутмангиз! Ўзларинги сарфлаган маҳрни талаб қилингиз ва улар хам сарфлаган маҳрларини (мўминлардан) талаб қиласин! Бу Аллохнинг хукмидир. У сизларнинг ўрганинда ҳукм қилаётir. Аллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидир.

Унбу ояти каримага мувофиқ барча мусулмон эркак ва аёлларнинг муширик эркак ва аёллар билан никоҳи бекор қилинди; агар талоқ аёл таниаббуси билан юз берса, маҳрни тўлаш шарт қилинди. Макка аёллари билан содир бўлган мазкур холатда Мухаммад (сав) тўловни ўзига тегишли бўлган хуме хисобидан коплади.

Бир қарашда Ҳудайбия сулхи факат Қурайш учун манфаатли бўлгандек туюлади. Лекин ишари Қурайшга иттифоқдоши бўлган қабилаларнинг хоҳлаган тарафга ўтиши Макканинг кучи-кудратини белгилаб турган шартиомавий тизимининг барбод бўлганини англатарди. Шу захотиёқ Ҳузоа қабиласи Мадина тарафига ўтди. Мухаммад (сав) ўзининг барча тасарруфтлари билан келишувдан мамнунлигини кўрсатарди. У худди умра амалга оширилгани каби соколни олди ва қурбонликка келтирилган тுяларни сўйиншга буюрди. Пайгамбар бирдан-бир тўғри йўл тутганини билар ва мўминларга буни етказишини истарди. Аммо кўпчилик Аллохнинг иродаси шуни тақозо қилганини англаб етмасди. Нихоят, Мадинагacha яrim йўлни ўтиб бўлгач, Усфан деган жойда у Аллохнинг каломини етказди: “Биз Сизга аниқ ғалабани ато этдин” (Фатх, 1). Бу хабар бир зумда зиёратчilar кайфиятини кўтариб юборди. Барча муфассирлар бу ояти карима Хайбар воҳасига юришини кўзда тутаётгани ҳакида яқдил фикрдадирлар. Қурайшийлар Хайбардаги ўз иттифоқчиларига нисбатан хоинлик қилгандилар. Мухаммад (сав) Қурайш талабларига кўнгани уларнинг ўзига жуда кимматга тушганини ўша онда ҳар ким ҳам тушуниб етмаган эди. Бундай холатлар одатда шартиома матнларида ёзилмайди ёки ҳаммага ошкора қилинавермайди. Дарҳакиқат, Ҳудайбия сулхи ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай жангдаги ғалабадан юқори туради. Агар, айтайлик,

Бадр жангига галабасидан сўнг ёш ислом давлатининг биринчи пойдеворига асос солинган бўлса. Ҳудайбия сулхидан сўнг бутун Арабистон ярим оролини ислом байроти остида бир давлатга бирлангирин имконияти очилди.

Табиийки. Ҳудайбия сулхидан кейин амалга оширилган Мухаммад (сав)нинг харбий-сиёсий фаолияти асосан шимоңга караганди. Хайбарда аксарият туб ахолиси яхудлар бўлганидан ташкари бапу Қайнқо ва бапу Надир ҳам бу ерга кўчib келганди. Бу икки яхуд кабиласи Ҳиндак жангининг фаол ташкилотчиларидан бўлганди. Икки ойдан сўнг бошлангани Ҳайбар сафарига фокат Ҳудайбия иштирокчилари жалб килинди. Катта кучининг Ҳайбар воҳасидга иайдо бўлиши кутилмаган ҳолда юз бердик, ахоли етарли каршилик кўрсатаолмади ва кичик кўргонлар бирин-кетин таслим бўлди. Воҳада учта мустаҳкам қалъя мавжуд эди: аш-Шик, аш-Шатат ва ал-Катиба. Нисбатан катта каршиликни Ал-Катиба кўреатди. Ундан ал-Камус кўргони кулагач, у ерда истикомат қилаётган Надир кабиласи каршилик килинни тўхтатди ва бойликларини тоширинига ватъда берди. Шундан сўнг ал-Катибанинг бошка кўргонлари жангиз таслим бўладилар. Мухаммад (сав)уларга хосилининг ярмини тоширини шарти билан Ҳайбарда колишга ижозат берди. Бу жангда 93 ҳайбарлик ҳалок бўлди. Аммо мусулмонлар учун ҳам Ухуддан кейинги энг катта йўқотиш бўлди: 25 кини ҳалок бўлди ва 100дан ортик киши яраланди.

Маълумотларга кўра, Ҳайбарда охириги кунларда Пайгамбарга сунқасд уюшибирган. Айтишларича, бир яхудия аёл мусулмон аскаридан, бошлигининглар ким, деб сўраган. “Расулуллоҳ, яни Аллоҳнинг элчини”, -деб жавоб берган аскар. “У қайси овкатни хуш кўради”, -деб сўраган яна аёл. Аскар: “Кўзи гўштини”, -деган. “Кўзининг қай жойини ёқтиради”, -деган саволига, аскар: “Кўл сон кисмини”, -дейди. “Унда бошлигинга айтиб кўй, тушиликка бутун кўзини пишириб келтираман”, -дебди аёл ва шундай килибди. Овкат тановул пайтида Пайгамбар одатларига кўра пичокнинг уни билан кўзининг тирсак кисмидан бир лукма олиб ёнларида ўтирган сахоба

Бишр ал-Барога узатибдилар. Бишр лукмани чайнаб ютибди. Пайгамбар кейинги лукмани оғзига олибди-ю, аччик заҳарни сезиб, туфлаб ташлабди. Бишр тил тортмай жон таслим килган экан, Мухаммад (сав) эса, қаттиқ корин оғригига дучор бўлибди. Лёлни ушлаб, Мухаммад (сав) кошига келтирганларида у айёрлик килиб: “Синаб кўрмоқчи эдим, ахир ҳакиқий пайгамбар бўлса, заҳар таъсир килмаслиги керак-ку”, -деган экан. Ҳуллас, уни Бишр қариндошлиари тасарруфинга касос олиш учун топширишган. Орадан уч йил ўтиб, ҳаётининг охириги кунлари Мухаммад (сав) бетоб бўлиб ётиб қолгандариди, кўпчилик катори кўнгил сўраб келган Бишрининг онасига Пайгамбар: “Э, Умм Бишр, сенинг ўғлингни олиб кетган нарса энди менга кучини кўрсатаяпти, шекилли”, -деган эканлар.

Ҳайбарининг қулакини кўшини Фадак ахолисига таъсир қилди ва улар ҳам ярим хосилининг эвазига жангиз таслим бўлдилар. Ҳайбардан Мухаммад (сав) Водиқ қурога йўл олди. 4 кун давом этган қамалдан сўнг хосилининг маълум киемини берини эвазига улар ҳам Мухаммад (сав) хокимиятини тан олдилар. Буни эшитган тейма шаҳрининг ахолиси ҳам бож-хирож тўлашга рози бўлди.

Шу орада Ҳудайбия сулхига кўра умра вақти ҳам ётиб келди. Изул қаъда, яни 629 йилнинг 2 марта Ҳудайбия қатиашчиларнга яна 600 киши кўшилган ҳолда Маккага йўл олдилар. Маккага яқинлашганда 200 киши курол-ярокка коровулликка колиб, бошқалар эхромда Маккага кириб бордилар. Курайшийлар Дор ан-Надва олдида жойни бўшатиб бердилар. Етти марта Каъбани тавоғ қилгач, Пайгамбар Марва ёнида тўхтади, курбонлик қилиб, соч ва тирноқларни олдида, эхромдан чиқди: умра адо ётиб бўлинганди. Сўнгра бир гурух зиёратчилар куролларни коровуллаб турганларни алмаштириш учун кетди, Мухаммад (сав) эса Каъбада танҳо колди. Курайшийлар кўшини томларга чиқиб, Мухаммад (сав) ва сафдошларининг ибодатларини қизиқиб тамошо қилдилар. Уч кун ўтгач: “Вакт тугади, энди кетинглар”, -дейишиди Курайш вакиллари. Шартномага мувофиқ Мухаммад (сав) бу талабни бажарди. “Ал-Умра ал-Қодия” номини

олган бу зиёрат маккаликларда катта таасурот көлдирди. 2000 кишидан иборат зиёратчиларниң тартиб-интизоми. Пайгамбарга чекеніз хурматтн күрган күпгина маккаликларда фикр ўзарди. Биринчи бўлиб, машҳур саркарда Холид иби Валид Макка "мало"сига мурожаат килиб: "Энди хар бир акли расо кишига аён бўлдикি. Мухаммад (сав) шоир, сеҳрар, фолбин эмас, унинг нутқлари Оламлар Парвардигорининг нутқлари, хар бир онгли киши унга әргашмоги лозим".-декя баёнот берди. Икрима қанчалик қайтармасин, Холид исломни қабул килди. Буни әниятган Абу Суфён даргазаб бўлиб, ўз оламларига Холидни катл этишини буорди. Бунга порозилик билдириб. Макканинг яна бир гўйла кўринган киниси, кейинчалик Мисрниң фотихи сифатида шуҳрат көзөнгиз Амр иби ал-Сева бошқа бирнечча фаол қурайшийлар исломга кирдилар. Ҳудайбия ҳакида сўз кетганда кейинчалик Абу Бакр одатда бир ганин кўн айтарди: "Инесонлар воқеаларни жадаллаштиришини истайдилар, аммо Парвардигор эса уларниң инишиб стилишини хоҳлайди." Ўша Пайгамбар учун жуда оғир кечган музокарадар пайтида факат Абу Бакр Мухаммад (сав)сайи-харакатларини тўғри тушунган бўлса, ажаб эмас. У хатто саҳобаларниң ичидаги қизикони бўлган Умарни огохлантирган эди: "Унга якин тур, унинг юганиннинг шундоккина олдида бўл, ёдингда тут! У – Аллохниң расули!"

Ҳудайбиядан сўнг Мухаммад (сав)кўшини давлатларга ўзини танитиши керак эди. Шу мақсадда 628-629 йилларда Пайгамбар Византия императори Ираклий, Эрон шоҳанишохи Хусрав II, Ҳабашистон нажоийиси, Гассонийлар амири, Миср ҳокими Муқавқис, Ўмон "малики", Яман "малики". Баҳрайн ва Ямома ҳокимларига элчилар орқали мактублар юборди. Мухаммад (сав)га бу ҳокимлар факат муҳрланган ҳатларни ўқишлари айтилганда у кумушдан, ичига уч қатор килиб "Мухаммадун расууллохи", деб ёзилган узук ясаттириди.

Араб манбаларига кўра, элчилар ва улар элтган мактубларга турлича муносабат бўлган. Масалан, Баҳрайн амири Мухаммад (сав)нинг даъватига жавобан исломни қабул килди. Кўпчилик ҳокимлар элчиларни хайриҳоҳлик

билан қабул қилган бўлсаларда, исломга кирмадилар. Эрон шоҳанишохи Хусрав II Мухаммад (сав)нинг мактубини олиб газаби жўшди ва уни йиртиб ташлаб. Ямандаги унга вассал ионби Базанга ўз вакилини юбориб, Ҳижозда пайдо бўлган бу кишини ушлаб хузурига келтиришини буорди. Лекин бу ионб Мухаммад (сав) билан боғланган замонок исломни қабул килди ва Мухаммад (сав)уни ўз мансабида қолдирди. Пайгамбарнинг деярли барча элчилари согомон қайтишиди. Факат бир элчини Бусра ҳокими Шураҳ бил иби Амр ал-Жузамий, Византияниң ал-Балқодаги ионби, разилона, қоидага хилоф равинида қатл килди. Аксарият гарб тадқиқотчилари араб манбаларининг бу ҳатлар ҳакидаги маълумотларга ишончсизлик билан қарашади, лекин айни вақтда ҳеч бўлмаганда Муҳаммад (сав)нинг Арабистондан ташқаридаги бир ҳоким – Миср ионби Муқавқис билан аниқ алоқада бўлганини инкор қилолмайдилар. Муқавқис 629 йили Мухаммад (сав)га ҳадя сифатида она-сингил икки жория, ҳачир ва қўбт матоларидан юборди. Мария исемли бирини Мухаммад (сав) ўз никоҳига олди ва Ширин исемли иккичинин шоири Ҳассон иби Собитга никоҳлаб берди. Сўнгра Мариядан ўғил туғилгандиги, расууллоҳ унга Иброҳим деб исм кўйгани, 2 ёнга етар-етмас, унинг побуд бўлгани ҳақидаги маълумотлар исбот талаб қилмайдиган аксномадир. Иби Исҳоқ эҳтиёткорлик билан бу ҳатлар юборилган муддатини 628-632 йиллар билан белгилайди. Бундай ёндошувда гўё "майтикий нуқтаи назардан Мухаммад (сав) Ираклий ва Хусравга деярли буйруқ тарзида хат билан мурожаат қилиши амри-маҳол эди", деган фикрга ўрин қолмайди.

Чамаси, Мухаммад (сав)бу иккала авваллари буюк бўлган империя Византия ва Эрондаги аҳволдан жуда яхши хабардор бўлган. Уларнинг иккаласи хам чуқур таназзулни бошидан кечираётган эди. 604 йилдан 628 йилгача улар ўртасида уруш ҳолати давом этди. 604-622 йиллар орасида Эроннинг кўли баланд келиб, Византияниң Яқин Шарқдаги барча ерларини босиболган, хатто Константинополгача яқин бориб қолган бўлса, кейинчалик вазият батамом ўзгариб, энди византияликлар барча ерларини қайтиб олиб,

Эрон пойтахти Ктезифонгача якин келиб колишганди. Галабани охиригача етказилмаганининг сабаби - Византиянинг ўзидаги ички ваддиятлар авж олган, плебей ва колониларнинг кўзголонлари тўхтамасе. Дунай армиясида исёй кўтаришганди. Эроннинг бу даврдаги тарихидан бир жавҳагина келтириш кифоя: 628-632 йиллар мобайнида 6 та шоҳанинг ўзгарди! Дарвоке, Пайгамбарга Хусрав унини мактубини йиртиб ташлаганини хабар килишганда, Расууллоҳ: “Аллоҳ унинг подиохлигини тилка-пора килиб ташлайди”, - деган эканлар. Айни ўна кунлари Эрон кўшиниларининг навбатдаги мағлубиятидан сўнг, сарой тўнтарини рўй берган. Шируе ўз отаси Хусравни катл килиб, тахни эгаллаганди. Олии, Шируе Ямандаги ионбига мактуб йўллаб: “Отам хотида ёзган Хижоздаги кишини то мендан янги тоширик олмагуича тинч кўй!” -дека тайинлаганди. Ким билсени, балки шу воқеа Базан ва “абно” лебном олган Ямандаги өронликларининг ёниасига исломга киришига сабаб бўлгандир. Шундай экан, “мантиқ” ўз йўлнга, лекин фактларни инкор килиб бўлмайди!

Худайбия сулхи бир канча йирик бадавий араб қабибларининг исломга киришига сабаб бўлди. Шундан сўнг ўтган икки йил давомида бадавийлар орасидаги мусулмонлар сони шу даражада кўнайди. 630 йилда Макка фатх этилганда аскарининг кўпчилигини улар ташкил килгандилар. Сулҳ битимининг дастлаб саҳобаларга маъқул бўлмаган яна бир шарти тез орада курайш манфаатига зид бўлиб чиқди: маккалклар бальзи мусулмон ҳамишахарларини Мадинага хижра килишига ижозат бермай, хибega олишлари охир-ошибатда ўзларига зиён бўлиб чиқди, зоро улар беихтиёр «бешинчи тобур», яъни ўзларининг ичидаги бошка давлати топшириги билан иш олиб борувчи кишилар тоифасини вужудга келтирган эдилар.

Хуллас, Худайбия сулхи бир томондан Пайгамбарнинг узоқни кўра билишини исботлаган бўлса, иккинчи томондан энг юксак дипломатия ва сиёсатнинг намунаси ўлароқ якин келажақда Макканинг тинч йўл билан таслим бўлишига, унинг ислом давлати таркибига киришига, пировардида Арабистон ярим оролининг бирлаштирилишига олиб келди

Маъруза 16. Макка шаҳарининг олиниши(фатхи) ва бутпарастликнинг барҳам топиши

Хижознинг шимолида жойлашган шаҳарлар бўйсиндирилгач, Мухаммат (сав)ни Сурия ва Фаластинидаги ахвол қизиктира бошлади. 628 йил 15 майда Константинополда 20 йилдан ортик давом этган урушга чек кўйган, Эроннинг аввалги ютукларини йўқка чиқарган тинчлик шартномаси имзолангани тантанали равишда ёлон қилинди. Дарвоке, форс кўшинлари Сурия ва Фаластинни эгаллаган. Куддусни талон-тарож килган, унинг 30 минг аҳолиси ва қочоқларни кирган, Византия Босфоргача чекиниб, ана-мана қуляй леб турган 613-614-йилларда, Маккада Пайгамбар 4-йил таргиботини олиб бораётган бир пайтда, мунирклар уни мазаҳ килиб: “Мана бутпараст Эрон галаба козоняпти, сен хайриҳоҳ бўлган Византия эса енгиляпти”, - дейининганди. Муниркларининг навбатдаги бу иғвогарлигига жавобан Пайгамбар оҳисталик ва ишонч билан шундай жавоб килганди: “Уруш ўзгарувчан нарса, ҳозир эрхонликлар устуни келаётган бўлса, кейин вазият тубдан ўзгарини мумкин”. Шундай бўлди ҳам. 627 йил 12 декабрда Византия императори Ираклий Ниневияда Эрон кўшиниларини тор-мор килди, Эрон шоҳи Хусрав II саройлариниң беадад бойликларини ташлаб, ўзининг пойтахти Ктезифонга қочди. 628 йил 7 январда Ираклий Ктезифонга қараб юради, аммо галабасини охиригага стказмади. Бу мағлубиятнинг оқибати Хусрав учун фожиали бўлди: тўнтариш ўюштирган сарой аристократияси уни хибega олди ва 628 йил 29 февралида у катл қилинди.

628 йил ёзида Ираклий форс оккупациясидан халос бўлгандан кейин тартиб ўрнатиш максадида Сурияга келди. Куддус ибодатхонасида хоч ўрнатиш маросими ўтказилди. 614 йилги қонли воқеаларни унутмаган ва ўша пайтда хоинлик килиб, бальзи шаҳарларни олишда форс кўшинига ёрдам бергани учун, маҳаллий христиан аҳолиси Ираклийдан Куддусдан яхудларни сургун килиш ва ундан 6 км радиусда истиқомат килишни манъ этишга

эришдилар. Балки ана шу воқеалар доирасида Мұхуммад (сав) Бусрага ўз әлчисини юборған бўлини мумкин. Аммо йўлла, Мутата, маҳаллий гасоний хокими уни ушилаб колиб, катл килинди. Бунга жавобан Пайгамбар 629 йилининг авгууст-сентябр ойларида 3000 кинийих кўшини тўплаб, унга ўзининг суюкли асраниди ўғли Зайд иби Ҳорисани бошлик килиб тайинлади. Зайд Маъванга якниланиганда кутилмаганди унинг йўлига кўнеонла ракиб гов бўлди. Араб манбаларида келтирилинича, Шурахбизда лахм, жузом, балқайн, баҳро қабилаларидан тўплангани 100 мин ва яна ал-Маобда 100 миниг византия қўшиллари бўлган. Албатта, бу ракамларда катта муболага бор, аммо шу нарса аникки, мусулмон аскари биринчи бор кўнгилли лашкарга эмас, балки сон жиҳатидан ундан жуға катта устунилкка оға бўлган мунитазам армияга дуч келганди. Зайд икки кун нима қилинни билмай, тарафудуланди: кимдир Мадинадан мадағ кун сўраи керак, деган маслаҳатни берди, аммо Абдулоҳ иби Равоҳанинг ракибга хужум килини, ё галаба қозонини ёки Аллоҳ йўлида шахид бўлиш лозим, деган фикри устун келди.

Кизиб кетган тўқиашувларда бирин-кетин аскар бошниклари Зайд, Жаъфар иби Абу Толиб ва Абдулоҳ иби Равоҳалар ҳалок бўлдинлар. Мусулмонлар сафида парокандалик вужудга келди. Ансорлардан кимдир байрокни кўтариб, ўз атрофида ансорларининг уича катта бўлмаган гурухини тўплади ва байрокни шу жангда катнианаётган Холид иби Валидга берди. Холид аскарни тартибга солишга эришиди, байзи мъалумотларга караганда, у гўё ракибга хужум уюштираётгандек харакат килиб, аслида ундан узоқлашабошлиди. Холиднинг саркардалик маҳоратига тан берниш керак; бу унинг Аллоҳ йўлида олиб борган биринчи жангти эди. У ракибининг ҳалдан ташқари устулигини кўриб, бутун аскарни атрофида тўпладила, усталик билан чекинишни ташкил килди ва деярли йўқотишиз Мадинага олиб келди. Араб тарихий адабиётида Мута жангига катта йўқотишлар бўлгани айтилади. Аслида ундан эмас: мухожирлардан 4 киши ва ансорлардан 8 киши ҳалок бўлганди, холос. Адабиётларда бадавийлардан курбон бўлганларнинг сони келтирилмаган холда ҳам 3000 кишилик, жуда иокулай ахволга тушиб

колган аскар учун бу катта йўқотиш эмасди. Қандай бўлганда ҳам бу аскар Мадинада яхши кутиб олинмади. Ўлганларнинг қососи олинмагани, кўркоқлик қилингани юзга солинди. Айниска, Холид иби Валид шаънига даниномлар ёғилди. Лекин Мұхуммад (сав) Холиднинг тутган йўлни тақсирилаб, унга тўғри баҳо берди, колаверса, Пайгамбар Суриядан қайтаётib, Мута воқеасини ўз кўзи билан кўрган әлчисидан аниқ мъалумот олган эди.

629 йил давомида Қизил деңгиз киргоги ва Фатафон ерларига ўз таъсирини сақлаб колиши учун кайта-қайта сариялар уюштириб турилди. Бундай караганда, гўё катта ютуқлар кўлга киритилмаган, ҳатто вактинча мағлубият алами тотилган бўлсада, мусулмон аскари кучга тўлиб борар, унинг ҳарбий ва сиёси таъсири секин-аста улгайиб бораётган эдик, бу якин орада ўзини намоён килди.

Пайгамбар аввалдан амин эдик, Қурайш билан 10 йил муддатга имзоланган Ҳудайбия сулхи узоқка бормайди. Шундай бўлди ҳам, унинг умри атиги 1,5 йилга стди, холос. Мъалумки, сулҳ шартларидан бирига кўра, Ҳузоа кабиласи Пайгамбар ва Бакр кабиласи Қурайш томонига ўтганди. Улар орасида азалдан давом этиб келаётган касос масаласи мавжуд эди. Мута воқеасида мусулмон аскари муваффақият қозонмагандан сўнг Бакр фурсатдан фойдаланишга карор килди. 629 йил охирида Ҳузоа ва Бакр ўртасидаги зиддият кескин тус олди. Бакрининг раҳбари Навфал иби Муовия Қурайшининг мадади ила тунда бир гурух хузонйларга кўккисдан хужум килиб, 20 кишини катл килди, колганилар Маккадаги қариндошларинида паноҳ топган бўлсаларда, таъкидан кутилаолмадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, Қурайш раҳбарлари вужудга келган вазиятда, юмшоқ килиб айтганда, ақлли иш тутмадилар, аксинча, Мута воқеаси мусулмонларни заифлаштирди, деган фикрда Бакрга ёрдам бердилар. Тунги хужумда Сафрон иби Умайя ва Ҳувайтиб иби Абдул Узза каби Қурайшининг таникли вакиллари иштирок этдилар. Энг асосий гижгижловчи ролини Икрима иби Абу Жаҳл ўйнадики, Ҳудайбия сулҳига зид равиша у Бакрии курол-ярог билан таъминлади. Навфал хузонйларни таъкиб қилишни давом этдириб

турган бир пайтда Амр ибн Солим ал-Хузойй боинчилигидаги делегация зудлик билан, 400 км масофани уч кунда ўтиб, Мадинага етиб борди. Вокеани эшиштакч. Мухаммад (сав)уларга ёрдам беражагини вальда килди. Кетма-кет Будайл ибн Варка бошлик иззинчи делегация келиб. Қурайшининг бу борадаги иштироки хусусида аник мавлумот берди. Пайгамбар: "Демак, Ҳудайбия сұлхы ўз күчини йўқотибди"-деган жумлани айтди ва ҳузонийларга, ўзини химоя килгандек ёрдам беражагини вальда килиб, ҳозирча ўз ерларида ёйилиб яшаб, кутишини маслахат берди.

Қурайш эснин йигиб олиши учун шу хабарнинг ўзи етарли бўлғанди. Улар Навфалдан кочокларни таъкиб килинни тұхтатинин талаб килдилар. Энди улар тушуниб еттаңдиларки, иш жиғитий түс оляяпти. 6 кун ўтгандан сўнг Мадинага Абу Суфён сафарбар килинди. Ҳудайбия сұлхини имзолашда бевосита иштирок этмаганини баҳона килиб, бу машхур арбоб сұлхни янгилаб келинни керак эди. Аммо Усфонга етганда Мадинадан кайтаётган ҳузонийларни кўриб, у ўзининг кечикканини анткади. Бу борада иккى турдаги мавлумот мавжуд: биринга кўра. Мухаммад (сав) Абу Суфёнин совук каршилаган, иккинчисига кўра эса, умуман кабул килмаган. Абу Суфён ёрдам сўраб, Абу Бакр, Умар, Усмонларга мурожаат килиди. Ҳатто ўзининг кизи, Мухаммад (сав) никоҳида бўлган Умм Ҳабиба уни лутфан уйга қўйган бўлсада, Пайгамбар тагига қўйиладиган гиламчага ўтиришига ижозат бермайди. Али эса унга раҳми келиб, Мухаммад (сав) билан учранувни талаб килмай, яхшиси, орқага кайтишини маслахат беради.

Шу аснода Мухаммад (сав) Мадина ва унинг атрофидаги кучларга сафарбарлик эълон килди. Катта юришга тайёргарлик кўрилаётгани хаммага аён, аммо у кайси йўналишда бўлишини ҳеч ким билмасди: шимолгами – Зайд ва Жаъфарнинг қасосини олиш учун, шарқами – одатдагидек, Фатафон ва Ҳавозинга қарши ёки жанубга – Қурайшга қарши. Пайгамбар сукут сақларди. У Ойшага сафарга ҳозирлик кўришини тайинлади-ю, аммо қаерга эканини айтмади ва сир саклашни буюрди. Абу Бакр бир марта Ойша кизи галвирда дон элаётганини кўриб – бу узок сафарга отланишнинг белгиси эди

– йўналишнин сўраганда, у жавоб бермади. Шу пайт келиб қолган Пайгамбар Абу Бакрининг бир неча саволидан сўнг, бу сафар Макка фатхи хусусида гап кетянти, леди. Абу Бакрининг ўртамиздаги шартнома муддатта эга эмасми, делан саволига Пайгамбар: "Улар Ҳузоа билан шима килгандарни билмайсанми?", деб жавоб бердилар. Сир ошкор бўлмасин учун, атайин, бошка йўналишлар кўреатилаётган эди. Қурайш бу сафардан воказиф бўлиб колмаслиги учун каттик эхтиёт чоралари кўрилди. Шаҳардан чиқаётган ҳар бир киши назорат остига олини. Оиласи Маккада қолган Пайгамбарнинг якни сафдошлирдан бири Ҳатиб ибн Балтаға бир аёлни ёллаб, у оркали Маккага хат юборинига уриниб кўрди. Аммо Али уни тутиб келди. Жавобгарликка тортилган Ҳатиб: "Мен ёмонликни кўзлаганим йўқ эди, Азбарои онламдан ҳавотирда бу ишни килдим. Ахир, қурайшийлар уларга карни бораётганимизни билишганда онламни уларнинг газабидан ким ҳам сакстай оларди?", – деди. Умар хонинга ўлим жазоси бернилишини талаб килди, аммо Пайгамбар Бадр жангига иштирокчиси сифатида уни кечирди.

Рамазон ойи бошлирида Мадинага иттифоқчилар – Аслам, Фифор, Музайна, Жухайна ва Ашжаълар чақирилди. Рўза бошлангани туфайли кўпчилик Маккага юриш кечикитирилди, деб ўйлаганди. Лекин рўзанинг 9-куни юриш эълон килинди. 10-куни, яъни 630 йилнинг 1-январида кўпминг кишилилк аскар Мадинадан чиқди. Ал-Кудайдада унга Ҳузоа ва Сулайм одамлари кўшилиб, аскарнинг умумий сони 10 минг кишига етди. Ярим йўлда Пайгамбарга амакилари Аббос учрашди ва шу ерда, ниҳоят, у исломни кабул килди. Жухфага келганда аскарга байроқлар тарқатилгач, энди юриш шак-шубҳасиз Маккага экани аён бўлди. Араблар учун мухим янгилик – Сулайм қабиласидан таркиб топган отлик қисмга Ҳолид ибн Валид, яъни бошқа қабила вакили қўмондон этиб тайинланди. Маккадан 4 фарсах (9км) масофада, Марр аз-Захрон деган жойда аскарга қўним берилди. 17-Рамазон куни жуда катта кўшин Макка яқинидаги турганини эшиштан қурайшийларнинг юракларига гулгула тушди. 17-Рамазон Бадрда мусулмонлар уч баробар катта куч устидан ғалаба қозонган кун – ҳамманинг хотирасида эди. Энди 10

минг кишилик яхни қуролланган, урунларда тобланган күшини уларнинг устига келянти. Шу ерда табиий савол туғилди, нечун Қурайни раҳбарлари шунчалик гафлатда бўлдишларки, шундай катта куч уларнинг деярли бикинида пайдо бўлишидан бехабар келдилар?

Вокеаларга таалуқли маълумотларни объектив, холис тадқик килсак, кўп нарса аён бўлади. Бу ерда албатта, Аббоснинг муайян роли бор. У исломни охирги наллада қабул килин бўлса да. Бадрда омон колгани эвазига ва умуман якин қариндошлиқ жихатидан, доимо Мухаммад (сав) билан алокада бўлиб келгани. Макқадаги ахводдан боҳабар килиб тургани аниқ. Жуҳфада учрашганиларида Мухаммад (сав) Аббосга: “Сизнинг хижрангиз менинг пайгамбарлигим каби охиргидир”, - дегандилар. Демак, Аббос охирги мухожирлар сафидан ўрин олди. Бундан ташкири Аббосдан бошка кўнгина хонимиийлар, улар орасида, масалан, Мухаммад (сав)нинг анадлий душмани Абу Суфён иби Хорис иби Абдул Мутталиб, Пайгамбардан авф олди. Қурайшининг раҳнамодари Абу Суфён иби Ҳарб, Ҳаким иби Хином, Будайл иби Варкалар шаҳардан ташкири чиқиб, Аббос билан учрашишлар, у ўз навбатида Абу Суфёни Мухаммад (сав) билан учраштириди ва Абу Суфён исломни қабул килди. Агар Абу Суфён ва Аббос ўргаларида аввалдан яқин дўстона муносабатлар мавжуд бўлганини инобатга олсак, ўни хатарли ва нотинч наллада уларнинг учрашуви тасодифий хол эмасди. Яна шуни унутмаслик керакки, Қурайшининг бальзи вакиллари Макка якинидаги кучларини тўплаб, мусулмонларга қаршилик кўрсатишга уриндилар, аммо кучли зарбага учраб, кочдилар. Юзага келгани вазиятда шаҳар раҳбарлари ва биринчи навбатда Абу Суфён тушуниларки, Макка ва қурайшийлар фақат бир холатда, яъни пайсалга солмай ва кўнгилли равишда таслим бўлгандагина омон қолиш мумкин. Шаҳар ахолисининг аксарият кисми ҳам шу фикрга келганди. Демак, Макканан уч йирик арбобнинг Мухаммад (сав) билан учрашувга чишини ўзига хос таслим (капитуляция) бўлиш таклифи билан чиқсан делегация, деб қарамоқ керак.

Мухаммад (сав) ва Абу Суфён учрашуvida иштирок этган Аббос Пайгамбарга Абу Суфёнинг обрў-эътиборини инобатга олиб, қандайдир шаклида эҳтиром кўрсатишни илтимос килди. Мухаммад (сав) ҳеч ким кутмаган химматни кўрсатиб, дейди: “Аллоҳ меҳрибон ва раҳимлидир, э, Абу Суфён! Қурайшийларинга қайт ва айт – кимки итоат килса, кечирилади. Сенинг уйинда беркингандарга – омонлик; Қаъба дарвозалари ичидаги беркингандарга – омонлик”. Айни вақтда Пайгамбар ҳам Аббосга Абу Суфёни мусулмони аскари саф тортиб ўтишини ўз кўзи билан кўрсин учун тор дара олдида бироз ушлаб туринши сўради. Ҳакикатан у мухожирлар, ансорлар, судаймийлар, музайинийлар ва Мухаммад (сав)нинг бир сўзи билан жангга шай бўлиб турган бошка бадавийларни кўрди ва 10минглар чамаси, бу кучга қаршилик кўрсатиш – подонлик ва бехуда курбон бўлиш эканини вужуди билан сезди. Шаҳарга қайтган заҳоти у ҳалқка мурожаат килди: “Э, қурайшийлар, Мухаммад эртага шу ерда бўлади – у билан мухожирлар, ансорлар ва минглаб бадавийлар келаётпи. Бизни химоя қилаоладиган ҳеч қандай куч йўқ!.. ким кўркса, менинг уйимга борсни, улар омонликда бўлади, деб Мухаммад вазъда берди. Ҳарамга боринглар – улар хавфсиз бўлади, деб Мухаммад вазъда берди”. Нима бўлгандага ҳам, қурайшийлар шундан сўнг таслим бўлишига карор қилдилар.

Шундай вазиятда, Арабистон тарихида мисли кўрилмаган кучга эга бўлган Мухаммад (сав) Макка фатхига пухта ҳозирлик кўрди ва аскарни кисмларга бўлди. Аз-Зубайр бошчилигидаги чап қанот шаҳарга шимоли-шарқдан кирадиган бўлди. Ўнг қанотни асосан бадавийлар ташкил қилиб, бехуда кон тўкилишининг олдини олиш мақсадидаги уларни тажрибали Ҳолид иби Валид бошқардиган бўлди. Марказда харакат қилаоладиган мухожирлар ва ансорларга бошлиқ этиб Саъд иби Убода ал-Анзорий тайинланди. Пайгамбар қўлидан байрокни олаётиб, у: “Жанг куни мукаддас нарса йўқ!”, - деб шодиёна хитоб килганди, Макка тақдирини ўйлаган Расулуллоҳ, шу заҳоти уни қўмондонликдан бўшатиб, ўрнига ўғлини тайинлади. “Фақат қаршилик кўрсатгандар билан урушинглар”, - деб қатъий кўрсатма берди, Пайгамбар.

21 Рамазон куни (630йил 8 январ) мусулмон аскари тўрт томондан Маккага кириб борди. Сафвой иби Умайя, Икрима иби Абу Жахл ва Сухайл иби Амрлар, яъни айнан Бакрга Хузра билан урушида ёрдам берганлар жануби-тарбдан кириб келган Холид иби Валидга каршилик кўреатдилар. Киска муддат давом этган тўкишувда 15 та якин қурайший халок бўлгач, колганлар жанг майдонидан кочиб келдилар. Мусулмонлардан 2-3 киши курбон бўлди, холос. Бошқа жиддий тўкишувлар бўлмади. Уйларга бостириб кирилмади, чунки уйлариста беркиншарларга омонлик вавда килинганди.

Бироз хордик олгач. Мұхаммад (сав) Абу Бакр ҳамрохлигидан бутун шахар узра ўтиб, Каъбага келди. Каъбани 7 марта тавоф қилгач, ҳачиридан тушиб, икки ракат намоз ўқиди. Замзам сувидан ичди. Сўнгра аввал Каъба атрофида кўйилган санамларни, кейин Каъба ичидаги энг катта санам-Хубани парчалаш, леворлардаги расмларни ўчириб ташланини буорди. Шу зайлда покланган Каъбада яна намозни адо этиб, одам бўйи баланликдаги зинадан туриб, йигилган маккаликларга вавз қилди: “Бугун сизларга хеч қандай айблов йўқ! Аллоҳ сизларни кечиради, ахир У Раҳимдилларнинг энг раҳимлиси дидир.” (12:92).

Мұхаммад (сав) Каъбадаги санамларни йўқотишни буоргандан Маккада бирорта норозилик овози эшитилмади, уларни ҳарамдан судраб чиқиша, томдан улоқтиришарди. Тони санамларни майда-майда килиб синдиришиди, ёҳочданларни ёқиб ташлашиди. Бир кун ўтмаедан Макка ва унинг атрофида бирорта санам қолмади. Каъба қалитига Али дъявогарлик қилганди, аммо Мұхаммад (сав) қадимдан бу муқаддас масканнинг кўрикчилари вазифасини бажариб келган Абд ад-Дор ҳонадонила, ҳожиларни сув билан ташминлаш (сикояни) – Аббос ва унинг авлодларида колдирди. Ҳаж ва Каъба ибодати билан боғлик қурайшийларнинг бошқа имтиёзлари бекор қилинди.

Илгари Каъбага беркиниб олса ҳам жазолашга аҳд қилган ўзининг ашаддий душманларининг кўпчилигини Мұхаммад (сав) кесичирди. Хузойлар Маккага қурайшийлардан қонга-қон қасосини олиш учун келганларида

Мұхаммад (сав) бунағ йўл қўймади: “Макка ва унинг атрофи муқаддас (харом), бу ерда кон тўқилиши мумкин эмас, ҳозир ва абадул - абад”, -деди у. Хузойларга қасос эвазини Пайгамбар ўзига тегишли бўлган маблагдан қонладива улар бу қарорга бўйснидилар. Эртаси куни Расулуллоҳ буидан 20 йил аввал қурайшийларга биринчи ваззини қилган Сафо тепалигида ўтириб, барча маккаликлар, шу жумладан, аёллардан ҳам, қасамёд қабул қилди. Сўнгра жарчи шахар бўйлаб кезиб, Мадинада буидан 8 йил илгари ишакланган мусулмон уммасининг хукуки ва ахлоки билан боғлик асосий конун-қондадарни ўзлон қилди: барча мусулмонлар – биродардирлар ва бир – бирлари учун маъсуздирлар; мусулмон киши гайри мусулмон учун ўлдирилини мумкин эмас, шунингдек, ахл аз-зимма ҳам, яъни христианлар ва яхудийлар; турли ёътиқод вакиллари бир-бирларига ворислик қилолмайдилар; зинкорлар тошибурон қилинадилар; никоҳдаги хотин эрининг изнисиз унинг мулкни ҳадя қилолмайди, уч куидан ортиқ муддат сафарга маҳраменз боролмайди; бомдод ва пешин намозларини кейнинга колдириш мумкин эмас; Финт ва Қурбон ҳайитлари кунлари рўза тутиш мумкин эмас ва х.к.

Макканинг олинини унинг атрофидаги ботил ёътиқодларни тутатишига киришини учун имкон яратди. Дастрлаб Макка шахри ичидаги барча ҳонадон санамларни йўқотиш ва Макка ҳарами чегарасини белгиловчи янги тошлиарни кўйиш буоришиди. Сўнгра бу чегарадан ташкаридаги бутпарастлик масканларни йўқотишга киришилди. Холид иби Валид Нахладаги ал-Узза ҳарамини йўқ қилди, унга ёътиқод қилувчиларнинг фикрича, гўё унинг ичидаги ал-Узза яшаган учта акация дарахтини кесиб ташлади, қаршилик қилган кохинни катл қилди. Саъд иби Зайд ал-Мушаллалдаги маккаликлар ва мадиналиклар ёътиқод қиласиганал-Манот ҳарамини бузуб ташлади. Амр иби ал-Ос Ҳудайбия яқинидаги хузайлийлар ёътиқод қиласиган Сувъ санамини йўқ қилди. Илгари хурмат ва эъзозда бўлган илоҳларнинг безиён йўқ қилиниши исломнинг бутпарастликдан устунлигини яна бир борисботлади. Қабилаларнинг бу масалада сукут саклагани бутпарастлик

түгаганига рози бўлғанларини англашарди, көлаверса, кўн холларда бу бутларни йўкотишда уларниң ўзлари фаол катнашидилар.

Аммо бу масала умуман коили түкнаптувлареиз хал бўлди, деб ҳам бўлмайди. Бутсанамлар бирин-кетин йўқ килиниб, уларга ўтиқод килувчилар секин-аста мусулмонларга айланасетган бир пайтда Тоифдан 80 км шимолроқдаги Автас деган жойда Оиди навбат уларга келишини “англаб”, Мухаммад (сав)га уздан оддин зарба берини учун катта куч тўпладилар. Бундан хабар томган Мухаммад (сав) ўз навбатида Сафвой иби Умайядан 50000 дирхам ва 100 та дубула. Абдулоҳ иби Абу Рабиға ва Хувайтибларнииг ҳар биридан 40000 дирхамдан ижарага олиб. Макка фатхида катнашган 10000 аскарга яна тўлик исломни кабул килиган Макка ахолисидан 2000 кишини кўшиб, зудлик билан жангга хозирланди. Бир-бiringа караб харакат килиган томонлар 630 йил 30-январ куни Маккадан 100 км шимоли-шарқдаги Хунайн водийсиде тўкнаптилар. Мусулмонларга карни 2 баробар кўп сонга эга бўлган аскар турарди, бунинг устига Ҳавозининиг бошлиги Молик иби Авф аскарининг рухини кўтарини учун онла аъзолари ва чорва-молларини ўзи билан олиб келганди. Молик ўз кўшинини куйидаги тарзда жойлантирганди; биринчи каторда куролланган жангчилар, иккинчи каторда туюнган аёллар, улар кетидан чорва моллар, ёнбагирдаги сойларда эса пистирмалар кўйилган эди. Бану Сулайм кабиласидан ташкил топган Холид иби Валид бошлиқ отлик кисм олга босиши билан пистирмадагилар уларга ёнирилдилар. Сулаймийлар хужумга бардош беролмай, кочабошладилар, уларга батзи маккаликлар ҳам кўшилдилар. Одатдагидек, голиблар ўлжани талашга тушганларида, мусулмонлар сафларини тиклаб олиб, кутилмаганда қарши хужумга ўтдилар ва ракибининг ёйилиб кетган сафларига ёриб кирдилар. Омон колган бутпарастлар уч томонга: Нахла водийсининг тепа қисми, Автас ва Тоифга караб кочдилар.

Мусулмонлар қўлига мисли кўрилмаган мисдорда катта ўлжада тушди: 6000 асир аёллар ва болалар, 24000 тия, 40000 дан кам бўлмаган кўй-эчки ва

4000 укия кумуш (160минг мингдирхам қийматга тенг). Автас қийинчилекиз ишгол килинди, аммо Тоиф шаҳарининг қамали қийин кечди. Тоифликлар умуман музокарага рози бўлмадилар, Мухаммад (сав) юборган парламентёрин ўздирилар. Пайғамбар тушундикси, хозирча Тоифни олинидан воз кечини керак ва қамалининг 20-куни уни кўтарди. Ўлжани таҳсиллари найтида Пайғамбар ўзига тегишли бўлған асиirlарни озод килиб, бошқаларга ўрнак кўрсатди. Бундан ташқари бошқа мусулмонларни ҳам шундай килингага кўйидирди. Сўнгра Мухаммад (сав) Моликка, агар ихтиёрий таслим бўлса, унга оиласи ва мулки қайтарила жаги ҳамда 100 тухфа килинажа и хақида таклиф киради. Молик хуфёна Тоифдан чикиб, Мухаммад (сав) хузурига келди, унга ваъда килингага нарсалардан ташқари Бану Ҳавозинининг “малик”и деган узвон берилди. Моликнинг Мухаммад (сав) тарафига ўтиши сакифларнинг мавқенини сусайтирди ва охир-окибат Тоифининг кулашига олиб келди.

Мухаммад (сав)га, одатдагидек, “хумс” - ўлжанинг бешдан бир кисми текканди. У ўз улушини эндигина исломни қабул қилган курайшийларга инъом қилди: Абу Суфён ва унинг ўғиллари, Сұхал ибн Амр, ҳатто Макка фатхидан сўнг Яманга қочиб кетган ва Тоиф камали пайтида узр сўраб, кайтиб келган Икрима иби Абу Жахл, бирнече кўчманчи қабила бошликларига 100 тадан тужа хадя қилинди, ансорларга эса ҳеч нарса берилмади. Табинийки, улар бир вактнинг ўзида ҳам норози, ҳам келажак тақдирлари хусусида хавотирда бўлиб колдилар. Мухаммад (сав)нинг Макка фатхидан кейинги курайшийларга иисбатан хайриҳоҳлиги ва сахийлиги ансорларни Пайгамбар Мадинани тарк этиб, Маккага ўтиши мумкин, деган хаёлга олиб келди. Ансорларнинг бундай кайфиятидан боҳабар бўлгач, Пайҳамбар уларни йигиб, мурожаат қилди: “Мухаммаднинг руҳи кўлида бўлган Зот билан қасамки, агар мен Маккада дунёга келмаганимда, ансорлардан бири бўлардим, Хўш, Мадинага нима билан қайтишни истайсизлар? Чорва мол биланми ёки Аллохнинг расули биланми?” Барча

хозир бўлғанлар баланд овозда: "Албатта Сиз билан, ё, Расулулоҳ! Бахти кунимизда хам, баҳтсиз кунимизда хам!", - дега хитоб килинди.

Энди, зикр этилган саҳоватли тухфалар масаласига келсак, шундай фикр борки, улар воситасига Мухаммад (сав) курайшийларни "муаллафа қулубихим"га айлантириди, яъни уларниң калбларини ўзига, исломига маҳкам ошино кидди. Куръони карим ва умуман мусулмон адабиётида бу ибора "уларниң руҳлари дўстона тус олди" маъносига келади. Ҳакикатан хам ўша кунлардан эътиборан курайшийлар бир зумла бугиарастиликни тарк этиб, Аллоҳ йўлидаги жангчиларга айландилар.

Тоифдан Найгамбар Маккага қайтилар, яна бир бор умрани адо этиб, сўнгра 19 март куни Мадинага йўл олдилар.

Маъруза 17. "Делегациялар йили (631)" ва бошқа воқеалар

Макка шаҳри олинниб, Водил Қуродан Тоифгача барча қабилаллар исломни кабул килгач, мусулмон "умма"си Мадинадан анча ташқари ерларни ўз ичига олди ва каттагина давлатга айланди. Шундай бўлсада, ҳали-ҳамон урут-қабиличилик таркиботива қабилаларининг ичидаги муносабатлари сакланниб келарди. Урут-қабиличилик таркиботига хос бўлмаган биринчи янгилик бу – солик тушунчаси бўлди. Тўгри, умуман олганда, араблар божхиро жаклиядаги соликдан хабардор эдилар, зоро улар Ҳимёр, Лахмийлар ва Гассонийлар давлатлари ва йирик қабилаларда буни кўрган эдилар. Куръони каримда солик солини зарурлиги хусусида аниқ кўсатмалар йўқ. Аммо жамоанинг гоявий раҳнамоси сифатида кам таъминланган ёки мухтоҷ вакилларини кўллаб-кувватлаш Мухаммад (сав)нинг бурчларидан бири эди. Қолаверса, илк мусулмон жамоасига бунга эҳтиёж тугилди. Шунинг учун хам дастлаб закот ва садака деб иккى ҳилном билан аталган бу тушунча Аллоҳниң марҳаматини олиб берувчи восита сифатида исломнинг беш фарзи ичидаги намоздан кейин кўйилди: имон, салот, закот... Макка сураларида "закот" кўпроқ мўминликнинг белгиларида бири маъносига ишлатилган бўлса, Мадина сураларида энди у аниқ атамавий, яъни диний бурч, вазифа маъносини касб килди. Хайр-эҳсон маъносига Куръонда "закот"дан ташқари "садака" сўзи хам ишлатилган. Куръондаги "садака" бу – бева-бечора, мискин, садака йигувчи, қалблари ошино қилинган, кул вақарздорларни озод килиш. Аллоҳ йўлидаги жанглар иштирокчилари ва мусоифилар учун белгиланган(9:60). Кўриниб турибдики, бу ерда тап аниқ жамоа фонди ва ундан тарқатиладиган маблаг ҳакида кетаяпти. Мухаммад (сав) Макка фатҳидан Мадинага қайтгач, биринчи бор садака йигиш ташкил қилинди. 630 йил апрелида, манбаларга кўра, 16 кўзга кўринган сахобалар, шу жумладан, Али ибн Абу Толиб, Амр ибн ал-Ослар жойларга садака йигиш учун

юборилдилар. Хусусан, Али Нажрон шахарига хам садака хам жия – христианилардан жон солиги йигин учун жўнатиди. Шундай килиб, садака йигувчилар эди тутилаётгани марказлашган давлат аппаратининг биринчи бўгинин таникларидилар, дейин чумкин.

Шуни таъкидлани жоизки, дастлабки даврларда садака йигини бузиларнинг порозисиги ва хатто ҳарбий низоларга сабаб бўлди. Масалан, садака йигини учун борган Башир иби Суфёни кувиб юборган Тамим кабиласини жазолаш максадида у ерга Уйайна иби Ҳиси 50 отлик аскар билан жўнатиди. Уйайна деярли жангни йўқотишсан 11 оркак, 21 аёл ва 30 ён болаларни аср ишиб, Мадинага олиб келди. Бир неча кундан сўнг ушбу асиirlар масаласида Мадинага Тамим кабиласининг катта делегацияси келди. Мухаммад (сав)атайни кабул килингана ишончали, аввал масжидда, тамиимишларни кутдирган ҳолда, жамоат намозини ўтказди. Сўнг яна бир бор уйнда намоз ўкиб, шундан сўнгтина улар билан муҳокарага кирди. Жоҳиляя арабларнинг одатига кўра, тамиимишлар ўз хатиби ва шоири билан фахрланиш максадида дастлаб хатиби Мутарид иби Ҳожибини илгари сурдилар. Унга жавобан Мухаммад (сав) мусулмон хатиб Собит иби Қайс чикишини буорди. Сўнг тамиимишлардан шоир Забиркон иби Бадр шеъри билан чиқди. Унга Пайгамбарнинг шахсий шоири Ҳассон иби Собит жавоб килди. Шундан сўнг тамиимишлар бошлиги ал-Акрағ иби Ҳобис мусулмон хатиби ва шоири унизидан устун келганини тан олиб, исломни кабул килди, Мухаммад (сав) эса асиirlарни тўловсиз озод килди. Дарвоке, юкорида зикр этилган ва ёндиғина исломни кабул килган шоир Забиркон, кўп ўтмай, солик йигувчи сифатида банду Саъд кабиласига юборилди.

Бу – ўша 9 хижрий йилда Мухаммад (сав) хузурига турли қабилалардан келиб, исломни кабул килган ва марказлашган давлатга тобелик билдирган кўплаб делегациялардан биринчиси эди. Маълумотларга кўра, делегацияларнинг умумий сони 70 тага етганки, 9- хижрий йил тарихда “делегациялар йили” деган номни олди. Аммо исломнинг ушбу зафарли юришидан олдин яна бир неча ҳарбий чикишлар амалга оширилди.

Янги давлатнинг жанубида 630 йилиннинг май-июнь ойларида 20 кишилик отряд то Яман чегарасида банду Ҳасъам ерларигача борди. Икки ойдан сўнг Алқама иби Мужаззаз ҳабашларнинг десантини бартараф қилиш учун Жиддага юборилди. Шарқий чегараларда 630 йил июнида Дарияга қалбитларга исломни қабул қилиштаклифи билан борган унча катта бўлмаган киен қаршиликка учраб, жанг қилишга тўғри келди. Ўша ойда Мұхаммад (сав) Алини 150 киши билан Тайй қабиласига улар сигинадиган Фалс санамини йўқ қилиш учун юборди. Бу ерда ўзининг сахиyllиги билан тизларда достон бўлиб келган Хотим Тоий (ўзбекча Хотамтой)нинг уруги янарди. Али Фалс ибодатхонасини йўқ килди, кўп асиirlарни кўлга киритди, улар орасида мазкур Хотимнинг кизи ҳам бор эди, унинг акаси ва уруг бошлиги Адий Сурияга қочиб кетди. Хотимнинг кизи Мадинада Пайгамбар билан учрашиб, исломни қабул килди ва акасини Мадинага чакирди. Адий Пайгамбарнинг исломни қабул қилиш ҳакидаги таклифинга жавобан, менинг ўз диним бор, леди. Пайгамбар унга: “Биламан, сенинг дининг “Рукусия” деб аталади, у насронийлик ва собийлик ўртасидаги эътиқод. Майли нима бўлғанда ҳам, уруг бошлиги сифатида сенга ажратиладиган “мирбай” (чорак улуши)га сизларнинг динингиз нуктан назаридан ҳам рухсат йўқ!”, деган экан. Адий иби Хотим бу фикрга кўшилибди ва исломни қабул килибди.

630 йилиннинг айни иссик ёзида Византия императори Ираклий Арабистонга юриш учун катта кўшин тайёрлаётгани, унга Иордан орқасидаги Лахм ва Фассон қабилалари кўшилажаги ҳакида миши-миш хабар етиб келди. Айни шу кунларда Мухаммад (сав) хонадонида ҳам кўнгилсиз воқеа юз берди: ўғил туғиб бергани ва гўё унга кўпроқ эътибор қаратилаётганини таъна қилиб, Маръямни ёқтирмаган Пайгамбар никоҳидаги барча аёллар биргаликда норозилик билдириб, Расууллоҳии зик қилиб юбордилар. Шу воқеа билан боғлик, агар улар яна шундай дилхиралик қилишса, Пайгамбар ҳаммасини талоқ этишга ҳақли, деган мазмундаги оят нозил бўлган.

Бу икки масала ўша кунлари канчалик долзарб бўлганини Умар иби ал-Хаттоб ҳикоясидан ҳам билса бўлади. “Менинг бир танишим бор эди,

деганди у,- Мадинадан ташкарида яшарди ва ўзига хос коровул вазифасини бажарарди. Биз ўша кунлари гассонийлар ҳужум килиб колинидан хавотирда эдик. Бир куни кечкурун шу танишим интихими каттик кокиб, ёмон иш бўлди, деди. Мен унга: “Нима бўлди, гассонийлар келдими?” - десам, у: “Йўқ, ундан ҳам ёмон: Пайгамбар хотинларининг ҳаммасини талок килиб юборибди”, - дейди. Манбаларда келинича, шундай потинч пайтда аёлларининг килимишидан аччикланиб, Пайгамбар бир ой улар билан умуман алоқада бўлмаган эканлар. Абу Бакр ва Умар ўз кизларига каттик ташиб берганлар.

Нима бўлганда ҳам Мухаммад (сав) дуниман келинини кутмасдан, унга карни пешвоз чикини учун аскар тайёрланига киришиди. Манбаларга кўра, 30 минглик, шундан 10 минги отлик, кўшини тўнланди. Бу жута катта маблагни талаб килар, йил бошида тўпланган садака ўса камлик киларди. Шу бонсдан, Мухаммад (сав)саҳобаларга мурожаат килиб, кимининг канча имконияти бўлса, армияни моддий таъминлашими илтинос килди: “Ман жахҳаз жайшал усра лаҳул жанина”(Кимки, мухтоҷ армияни тайёрласа, унга жанинат насиб этади). Абу Бакр бор мол-мулкани, Умар – бойлигининг ярмини, Абдураҳмон ибн Авф – 8000 дирҳам, Усмон ибн ал-Аффон ўз хисобидан аскарининг учдан бирини жихозлади: Аббос, Таҳха, Саъд ибн Убода, Мухаммад ибн Маслама ҳам катта эҳсонлар килишиди. Кимдир озгина бўлсада, дон ёки хурмо берди. Аёллар кимматбаҳо буюмларининг бир кисмини эҳсон килдилар.

Айтилганидек, аскарни хозирлани айниёз сараторни пайтига тўғри келган, араблар одатда бундай кунларда сояда бўлишини хуш кўрардилар. Жоҳиля даврида арабларининг ҳар йилга “айём ан-Насий” – қўшимча кунларни кўшишлари ҳам аслида савдо, ҳаж сафарларининг ёз сараторнига тўғри келиб қолмаслиги учун килинарди. Хуллас, бундай иссик пайтда жанинга отланиш ҳаммагаҳам хуш келмади. Кўпчилик сафарга чиқмаслик учун турли баҳоналар килабошлидилар: кимнидир маблаги йўқ, кимдир янги иморат солиб, сувоги қолган, яна кимдир – энди уйланди. Баъзилар тўсатдан

“касал” бўлиб қолдилар, баъзилар оиласа қарайдиган одам йўқ, деди. Айтишларича, муноғиклардан бир киши шу даражага борганки, аёл зотига ҳафдан ташкари иштиёқмандлигини баҳона қилган: гўёки, агар румлик аёлларни кўриб колса, ўз назоратини йўқотармиш, яхини, унинг бормагани майқул эмиш. Бундай кайфият ҳатто Қуръонда ўз ифодасини топган: «(Жаигдан сохта узрлар билан) колганлар Аллоҳнинг расулига хилоф килиб ўтиришларидан (ўзлари) шод бўлдилар ва моллари-ю жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод килишини ёқтиргмадилар ва (бошқаларга ҳам): «Исеник хавода қўзгалмангиз!» – дейиниши. Айтинг: «Агар англасалар, жаханинам олови (ундан) иссикроқдир».

Тобук сафари билан bogлиq оятлар хақида батафсилик мълумотлар “Қуръонининг “Тавба” сураси ва унинг аҳамияти” деб номланган кейинги мътизуза келтирилади.

Сафарга тайёргарлик бироз чўзилиб, Мухаммад (сав) Мадинадан 350 км шимолроқсига Тобукка 630 йилнинг октябррида етиб келди. Қийинчилик билан хозирланган катта армия Тобукка яқинлашганда, византияларнинг Мадинага ҳужум килишлари мумкинилги хақидаги хабар ёлғон бўлиб чиқди. Тобук аҳолисен жангсиз таслим бўлди ва жизя тўлаш шарти билан ўз эътиқодларида, яъни христианликда қолди. Тобукда жойлашиб олгач, Мухаммад (сав)кўшини воҳаларга чопарлар юборди, Холид иби Валидни эса, Дувматул Жандалини бўйсинидириш учун 420 кишилик кисм билан жўнатди. Ҳужум тўсатдан бўлгани бонс, шаҳар ҳокими Уқайдар каршилик кўрсата олмади ва 2000 түя, 800 кул, 400 қалкон ва 400 наиза топшириб, таслим бўлди. Уқайдар ва унинг ипсиси Ҳассон Холидни Мухаммад (сав) хузурига олиб келишиди. Тузилган шартномага кўра, Уқайдар ва унинг рапъати исломни қабул килишиди, бешдан бир кисм ерлар ўлжа сифатида, хурмо ҳосилининг ушри (ундан бири) ва чорва молдан садака бериладиган бўлди.

Сўнгра Тобукка Айла (Эйлат) епископи Иоан ҳамда Макна, Жарба ва Азрух вакиллари келиб, шартнома имзоладилар. Уларнинг шартлари турлича бўлди. Айла аҳолисининг эркакларидан киши бошидан йилига 1 динор,

жайми 300 динор. Азрух ва Жарба – 100 динордан тўлайдиган бўлдилар, Макна эса, балик ови, хосил ва матолардан тўртдан бирини берадиган бўлди. Чамаси, Макнадан кўпроқ содик олинишинини сабаби ахолиси асосан яхудийлар бўлгани учуннир, охимод. Аммо бунинг эвазига уларнинг хаммаси Аллоҳ ва унинг расули химояси (зиммаси)га ўти, тўла хавфсизлик ва виждан эркинлигига эга бўлдилар. Айтин жонзки, бу – боинка дин вакиллари билан жон солиги эвазига виждан эркинлигини кафолатлаган биринчи аник ҳужжатдир.

Мухаммад (сав) Тобукда 1 ой турб. Рамазон боинда Мадинага қайтиб келди. Бирордан кейин Тоифдан сакиф қабиласининг делегацияси келди. Тоиф камал остида бўлган пайтларда сакифийлар исломга ишебатан аниағдий адоватда бўлгандилар, ҳатто шекарла исломга киргандилардан таникли бир киши, аникроги, ўзларинин раиси бўлган Урва иби Масъудин катта килгандилар. Аммо секин-аста англаналарки, атрофда ислом тўла галаба қозонган бир пайтда улар ходи бўлиб қолаомайдилар, шахар барибир қулайди ва, яхини, ўзларига кулай бўлган шарплар билан таслим бўлган мъякул. Сакифийлар кўйидаги шартларда исломни кабул килиш. Мухаммад (сав)ни Аллохнинг элчиси деб тан олини, Лотга сингинини тутатинига рози бўлдилар: Важж водийси “харам” деб ёътироф килинади, рибо (карз)устидан фоиз олиш ва вино ичиш давом этади, ушр эмас, салака тўланади, ёътиқод йўлидаги урушларда иштирок этилмайди, намозда эгилинмайди (рукуъ ва сажда килинмайди), ал-Лот макоми яна 1 йил сакланиб туради. Мухаммад (сав)иктисодий талабларни осонлик билан қабул килди, аммо намоз билан боғлик шартларни кескин рад килди: “Рукуъ ва саждасиз намоз йўқ!”, деб жавоб берди у. Умуман, шаклланиб бораётган ислом арконлари масаласида Мухаммад (сав)нинг карори катъий бўлар, ҳеч қандай чекинишга йўл кўймасди. Хуллас, узоқ давом этган музокаралардан сўнг Важж водийси “хима” деб ёълон килинадиган бўлди, бошқа қабила атзолари бу ерда ов килиши ёки дараҳт кесиши маънъ килинади, аммо курайшийларга тегишли ерлардан сакифийларга ярим хосилни бериш эвазига фойдаланишга рухсат

берилади; олдин берилган қарздан фоиз олиш мумкин, аммо янги рибога рухсат йўқ: ал-Лот ибодатхонаси хусусида биргина имтиёз берилди – уни сакифийлар ўз кўллари билан бузмайдилар. Бу ишни бажариш учун ал-Мугира иби Шульба ва Абу Суфён юборилдилар. Қизиги шундаки, бу харамнинг бузилиши сакифийлар томонидан ҳеч қандай қаршиликка учрамади.

Сакифийлар билан музокара кетаётган бир пайтда Мадинага Абдукулол уруги кайли, Руайна ва Маъариф қайлихамда Хамон қабиласидан – буларнинг барчаси узоқ Ямандан ёди – вакиллар келишди. Балки, айнан уларнинг келини сакифийларининг мавқен бироз юнишнига сабаб бўлгандир. Ямандаги ҳамдоинийлар Мухаммад (сав)томонига ўтиб кучайганидан хавфсираб, уларнинг азалий душманлари масхижийлар ҳам Мадинага тошилдишлар. Шунингдек, Ямандан йиррик Азд ва Кинда қабилаларидан ҳам вакиллар келинди. Маълумки, қадимги Арабистонда Яман “саодатли Арабистон” деб аталиб, энг ривожланган ўлка бўлган. Албатта, ислом арафасида вазият тубдан ўзгарганди. Шундай бўлсалада, яманликлар қадимий давлатчилик анъаналарига эга бўлгани боис, у ердан келган ҳар бир делегация билан шартномалар имзоланган ва уларнинг матнлари ўрта аср араб манбаларида сакланиб қолган.

631 йилининг баҳорига қадар Мадинага марказий Арабистондан ҳам, жумладан, Ҳавозин, Тайй ва Фазора қабилаларидан делегациялар ташриф буюорди. Тайининг бошлиги Зайдулхайл ўзининг хатиблик ва шоирликмаҳорати билан машҳур бўлган экан. Уни қабул килаётib, Расулуллоҳ шундай деган эканлар: “Мен учрашмасдан олдин мақталган, аслида ундан чикмаган кўп одамларни кўрдим, аммо Зайдулхайл у тўғрисида эшитганларимдан ҳам яхши бўлиб чиқди.” Унинг кўлинин ушлаб, Пайхамбар давом этибди: “Хўш, сенинг асли исминг нима эди?”“Менинг исмим – Зайдулхайл, гувохлик бераманки, Аллоҳдан бошқа худо йўқ ва Мухаммад унинг бандаси ва расули”, деб жавоб берибди у ва шу ондаёқ исломни қабул килибди. “О, Зайдулхайл (арабча от-улови кўп одамни англатади), энди

сенинг исминг Зайдулхайр (бу ерда арабча кўн хайрли ишларни қилювчи маъносида сўз ўйини кетаянти) бўлаколенин”, дега Пайгамбар унга 12 укия кумуни ва хоҳлаган жойида ер-мұлкка эга бўлни ҳуқуқини кафолатлаган хат тақдим килибди.

Яномадан келган делегация хусусида алоҳига тўхтани зарур. Марказий ва шаркий Арабистоннинг бу йирик минтакаси Ямандан Эронга борувчи савдо йўлининг кок ўртасида жойлашган мухим стратегик пункт хисобланарди. У икки кисмдан иборат бўлиб, шаркий кисмини бошлиги Ҳавза иби Али сосонийлар Эрони билан дўстона мунисабатда бўлан, тамимиylар талаган Эрони карвонига ёрдам бергани учун ўз накидиа Хуевав II унга “малик”унвонини берган ёди. Гарбий кисмини чо Сумома иби Усал бошқарди. Византия билан урунида енгизиб, Орендинг таъсири насаигач, Яноманинг сиёсий аҳамияти юксайди. Ҳутибия суҳидан сўнг Мухаммад (сав) Арабистоннинг сиёсий лидери сифатига олироф этилиб, кўнини давлатларга хатлар ва эъчилар юборганди, улар орасида Ҳавза иби Али ҳам бор ёди. Мухаммад (сав)нинг исломни қабул килини ҳақидаги таклифига у гўё ижобий жавоб берган бўлсада, давлатга кўниҳокум ёки меросхўр бўлиш истагини билдирган. Пайгамбар уни лаънатлаган ва кўн ўтмай, у халок бўлганди. Иби Ҳишом келтириничча, Мухаммад (сав) Ҳавзага ҳам Сумомага ҳам “Яноманинг икки подшохига” деб хат йўллаган. Сумома тўғрисида икки хил фикр бор: бирига қараганди, дастлаб у исломни қабул килмаган, асир тушгачгина кейин рози бўлган, иккичининг кўра, у Мадинага ўзи келган ва Мухаммад (сав)га сунқасд уюштирмоқчи бўлганда, асирга олингани. Нима бўлганда ҳам Яномада истикомат қилювчи йирик қабила вакиллари – ханифийларнинг Мадинага ташрифи Мухаммад (сав)нинг исломни қабул килиш ҳақидаги таклифига мувофиқ эмас, балки юзага келган вазиятини хисобга олиб, яъни Мадина йирик марказлашган давлатнинг пойтахтига айланиб қолгани сабабли бўлган. Бу делегацияга ким раҳбарлик қилгани халигача аник маълум эмас. Манбаларда аъзолар сифатида Раҳхол иби Унфув ва Муслим ал-Кабирлар зикр этилади. Муслим кейинчалик Абу Бакр

халифалиги даврида соҳта пайғамбарлар ҳаракатида қатнашгани учун мусулмон адабиётида Мусайлима ал-Каззоб номини олган шахсdir. Ал-Балазурий ёзишича, айнан Мусайлима Мухаммад (сав)га: “Агар истасанг, биз сенга ҳокимликни берамиз, сенга қасамёд этамиз, факат шу шарт биланки, сендан кейин у бизга ўтади”, -деган. Пайгамбар уни лаънатлаган ва ханифийлар ҳеч нарсага эришаолмай, ўз ерларига кайтиб кетганлар. Раҳхол Мадинада бўлган пайтда исломни қабул қилган ва ҳатто Куръоннинг бир кисмини ёдлаган. Ҳанифийлар тўғрисидаги маълумотлар қанчалик бир-биридан фарқ килмасин, шу нареа аникки, биз юкорида зикр этган Мадинага ташриф буорган 70 та делегацияларнинг ичиде Мухаммад (сав)га қасамёд қилмаган якка-юягона қабила бу-ханифийлар бўлди.

631 йилда ҳаж маросими адо этилиб, Куръоннинг “Гавба” сураси Али томонидан ўша ерда ёълон қилингандан кейин ҳам Мадинага делегацияларнинг келини давом этди. Уларнинг бальзилари бир неча кишидан иборат бўлиб, ҳали исломни қабул килмаган йирик қабилаларнинг у ёки бу урутининг ваколати билан келган бўлса, бошқалари, масалан, Божила ва Ахмад қабилалари номидан келган 450 кишилик катта делегациялар эди. Ҳижратининг 10-йили Мухаммад (сав)нинг асосий эътибори Жанубий Арабистонга каратилди. Яманнинг исломлашув жараёниде Шимолий Яманнинг энг йирик савдо ва сиёсий маркази хисобланган Нажрон шахри билан тузулган шартнома катта роль ўйнади. Мадинага Мухаммад (сав) билан музокара олиб бориши учун 60 кишилик нуфузли ва катта делегация келди. Уни Кинда қабиласининг бошлиги Абдул Масих, епископ Абул Ҳорисаиби Алқама ва ас-сайид Айхамлар бошқарганди. Мухаммад (сав) уларни масжидда қабул қилиб, исломга киришни таклиф қилди. Аммо улар бунга кўнмадилар. Баҳс-мунозара бирнеча кун давом этди. Улар Исо тўғрисида Мухаммад (сав)нинг фикрини сўрашди, Мухаммад (сав) ўша куни жавоб бермади ва эртаси куни ўзига келган ваҳӣ – Оли Имрон сураси, 59-61 оятларнинг маъносини айтиб берди: Албатта, Исонинг (отасиз туғилиш) мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам (а.с.) қабидирки, уни тупрокдан

яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, (у) бўлди. (Бу) Ҳак (Сўз) Раббининг изданидир. Бас, шубҳа қилувчилардан бўлмани! Сизга келган шу (хакконий) бислимдан кейин (насронийлардан) ким Сиз билан (Исо) тўғрисида баҳолашмокни бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: «Келинглар, ўғилларимиз билан ўғилларинизни, хотинларимиз билан хотинларинизни, ўзимиз билан ўзларинизни чорлаб, сўнгра (биргаликда) илтижо қиласмиш, бас, ёғончиларга Аллоҳ лаънатини тилаймиз».

Бу хам уларни конунирматагач, Найтамбар деди: «Ҳамони, менинг таклифимни радиэтар экансизлар, келинглар бир-бириミニни лаънатлаймиз!» – дедида, ўзи билан набиралари Ҳасан, Ҳусан ва кизлари Фотимани олиб келдилар. Абдул Масих ва ал-Айхамлар масаланини жисдий тус оғланни кўриб, ўзаро мулоҳаза қилидилар: «Агар у чиндан хам Найтамбар бўлсаб, бизни лаънатласа, ўзимиз тутул, сочимизни бир туки хам колмайди». Эртаен куни Абдул Масих: «Нима учун биз бир-бириミニни лаънатлашимиз керак. Бизга хоҳлаган солигинини сол, ўзаро шартнома имзолаймиз», – деди. Шундай килиб, куйидаги мазмунда битим имзоланди:

«Рахимдил ва Мехрибон Аллоҳнинг исми билан!

Бу – Аллоҳнинг расули Мухаммад ҳар кандай меванинг, сарикни ҳам (олтин), окни ҳам (кумуш), корани ҳам (?) ва ҳар кандай қулини ҳам (ракиқ) тақдирини ҳал қилиш хукукига эга бўлган пайтда ёзган битимидир. Аммо у уларга химмат кўрсатди ва юкорида зикр этилган нарсаларни ўзларида колдирди, ҳар бирининг киймати улияга тенг бўлган 2000 дона кийим (хулла) эвазига, ҳар ражаб ойида 1000 дона ва ҳар сафар ойида 1000 дона етказиш шарти билан. Агар хирож сифатида тўланаётган кийимлар 1укиядан ортиқ ёки кам турса – ўзаро хисоб-китоб қилинади; унинг ўринига қалқон, от, тuya ва ҳарбий анжомлар тақлиф қилинса, бу ҳам ўзаро хисоб-китоб қилинади.

Нажронликлар менинг юборадиган вакилларимни 1ой ёки ундан кам муддатда моддий таъминлайдилар; ундан ортигига маъсул эмаслар. Уларга, агар Яманда хоинлик чиқишлиари содир бўлса, вақтингча фойдаланиш учун 30

донадан қалқон, от, тuya бериш юкланди. Ушбулардан бирор нарса йўқолса, менинг вакилларим қоплайдилар. Нажрон шахри ва унинг атрофи аҳолиси, диний жамоаси, ерлари, чорва моллари, гойиблари-ю, ҳозирлари, карвоилари, ҳарамлари ва тимсоллари устидан Аллоҳнинг ҳимояси (живор) ва Аллоҳнинг пайгамбари ва элчиси Мухаммад (сав)нинг васийлигига эга бўлади. Уларнинг ҳозирги ҳолати қандай бўлса, шундай ўзгармай қолади, жумладан, урф-одатлари ва тимсоллари; бирорта епископнинг мансаби, монахнинг-монахлиги, авлиёнинг-авлиёлиги, каттами-кичик эга бўлган имтиёzlари бекор қилинмайди. Улардан қарзлари (судхўрдан) ва жохиля давридан қолган қасос тўловлари сокит қилинади; уларга ҳарбий хизмат ва ушр мажбурияти юкландиди, уларнинг ерларига кўшин кирмайди. Кимнингдир конуний талаби бўлса, адолат билан ҳал қилинмоги керак. Нажронда золим ва мазлум бўлмаслиги керак. Агар кимда-ким олдинги қарз юзасидан фонз олса, менинг ҳимоямдан маҳрум бўлади. Ҳеч ким бошка инсон содир қилиган зулм учун маъсул эмас. Ушбу шартномага мувофик уларга Аллоҳнинг ҳимояси ҳамда Аллоҳнинг пайгамбари ва расули Мухаммад (сав)нинг васийлиги абадул-абад, тики Аллоҳ ирова қилгунга қандай зулм қилинмайди...”

Бундан деярли 14 аср аввал бутунги ҳалқаро хуқуқ нормаларига мос келадиган, қолаверса, БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилган “Инсон хукуклари Декларация”сидан қолишмайдиган юридик ҳужжат қабул қилинганига ҳайрон қоласан, киши!

Балки, Нажрон мисоли ва агар исломни қабул қилгудек бўлса. ўзларининг эски ракиблари – масҳижийлар билан яккама-якка қолиш хавфи – Санада ўтирган Ямандаги сосонийларнинг ноиби Бозонни Мухаммад (сав)нинг исломни қабул қилиш ҳакидаги тақлифига ижобий жавоб беришга мажбур қилгандир. Яна шу нарсани унутмаслик керакки, Бозон Эроннинг Византия билан урушдаги маглубияти ва шоҳаншоҳ саройида кема-кет юз

берган тўнтаришлар туфайли Эрон томонидан батамом маҳаденз колган, ўз холига ташлаб кўйилганди.

Холид иби Валид Масхиж қабиласини исломга давват килиб турган бир макалла, делегациялар, шу жумладан, Масхиждан ҳам, Мадинага келишида давом этарди. Аммо Масхижнинг асосий кисми исломга киришига рағбат билдирамди, шекилли, уларга 631 йил декабрида Али юбориди ва уларни тор-мор килди. Буни кўрган масхижийларнинг доимий ракиби ҳамденийлар каршиликсиз исломни қабул килилар. Шундай сўни масхижийларнинг энг иуфузли уруги бану Зубайдан Амр иби Маликариб бошчилигидан Мадинага делегация келди ва Мухаммад (сав)га касомёт килди. Уларнинг кетидан Мадинага Масхижнинг бошка уруги – бану Муродтан Фарва иби Мусайк бошлиқ делегация келди.

Эътиборли жойи шундаки, жохилия даврининг машҳур шоирларидан бир нечтаси айни шу пайтларда исломга кирдиларки, уларнинг буюк истеъоди исломнинг ёйилишига яхнитина фойда келтириди. Пайгамбар шоирларни, айникса, унга эннинграммалар ёзганиларни, уича хуш кўрмасди. Энди, ислом Арабистонининг барча гўшасига кириб боргач, Музайна қабиласидан Каъб иби Зухайр, исломни қабул килган ўз акаси Бужайр ва бошка музайнийларнинг устидан истехзо килиб, шеър ёзгани учун хатарда колганди. Бужайр иинисини бу ҳақда огоҳлантириди. Шунда Каъб ўз ҳаётини гаровга кўйиб, шахсан ўзи бевосита Мухаммад (сав) хузурига келди ва кечирилди. Бехад хурсанд бўлиб кетган шоир шу заҳоти Расулулоҳга багишиланган мадхияни бадиҳий ижод килиб, ўқиб берди. Ўз павбатидан бундан каттиқ таъсирланган Пайгамбар эгинидан кўк чопони (бурда)ни ечиб, шоир елкасига ташлади. Шарқда бу шеър “Қасидаи ал-Бурда” номи билан жуда катта шуҳрат қозонган. Ҳозирги кунларда ҳам Истамбулдаги музейда ўша “Бурда”ни зиёратчиларга кўрсатишади, аммо унинг аслилиги шубҳа остидадир. Яна бир машҳур шоир, жохилия даврида донги кетган етти “Муаллақот”лардан бирининг муаллифи Амир Саъсаъа қабиласидан Лабид ҳам ўша кунлари исломни қабул қилганди.

631 йили Мухаммад (сав)га тобе бўлган ерларнинг барчасида, умуман олганда, бутиараестликка барҳам берилди, Византиядан Ямангача чўзилган гарбий Арабистонда эски ибодатхоналар деярли қаршиликсиз йўқ қилинди. Ани шу айнан бузувчиларга ҳеч қандай зиёсиз санамларнинг йўқ қилиниши курол ишлатгандан кўра кўпроқ Мухаммад (сав) таълимотининг хақлигини ишботлади. Макка фатхидан бир йил кейинги воқсалар сиёсий жиҳатдан Ҳижозда шаҳар – давлат (полис) тизимининг тугаганидан дарак берди. Макка, Мадина, Тониф шаҳарлари ва уларнинг атрофларини ўз ичига олган бу давлатга тез фурсатда бутун Арабистон қабилалари киражаги кўриниб турган нарса эди. Яъни бу давр талаби, тарих тақозоси эди. Энди, охирги қадамии кўйиш – Каъба билан боғлиқ маросимларни тўла исломлаштириш, юзага келишан, бошқачасига айтганда, ҳозиргизамон ҳалкаро хукуқида “статус-кво” леб аталадинган, холатни қонутийлаштириш колганди.

Маъруза 18. Куръоннинг “Тавба” сураси ва унинг аҳамияти

Макка фатх этилгандан сўни ўтган 1 йил давомида Мухаммад (сав) Курайши зодагонларининг имтиёзлари сактаниб келгётгани, хаждан улар кўраётган маифаатлар камаймагани, ишгариги урф-одатлар бутпарастлик иллатларидан тозаланган холда даярли давом этгётганини таъкидлаб келди. Бу пайтда Мухаммад (сав)нинг пайғамбарлик рисоласи (миссияси) Арабистоннинг азалдан диний маркази бўлиб келган Маккада тан олинаётганининг ўзи кифоя эди. Ӯни, Мадина, Макка, Тоиф, Хижознинг шимоғидаги шахарлар, уларнинг атрофидаги бадавий қабилаларни ўз ичига олган гарихла биринчи йирик давлат тузилганидан сўнг, Пайғамбарнинг барча арабларни бирлаштириши максади амалга оиласиган ҳакикат бўлиб колди. Агар 622-йилда, хижратнинг биринчи йили “ас-Сахифа” ўша давр учун муҳожирлар, ансорлар ва яхудийлар ўргасидаги муносабатларни тартибга солсан Асосий конуни вазифасини бажарган бўлса, эди. 631 йилда худди шунга ўхшаш юридик ҳужжатга эҳтиёж туттилдики, у давлат таркибига кирган мусулон кўпчилик ва гайримуслим озчилик ўртасида муносабатларни мувоғиқлаштириши керак эди. “Делегациялар йили”да бутпараст арабларнинг аксар кўпчиги исломни қабул қилган бўлсада, ҳали Мадина билан маҳкам боғланмаган, баъзи вакиллари исломга кириб, бошқалари исломда бўлмаган араб қабилалар мавжуд эди. Айнан ана шу арабларга нисбатан Мухаммад (сав) масалани кўндаланг кўйди: ё улар янги тартибга бўйсинадилар ёки конундан ташқари деб хисобланадилар. Янги тартиб – дин ва давлат, ўни диний асосда қурилган теократик давлатлар. Бу тизимга кириш учун икки йўл бор эди: бутпараст араблар кўшилганларининг белгиси сифатида исломни қабул қилишлари шарт; китб ахли эса – яхудийлар ва христианлар – тобелик ва жизя тўлаш йўли билан янги давлатга кираётганларини эълон қилишлари керак эди. Жизя бу-балоготга етганва

кандаидир даромадга эга бўлган кишилар тўлайдиган солин. Ундан аёллар ёш болалар ва диний соҳа вакиллари озод қилинади. Шундай қилиб, жизя солигини тўлаш орқали давлатга тобелик, у билан ҳамкорлик қилиш рағбати билдирилади, давлат эса, ўз навбатида бундай кишиларининг муҳофазасини кафолатлайди, фуқаролик хуқуқини беради, ҳарбий хизматдан озод қиласи.

Мазкур озчиликни давлат таркибиғакиритишва унинг статусини белгилаш макеадида 631 йилда Мухаммад (сав) “Баён баро’а” (Ора очиқлик декларацияси) номини олган ҳужжатни эълон қилди. Мухими, бу – Пайғамбарнинг сўзлари эмас, “Баро’ат” сўзи билан бошланган ва баъзида шу ном билан ҳам аталадиган Куръоннинг 9-ичи, ўни “Тавба” сурасида ўз ифодасини топганлиги учун Аллоҳнинг каломи эди. Пайғамбар бу баёнотни ҳаж маросими пайтида Арабистоннинг барча гўнасидан келадиган ҳожилар Арафот тогида тўплангандарни эълон қилишини истади. Ўша йили, ўни 631 йилда Пайғамбар ҳажин бошқарган эмас, бу ишни Абу Бакрга топширган эди. Ҳожилар йўлига тушганлардан 1-2 кун кейин Пайғамбар Алини ўзининг ишончили вакили сифатида ваҳйини ҳожиларга ўқиб бериш учун жўнатди. Мухаммад (сав) атайни бу вазифани Абу Бакрга юкламадики, эълон қилинажак “Баёнот” ҳаж маросими таркибинга кириб кетмаслиги керак эди. Бошка томондан, мазмунни жиҳатдан бу – Пайғамбар ва баъзи қабилалар орасини очик қилювчи ҳужжат эдики, уни факат шартномани қабул қилган шахс ёки унинг энг яқин кариндоши бекор қилиши мумкин эди. Хуллас, айнан шу сабабларга кўра, баёнотни эълон қилиш Абу Бакрга эмас, Алига топширилганди.

Юқорида айтганимиздек, Мадинадан 300 кишилик мусулмон ҳожилар курбошлиқ қилинадиган молларни олиб, Маккага йўл олишди. Мухаммад (сав) Абу Бакрга бу йилги ҳажни қандай ўтash хусусида муайян кўрсатмаларни берди. Ал-Воқидий таъкидлашича, ал-Аруж деган жойда Али ҳожиларга қўшилган. Араб манбаларига кўра, Абу Бакр Али юборилишидан бехабар бўлган ва шунинг учун ундан: “Амиран ав Мамъуран?” (Бошлиқ бўлибми ёки бошлиқмасми?)-деб сўраган. Али: “Бошлиқ бўлиб эмас”, -деган. 287

Дарвөс, хозирги замонда хам хар бир давлатдан Саудия Арабистонига хар иили борадиган хожиларга раҳбар этиб тайинланган киши "Амирул Ҳажж" макомига эга ва хаж туғагач, улар Саудия подшохи томонидан уюштирилалган қабул маросимида катишатылар.

Абу Бакр, одатлагидек. Каъбани тавоф қилди ва эртаси куни ўз хамроҳлари билан Минодан Арафоттагача зиёратохларга бошкача вактда ва бошкача тарзла борди. Шундан сўнг Али Мұхаммад (сав)га келган ваҳийи барча хожиларга ўқиб берди. Айтишларича, Али 129 оятдан иборат "Тавба" сурасининг 36 оятини ўқиб ёшигтирган. Бу – Қуръонинги "Басмала" билан боилсанмаган ягона сурасидир. Мазкур ояларини бевосита мавзуминги таалукли эканини инобатга одиб, куйида улар маънодарининг мазмунини келтирамиз:1. (Бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан сизлар (билин) аҳдланинг мушрикларга (инебатан) ора очиқидир. 2. (Эй, мушриклар! Уруш тақиқтандиган) тўрт ойда ер (юзи) бўйлаб саёҳат қилингиз ва билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмасиз ва Аллоҳ коғирларни шармисор этувчилир! 3. Шунингдек, (бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан «Ҳажжи акбар» (Курбон хайити) куни одамларга Аллоҳнинг ва Расулининг мушриклардан безор эканликларини зълони (хам)дир. Агар тавба қиласангиз, бу сизлар учун яхшиидир. Борди-ю, (тавбадан) бош торсангиз, у холда билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. (Эй, Мұхаммад!) Коғир бўлғанларга аламли азоб ҳакида «хушхабар» беринг! 4. Аммо сизлар (мўминлар) аҳдлашган мушриклар кейин сизларга бирор нарсада нокислик (вафосизлик) қилмасалар ва сизларга карши ҳеч ким билан ҳамкорлик қилмасалар, у холда уларнинг аҳдларини (белгиланган) муддатларигача етказингиз! Албатта, Аллоҳ тақволиларни яхши кўргай. 5. (Уруш) тақиқланган ойлар чиқиши билан мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, тутингиз (асир олингиз), қамал қилингиз ва хар қандай пистирмаларда уларни кузатиб турингиз! Агар тавба қилиб, намозни баркамол адо этсалар ва закот берсалар, уларни қўйиб юборингиз! Албатта, Аллоҳ

кечиримли ва раҳмли зотдир. 6. Агар мушриклардан бирортаси Сиздан химоя сўраса, бас, уни химоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг қаломинин эшитсин. Сўнгра уни хавфесиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлғанлари сабаблидир. 7. Аллоҳ наздида ва Расули наздида қандай хам мушрикларда (вафоли) аҳд бўлсин?! Аммо сизлар (билин) Мағжиди Ҳаром (Каъба) олдида аҳдлашганлар модомини (улар ахлларида) сизлар учун тўғри турар эканлар, (сизлар хам) улар учун тўғри турингиз! Албатта, Аллоҳ тақводорларни севгай. 8. Қандай хам (уларда аҳд бўлсин)?! Вахоланки, агар сизларни енгсалар, сизлар учун на аҳдин ва на шартни риоя қиласилар. Оғизларида сизларни рози қиласилару, диллари (буни) никор этиб туради. Аксариятлари эса, фисқу фужурдаги кинжаллардир. 9. Аллоҳнинг ояларини озгини баҳога сотадиларда, Унинг йўлидан (одамларни) тўсадилар. Уларнинг қилмишлари нақадар ёмон! 10. Мўмин (одам) ҳақида на аҳдга ва на шартга риоя қиласилар. Ана ўшалар тажовузкор (хам)дирлар. 11. Агар тавба қиласалар ва намозни баркамол адо этиб, закот берсалар, у холда (улар) сизларнинг дин жихатдан биродарларингиздир. биладиган қавм учун ояларни батағсил баён этурмиз. 12. Агар аҳдлашганларидан кейин (уни) бузсалар ва сизларга динингизни таъна қиласалар, унда (бу каби) куфр пешволарига қарши жанг қилингиз! Зоро, улар учун (хеч қандай муқаддас) қасамлар йўқдир. Шояд (шунда қилмишларидан) қайтсалар. 13. Эй, мўминлар! Қасамларни бузган ва Пайғамбарни (Маккадан) чиқариб юборишга қасд қилган ҳамда ўзлари биринчи бўлиб сизларга қарши (жанг) бошлаганлар билан жанг қилмайсизми?! Улардан қўрқасизми?! Бас, қўрқишингизга Аллоҳ муносиброкдир, агар мўмин бўлсангиз. 14. Улар (Макка мушрикли) билан урушингиз, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлларингиз билан азоблайди, (асирга тушириб) шармисор қиласиди ва сизларни улар устидан ғалаба

289

коzonтиради ҳамда мўминлар қавми сийналарига шифо беради. 15. Ва дилларидағи аламни кетказади. Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларнинг

тавбасини қабул этади. Аллоҳ билимли ва хикматли зотдир. 16. Ёки сизлардан (Ҳак йўлида) курашган ва Аллоҳдан, Расулидан ва мўминлардан ўзгаларни дўст (сирдош) тутмаганларни Аллоҳ билмай (сийамай) ўз холларингизга ташлаб қўйиласиз, леб хисобладингизми? Аллоҳ қиласётган ишларингиздан огоҳдир. 17. Мушриклар ўзларининг кофирикликларига гувоҳ бўла туриб, Аллоҳнини масжидларини обод* қилишлари мумкин эмас. Ана ўшаларнинг қилган ишлари хабата (бехуда) кетиб, улар дўзахда мангу колувчилардир. 18. Аллоҳнинг масжидларини факт Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва факт Аллоҳдангина кўрккан қишилар обод қиулурлар. Айнан ўшалар хидоят топувчилардан бўлишлари мумкин. 19. Ҳожига сув уланини ва Масжиди Ҳаромни обод қилиш (вазифаларини ўтаётгандарни) Аллоҳга ва охират кунига ишонган ва Аллоҳ йўлида курашгандар билан тенг қилдингизми?! Аллоҳ наздида (улар) тенг бўлмайдилар. Аллоҳ золимлар қавмиши хидоят этмагай. 20. Имон келтирган, хижрат қилган ва Аллоҳ йўлида (тоатида) моллари ва жонлари билан курашгандар Аллоҳ наздида даражалари улкан зотлардир ва айнан ўшалар ютуқ эгаларидир. 21. Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан рахмат, ризолик ва улар учун неъматлари доимий (бўлмиш) жанинат (бог)лари тўғрисида хушхабар берур. 22. (Улар) ўша жойларда мангу колурлар. Албатта, Аллоҳнинг хузуридагина улкан мукофот(лар) бордир. 23. Эй, имон келтиргандар! Агар имондан куфрини яхшироқ кўрсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз! Сизлардан кимки уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар ўзига зулм қилувчилардир. 24. Айтинг (эй, Мухаммад): “Агар оталарингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, кариндошларингиз, меҳнат билан топган мол-мулкларингиз, касод бўлишидан кўрккан тижоратингиз ва ёқтирган масканларингиз сизлар учун Аллоҳ ва Расулидан (Мадинага хижрат қилишдан), Унинг (тоати) йўлидаги жидду-жаҳд қилишдан (кўра)

суюклирок бўлса, (унда) то Аллоҳ ўз амри (азобини) келтиргунига қадар кутиб турингиз! Аллоҳ (эса) фосиклар қавмини хидоят этмагай”. 25. Аллоҳ сизларни кўп жойларда ва (хусусан) Хунайи* кунида ғолиб этди. Ўшанда (сон жиҳатдан) кўплигингиз сизларни мағурурлантирган эди, аммо (бу) сизлардан бирор нарсани даф қила олмади ва ўзининг (шунча) кенглиги билан ер (сизларга) танглик қилиб қолди. Сўнгра ортингизга чекиндингиз. 26. Сўнгра Аллоҳ Расулига ва мўминларга Ўзининг таскини (хотиржамлиги)ни нозил этди ҳамда сизлар олдин кўрмаган лашкарлар (фаришталар)ни туширди ва кофири бўлганларни азоблади. Бу кофириларнинг жазосидир. 27. Сўнгра, ўша (жанг)дан кейин Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаганиларнинг тавбасини қабул этади. Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир. 28. Эй, имон келтиргандар! Албатта, мушриклар најас (нопок)дирлар. Шу йилларидан кейин (улар) Масжиди Ҳаром (Къаба)га яқинланмасинлар! Агар (сизлар) факирликдан кўрсангиз, Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазли билан сизларни бойитажак. Албатта, Аллоҳ билимли ва хикматли зотдир. 29. Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром санамайдиган, ҳақ дин (Ислом)ни дин қилиб олмайдиган ахли китоблардан иборат қишиларга қарши – то улар ўзларини паст тутиб, жизя (солик)ни нақд бергунларига қадар жанг қилингиз! 30. Яхудийлар: «Ўзайр – Аллоҳнинг ўғли», – дедилар, насронийлар: «(Исо) Масиҳ – Аллоҳнинг ўғли», – дедилар. Бу уларнинг оғизларида (ботил) гапларидир. (Бу гаплари) худди аввалги кофири бўлганларнинг гапига ўхшайди. Аллоҳ урсин уларни! (Улар) қаёқка оғиб кетмокдалар?! 31. (Улар) Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандлари ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни рабб (илох) қилиб олдилар. Вахоланки, Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга буюрилган эдилар. Уидан ўзга илоҳ йўқ! (Уларнинг) келтирган ширкларидан У покдир. 32. (Улар) Аллоҳнинг нури (дини)ни оғизлари (нинкорлари ва ширклари) билан ўчирамоқчи (йўқ қиммоқчи) бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи кофирилар ёқтирмасалар-да, Ўз нурини камолига

етказмасдан қўймагай. 33. У Расулини хилоят ва ҳак дин билан – гарчи мушриклар ёктирмасаларда – барча динлар узра голиб килиш учун юборган зотдир. 34. Эй, имон көлтирганлар! (Ахли китоблар ичидаги) рухоний ва роҳиблариниң кўнчилиги одамлариниң моллариниң поҳақлил билан ейдиллар ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсадиллар. Олтин ва кумушларни кон (маҳфий ҳазина) килиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб ҳакида «хушхабар» беринг! 35. (Мазкур олтин-кумушилар) жаханинам ўтила кизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари кўйдирилган куни: «Бу ўзларингиз учун саклаган ҳазинангиздир. Саклаган ҳазинангиз (мазасини) тотингиз!» (дейилади). 36. Албатта, Аллохнинг назиди ойларининг адади – Аллохнинг осмонилар ва Ерии яратган қуондати битигига мувоғик – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлардир. Ана шу тўгри динлар. Бас, ўша (ой)ларда (жами қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрут ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб кўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!

Демак, зикр этилган оятлариниң мазмунига кўра. Аллоҳ ва мушриклар билан ора очик, бундан бўён мусулмон давлати ва мушриклар ўртасида хеч кандай шартномалар имзоланмайди, илгари муайян муддатга имзоланганларига кўрсатилган муддат тугагунга қадар катъяян риоя килинади, сўнг улар янгиланмайди, мушрикларга 4 ой мухлат бериладики, шу давр ичилда улар бир тўхтамга келинилари шарт: ё исломни қабул қилиб, янги давлат таркиботига кирадилар ёхуд конундан ташкари деб эътироф этиладилар. Мушрикларга бундай кескин муносабат ўша давр нуктаи назаридан тушунарли, зеро Куръонда улар “нопок” деб аталганлар.

“Тавба” сурасининг 2-оятидатилга олинган, яъни мушрикларга берилган 4 ой мухлатни кўпинча “ал-Ашхурул Хурум” – ислом арафасида қабилалар ўртасида ҳар қандай урушлар тўхтатилган муқаддас ойлар (зул-қаъда, зул-хижжа, мухаррам, раЖаб) билан чалкаштиришади. Оятдаги 4 ой бу

– 9-ичи Зул-Хижжа, яъни Курбон ҳайитидан бир кун аввал Али ўқиб энниттирган кундан эътиборан бошланади: 9-ичи Зул-Хижжадан 9-ичи Рабиъус-Сонийгача. Шу суранинг 36 оятида эса, арабларга олдин мальум бўлган, юкорида зикр этилган муқаддас ойлар ҳақида гап кетаяпти.

Яхудийлар ва христианларга иисбатан сурада умуман олганда етарлича эътибор билан қараляпти. Барча самовий динларнинг негизи бир, ислом ўзидан олдингиларини тасдиқлаш учун келган, деган фикрдан келиб чишиб, иккала дин ҳам тан олиниади. Бинобарин, яхудийлар ва христианлар мусулмон давлати таркибиға кирадилар, шу шарт биланки, улар жон солиги – жизя тўлайдилар, давлатта иисбатан ўз бурчларини бажарадилар.

Яна “Баёнот”да таъкидланадики, бундан бўён Макка ҳарами, ундаги “Байт”-Каъба мусулмон муқаддас зиёратгоҳлари хисобланади ва мушрикларини үзарга яқинлашишларига ҳаклари йўқ, бошқачасига айтганда, келаси йилдан эътиборан, ҳажж маросими ислом динининг бешинчи руҳни сифатида тўлигича мусулмонлар учун ва мусулмонча адо этилади.

“Тавба” сурасида Пайгамбар раҳбарлигидаги Тобук юриши билан боғлиқ воқеалар, турли баҳоналар билан сафарга бормаслик учун қилинган саъи-харакатлар ҳам ўз ифодасини топган. Чамаси, суранинг “Тавба”деб ном олиши ҳам балки 102, 104, 106 ояtlар мазмуни билан боғлиқ бўлса, эҳтимол: 102. Яна бошқалари ҳам борки, гунохларини тан олурлар. Яхши ишни бошқаси – ёмонига аралаштириб юборгандилар. Аллоҳ уларнинг тавбаларини шояд қабул қиласа. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир. 104. Улар Аллохнинг бандалари томонидан (қилинадиган) тавбалани қабул этишини, садақаларни олишини ҳамда Аллоҳ Таввоб тавбани қабул этиувчи) ва Раҳим (раҳмли) эканини (тавбаларини қабул этиувчи) билишмаганими?! 106. Яна Аллохнинг амрига ҳавола этилган бошқалари ҳам борки, уларни ёазоблар ёки тавбаларини қабул этар. Аллоҳ билимли ва хикматлидир.

Авват айтисиганидек. Тобукка юрини Византия Арабистонга катта қўшин билан келмокла, деган миннини хабар сабабли ўюнтирилган, аммо бу хабар иотўгри бўлиб чиккан, аслида Византия қўшини билан тўқнаш келинмаган эди. Шундай бўлса да, бу воеа ўзига хое лакмус когознаси ролини ўйнади ва шаклланётган янги жамиятнини барча бўёкларини аниқлаб берди. Суранинг Али томонидан ўқилмаган оятларида каттагина киеми (129 оятиниг деярли 70 таси), тавбири жонз бўлса, “мунофиқлар”га, яхни тилида исломни кабул килиб, аслида ямдан уига карши иш олиб боргандарга “багишланган”:

56. Улар: «Сизларданмизъ», – деб, Аллоҳ номига қасам ичадилар. Вахоланки, улар сизлардан (мусулмонлардан) эмаслар. Балки, улар (жазодан) кўркадиган қавмдир.

64. Мунофиқлар ўзлари хакида дилларидаги нарса (мунофиқлик)ни фош қиласиган сура нозил қилинишидан қўрқиб турадилар. Айтинг: “Масхара қиласерингиз, Аллоҳ сиз қўркәётган (ўша) нарсанин (юзага) чиқарувчиидир”.

65. Қасамки, агар улардан (нега масхара қиласиз, деб) сўрасангиз, албатта, улар: «Биз фақат (бахсга) чўмиб, ҳазилланыпмиз», – дейишади. Айтинг: «Аллоҳни, оятларини ва Расулини масхара қилаётган эдингиз-ку?!».

66. Узр айтмангиз! Имонингиздан кейин (яна) куфрга кетгансиз. Агар сизлардан бир тоифани (тавба қилгач) афв этсан, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганлари сабабли азоблаймиз.

68. Мунофиқлар, мунофиқалар ва кофирларга Аллоҳ (улар) абадий қоладиган жаҳанинам оловини ваъда қилди. Уларга у кифоядир. Уларни Аллоҳ лаънатлади. Улар учун яна доимий азоб бордир.

73. Эй, Пайғамбар! Кофир ва мунофиқларга карши курашинг ва уларга нисбатан (Сиз ҳам) дагаллик қилинг! Уларнинг жойлари жаҳанинамдир. Накадар мудҳиҳ қисмат бу!

74. (Ёмон сўз) айтмадик, деб қасам ичадилар. Вахоланки, куфр сўзини айтганилар ва ислом (динини қабул қилган)ларидан кейин (яна) куфрга қайтганилар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилганлар. Аллоҳ ва (Унинг) Расули уларни (Пайғамбар ва саҳобаларини) фазли (ўлжалар) билан бойитиб қўйгани учунгина (мунофиқлар) уларни ёқтирамдилар. Бас, агар тавба қиласалар, ўзлари учун яхши. Борди-ю, бош тортесалар, Аллоҳ уларни ҳам бу дунё, ҳам охиратда аламли азоб билан азоблагай. Ер (юзи)да уларга на бир дўст ва на ёрдам берувчи бор.

78. Аллоҳнинг улар яширган ва шивирлаганларини ҳам билишини ва Аллоҳ гайб нарсалариниң ҳам алломаси эканлигини билмаганимидилар?!

101. Теварагинингиздаги аъробийлар ва Мадина ахолиси ичидаги мунофиқлар бор. (Улар) инфоқда бардавомдиirlар. Уларни (Сиз) билмайсанз, уларни Биз биламиз. Албатта, уларни иккى бор азоблаймиз. Сўнгра (киёматда) улкан азоб (дўзах)га қайтарилурлар.

Хали исломни кабул қилмаган ба давий араблар – “аъробийлар”га тегишли оятларда уларга ҳатто “мунофиқлар”га нисбатан ҳам кескинроқ таъриф берилади:

97. Аъробийлар (одатда) куфр ва инфоқда кучлироқ ва Аллоҳнинг Расулига нозил қилган нарсалар худудини билмасликлари аниқроқдир. Аллоҳ (эса) илмли ва хикматли зотдир.

98. Аъробийлар ичидаги қилган садақасини заарар (ортикча чиқим), деб биладиган ва сизларга мусибатлар бўлишини кутиб турадиганлари ҳам бор. Улар узра ёмон бало келсин! Аллоҳ эшитувчи ва билувчиидир.

Мана, қисқача килиб айтганда, негадир баъзилар томонидан энг кескин деб баҳо бериладиган “Тавба” сурасининг мазмуни. Шу ўринда Мухаммад (сав)нинг сиёсий ва дипломатик заковати ва вазминлигига тан бериш керак. Мушрикларга нисбатан канчалик кескин гаплар айтилган бўлмасин, Пайғамбар уларни бевосита киришни бошламади, ўзларининг ҳолатлари хусусида ўйлаб кўришлари учун муайян мухлат берилди, қабила зодагонлари

исломни кабул қилишлари. Пайғамбар ҳокимиятини курол кучи билан эмас, ихтиёрий тан олишлари учун имконият берилди. Суранинг 2-оятида зикр этилган 4 ой мухлат ва ундан кўпроқ вақт ҳам ўти, ҳатто Пайғамбар вафотигача ҳам бирор инсон мажбуран исломга киритилани ҳакида маълумот йўқ! Мухаммад (сав) шошилмаслик услубини афзал кўрас, Арабистон яримороли бўйлаб боекичма-боекичтарафдорлар ортиб боришини истарди. “Мусулмончилик ҳам аста-аста”, деган ибора, балки ўна пайтдан колгандир.

Араб бутиарастлари-мунирликлари масаласи жуда осон ҳал бўлди: Қуръондаги огохлантиришининг ўзи қифоя қилини, янги давлатга тобелик билдириб ва исломни кабул килиб, Мадинага турли кабила ва урутлардан тўла-тўда вакиллар оқиб келабонлари. Кайтишида Мухаммад (сав) узарга кўшиб, балавийларга ислом асосларини ўрганиш учун “муаллимларни” юборди. Кейинчалик “муаллимлар” кабила боизликларининг ўринбосари ва “садака”, яъни марказий ҳокимиятининг солик йигувчиларига айланди.

Шахарлардаги “китоб ахли” билан ҳам деярли муаммолар бўлмади. Улар аввалдан давлатчилик ва у билан боғлик солик тизимиға ўргангани, асрлар давомида кимгадир – ўз ҳокимларига бўладими, форс, араб, грек, хабаш ҳокимлар бўладими, солик тўлаб келарнилар. Энди улар Мухаммад (сав)га солик тўлайдилар, кам бўлса кам, асло кўп эмас; порозилик ёки исломга адоват учун ўрин йўқ, эътиқодлари дахлесиз қолаяпти, уларнинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаяпти, аввалгидек, ўзларинингдиний китоблари ҳукми билан яшаб келмоқдалар. Уларнинг ахволи, қайсиидир маънода, кўшини араблар, айтайлик, марказий Константинопол черкови томонидан доимо қувғин остида бўлган Сурия христианларидан яхширок эди. Кексайиб қолган “мунофиларнинг” раҳбари Абдулло иби Убайнинг тақдирни ҳам кутилганидек бўлди. У Тобук юришида катнашган, аммо биринчи кўноклининг ўзида, одатига кўра, авваллари бирнече бор қилган иши – хоинона ўз тарафдорларини олиб, Мадинага қайтиб кетганди. “Жуда яхши, -деб

тушунтирганди ўшанда Пайғамбар норози бўлган саҳобаларга, - улар одамларимиз сафига бекарорлик ургунинни сепадилар, уруш куни жанг майдонидан қочиб кетадилар, биз учун уларнинг Мадинада “ўтирганлар” билан колгани афзал”. Тобукдан кайтгач, Пайғамбар Аллоҳнинг иродаси билан Мадинада “ўтириб қолганлар”нинг деярли барчасини кечирди, “омаденз” Абдуллони кечиришга ҳам тўғри келмади: Расууллоҳ Мадинага келганда Абдулло оғир касал ва ўлим тўшагида ётганди. Мухаммад (сав) кўнгил сўраб, уни касаллигига уйнга бориб кўрди, сўнг мозоргача кузатиб, қабри устида тилюват килди. Кўпчилик мусулмонлар Пайғамбарнинг мунофилар рахбарига килган илтифотидан ҳайратда эдилар. “Мен қанчалик мунофиларга дуо қилмайни, - деб тинчтиб қўйди, Мухаммад (сав) жилмайиб, - уларни кечириш-кечирмаслик таҳдо Аллоҳнинг измида”. Абдулло иби Убайнинг вафоти билан “мунофилар” деб аталмиш кишилар, деярли 10 йил Мухаммад (сав) хисоблашнига тўғри келган ташкилот сифатидан йўқ бўлди. Пайғамбар ва Аллоҳнинг оятлари устидан доимо иштешзо килиб келган бузгучи ад-Дирор масжиди ва унинг қавми ҳам ўз-ӯзидан якун тонди. Ушбу масжид хусусида “Тавба” сурасининг 107 ва 110-оятларида гап боради:

107. Яна шундайлар ҳам борки, улар (мўминларга) зарар етказиш, қуфр, мўминлар орасига тафрика солиш ва олдин Аллоҳ ва (Унинг) Расулига қарши урушган (бир) кишига кўз тутиш учун масжид қуриб олдилар. Яна: «Факат (бундан) яхшиликни истаган эдию», – деб қасам ҳам ичадилар. Аллоҳ гувоҳлик берадики, улар, албатта, ёлғончилардир!

110. Қурган бинолари (бузига ташлангач) то юраклари ёрилгунга (ўлгунга) қадар дилларидаги шак бўлиб колур. Аллоҳ билимли ва хикматлидир.

Ушбу оятларга асосан Пайғамбарнинг буйруги билан ад-Дирор масжиди таг-тути билан кўпориб ташланди, шунингдек, “мунофилар” доимо тўпланиб турадиган уй ҳам бузига ташланди.

Шундай килиб, ёш, эди ташкил топган марказлашган давлатда тегишили тартиб-интизом ўринатилди. Негадир, кўичилик аввалми-хозирми ижод этаётган гарб тадқикотчиларининг асарлари хамда бавзи рус тилинаги адабиётларда Куръонини “Тавба” сураси хусусида тан кетганди, барча бошка дин вакилларига карши аниқлай урун, яни жиход – мукаалас уруш эълон килинганини таъкидлашаси. Бу суранин оявларидан кўпинча мусулмонларининг бошка ётиқодстагиларга нисбатан азалдан жангари муносабатда бўлғандар ва хозир хам шундай эканини иеботлан учун фойдаланингизи. Афсуски, бавзиди мусулмон муаллифларининг ўзлари хам билибми-бўлмайди, “оловга керосин сенадилар”, ўзларича, исломга фойда келтиришини инят киладилар, аммо “кош кўяманлеб кўз чикарадилар”. Мусулмон халқари тилларига килинган бавзи таржималарда бу сурада кўп учрайдиган “фиий сабийлилло”, оддийгина “Аллоҳ йўлида” маъносини англатадиган иборадан кейин каве ичилса, муаллиф изохи сифатида, “жиход” сўзини кўниб кўйиншади. Карабсизки, бу сура таржимасида асли Куръон матнида йўқ бўлган “жиход”сўзи, яна айнан бошка ётиқод вакилларига карши мукаалас уруш маъносида, ўнлаб марта учрайди. Буни умуман изохлашиб бўлмайди!

Бизнингча, Куръонини “Тавба” сурасида ўз ифодасини топган воқеалар 630-631 йилларда Арабистон яриморолидан ташқарига чикмаган холда юз берди. Куръони каримдаги бошка тарихий мавзулар каби улардан мажозий маънода, ибрат тариқасида фойдаланиш жойиз. Аммо уларни хозирги замонга нисбатан айнан, яна кенг глобал масштабда, энг ачиннарлиси, уларга хос бўлмаган салбий маънода татбик килингига уриниш, юмшоқ килиб айтганда, уринли эмас.

Маъруза 19. Муҳаммад (сав) нинг “видолашув хажжи” ва вафоти

Абу Бакр ҳажжи пайтида “Ора-очиқлик Декларацияси”нинг эълон килинганидан сўнг 1 йил ўтиб, кадимдан Каъбани муқаддас деб хисоблаб келган араб қабилаларининг барчаси исломни қабул қилгач, Муҳаммад (сав)да катта ҳаж маросимини шахсан ўзи бехавотир бошқариши имконияти тутилди. Ўтган йили ҳам ҳаж Пайгамбар кўрсатмасига мувофиқ оддинигиларидан фарқоли, бошқачарок ўталган, аммо Абу Бакр ҳали мусулмонлар учун тўлиқ ўриак бўлаолмас, колаверса, у ҳаж маросимида мусулмонлар жуда озчилик, атиги 300 кишини ташкил қилган, аксар кўичилик мушриклардан иборат бўлғанди. Эндиgi ҳаж “Ора-очиқлик Декларацияси”га кўра, шак-шубҳасиз, тўла мусулмонча бўлади, гарчи Куръонда ҳаж маросимиning батафсил васфи берилган бўлмасада, Муҳаммад (сав) унинг Аллоҳга мақбул тарзда ўтишига ишончи комил эди.

“Сира” муаллифлари ўша йили ҳажга борган мусулмонлар сони хусусида жуда катта ракамларни келтиришади: 90 мингдан 114 мингчача. Пайгамбар ўзи ҳажни бошқариши хақидаги хабар бир зумда бутун Арабистон бўйлаб тарқалиб кетди. Мадина атрофидан келган хожилар 60 минг кишига етди. Пайгамбар ўзи билан барча аёллари қурбонликка 100 тую олди. Карвон Мадинадан 25 зул-қаъда, шанба куни йўлга тушиб, 9 кун деганда, 5 зул-хижжа, сесанба куни Маккага етиб келди. Йўлда, Маккага тахминан 11 км стмасдан, зу-Хулайфа деган жойда, Муҳаммад (сав) тунни ўтказди ва эртаси эрталаб оддий кийимини ечиб, эхромга кирди – шу ондан 299

бошлаб, у Аллоҳ нигоҳи олдида намоён бўлиб, унинг учун барча дунёвий ва иопок нарсалар харом (манъ) килинди. Абу Довуд айтинича, ўша пайтдан эътиборан хар тарафдан келувчи хожилар эҳромига ва Маккага кириши учун мийкотлар (ўтини жойлари) белгиланди: зу-Хулайфа – маниаликларга, ал-Жуха – суряликларга, Карак – нажликларга. Зоғ Ирқ – ироқликларга ва Яламлам – яманликларга. Эҳромига кирапкан. Найнамбар хитоб қилди: “Лаббайка, Аллоҳумма, лаббайк! Лаббайка, ла шарика лака, лаббайк! Иниш хамда ван-нинъматла лака вал-мулк! La шарика лака!” (Сенга лаббай дейман, Аллоҳим, лаббай: Сенинг хизматинидаман, Сенинг шеригинг йўқ; Барча хамду-сано, барча неъмат ва қудрат факат Сенгаини тегинили; Сенинг шеригинг йўқ!) Умуман олганда, бу сўзлар бироз бошкачароқ шаклда мушрикларга ишари хам танини эди, аммо энди улар соғ мусулмонча маъно касб қиласондади. Хожиларини барчаси Найнамбарга жўр бўлиб, бу сўзларни баланд овозда иштиёқ билан куйга солиб айтнилар. Маккада хожиларга Ямандан стиб келган Али кўшилди.

Пайгамбар ластлаб умра амалини адо этди: ал-Қасва туясида Каъба 7 марта тавоф килинди, Сафо ва Марва орасида 7 марта сабъ килинди. Тавофдан сўнг 2 ракат намоз ўқилди, бу – энди хаж бевосита Аллоҳ учун бажарилаётгани, бутпарастлик иллатларидан халос бўлгани англатарди. Шундан кейин Каъба устига кисва ёнилди. Мұхаммад (сав) сочини олмади, хеч ким курбонлик килинмасдан олдин сочини олмасин, деган кўрсатма берилди. Умрани адо этгач, Пайгамбар эҳромдан чикиб, ўз кийимини кийди ва бошқаларга хам шундай килишни катъий буюорди.

“Тарвия”- сув билан таъминлашномини олган зул-хижжа ойининг 8-куни Каъба яна бир бор тавоф килингач, бевосита хаж маросими бошланди. Мұхаммад (сав) ва барча хожилар Минога йўл олдилар. У ерда намозлар ўқилиб, чодирларда тун ўтказилгач, 9-зул-хижжада бомдод намози адо этилиб, Күёш кўтарилигандан сўнг Арафот тогига қараб юрилди. Мино ва Арафотда санамлар йўқ килинган бўлсада, уларнинг турган жойлари кўпчиликнинг ёдидан кўтарилимаган эди. Мұхаммад (сав) Арафот тўлигича

харом (муқаддас) деб баланд овоз билан хитоб қилди. Мусулмонлар унга жўр бўлиб, Лаббайка, Аллоҳумма, лаббайк... ии қуиладилар.

Пешин намози ўқилгач, Арафот тепалигида ўзининг ал-Қасва туясига ўтирган ҳолда Расулуллоҳ машҳур хутбасини ўқиди. Одамлар жуда кўп бўлганива катта майдонда ёйилиб кетгани боис, унинг сўзларини баланд ва кучли овозга эга бўлган Рабиға иби Умайя пешма-пеш кайтариб турди: “Эй, инсонлар! Биласизларми, ҳозир қайси ой?”- деди Расулуллоҳ. “Муқаддас (харом) ой”-жавоб беринди, хожилар. “Аллоҳ бу ойни муқаддас қиласи каби сизларнинг қонингиз ва молингизни хам муқаддас қиласи. Эй, инсонлар! Ганимга кулок солинглар, билмадим, келаси йил шу ерда сизлар билан яна учрашманими-йўкми? Сизларнинг қонингиз ва молингиз Аллоҳ билан учрашганингизча муқаддас (харом), шу кун, шу ой, шу хаж – муқаддас. Аллоҳ қасамларни бекор қиласи, карзлар (рибо)ни бекор қиласи. Ҳеч қандай рибо бўлиши мумкин эмас. Биринчи навбатда Аббос иби Абдул Мутталибининг риболари бекор қиласиди. Жоҳиля даврида тўкилган кон учун қасос олинимайди, Аллоҳ қасосини манъ қиласи. Эй, инсонлар! Бу ерда шайтон ҳукм юртишига ожизлик қиласи, аммо сиз унга сингисангиз, у сизларга тўр кўяди ва Аллоҳ олдида барча килган ишларнингизни пучга чикаради. Шайтондан огоҳ бўлингиз! Осмон ва Ерии яратган кунидан эътиборан вакт Аллоҳникидир ва шундай бўлиб колаверади. Йил 12 ойдир, унга қўшимча килиш куфрни зиёда қиласи, бу – Шайтоннинг иши.

Сизнинг ўз аёлларингизда ҳакқингиз бор, аёлларингизнинг – сизда. Сиз улардан ўринларингизни пок сақлашини, полойик ишларни қиласликтини талаб қилингаша ҳакқингиз бор, акс ҳолда Аллоҳ уларни беркитиб кўйиш ва оғримайдиган қилиб уришга рухсат беради. Кулок солишича, улар сиздан яхшилик билан едириш ва кийдириши талаб қилингаша ҳаклари бор. Аёлларингизнинг қилмишига бағрикенглик билан ёндашинг – ахир, улар ўзларини тияолмайдиган асиralарингиз; сиз уларни Аллоҳнинг қонуни ва Аллоҳнинг сўзи билан (никоҳингизга) олгансиз. Кулок солинглар, менинг сўзларимга, эй, инсонлар!

Эй, инсонлар! Мўмин – мўминнинг биродари, барча мўминлар – биродардирлар. Биродарнингдан факат ўзи рози бўлиб берган нарсани олинг, шунда хато қилмайсиз. Менинг сўзларимни фахмладингизми? "Фахмладик", - дег жавоб килиши, хожилар, "Сизларнинг фахмлаганингизга Аллоҳ шохид, - деди Пайғамбар ва сўзида давом этиди: Мен сизларга колдираётган нарсани маҳкам ушланглар – азанмайсизлар: Аллоҳнинг китоби – аник кўрсатмани колдираётман сизларга. Мен сизларга айтиётган сўзларимга қулоқ солинглар! Имон келтиришлар. Аллоҳ – ягона, ўлиш ва тирилиш – барҳак. Қабрдан киёмат судига чакирилни вакти олдиндан белгилаб қўйилган. Имонингиз комилми?..

Бу – Пайғамбар Арафотда килган хутбанинг таҳминий матни. Деярли барча ўрта аср араб манбаларида бир-биридан жузъий фарқлар мавжуд бўлса да, асосан шу мазмун мужассамланган. Унбу хутба ўқилган теналик хозир хам мавжуд; у ерда белги сифатига уч кирралик тош қўйилган, яъни айнан ўша ерда хутба ўқилганига шубҳа қилемаса хам бўлади. Аммо баъзи тадқиқотчилар, масалан, О.Г.Большаков "История халифата" китобининг Пайғамбар даврига багишланган 1-жилдидаги: "Мухаммад хожиларга исломнинг асосий кўрсатмаларини баён килган нутқ билан Минода пешин намозидан кейин мурожаат қилди", -деб ёзали ва деярли биз юкорида келтирган мазмунни кайтаради. Бизнингча, бу ерда катта ихтилоф йўқ, зеро эртаси куни Минода хам хутба ўқилган ва олдин айтилган гапларнинг баъзилари тақрорланган. Қандай бўлганда хам Арафотни хаж найтила деярли барча араб кабилалари знёрат қилишар, аммо Қурайш буни ўзига эп кўрмасди. Арафотда албаттга туришини мусулмон хаж маросимига киритиб, Пайғамбар Макка атрофидаги муқаддас жойларни хурмат килувчи барча кабилалар урф-одатларини яқинлаштиришга эришди.

Авваллари мушриклар Арафотда кўп хам турмасдан шовқин-сурон билан Муздалифага шошишар, тезроқ унинг ёнбагирларида гулхан ёкишга ошикардилар. Аммо Мухаммад (сав) у ерда обдон Қуёш ботишини кутди, сўнгра атайнин охисталик билан ҳожиларни Муздалифага олиб борди. Йўл –

йўлакай у одамларга "Ас-сакина, ас-сакина" (ўзбекчасига "секин, секин"), деб борарди. Муздалифада хожилар катта гулханлар ёқдилар ва шовқин-суронни давом эттиридилар. Бундан атиги икки йил аввал баҳайбат Кузоҳ – момакалдироқ санами турган жойда хожилар тўпланишга харакат қилгандилар, Мухаммад (сав) бунга йўл қўймади. Муздалифа бутунлайича зиёраттоҳ – унинг ҳамма еридан Аллоҳга илтиҳо қилиш даркор: Лаббайка, Аллоҳумма, лаббайк... Муздалифада Пайғамбар шом ва хуфтон намозларини қаср қилиб ва қўшиб ўқиди сўнг бомдод намозини ҳам адо этиб, Қуёш чиққунча кутмасданҳ ҳали коронгуда хожиларни Мино водийсига бошлаб кетди. Жоҳилия даврида доимо ой тақвимини қўшимча кунлар билан тузатишниб, хаж маросимини баҳорги, кун ва тун тенг бўладиган пайтига тўғрилашар, зеро айни вақтда бу Қуёшга сигинувчиларининг байрами ҳам эди. Аллоҳдан келган ваҳй билан бу амалиёттага чек қўйилди: ой тақвимига кунлар қўшини манъ қилинди. Бундан бўён хаж йилининг турли фаслларига тўғри келадиган ва унинг бутнарастлик, Қуёш ва сайёраларга сигиниш билан боғлик жойлари барҳам тоиди. Баъзилар Мухаммад (сав)га ёзнинг жазирама исенк кунлари хажин адо этиши кийин бўлади, деб шикоят қилдилар. Бунга жавобан Пайғамбар: "Хаж бу – Аллоҳ учун қурбонликдир, қурбонлик эса сингил бўлмаслиги керак", -деганди.

Мино водийсида олдингидан факат учта тимсол колдирилди – бундан бўён улар кичик, ўрта ва катта шайтонларни ифодалайдиган бўлди. Қадимдан давом этиб келаётган шайтонига тош отиш маросими янгича маъно касб қилди: энди мусулмонлар Муздалифа тоги ёнбагрида териб олинган майда тошлиларни хар бирига отиб, шайтон билан харқандай алокадан воз кечаетганини намойиш этиши керак эди. Ҳозирги кунда ҳам Муздалифада 49 та майда тош териб олинади, Қурбон ҳайити куни Катта шайтонга 7 та, сўнг икки кунда хар уччаласига 21 тадан тош отилади. Бу жараёнда ҳам "Лаббайка ..." айтилади, зеро бу ер ҳам муқаддас хисобланади. Минода мусулмонларнинг қурбонлик қилишлари ҳам энди мусулмонча маъно, яъни Иброҳим (ас) ўглилари Исмоил (ас)ни Аллоҳга қурбон қилмокчи бўлганлари

билин болганди. Бутун Минно водийси мұкалдаас зиёраттох, деб эълон килди Мұхаммад (сав): мусулмонлар оддин санамлар түрган жойларда курбонлик килишиларининг оддини олиш керак эди, чунки курбонлик факат Аллох учун килиниади. Мұхаммад (сав) көлтирилган 100 түгандың 63 тасини, рамзий маңында ўзининг хар ёшига биттатан ўз кўли билан курбонлик килди. Колдан 37 түяни Ямандан келиб кўшилган Али курбонлик килди. Бу маросимдан сўнг одатла кўпичлик зиёратчилар хажни тутатасилар, соч-соколни олиб, эҳромдан чикадилар ва кундаклик хаётларига кайтасилар. Бу сафар ҳам ён-атроф чодирларга тўлиб кетди, савдоарлар молларини ёйиб ташладилар, ағсуингарлар, шоирлар, кўпичилар бутун Арабистондан бу ерга тўпландилар – менихур Минно ярмаркаси авж олиб кетди. Курбонликка сўйилган моллар гўшинининг учтан бири камбагалларга мўлжалланган, улар тўйгуниларича еб, курсандчилик килинглари мумкин. “Енглар, ичининглар, курсандчилик килинглар – Аллох шундай буюорали”, –деб хитоб килди, Пайғамбар; бутинастларининг бу севимли байрами исломининг поклигига ҳадал бермасди. Минно водийсидан Мұхаммад (сав) яна Маккага қайтиб, Кальбанинг видолашув тавофини адо этди. Замзам сувидан ичганидан сўнг сочини олиб, эҳромдан чиқди: шу билан Пайғамбарининг хажжи тугади.

Курбон хайти, яни 10-зул-хижжа куни ҳам Пайғамбар хутба килди, унда кечака айтилган баззи гапларни яна бир бор тасдиқлани учун қайтарди. Йилда 12 ой борлиги ҳакида гапириб, ундан 4 таси мұкалдаас – 3 таси кетмакет: зул-қатъда, зул-хижжа, мухаррам, яни 11-инчи, 12-инчи ва янги йилнинг 1-инчи ойи, тўртинчиси эса – алоҳида, еттиничи ой – ражаб, жумодил охири ва шаъбон ўртасида келишини таъкидлади. Бу билан жохилия даврида мұкаддас хисобланиб келган мазкур ойлар исломда ҳам конунийлаштирилди. Маълумотларга қараганда, эслатилган икки хутбадан ташқари ҳам Пайғамбар ушбу ҳаж асносида турли масалаларда кўп фикрларни билдирган. Замонавий муаллифлар кўпинча уларни умумлашма тарзда хутба матни қилиб беришади. Аммо барча мусулмон тарихчилари, ўрта асрдагилари ҳам, замонавийлари ҳам яқдил фикрдаларки, Арафотдаги хутбадан бироз кейин

Пайғамбарга: “...ал-йавма акмалту лакум дийнакум ва атмамту алайкум ниъматий ва радииту лакум ал-Ислама дийнан...” “...буғун диннингизни камолигаётказдим, исьматимни тамомила бердим ва сизлар учун Ислом дини бўлишигарози бўлдим...” деган маънодаги Мойда сураси, 3-инчи оятининг парчаси ваҳй бўлиб келди ва у уни шу захотиёқ эълон килган.

Бу – ислом диний таълимот ва акида сифатида тўлиқ шаклланиб бўлгани ва Мұхаммад (сав)нинг пайғамбарлик рисоласи поёнига етётганини англатарди. Айтишларича, бир маълумотга кўра Абу Бакр, бошқасига кўра Умар, Пайғамбар ушбу ваҳйни эълон килган наилада йиглаб юборган. Мұхаммад (сав) бунинг сабабини сўраганда. Умар: “Биз эътиқодимиз учун борган сари кўп нарсаларни олишга ўрганиб колгандик, камолотдан сўнг факат иуқсон келиши мумкин”, –деган. “Ҳақ гапни айтдинг”, – деб буни тасдиқлаган Пайғамбар. Ином Бухорий ўз “Саҳиҳ”ида Тариқ ибн Шиҳобадан ривоят килинича, яхудилардан бири кейинчалик Умарга, агар бизга шундай оят тушса, у кунин байрам килардик, деган экан. Умарнинг, қайси оятни кўзда тутянеан, деган саволига, у, ўша “ал-йавма акмалту лакум динакум...”, – дебди. Шунда Умар: “Мен бу оят қаерда ва қачон нозил бўлганини жуда яхини биламан, ўшанда Аллоҳнинг расули Арафотда турган эди”, –деб жавоб килибди.

Шу ўринда Пайғамбар неча марта ҳаж килган, деган бир савол туғилади. Жавоб – аниқ: у киши Маккада яшаган пайтларида хар йили ҳаж килишлари мумкин эди, лекин ислом арконларига мувоғик ҳажни бир ва охирги марта 632 йилда адо этганлар. Такдир такозоси билан “видолашуг ҳажжи” деб ном олган бу маросим пайтида Пайғамбар бажарган амаллар ва айтган гаплари бекаму-кўст ёзиб олинган ва хозирги кунда ҳам ҳаж хеч ўзгаришсиз ўша асосда бажарилади. Демак, 632 йилда Пайғамбар ўзининг биринчи ва охирги бор исломий ҳажжини адо этди. Унда мисли кўрилмаган миқдорда – 100 мингдан ортиқ ҳожи қатнашди: улар орасида биронта ҳам мушрик йўқ эди.

Афуски, айни ўша күнлари, балки уйдан бироз олдинроқ Расууллохнинг батзи сўзлари ва тасарруфларида пайгамбарлик вазифаси нихоясига етадигани намёйн бўлабошилган эди. Масатан, “видолашув хажжи”га отланисидан 2 ой олдин, Рамазон ойидаги у олган гапидек 10 кун эмас, 20 кун уйдан ташкирига чикмади. Арафот тогидаги хутбага ошкора: “Билмадим, балки бу йилдан кейин бу ерда сизларни ҳечкакон кўрмасам керак”,-деганди. Эртаси куни Минодаги хутбага хам шу фикр тақрорланди: “Мендан ҳаж конуи-коидаларини кабул килиб олинилар, балки бу йилдан кейин ҳажга келмасман.” Аи-Наср сураси “видолашув хажжи”нинг охириги күнлари нозил бўлганди. Буларини берчасини Мухаммад (сав) яқинлашиб келаётган ажалининг белгилари деб кабул килианди.

11-хижрий йист сафар ойининг бошларида Пайгамбар Ухуд тогига кўтарилиди, шахидлар ҳаккига дуо килиб, минбарга яқинлашиб, деди: “Мен сизлар учун ўтган замониман, сизларнинг химоянинг учун гувохлик бергувчиман, хозир хайратдаман, кимни химоя қислиним керак экан, деб. Ҳудо ҳакки, мендан кейин мушрик бўлиб коласизлар, деб кўркмайман, бошка нарсадан – бир-бирингиз билан ракобатлашасиз, деб кўркмаман”.

Шу ойининг ўрталарида, тунда, ёлиз хизматкори Абу Мувахиба ҳамрохлигига Расууллоҳ “ал-Бакъи” кабристонини зиёрат килиди, у ерда ётганилардан узр сўраб, деди: “Салом сизларга, э, кабр эгалари! Сизларнинг вафотингиз – бизнинг баҳтимиз. Бирн-биридан оғир кулфатлар мангалик мавжлари сингари оқиб келмоқда. Биз сизларга бориб кўшилувчилармиз.” (иниа бикум лалахикун),- деся сўзини тугатди, Пайгамбар. Сафар ойининг охириги күнларида Пайгамбар Бакъи қабристонида дафи маросимида катнашди ва қайтишда тўсатдан қаттиқ бош оғриги бошланди, иситма шу даражада баланд кўтарилиди, бошдаги пешонабог жикка хўл бўлди. Бу – вафотлари олдидан икки хафта давом этган оғир дарднинг бошланиши эди.

Пайгамбарнинг вафотидан бир хафта олдинги воқеалар манбаларда батафсил келтирилди. Соглик кескин ёмонлашганига қарамай, Пайгамбар бир амаллаб, масjidга чиқар ва жамоат намозини бошқарарди. Маймуна онанинг

хонасида бўлган пайтида Пайгамбар биринчи бор хушидан кетди, ўзига келгач, ўрнидан кўтарилаолмади. Шундан кейин аёллар у кишини Ойша она ихтиёрига топширишига карор килдилар, Али ва Аббоснинг ўгли Фазл икковлон бошлари куйи тушган, оёклари юриб эмас, судралиб бораётган Расууллоҳни ховли узра етаклаб ўтишди. Маймуна она Ҳабашистондан олиб келган қандайдир гиёлар билан даволамоқчи бўлганди, Мухаммад (сав) бунга катъян рози бўлмади.

Вафотдан 5 кун аввал каттиқ бош оғриқдан Расууллоҳ яна бехуш бўлдилиар. Замонавий тиббиётда шу нарса мълумки, агар танасида чираб бўлмайдиган даражада оғриқ турса, кини хундан кетаркан. Буни, таъбир жоиз бўлса, Аллохнинг ўз бандасига марҳамати деб қарамоқ керак. Ўзларига келгач, Расууллоҳ Мадинанинг стти кудугидан сув келтиришини илтимос килдилар. Сувни келтиридилар ва у кинини таҳтага ўтишиб, “бўлди. етар” дегунларича, бошларидан совук сувни куйиб турдилар. Пайгамбар бироз сингил тортгандай бўлдилиар ва уетки кийимга ўралиб, бошларига чойшаб ташлаган холда масjidга кирдиларда, минбарга ўтирилар. Аллоҳга ҳамду-санолар айтиб, дедилар: “Э. Одамлар! Менга яқинрок келинглар!” Одамлар яқинлашгач: “Ўз пайгамбарларининг қабрини саждагоҳга айлантирганларга Аллохнинг лаънати бўлсин! Менинг қабримни сажда килинадиган санамга айлантирганглар!”,- деб сўзда давом этдилар. Сўнг яна минбарга ўтириб адоват, саховат ва яна бошка нарсалар хусусида сўзладилар. Шу аснода кимдир Пайгамбар ундан уч дирҳам карз эканини эслатди. Пайгамбар Фазлга у маблагни берниши буюрдилар. Шундан сўнг мухожирларга мурожаат қилиб, ансорларга инебатан багрикенг муносабатда бўлишга чакирдилар. Абу Бакр ҳакида гапириб: “Мен учун энг азиз ва сажий инсон бу – Абу Бакрдир. Агар Аллоҳдан бошқа ҳабиб танлаш мумкин бўлганда, албатта, абу Бакрин танлаган бўлардим. Абу Бакр эшигидан бошқа масjidга чиқадиган барча эшикларни ёпиб кўйинглар!”-дедилар.

Вафотларидан 4 кун аввал яна қаттиқ оғриқ турган пайтида Мухаммад (сав) атрофдагилардан ёзиш учун бирор нарса келтиришларини илтимос 307

килдилар, чамаси, бир нарсани ёздирмокчи (имло килмокчи) әдилар. Хонада одам күп эди, тури гандар айтилди. Умар, хозир у кишинде безгак холати, нимани хам ёздирапидар, кўлимиизда Аллохинн каломи – Куръон бор, деди. Кимдир, якинрок боринилар, Расууллоҳ ёсинбай ёзириени, леди. Гала-говур тиммагач, Пайғамбар: “Ҳамманглар нари кетинилар мендан”, – деб хитоб килдилар. Шу кунгача Пайғамбар масжидда мусулмонлар билан бирга намоз ўқиб келандилар, ҳатто ўша куни шом намозини жамоат билан адо этдилар. Ҳуфтон намози вакти якинланинда Мухаммад (сав) масжидга чикишга кувватлари келмади. У киши хушдан кетиб, яна ўзларига келинди. Ойша она айтиштарича, одамлар намоз ўқиб бўлиндими, деб сўрадилар. Йўқ. Сизни кутинашти, дейинди. Тахорат учун сув келтиришини буюрдилар. Тахорат олиб, отланышлари билан, яна хушдан кетдилар. Бу холат уч маротаба кайтарили. Бўлди. Тамом. Ҳеч чора көлмагач, Абу Бакрға одамлар билан намоз ўкини буюрдилар. Шундай килиб, Пайғамбар хаёт пайтида 17 марта жамоат намозини Абу Бакр бошкарди: тўрт кун аввал –хуфтон, уч кун – 5 маҳалдан, охирги кун – бомдод намози. Уч-тўрт марта Ойна она Пайғамбарга мурожаат килиб, одамлар буни ёмон хосият хисобламасинилар, деб Абу Бакрий имомликдан озод килишини сўрадилар. Пайғамбар катъяни рад жавобини берди.

Жобир айтишча, вафотларидан уч кун аввал Пайғамбар: “Вафот топаётган хар бир мўмин Аллоҳ тўғрисида факат яхни фикр килсан”, – деганлар. Бу ерда шундай маъни борки, ажали стаётган киши иолимаслиги, нечун менга Аллоҳ ажалини раво кўрятти, деган фикрдан йирок бўлмоги керак. Масалан, орамизда ўзининг рак касалига дучор бўлганини билиб туриб: “Берган дардингта хам шукур”, – дейдиган мўмин-мусулмонлар бор.

Шанба ёки якшанба куни Пайғамбар бироз ўзларини сингил хис килдилар ва икки киши хамроҳлигига пешин намозини жамоат билан ўкиш учун масжидга чиқдилар. Намозни бошкараётган Абу Бакр у кишини кўриб, намозни тўхтатмоқчи бўлди, аммо давом этишини имо килиб, Расууллоҳ хамроҳларидан Абу Бакр ёнига ўтқизишни сўрадилар. У кишини Абу

Бакрнинг чап ёнига ўтқиздилар. Абу Бакр Пайғамбарга иқтидо килган бўлди, одамлар эса факат такбирни эшишиб турдилар.

Вафотларидан бир кун аввал кўл остиларида барча қулларга юридик озодлик бердилар, ёнларида мавжуд бўлган 6 ёки 7 динор пулни хайр-эҳсон килдилар, ўзларига тегишли бўлган қуролларни мусулмонларга тухфа этдилар. 8-июн – вафот тоғлан кунлари, бомдод намози пайтида Ойша онанинг маёжидга караган деразасида парда очилиб, чиройли табассум килиб турган Пайғамбар кўринди. Беҳад хурсанд бўлиб кетган мусулмонлар намозни тўхтатмоқчи бўлишиди, аммо у киши давом этишини имо килдилар. Бу манзарадан сўнг кўичилик энг якин саҳобалар, Пайғамбар оғриклардан фориг бўлди, деб хисоблаб, ўз юмушлари билан тарқаб кетдилар. Расууллоҳ эса бу пайтда бирдан-бир хаёт фарзандлари Фотимани, набиралари – Ҳасан ва Ҳусайнини, никоҳларида барча аёлларини видолашиш учун хузурларига чакирдилар. Бирнеча соатдан сўнг Пайғамбарнинг жонлари узилди. Аёлларининг кий-чув фарёди Мухаммад (сав)нинг ажали етганини бутун Мадинага маълум килди.

Ҳечқачон гайритабаний ва мўжизакор салоҳиятга даъво қилмаган, аммо башарият тарихидаги охирги диний таълимотга асос солган буюк донишманд шундай рози-ризоликда, кўнгил тўклиқда вафот топди. Мухаммад (сав) ўзидан кейин мустакил фаолият кўрсатиш учун лозим бўлган барча нарсани – инсон ва Худо муносабатларининг умумий концепциясидан тортиб, аниқ белгиланган маросимчиликкача ўз ичига олган, муҳими, она тилида ва улар учун тушинарли образ ва тасаввурларда ифодаланган, жуда пухта ишланган, кучли мантиққа асосланган, тугал диний тизимни қолдириди. Мухаммад (сав) кабилалар устидан турган ва онгли равишда унга мансуб бўлишни янги, қабилалар устидан турган ва онгли равишда унга мансуб бўлишни англаб стган одамлар жамоасини тузишга эришди. Қанчалик бу хусусда баҳс-мунозара юритилмасин, ўз вафотидан олдин Пайғамбар диний-сиёсий жиҳатдан бутун Арабистон қабилаларини бирлаштирган ва кўлами жиҳатидан ўша даврнинг икки буюк давлати – Византия ва Эронга тенг келадиган империяни барпо қилди. Аммо айни пайтда шуни ҳам тан олиш

керакки, бу бирлашии биринчи наубатда Пайгамбарнинг шахси билан боғлик эди, алоҳида одамлар ёки кабила бошиликлари умумжамоага эмас, шахсан Мухаммад (сав)га касамёт килган эдидар. Яни сиёсий иттифокка киришининг асосий шакли ислом динини кабул килишга ўзифодасини топган бўлса, бу иттифокни бошкарган шахе бошка ҳеч кимла мавжуд бўлмаган курдатга эга эди. Ана шундай кудратли Зотнинг вафот этини билган илгариги алоқалар ва мажбуриятлар, кайсиdir маънода, кучини йўкотарди. Пайгамбардан кейин давлатни бошкарадиган шахслар диний илхом воситасида тузилиган жамоа – бирикмани эни сиёсий усуслар билан саклаб колиши талаб килинарди.

Ўзидан кейин Мухаммад (сав) мўминлар жамоасини ким бошкаришини айтиб кетмаган, ҳеч ким ундан бу хакла сўрамаган ҳам эди. Аммо энг нуфузли хисобланган Имом Бухорий ва Имом Муслим “Саҳих”ларида таъкидланинicha, вафотларидан тўрт кун аввали ёзини учун бирор нарса сўраганларида Мухаммад (сав)айнан ўзларидан кейинги меросхўрнинг исмини айтмокчи бўлганлар, атрофдаги гала-ғовурии кўргач, бу фикрдан кайтганлар, Ойша онага эса, алоҳида: “Уни (Абу Бакрни) дуо кил, мусулмонлар Абу Бакр хусусида ихтилоф килишларидан Аллоҳ асерасин!” – деганлар.

Расууллоҳнинг вафоти Мадина ахлини ларзага солди. То Абу Бакретиб келгунча, машъум хабар тарқалиб бўлган, масжид саҳни оломон билан тўлган эди. Умарнинг тасарруфотлари шу аснода ғалати кечди. Ойша она таъкидлашича, у аёллар дод-фарёдини ёшлитиб, эркаклардан деярли биринчи бўлиб етиб келди ва ал-Мугира иби Шульба билан биргаликда узр сўраб, ичкарига кирди. Ойша она, манабир соатча бўлдики, Расууллоҳ ўзига келмаяти, деди. Умар Пайгамбарнинг юзини очиб кўриб, ха, бу – Расууллоҳ бошдан кечирган энг кучли хушдан кетинига ўхшайди, деб юзни ёпди. Ал-Мугира эса остоная яқинлашгач, охиста: “Умар, Расууллоҳ саллогоҳ алайхи ва саллам вафот килибдилар”, – дейди. Умар эса жаҳл билан: “Ёлғон! Расууллоҳ ўлмаган ва мунофиқларни биттасини колдирмай кириб

ташламагунча ўлмайди ҳам. Сен эса – фитначисан”, – дейди. У масжид саҳнига чиқиб ҳам Пайгамбар вафотига ишонган одамларни хақораттай кетди, Мухаммад (сав) ўлмаган, вактинча Аллоҳ хузурига чакирилган ва, албатта, Мусо алайхиссалом каби 40 кундан кейин жамоага қайтади, деб одамларни ишонтиришга ҳаракат қилди. Хўш, Умарнинг бундай тасарруфотини қандай изоҳлаш мумкин? Чамаси, замонасининг етук инсонларидан хисобланган Умардек киши жамоа бошига тушган бундай кулфатдан биринчи лаҳзада эсанкираб қолган, ўзини қандай тутишини билмаган, тўгри карор кабул килиш учун унга вақт керак бўлган.

Шу аснода кизининг уйидан чиқиб келган Абу Бакр вазиятини тўғри баҳолаб, Умарни гандан тўхтатди ва жамоага шундай мурожаат қилди: “Эй, одамлар! Мухаммад (сав)га эътиқод қилган бўлсангиз, билингки, у вафот этди. Кимки Аллоҳга эътиқод қилган бўлса, У – абадий, ўлмас!” Шундан сўнг у Оли Имрон сурасининг 144-оятини тиловат қилди:

“Мұхаммад пайгамбардир, холос. Ундан олдин ҳам пайгамбарлар ўтган. Мабодо, у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизга (куфрга) қайтиб кетасизми?! Ортига қайтгани билан ҳеч ким Аллоҳга сира зарап етказа олмае. Аллоҳ шукур қилувчиларни, албатта, мукофотлагай.”

Бу сўзлар аччик ҳакиқатини тасдиқламоқда эди: жамоа дохийсиз қолганди. Мухаммад (сав) бир вақтнинг ўзида диний таълимот асосчиси, намоз бошқарувчиси (имом), сиёсий раҳбар, олий бош кўмандон, низоларни ажрим қилувчи-қози вазифаларини бажариб келганди. Намозни бошқариш – имомликни охирги кунларда у Абу Бакрга топширган ва бу ҳеч кимнинг эътирозига учрамаганди. Бахс-мунозара факат олий сиёсий ҳокимият борасида, Мухаммад (сав)га ким меросхўр бўлиши масаласида юз бериши мумкин эди.

Ҳали бу масала бўйича муҳожирларнинг раҳбарлари бир қарорга келиб улгурмаганлар ҳам эдики, бир гурух ансорлар бану Соъида маҳалласида йигилишиб, Мухаммад (сав)дан кейин давлатни бошкарадиган номзодни мугокама қилишаётгани ҳакида хабар келди. Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ва

бошка бирнече мухожирлар зуллик билан ўша мажлисга стиб бордилар. “Биз Аллохниң ансорларимиз (әрдамчиларимиз),-деб хитоб килаётганди ҳазражийларниң раҳбари Саъд ибн Убода, - Сизлар шаҳимизга күшилиб истикомат килаётган бизнин бир бұлғы изисін. Демек, мұмниларниң раҳбари ансор бўлмоги даркор.” Бонка ансорлар хам шу кабилда сўз котдилар. “Барча айтгандарнинг тўғри,-деб сўз оли, Абу Бакр,- аммо Куръонда мухожирларга афзаллик берилган:

Имон келтирган, хижрат килган ва Аллох йўлида (тоатида) моллари ва жонлари билан курапашлар Аллох назнода даражалари улкан зотлардир ва айнан ўшилар ютуқ этадаридир. Нарвардигорлари уларга ўз тарафидан раҳмат, ризолик ва улар учун неъматлари доимий (бўлмини) жаният (бог)лари тўғрисида хушхабар берур, (Tabba, 20-21).

(У ўзжалар яна) ўз лиёрларидан ва мол-мулкларидан хайдаб чиқарилган камбагал мухожирларницидир, зеро, улар Аллохдан фазл ва ризолик истайдилар хамда Аллох ва Уинн пайтамбарига ёрдам берадилар. Айнан ўшилар (имонларида) содиклирлар (Хатир, 8).

Бундан ташкири бошка араблар курайшийлардан бўлмаган кишининг ҳукмими кабул килмайдилар. Шунинг учун мен сизларга таклиф киламан, Умар ёки Абу Убайладаи бирини таинланглар!” Мухаммад (сав) билан Бадрдан бери доимо бирга урушларда қатианиб келган анзорий Хубоб ибн Мунизир: “Майли, бизга ўзимиздан раҳбар бўлсин, сизларга – ўзинглардан, эй мухожирлар”,- деди. Бу таклиф мухожирлар томонидан катъяни рад этилди. Аксарият араб манбаларида Умар ибн ал-Хаттоб Абу Бакр сайланишида фаол шерик бўлганини таъкидлашали. Аммо ал-Балазурыйда галати маълумот келтирилади: гўё Умар Абу Убайдага яқинлашиб, унга байъат килажагини айтади. Лекин Абу Убайда аччигланиб: “Исломни кабул килган кунингдан то бу кунгача сени ҳеч нарсада айблай олмайман, аммо қандай килиб, орамизда ас-Сиддик (яни Абу Бакр) – “икковидан иккинчиси” (Куръон ибораси: хижрат пайтида Савр горида Мухаммад (сав) ва Абу Бакр уч кун беркиниб турганига ишора) бўлса-ю, сен менга қасамёд қиласан?”,-деган. Шундан сўнг

Умар шиддат билан Абу Бакрга яқинлашиб: “Қўлингни чўз, ё Або Бакр, мен сенга қасамёд киламан”,- деган баланд овозда. Умардан кейин бирин-кетин, дастлаб мухожирлар, бироздан сўнг ўша ерда хозир бўлган анзорлар Абу Бакрга кўл бериб, қасамёд килдилар. Бу воқеа – “байъат ал-Хосса” (алоҳида таинланган шахслар қасамёди)номини олди. Эртаси куни Мадина масжидида “байъат ал-омма”, яъни барча мўмниларниң қасамёди бўлиб ўтди. Шу зайлда Абу Бакр “Халифату расулиллоҳи”, яъни “Аллоҳ элчисининг ўринбосари” деган уивонни олди ва у бошкарадиган, Пайғамбар тузиб кетган давлат кисқачасига “Халифат” деб атала бошлиди.

Кўп манбаларда қасамёд жараёни “фалтатан” (кутилмаганды, тўсатдан) рўй бергани ва биринчи наубатда мухожирлар-курайшийларни хотиржам килиш учун ўзининг биринчи хутбасида Абу Бакр ўта эҳтиёткорлик қилгани кайд этилади. Ўзинда Абу Бакр: “Мана, мен сизларниң ичингларда энг афзали бўлмасамда, менга қасамёд “фалтатан” – тўсатдан бўлгани боис, раҳбарнинглар бўлиб қолдим. Мен бу вазифани исён юз бериши мумкинлигидан кўркиб, қабул килдим... Мен ўз елкамга кучим етмайдиган, аммо уни кўтариним керак бўлган юкин олдим”,-деган экан.

Умумий қасамёд тутагач, Мадина мусулмонлари Пайғамбар жасади билан видолашув учун, барча – фақат эркаклагина эмас, аёллар ва ёш болалар хам – Ойнина она хонадонига оқиб келабошлашди. Мархум жасади атрофида энг якин қариношлар ва Пайғамбарниң бева қолган завжалари ўтирардилар, зиёратчилар бир эшикдан кириб, бошка эшикдан чиқиб кетардилар. Абу Бакр: “Менинг аниқ эсимда, Расууллоҳ, вафот этган жойида дағи этилмаган бирорта пайғамбар ўтмаган, деб айтгандилар” мазмунидаги келтирган ҳадиснга мувоғиқ Мухаммад (сав) хам вафот қилган жойида дағи этилди.

Пайғамбар ўзидан кейин унинг бошлаган ишини изчил ва иштиёқ билан давом этдирувчиларни қолдириб, хаётдан кўз юмди. Ислом таълимотининг дин ва ижтимоий тизим сифатида муваффакият қозонишида хам объектив, хам субъектив омилларниң бирдек аҳамияти катта. Уларниң 313

ицида энг мухим ўринин, шак – шубхасиз, ўзини оташин потик ва вөйиз, садокатли таргиготчи, орзуни хаёт билан, аңынаны яшилик билан, халқчылдиккиң якка хокимлик билан, хадимдиккиң катыйдик билан бөглай олган буюк сиёсий арбоб тимесиде намоён әттә Мұхаммад (сав) өзгәлді. Зотан тарихда бир марта ташкил этилған ислом давлати айнан уннинг номы билан бөглики, бу ўз нағбатида Мұхаммад (сав) шахсеннинг Шарқ ва Гарб тарихидаги ролини белгилаб бералы.

Маъруза 20. Илк ислом таълимотининг тизим сифатида шаклланиши

Инсоният одамлар, халқлар ва ижтимоий гурухлар ўртасида ҳамжихатликка эришишни донмо ўзига асосий мақсад қилиб келган. Оламда баркарор тинчлик ҳукм сурини учун турфа маданий анъаналярда тарбия тоңған инсонлар бир-бiriни тушуниши ва ҳурмат қилиши даркор. Ағсуски, “европоцентризм” тоғасыннан тарафдорлари бүлгап баъзи европалик тадқиқчилар гарбий Европа цивилизациясини универсал, барча учун татбиқ қылса бўлладиган андоза, деб ҳисоблайдилар. Албатта, бундай гайрииљмий фикрларга кўшилиб бўлмайди. Ер қозидаги барча маданият ёки цивилизация ўзига хос, ўзаро ҳамжихатликда ва ўз қонуни-коидаларига мувофик ривожланиб боради. Ҳар хил эътиқод вакиллари, жамият қурилишинга турлича карашда бўлган одамлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш замонамизнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб колмоқда.

Араб-мусулмон номини олган цивилизация барпо бўлишида аввалги маърузаларимиздан кўрганимиздек, Мұхаммад (сав) – Аллоҳ пайғамбари ва расулининг хизмати бекиёс бўлди. “Қола Расулуллоҳ” – Аллоҳнинг расули айтди, деган ибора Пайғамбар вафотидан сўнг сехрли ва айни дамда қонуний кучга эга бўлди. Диний ва дунёвий ҳокимиятни ўз кўлларига олган рошид халифалар Куръон ва Суннага асосланиб иш юритишлари лозим бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, ислом таълимотига Мұхаммад (сав) тамал тошини кўйган бўлса, кейинчалик у изчилик билан ривожланди. Мұхаммад (сав) эътиқод килган барча пайғамбарларниң тарихини жуда яхши биларди. Уларнинг ицида уннинг учун энг ҳурматилари - Нўх (ас) ва Иброҳим (ас)бу эътиқодни ўз замонларига мослаб, ислоҳ қилгандилар. VIIаср бошларида Арабистон яриморолида юзага келган мухитда Иброҳим (ас)нинг соғ

эътикоди (миллата Иброхим ханиф)ни тикланга көлир буюк ислоҳотчига яна эҳтиёж туғилди. Бу “вазифа” Мухаммад (сав) зимнасига тундиди, унга Аллоҳдан биринчи вахй келгандан бошилаб, Аллоҳнин әлчиси сифатида Унинг бўйрўклари (амрлариди бўлгарбонлаби). Қанчалик сода кўринимасин, биз ҳозир байн килган мухим назарий масала биринчи навбатда Куръон оятлари билан ўзининг мантикий исботини тоғади.

“Ал – Ислом” атамаси Куръони каримда семантик жихатдан “ал – имон” (эътикод) ва ад – дин (диний бурчлар мажмусасига якин маънода 8 марта Урайди. Этимологик жихатдан “Ислом” атамаси “салима” ўзагидан олинган бўлиб, дастлаб “салом – тиличик” маъносини англатган. У исломдан аввал арабларда ҳукм сурган “жохиллик”нин види сифатида ишлатилган. Фурқон сурасининг 63 оятида айнан шу маънода: “Рахмон (Аллоҳ)нинг бандалари ер юзида охииста юрадилар, жохиллар узарга хитоб килсалар, “салом” деб жавоб берадилар”, - дейилган. Бу ой, нима учун арабларнинг Мухаммад (сав)дан олдинги даври “жохилия” ва унинг даври “ислом” деб аталганини аник изоҳлаб бераянти.

Кейин “салима”дан олинган IV – боб “аслама” феъли (Аллоҳга) бўйсунмок, итоат этмоқ, ўзин бағишламок маъноларидан ишлатила бошилди. Шу феълининг сифатдоши “муслим” Аллоҳга итоат этиувчи ва унинг пайгамбарларига, қайсиси бўлинидан катти назар, Иброҳим (ас), Мусо (ас), Исо (ас) ва Мухаммад (сав)ларга ҳргашувчи барча инсонларга ишбат килинди. Куръон оятлари: “Бас, (эй, Мухаммад,) юзингиз (ўзингиз)ни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутини! Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англаниз!) Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир! Лекин қўп одамлар билмаслар” (Рум сураси, 30:30). Иброҳим ўз ўғилларига, шунингдек, (набираси) Яъкубга ҳам шу динни васият килиб дедилар: “Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни таилади. Бас, мусулмонлик холингиздагина (мусломуна) дунёдан ўтингиз!” (Бакара сураси, 2:132). Исо улардан куфрни сезгач, айтди:

“Аллоҳ сари (боришимда) менга ёрдамчилар ким?” Ҳаворийлар

айтдилар: “Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтиридик ва Аллоҳга (бўйин синувчи) мусулмон (мусломуна) эканимизга гувоҳ бўлгин (эй, Исо!) (Оли Имрон, 3:52). Кўриниб турибдики, барча ҳолатларда “мусломуна” (бирлиги-“муслим”) сўзи Куръонда зикр этилган ҳамма пайгамбарларга ишбатан турдош маънода, яъни Аллоҳга итоат қилиш маъносига ишлатилмоқда. Нихоят, Моида сурасининг 3 - оятида “Ислом” сўзи айни Мухаммад (сав) тарғибкىлган динга ишбатан унинг номи сифатида, грамматик жихатдан атоқли от маъносига ишлатилди: “Бугун динингларни такомулига етказдим, сизларга неъматимни охиригача бердим ва дининглар “Ислом” бўлишига рози бўлдим”.

Шу ўринда бир мухим масалага эътибор қаратишни истардик. Куръон маъноларини араб бўлмаган бошка шарқ тилларидан, хусусан ўзбек тилида ҳам, берини жараённида, кўпинча, “Ислом” сўзини асосан атоқли от, яъни “Ислом дини” сифатида ёки умуман таржимасизқолдиришади. Юкорида келтирилган мисоллар бу нареа доним ҳам ўзини оқламаслигини кўреатмоқда. Ўрни тақозо қилган ҳолатларда “ислом” сўзини турдош маънода берилса, мазмун янада кентаяди. Масалан, “Инна-д-дина индаллохи ал-Ислом” ояти каримасини “Аллоҳ наздида дин бу - Исломдир” ўрнига “Аллоҳ наздида дин бу - Аллоҳга итоат қилишдир” дейилса, бошқачароқ маъно чиқянти. Бир марта тавба қилган билан банда “кутумрагани” каби Аллоҳга итоат қилиш ҳам бир умр давом этадиган жараёндир. Бир куни Мухаммад (сав)дан қачондир тавба қилиш, Аллоҳ ҳузурига қайтиш хиссиятни ўзларида сезганимилар, деб сўралган саволга, у киши, мен бундай хиссиятни бир кунда етмиш марта бошимдан кечирардим, деб жавоб берган эканлар.

Исломнинг илк давридаёқ, Пайгамбар аник билгандиларки, бу диний таълимот худди тирик жон каби ривожланади, бепоён макон ва замон шароитларини, у ерларда яшайдиган одамларнинг урф-одатларини хисобга олади; бошқа диний таълимотлар тажрибасидан келиб чиқиб, мусулмон оламида ҳам гоявий ихтилофлар кучайишини тахмин қилгандилар.

Ҳақикатан хам ўрта асрларда авж олган исломдаги гоявий ихтилофлар түгрисида шунчалик кўп нарса ёзилсанки, фанда у бутун бир мустакил жаңр-имул-хилоф (доксография) деган номни оли. Бу хол хам Куръон ва Сунинада ўзининг ижобий ифодасини топсан экан. Куръонга кўра, инсоният учун тарихининг бошиданоқ маънавий камолот этинги очиб қўйилган, яъни барча ҳалкларга пайғамбарлар юборилиган экан. Монотеистик анъанаалар тарихида биринчи бор Куръон инсонларнинг эътиқодидаги турфалик Аллоҳнингиродасига мувоғик эканини таъкидлайди. Бундай турли-туманикумбашарий хамкорлик, уйгулук ва бир-биринибойитишига хизмат килмоги даркор: Эй, инсонлар! Дарҳакикат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик хамда бир-бирларингиз билан танишинингиз учун сизларни (турли-туман) ҳасислар ва қабила (злат)лар килиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наизидаги (энг азизу) мұкаррамрогингиз тақвадоррөгиниздири. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир.(Ҳужурот, 13).

Эзгулик ва тақво (йўли)да хамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да хамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқиниз! Албатта, Аллоҳ азоби каттиқ зотдир.(Моуда, 2).

Мусулмонлар барча бошқа эътиқод вакиллари билан имкон-даражада ижобий, конструктив ва хайриҳоҳлик рухида мулокот килмоклари керак: (Эй, Мухаммад!) Раббингизининг йўли (денинга) ҳикмат ва чиройли насихат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорнингизининг ўзи Унинг йўлидан chalғиган кимсаларни яхши билувчи ва хидоят тонгнларни хам У билувчироқдир.(Наҳл, 125).

Куръон таълим берадики, барча пайғамбарлар якка-ю, ягона Худога эътиқод килишга асосланган битта дин – тавхидни тарғиб қилганлар. Бошқачасига айтганда, Куръонга кўра, пайғамбарлар учун умумий бўлган яккахудолик бу – Ислом!

(Эй, Мухаммад!) албатта, Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга вахий юборганимиз каби Сизга хам вахий юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди, Исо, Айюб, Юпус, Ҳорун ва Сулаймонга хам вахий юборганимиз. Довудга эса Забур (китобини) бердик.(Нисо, 163).

Дарвоке, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилингиз ва шайтондан йироқлашингиз!» (деган вахий билан) пайғамбар юборганимиз.(Наҳл, 36).

(Эй, инсонлар!) Сизларнинг ушбу диннингиз (аслида) бир дин (яъни Ислом)дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздириман. Бас, Менга ибодат қилингиз!(Анбиёт, 92).

Шу бонсан, Куръон аввалиги пайғамбарлар тарғиб қилган барча рисолаларга садоқат билдиради:

Албатта, имон келтирганлар, шунингдек, яхудий бўлганлар, собинийлар (фаришталарга сингинувчилар) ва насронийлардан Аллоҳ ва охирги Кунга имон келтириб, савобли иш(лар)ни қилганлари учун (охиратда) хавф йўқ ва улар ташвиши хам чекмайдилар. (Моуда, 69).

Қатъий яккахудолик нуқтаси назаридан фақат Худо – бир, бошка хамма нарса ҳар хил. Демак, башариятининг бирлиги айни вақтда, албатта, турфаликни тақозо қиласди, шу жумладан, диний соҳада хам. Куръон кайтада таъкидлайдики, бундай турли-туманик Худонинг оламни яратиш режасига тўлиқ мос келади. Колаверса, Пайғамбарнинг “Ихтилоф умматий рахматун”, “Умматимнинг ихтилофлари (турли-туман фикрлари) – Аллоҳнинг марҳаматидир”, деган мазмуидаги машҳур ҳадиси хам бу мулҳазаларни тасдиқлайди.

Ислом динининг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва таъқиқлари Куръон ва унинг тафсирларида, ҳадис тўпламлари ва шариат кўлланмаларида, шунингдек, илоҳиёт адабиётларида ўз аксини топган.

Исломнинг 5 “устуни” (ал – аркон ал – хамса) ёки асоси қўйидагилар: 1) аи – шахада – Аллохнин ягоналиги (ал – тавхид) ва Мухаммад (сав) ининг пайғамбарлигини (иубувва) ётироф этиши; 2) ас – салот (намоз); 3) аз – закот (йўқенларни маддий жижадан таъминлантириш); 4) ас – салм (рўза туни); 5) ал – хажж (имкони бўлса мукалдае Макка ва Мадинага зиёрат амалини адо этиши). Шудардан биринчиси – имон ва қолганилари ибодат деб ётироф этилган. “Имон муфассал”, яъни тўлик имон. 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фариншаларига, мукалдае китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхилийик ва ёмонлик Аллохнин иродаси билан бўлишини)га ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишни ўз ичига олади. Исломда Хатна, Рўза хайити, курбонлик ва Қурбон хайити, Атика, Мавлид, Худойи, Ашуро каби ўзига хос маросимчилик хам таркиб топди. Бундан ташкари, кейинчалик маҳаллий ҳалқларда исломтacha мавжуд бўлган урф-олатлар, жумладан, фол очириши, дам солдириши, азиз-авлиёларга хурмат билдириши ва мукалдае қадамжоларга зиёрат килини хам ислом маросимчилиги билан мосланиб кетди.

Демак, Ислом таълимоти ақидалар ва амалларни ўз ичига олади. Бу Қуръони карим Бакара сурасининг 2-4 оятлари, ан-Нисо сурасининг 36 ояти хамда Нахъи сурасининг 51 оятларида ўз ифодасини тонгган: “Унбу (илоҳий) китоб (Қуръон) шубҳадан холи ва (у шундай) тақвдорлар учун хидоят (манбай)дирким, улар гойб (диний хабарлар)га имон келтираётган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Биз ризқ килиб берган нарсалардан (салака ва) эҳсон киладиганлардир. Яна, улар Сиз (Мухаммад)га ва Сиздан илгари (ўтган пайғамбарларга) нозил килинган нарса (илоҳий китоблар)га имон келтирадиган ҳамда охират (киёмат)га каттый ишонч хосил киладиганлардир”. Аллоҳга ибодат килингизлар ва Унга ҳеч нарсани шерик килмангизлар!”. Аллоҳ: “Икки худони илоҳ килиб олманглар! Албатта, У ягона илоҳдир! Бас, Мендангина кўркингиз!” - деди. Ислом ақондининг энг биринчи асоси бутун борликни яратувчи, якка – ю, ягона, шериги бўлмаган Аллоҳга ишонмоқдир: “Дегил: “ Аллоҳ - ягона. Аллоҳ – абад, ўзгармас.

Тугмаган - тугилмаган. Ҳечким Унга тенг эрмас!”(Ихлос сураси, таржима бизники – А.Х.). У инсонлардан баъзиларни (Иброҳим, Мусо, Исо, Мухаммад каби) таълаб олган ва улар билан «ваҳий» орқали боғланган. Бу хакда Қуръони каримнинг Нисо сураси 163 оятида шундай келтирилган: “(Эй, Мухаммад.) албатта, Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга вахий юборганимиз каби Сизга ҳам вахий юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъкуб ва унинг авлоди, Исо, Айюб, Юпус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам вахий юборганимиз. Довудга эса Забур бердик”.

Қуръонга кўра, барча самовий динларнинг асли бир, улар «тавхид»га, «ширқ»ка берилмасликка давлат қиласди. Аммо уларнинг баъзи таълимотларига ўзгаришлар кирди. 615 йилда Ҳабашистонга ҳижрат қилган биринчи мусудмон жамоасидан Нажоий “қавмнингиздан сизларни ажратган дин, қандай дин? Нима сабабдан бизнинг динимизга ҳам кирмадинглар?”, деб сўраганда Пайғамбарнинг амакиваччалари Жаъфар ибн Аби Толиб илк ислом таълимотини содда қилиб қўйидагича изоҳлаган: “Эй, подшо, биз маълум кишини пайғамбар қилиб юборди. Бизни ёлгиз Аллоҳгагина ибодат қилингига, ота – боболаримиз ибодат қилган, тошлардан ясалган санамларни қилингига, тарк этишга, рост сўйлашга, омонатга хиёнат қилмасликка, кориндошлик тарк этишга, рост сўйлашга, омонатга хиёнат қилмасликка, қавмимиздан, алоқаларини боғлашга, яхши қўшичиликка буюрди. Ҳаром хисобланган ноҳақ қон тўкишдан, ёмон хулклардан бўлган қасддан ёлғон сўзлашдан, етимларнинг молини ейишдан, покиза аёлларга тухмат қилишдан қайтарди. Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка, намоз ўқишга, закот беришга, рўза тутишга буюрди. Биз у кишига ишондик ва имон келтирдик. Шу сабабдан қавмимиз бизга душманлик қилиб, динимиздан қайтариб, яна бутларга ибодат қилишга ўтасизлар, деб бизни азобладилар, зулм қилдилар.

Динимизни сактаймиз деб, бонка диёрларга бормай. Сизнинг юртингизда мазлум бўлмасмиз, деб умид килиб, диёрингизни ихтиёр олдик”.

Ислом таълимотига кўра, бу дунё ҳайтидан сўнг бонка ҳайт – явм аддин, киёмат куни, хисоб куни деб атаган охири. Сер. Куръони каримининг Мутминун сураси 15 -16 сурасида келтирилишича: “Сўнгра, албатта, сизлар (эй, инсонлар,) мана шундан кейин, албатта, вафот этувчирирезлар. Сўнгра сизлар, албатта, киёмат куни қайта тирилурсизлар.”

Моддий оламдан ташкирида рухий олам мавжуд бўлиб, унда иккι турдаги рухлар – ёзгуликка чорловчи фариншадар ва ёзувликка эзувччи шайтонлар бор.

Амалларга келсак, улар юкорида зикр этилган 5 «арконинг кейинги 4 тасини ўз ичига олади.

Маълумки, барча замонларда, катимда, ўрга асрларда ва хозир хам доимо жамиятининг энг долзарб масалаларидан бири комил инсонни тарбиялаш мумомси бўлиб келган. Шеирлар ва ёзувчилар, файласуфлар ва драматурглар бу масалада ўз караниларига ғалар. Куръонда бу мавзуга багишланган маҳсус бўлим йўқ, аммо “ал-Иср” сурасининг 25-38 оялларида мўмин киши қандай бўлиши кераклиги хакида сўз юритилади:

“(Эй, инсонлар!) Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчиидир. Агар сизлар солих бўлсангиз, албатта, У тавба килувчиларни магфират этувчиидир”.

“Кариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) хакларини адо этинг* ва ирофгарчиликка мутлако йўл қўйманг!

Чунки, ирофгарлар шайтонларининг биродарлариидир. Шайтон эса, Парвардигорига иисбатан ўта ишшукур эди.”

“Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор холингизда улардан (кариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у холда уларга юмшок сўз айтинг!”.

“(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Ирофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз”.

“Шубҳасиз, Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг ҳам, танг ҳам килур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир”.

“(Эй, инсонлар!) Болаларингизни қашшоқликдан қўрқиб ўлдиримангиз – уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир”.

“Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фахш ва ёмон йўлдир.”

“Аллоҳ тақиқлаган жонни ўлдиримангиз, магар ҳак (шаръий сабаб) билангина мумкин. Кимки зулман (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, Биз унинг эгаси (вориси) учун (қасос олинига) салтанат (хукуқ) бердик. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин!* Зоро, у ёрдам берилувчи шахедир”.

“Етимининг молига, то у вояга етганича, яқинлашмангиз, илло чиройли йўсенида бўлса майли. Ахдга вафо қилингиз! Зоро, ахд-паймон (киёмат куни) сўраладиган ишдир”.

“(Савдо-сотикда) ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўқис қилингиз ва тўғри тарозида тортингиз! Мана шу яхши ва чиройли ечим (хукм)дир”.

“(Эй, инсон!) Ўзинг (аник) билмаган нарсага эргашма! Чунки, кулок, кўз, дилининг хар бири тўғрисида (хар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)”.

“Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёкларинг билан) зинхорерни теша олмайсан ва узунилкда төгларга ета олмайсан”.

Умуман олганда, Куръондакелтирилган ахлоқ нормалари иккι турдадир. Бири – хусни одобга ўргатиш: “Эй, имон келтирганлар! Ўз шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангизлар.”

(24:27). “Қачон сизларга бирор саломлашни билдиң салом берилса, сизлар ундан чиройлирек килиб алик олинилар ёки ўша (ибора)ни кайтаринглар. Албатта, Аллох ҳар бир нарсани хисобга олувчиидир” (4:86). Иккинчиси – ваздага вафо кишилар кининчиликтарга сабр - бардошли бўлини, яхни ва ёмонга адодатли бўлини, имкон даражасида кечиримли бўлини, гулувга беришмаган холда иффатли бўлини каби том маънодаги одобахлюкка даяват этишидир. “Албатта, имон келтирган ва факат Парвардигорларига таваккул киладигандар устидан у (шайтон) учун хен қандай салтанат (хукмронлик) йўқидир” (16:99). “... келишилган аҳларига вафо килувчилар, шунингдек, оғир – енгист күнларда ва жанг пайтида сабр килувчилар яхши кишиларидир” (2:177).

Ислом қабилачиликка, насл – наслаб билдиң фаҳранинга барҳам берди, факат Аллоҳга итоат этини, унинг амрини бажо кишини билдиң ишонилар обрў – этиборга эга бўлинингларини таъкидлади: “... Албатта, Аллох иззидиа энг азизу мукаррамингиз энг тақвадорни издири...” (49:13). “Албатта, мўминлар оға – ишинилар. Бае, сизлар иккى оға – ишинигиз ўртасини тузатиб қўйинглар ва Аллоҳдан кўркинглар, шояд раҳм килинсангизлар” (49:10). Ҳадисда “кимки, “асабийлик”ка даяват қиласа ёки “асабийлик” юзасидан урушса, биздан эмас. дейилган”.

Нихоят, ислом Аллоҳга, унинг Расулига ва умматдан ташланган раҳбарга итоат этишиликка катъий буюорди: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарлар)га итоат этингиз!” (4:59).

Умуман олганда, Куръони каримда беш юзга якни ислом аҳкомлари келган бўлиб, муфассир уламолар уларни ажратиб олиб, алоҳида хукм оятларининг тафсирларини ёзгандар. Бундай тафсир ёзиш харакати ҳозир хам давом этиб келмоқда. Шунингдек, Пайгамбар суннатидан хам хукмга онд ҳадисларни ажратиб олиб, алоҳида китоблар тасниф килинган.

Ислом таълимотига кўра, барча мусулмонлар бир – бирларига хайриҳоҳ, бир – бирларини яхши ва савобли ишларга ташвиқот қилувчи,

ёмон ва гуноҳ ишлардан бир – бирларини қайтарувчи бўлишлари лозим. Буни исломда “Амру маъруф ва нахий мункар”, яни яхшиликка буюромок, ёмонликдан қайтармок, дейилади. Шариатда бу олийжаноб ҳулкка эга бўлмок фарзу кифоя даражасига кўтарилиган. Бу дегани, жамият аъзолари ичидан бальзи кишилар “амру маъруф ва нахий мункар” ила шутулланмаса, жамият аъзоларининг барчалари гуноҳкор бўлади. Бу вазифани қисман кишилар бажарсалар, бошқа аъзолардан худди жаноза намози каби масъулият сокит бўлур.

Куръони карим “Оли Имрон” сурасининг 104 – оятида, сизлардан бир тоифа кишилар, одамларни яхшиликка чакириб, эзгуликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчи бўлсинлар, дейилади. Жаноб Пайгамбаримиз (сав) эса: “Сизлардан қайси бирингиз потўғри ишни кўрса, кўли илиа тузатсан, агар ундан килинга кодир бўлмаса, тили илиа тузатсан, агар унга ҳам кодир бўлмаса, қалбидан потўғри бўлаётганини билиб, ачинсин”, – деганлар. Расулуллоҳ (сав) иккинчи бир ҳадис шарифларида: “Сизлар кишиларни яхши савобли ишиларга буюриб, ёмон, гуноҳ ишлардан албатта қайтарасизлар. Агар шундай қилмасаларинг, Аллоҳ сизларга бирор азоб, бало юбориши шундай қилмасаларинг, Аллоҳ сизларга бирор азоб, бало юбориши эҳтимолдан холи эмас” – дедилар. Ҳаттоқи, Расулуллоҳ (сав) гуноҳ ишни “жамоа”, деб иддао қилмоқдалар.

Исломда кишининг ўз ота – онасига бўлган хурмати, ўрталаридаги муносабат алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур муносабат Куръон каримнинг муносабат алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур муносабат Куръон каримнинг 23-24 оятида куйидагича баён қилинган: “Сизни Роббингиз, “Исрө” сураси 23-24 оятида куйидагича баён қилинган: “Сизни Роббингиз, факат Унгагина ибодат қилишларингга ва ота – оналарга яхши муюмалада бўлишларингизга буюради. Айниқса улардан битталари ёки иккалалари хам ёшлари улғайнib, сенинг қарамогингда бўлсалар, ҳаргиз уларга малол келадиган, оғир ботадиган «уф» сўзини айтма, уларга

овозингин күтариб сўзлама. Факат уларга мулойим, ширин, олийжаноб сўзлар ила мурожаъат килт". Шу билан бирга ота оналарнинг хам фарзандлар оддига катта масъулиятилари, вазифалари бор. Исломда бола тарбияси, энг масъулияти ва уга чухум вазифалардан бири хисобланади.

Аллоҳ ота – оналарга яхшилик килишдан сўни кариндошлиларга яхшилик килишга буорали. Исломда кариндошлилар ила доимий яхни алокасда бўлиш – “Силаи раҳм”- кариндошликин улани, хурматлани, дейилади. Бир хадисда кариндошлилк алокасини узган кини, жанинга кирмайди, дейилган. Исломда ҳар бир инсонни ўзига муносаб, унинг хурматини жойига кўйиб, камситмай, муомала килиш тавсия этилган.

Нихоят, исломда жамоатининг аҳамияти каттадир. Жамоат - бир тоифа кишиларнинг маълум жойда истикомат килинишыни айнан бизнинг ўзини ўзи бошқарувчи “Махалла” институти, демактири. Шарнат конунидаги жамоат аъзоларининг хаммалари тенг хукукка ғадирилар. Жамият аъзолари ҳар доим бир – бирларининг ахволларидан огоҳ бўлиб туринистари, бир – бирларининг хожатларини чиқариб туришлари, яхшиликда ҳамкор, мусибатда ҳамлард, кийналганиларга мададкор бўлишилари лозим. Жамиятининг соглом, бакувват, мустакил, маъданиятли бўлинни аъзоларининг бир – бирлари ила иттифок бўлиши, уларнинг ўзаро ахил, ҳар ким ўзини ва ўзгаларни хурмат килиши, жамиятдаги ҳокимларининг маҳкумлар ила баробар эканлиги, шаръий конунлар ҳамма учун баробар бўлишига, яъни конун устуворлигига boglikdir.

Ушбу ислом аҳкомлари, шак – шубҳасиз, жоҳилия урф – одатларидан тубдан фарқ қиласди. Юксак ахлокка асосланган ислом маънавияти Арабистон бўйлаб галаба қозонгач, сескин – аста бадавийликка асосланган «Жоҳилия» маънавияти барҳам топди.